


САНОАТ РИВОЖЛАНИШИ БҮЙИЧА
БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

ЎЗ ИШИНГИЗНИ ЯРАТИНГ
ЁКИ

ТАДБИРКОР НИМАЛАРНИ ГИЛИШИ ЛОЗИМ

(саъдуотлар, тавсигар, маслаҳатлар)



Тошкент ш. - 2003



САНОАТ РИВОЖЛАНИШИ БЎЙИЧА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

“Ўз Ишингизни яратинг ёки тадбиркор нималарни билиши лозим” - Тошкент шаҳри, ЮНИДО, “Бизнес-маслаҳат маркази” лойиҳаси, 2003 г.

Китоб ўз ишини бошлиётган ҳамда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун маълумот-ахборот кўлланмаси бўлиб, у бизнесни ташкил этиш ва ривожлантиришга таалуқли бўлган кенг қамровли масалаларни – корхоналарни рўйхатга олиш ва тугатиш, фандрайзинг, маркетинг, менеджмент, бизнесни юритишининг юридик жиҳатлари, солиққа тортиш, бухгалтерлик ҳисоби, КўБни қўллаб-куватловчи бозор инфратузилмалари институтлари билан алоқаларни ўз ичига олади.

Китобни тайёрлашда 1994 йилда Руминияда ЮНИДОнинг ҳомийлиги остида “Кичик ва ўрта бизнесга кўмаклашиш” лойиҳаси доираларида чиқарилган (DP/ROM/90/002) айнан шундай қўлланмани (“Тадбиркорлар учун кўлланма”) нашр этиш тажрибаси ҳисобга олинди.

Ўзбекистон Республикасининг бизнес-инкубаторлар ва технопарклар Уюшмасига ҳамкорлик учун, шунингдек Тошкент шаҳридаги “Химоя” ҳуқуқ марказига тақдим қилган маълумотлари учун миннатдорчилик билдирамиз.



UNITED NATIONS INDUSTRIAL DEVELOPMENT ORGANIZATION

Create Your Business or what should an entrepreneur know

(information, recommendations, advice)

Copyright © May 2003

United Nations Industrial Development Organization

Acknowledgements

This Guide is an output of the UNIDO Integrated Program for Uzbekistan, within the framework of the component Business Advisory Services. The Guide is based on the work of UNIDO project team in Romania (DP/Rom/90/002). It was adapted to the economic situation in Uzbekistan by:

Khatam Khakimov, Alexander Karapetov.

Мундарижа

<i>Муаллифлардан</i>	6
1 Боб. <i>Корхонани қандай ташкил этиш ва тугатиш мумкин</i>	8
1.1 Бизнесни юритиш шакллари	9
1.2 Энг яхши юридик шаклни қандай танлаш мумкин?.....	10
1.3 Корхонагиз номи	16
1.4 Корхонани қандай яратиш мумкин?.....	17
1.5 Корхонани қандай тугатиш мумкин?.....	25
1.6 КҮБ субъектларини ташкил этиш ва тугатиш масалаларини тартибга солувчи асосий қонулар.....	26
2 Боб. <i>Зарур алоқалар</i>	31
2.1 Тадбиркорликка ёрдам берувчи муассасалар ва ташкилотлар	33
3 Боб. <i>Пулни қандай топиш мумкин</i>	45
3.1 Бевосита инвестициялар	47
3.2 Кредитлар ва лизинг	49
3.3 Грантлар	62
4 Боб. <i>Бизнесни юритишнинг юридик масалалари</i>	69
4.1 Шартномани қандай түғри тузиш мумкин	71
4.2 Бизнес хавфсизлиги	79
4.3 Тадбиркор сифатида Сиз қандай ҳукук ва кафолатларга эгасиз?.....	81
4.4 Хўжалик судида даъволарни кўриб чиқиши.....	83
5 Боб. <i>Маркетинг асослари</i>	97
5.1 Маркетинг концепцияси ва маркетингни бошқариш	99
5.2 Маркетинг режаси нима?	100
5.3 Маркетинг режасини қандай ишлаб чиқиш мумкин	101
5.4 Маркетинг режаси ёки бизнес-режа?	118
5.5 Ташқи бозорга чиқишининг маркетинг стратегияси	119
5.6 Конунчиликни хисобга олишни талаб қилувчи маркетинг қарорлари	120

6 Боб.	Солиқларни эсдан чиқарманг	121
6.1	Ўзбекистонда соликқа тортиш тизими	123
6.2	Соддалаштирилган соликқа тортиш (ягона солик).....	128
6.3	КўБ субъектларини соликқа тортишни тартибга солувчи айрим асосий қонунчилик ва меъёрий хужжатлар	131
7 Боб.	Бухгалтерлик ҳисоби	137
7.1	Бухгалтерлик ҳисобининг асосий тамойиллари ва қоидалари	139
7.2	Молиявий ҳисобот	141
7.3	Махсулот таинархи. Нарх	143
7.4	Бухгалтерлик баланси	148
7.5	Пул маблағлари харакати тўғрисидаги ҳисобот	151
7.6	Молиявий-хўжалик фаолияти иатижалари тўғрисида ҳисобот	152
7.7	Дебиторлар ва кредиторлар	155
7.8	Молиявий коэффициентлар	156
7.9	Бюджет нима ва уни қандай тузиш керак?	158
7.10	Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик	163
8 Боб.	Бизнес-режа	167
8.1	Бизнес-режалаштириш босқичлари	169
8.2	Бизнес-режанинг асосий бўлимлари	170
8.3	Инвестиция ҳисоб-китобини қандай олиб бориш керак?	182
8.4	Техник-иктисодий ҳужжатларга бўлган меъёрий талаблар	187

МУАЛЛИФЛАРДАН

Хурматли китобхон!

Сиз қўлингизга ушбу қўлланмани олган экансиз, демак, ўз Ишингизни яратиш йўлида биринчи қадамни ташладингиз. Биз бу сўзни онгли равишда катта ҳарфда ёздик, чунки бизнинг замонда – ишбилармонлик ва ташаббускорлик замонида, Сиз бошламоқчи бўлган ёки бошлаб бўлган бизнес эҳтимолдан ҳоли эмаски, бутун ҳаётингиз Иши бўлиб қолиши мумкин.

Шундай бўлиши ҳам мумкинки, Сиз бизнесга эндиғина кириб келган одам эмассиз, лекин Сизда жавобини олиш лозим бўлган бир қатор саволлар тўпланиб қолган. Умид қиламизки, хар қандай ҳолда ҳам Сиз мазкур китобда ўз бизнесингизни юритища умуман оддий, лекин жуда муҳим бўлган масалалар тўғрисида фойдали ва қизиқарли маълумотларни оласиз, яъни: ўз бизнесингизни қандай ташкил қилиш ва ривожлантириш мумкин, молиявий маблаглар ва шерикларни қандай ва қаердан топиш мумкин, шунингдек кўпгина бошқа масалалар.

Албатта, битта китобда барча юзага келадиган саволларга жавоб бериш мумкин эмас, бунинг устига у малакали эксперталар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ва шубҳасиз, бизнесни юритиш шахсий тажрибасининг ўрнини боса олмайди. Шу муносабат билан биз мазкур нашрда тадбиркорларга зарур ёрдамни кўрсатувчи ва Сизнинг доимий, ишончли шеригингиз бўлиши мумкин бўлган ташкилотлар ва тузилмалар тўғрисида маълумотлар келтирдик. Улар қаторида - давлат маъмурий органлари ҳамда мамлакатимиз Ҳукумати томонидан кичик ва ўрта бизнесни мажмуавий ривожлантиришга доир сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш доираларида ташкил этилаётган бозор инфратузилмаси институтлари ҳам мавжуд.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки, миллий иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантиришга доир фаолиятда халқаро ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқда (Жаҳон банки, БМТ, Европа Ҳамжамияти, Германия Техника маркази ва б.). Хусусан, мазкур нашр ҳам Саноат Ривожланиши бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНИДО) нинг ташаббуси ва молиявий кўмаги туфайли юзага келди. Китоб иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар учун тайёрланган ЮНИДО нинг мослаштирилган нашр варианти ҳисобланади.


Умид қиламизки, китоб билан танишиб чиққач, Сиз бизнес оламида керакли маълумотларга эга бўласиз, ва ҳеч бўлмаганда, асосий тушунчалар хосил қилиб, ҳал қилиниши лозим бўлган бирор бир масалалар ва муаммолар юзага келганда “такиллатиб” боришингиз мумкин бўлган “эшиклар”ни билиб оласиз.


Сизга ҳаётда ва бизнесингизда муваффақиятлар тилаймиз!

1 Боб

**Корхонани қандай ташкил этиш
ва тугатиш мумкин**







1.1. БИЗНЕСНИ ЎРИТИШ ШАКЛЛАРИ

Келинг, энг осон нарсаларга, яъни тадбиркорлик нима ва “тадбиркорлар” деб кимларга айтилиши ҳақида тушунча берайлик.

Республикамизда амал қилувчи қонунчиликка асосан **тадбиркорлик фаолияти** (тадбиркорлик) деб, тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан даромад (фойда) олиш мақсадида ўз мулклари миқёсида ва **таваккалчилик** асосидаги фаолиятига айтилади.

Бунда, Сиз билгандек, ҳам юридик шахе ташкил қилган ҳолда, ҳам юридик шахс ташкил қилмай бизнес билан шуғулланиш мумкин. Тадбиркорликнинг асосий юридик шакллари қўйидагилардир:

1) юридик шахс ташкил қилмасдан – хусусий тадбиркорлик (ХТ) – жисмоний шахс томонидан лицензия (патент) олиш асосида бизнесни юритиш тушунилади;

2) юридик шахс ташкил қилиш асосида:

а) хусусий корхона (корхонанинг ягона таъсисчиси бўлган битта жисмоний шахс томонидан ташкил қилинган).

б) хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (дастлабки устав капиталини ташкил қилувчи ва ширкатнинг ёки жамиятнинг таъсисчилари бўлган, иккитадан кам бўлмаган қатнашцидан иборат):

- тўлиқ ва коммандит ширкатлар;
- масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар (МЧЖ ва КМЖ);
- акционерлик жамиятлари (АЖ).

Бундан ташқари, **мулкчилик шаклига кўра** қўйидаги турдаги корхоналар мавжуд:

- **жисмоний шахсларнинг хусусий мулкига асосланган;**
- **ширкат (жамоа) мулкига асосланган** - жамоа, оиласи, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари; мулкчиликнинг бошқа шаклларига асосланган хўжалик жамиятларига ва ширкатларига, ижтимоий ва диний ташкилотларга;
- **давлат мулкига асосланган** – республика давлат корхонаси, Коракалпогистон Республикаси давлат корхонаси, вилоятлараро, туманлараро, туман, шахар давлат ва бошқа турдаги корхоналар;
- **мулкчиликнинг аралаш шаклидаги** – давлатлараро, қўшма ва турли мулкчиликнинг тўлиқ ёки ҳиссали қатнашувига асосланган.

Бунда “тадбиркорлик субъекти” сифатида ёки “кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари” деб, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўtkазилган ва тадбиркорлик фаолиятини юритаётган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади, хусусан:

- **хусусий тадбиркорлар;**
- **микрофирмалар** – ишлаб чиқаришда банд бўлган ва ўртacha йиллик ишчилар сони 10 тадан кўп бўлмаган, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда эса 5 тадан кўп бўлмаган;
- **кичик корхоналар** – саноат соҳасида банд бўлган, ўртacha йиллик ишчилар сони 40 тадан кўп бўлмаган, курилиш, қишлоқ хўжалик ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 20 тадан кўп бўлмаган; фан, фанга хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва ишлаб чиқаришдан ташқари бошқа соҳаларда – 10 тадан кўп бўлмаган;
- **ўрта корхоналар ўртacha йиллик ишчилар сони:** саноатда –100 кишидан кўп бўлмаган; курилишда – 50 киши; қишлоқ хўжалигида ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида, улгуржи савдода, умумий овқатланишда – 30 кишидан кўп бўлмаган; чакана савдо, хизмат кўрсатиш соҳасида ва бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда – 20 кишидан кўп бўлмаган.

1.2. ЭНГ ЯХШИ ЮРИДИК ШАКЛНИ ҚАНДАЙ ТАНЛАШ МУМКИН?

Сизнинг бизнесингизга энг қулай бўлган юридик шаклни яхшилаб танланг! Бунинг натижасида Сизнинг бизнесингизнинг ютуғи таъминланади. Юридик шаклни танлаш куйидагиларга bogлиq бўлади:

- бизнеснинг типи (унинг мақсади ва вазифалари), миқёси;
- келгусидаги ҳамкорлар сони, улар ҳар бирининг қатнашиш даражаси ва масъулияти;
- тасарруфдаги маблағлар ва қонунда белгиланган устав фондининг минимал миқдори;
- ҳар бир ҳамкорнинг устав фондидағи ҳиссаси;
- санаб ўтилган ҳар бир юридик шаклнинг ҳусусиятлари.

Ушбу танловни осонлаштириш учун қонунчиликда рузҳат берилган тадбиркорлик шаклларини қисқача баён қилиб ўтамиз.

1.2.1. Хусусий тадбиркорлик

Хусусий тадбиркорлик деб, жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятининг юритилиши тушунилади:

- юридик шахс ташкил қилмасдан;
- мустақил равишда, ишчиларни ёллаш ҳуқуқисиз;
- тадбиркорга тегишли мулк асосида, шунингдек мулкка эгалик қилиш ва мулкдан фойдаланишнинг бошқа ҳуқуқига асосан.

Маълумот учун: Ҳозирги кундаги хусусий тадбиркорликнинг оммавий турларидан бири – ҳалқ истеъмоли товарларини импорти ва кейинчалик сотилиши (“челноклар” деб аталадиган). Амалдаги қонунчиликка кўра, бундай фаолият билан шугулланувчи жисмоний шахслар юридик шахс ташкил қилмай экспорт-импорт операцияларини, улгуржи ва чакана савдони амалга оширувчилар сифатида рўйхатдан ўтишилари шарт.

Хусусий тадбиркорликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- шахсий тадбиркорлик (битта фуқаро);

- *қўшиш тадбиркорлик* (фукаролар гурухидан иборат хусусий тадбиркорлар). Ўз навбатида, *қўшиш тадбиркорлик* қўйидаги шаклларда амал қилиши мумкин:
 - *оилавий тадбиркорлик*, биргаликдаги мулк асосида эр-хотинлар томонидан амалга оширилади;
 - *юридик шахс ташкил қўлмаган дехқон хўжаликлари*;
 - *оддий ширкатлар* – кўшма хўжалик юритиш тўғрисидаги шартномага асосланган.

Хусусий тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишининг хусусиятлари:

- рўйхатдан ўтказиш туман, шаҳар, туман (мурожаат эгувчининг доимий турар жойидаги шаҳарда) ҳокимиятлари томонидан “**битта дарча**”, яъни бир вақтнинг ўзида солик ташкилотларида ҳам ҳисобга олиш тамоилии бўйича амалга оширилади;
- рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги қарор (ёки асосланган рад жавоби) рўйхатдан ўтказувчи ташкилот томонидан жисмоний шахс керакли ҳужжатлар билан биргаликда (шахсан) ариза топширган пайтдан 3 кундан кечиктирмай қабул қилинади. Агар, мурожаат этувчи рад жавобини асоссиз деб ҳисобласа, у бу қарор устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга;
- муҳр ва тамғани тайёрлашни расмийлаштиришга ички ишлар ташкилотидан рұхсат олиш ва тегишли давлат ташкилотларида ҳисобга қўйишининг умумий муддати зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза топширилган пайтдан бошлаб 8 иш кунидан ошмаслиги керак;
- жисмоний шахсга аризада кўрсатилган вақтга рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома банк ёки аҳолидан тўловларни қабул қиласиган бошқа кредит ташкилоти орқали рўйхатдан ўтказиш учун толов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилгандан кейин берилади (ушбу гувоҳнома хусусий тадбиркорларга банкда ҳисоб раками очишида, муҳрни ва бошқа реквизитларни тайёрлашда, мухандислик коммуникацияларига боғланишида (газ тармоги, энергия таъминоти, сувдан фойдаланиш, иссиқлик таъминоти, канализация ва ҳ.к.)) рухсат олишида асос бўлади;
- рўйхатдан ўтгандан кейин хусусий тадбиркор банкка мурожаат қилиши шарт (агар у банкда ҳисоб очишини талаб қилувчи фаолият тури билан шуғулланмоқчи бўлса) ва амалдаги қонунчилик асосида алоҳида фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензия (ёки рұхсат) олиш ҳақида ваколатли давлат ташкилотига мурожаат қилиши шарт.

Давлат рўйхатидан ўтиш учун хусусий тадбиркор рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга қўйидагиларни тақдим этади:

- ўрнатилган шаклдаги ариза (1.1. Илова);
- паспорт;
- (3x4) (см) ўлчамли 2 фотосурат;
- рўйхатдан ўтказиш йигимининг тўланганлиги тўғрисидаги банкнинг тўлов ҳужжати;
- муҳр ва тамганинг уч нусхадаги чизмаси (агар уларни тайёрлаш кўзда тутилган бўлса).

Агарда Сиз ўз фаолиятингизни маҳаллий давлат ҳоқимияти томонидан ушбу мақсад учун кўзда тутилмаган жойда амалга оширмоқчи бўлсангиз, у ҳолда Сиз кўшимча равишида ўзингизда шундай жойнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишингиз зарур (мулк ҳуқуки тўғрисидаги ордер, хонани сотиб олинганлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги шартнома, хонани ижарага олинганлиги тўғрисида ижарага берувчининг кафолат хати, фаолиятингизни турар-жойда амалга оширмоқчи бўлсангиз – турар-жойни нотурар-жойга ўтказилганлиги тўғрисидаги ордер).

Шуни таъкидлаш керакки, рўйхатдан ўтказувчи ташкилот томонидан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш таъқиқланади.

Агарда Сиз давлат рўйхатидан ўтганлигиниз тўғрисида ўзингизга берилган гувоҳномада

кўрсатилган фаолият жойингизни ёки турини ўзгартиришга қарор килган бўлсангиз нима қилиш зарур? Бу ҳолда Сиз рўйхатдан ўтказувчи ва солик ташкилотларини бу ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилинингиз ва улар ўз навбатида 3 кун ичидаги рўйхатдан ўтказишлари ва ҳисоб ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиб, Сизга бу ҳақда ёзма хабар беришлари шарт.

Хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари ва камчиликлари:

1. Афзалликлари:

- хусусий тадбиркорлик билан шугултаниш учун рухсат олиш хўжалик ширкатларига нисбатан соддалаштирилган: хусусий тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганидан кейин, юридик шахс ташкил қилмай фаолият юритиши мумкин. Бунда хусусий тадбиркор (ХТ) банкда ҳисоб очиши ва ўз ҳамкорлари билан накд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириши мумкин.
- соликка тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилади: масалан, фақат қатъий ўрнатилган ойлик ставка тўланиб, унинг миқдори фаолият тури бўйича аниқланади ва турли ҳудудларда турлича бўлади.

2. Камчиликлари:

- кредитлаш имкониятларининг чекланганлиги (микро, кичик ва ўрта корхоналар катта ҳажмдаги кредит олишлари мумкин);
- ўзининг бор мулки билан жавобгарлиги (таваккал қилиши);
- фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришнинг имкониятлари чекланганлиги.

1.2.2. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари бўлиб, юридик шахслар, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек жисмоний шахслар ўртасида ўзаро кўнгилли битим асосида уларнинг ҳиссалари ва мулкларини бирлаштириб, хўжалик ёки тадбиркорлик фаолияти юритиши мақсадида ташкил қилинадиган корхоналар ҳисобланади.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари юридик шахс бўлиб, ўз номидан фаолият кўрсатади, ўз раҳбариятига ва фаолият кўрсатиш жойига (офис) эга булади.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг асосий таъсис ҳужжатлари бўлиб таъсис шартномаси ва устав ҳисобланади ҳамда:

- Акционерлик ташкилоти устав асосида фаолият юритади.
- Масъулияти чекланган ёки кўшимча масъулиятли жамият таъсис шартномаси ва устав асосида фаолият юритади.
- Тўлиқ ва коммандит ширкатлар таъсис шартномаси асосида ташкил этилади ва фаолият юритади.

Хўжалик жамияти ва ширкатларининг мулкида барча қатнашчиларнинг ҳиссаси уларнинг устав капиталига қўшган ҳиссасига мутаносибdir. Бунда таъсисчиларнинг жамиятга қўшадиган ҳиссаси тўғрисидаги масаланинг тегишли маҳсус ҳолатларига эътибор қаратишни маслаҳат берамиз:

- **Жамият ва ширкат қатнашчисининг мулкка қўшадиган ҳиссаси** - бино, иншоот, ускуналар, бошқа моддий бойликлар, кимматбаҳо қозозлар, ердан, сувдан, бошқа табиий бойликлардан, бинолардан, иншоотлардан ва ускуналардан фойдаланиш ҳуқуқи ва шунингдек, бошқа мулкий ва номулкий ҳуқуқлар, пул маблағлари.

- Кўшилаётган мулкнинг қиймати (пулсиз ҳисса) жамият қатнашчиларининг биргаликда қабул қилган қарори асосида аниқланади. Устав фондига қўшилган ҳиссанинг пул кўринишидаги баҳоси қатнашчининг устав фондидағи ҳиссасини ташкил қиласди.
- Агарда мулк қатнашчи томонидан жамиятга ва ўртоқликка фақат фойдаланиш учун берилган бўлса, қўшиладиган ҳисса микдори ва мос равишда қатнашчининг оладиган ҳиссаси, ушбу мулкдан фойдаланиш учун таъсис хужжатларида кўрсатилган тўлиқ фаолият муддати учун ёки бошқа ўрнатилган муддат учун, агарда таъсис хужжатларида бошқаси кўзда тутилмаган бўлса, тўланадиган ижара хақига асосан аниқланади.

Хўжалик ширкатларининг щакллари

Хўжалик ширкатлари - бу шахсларнинг шундай бирлашмасики, унда таъсисчилар фақатгина мулкий бадаллар билангида эмас, балки шахсий фаолият билан ҳам қатнашадилар. Хўжалик ширкатлари тўлиқ ва коммандит ширкатларга бўлинади.

Тўлиқ ширкат деб, барча қатнашчилар биргаликда фаолият юритадиган ва ширкатнинг барча мажбуриятлари бўйича унга тегишли бўлган мулк асосида биргаликда жавобгар бўлган ширкатга айтилади.

Коммандит (аралаш) хўжалик ширкати деб шундай ширкатга айтиладики, унда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзининг барча мулки билан масъулиятли бўлган битта ва ундан кўп қатнашчилар билан биргаликда битта ёки бир нечта қатнашчилар (коммандитистлар) ҳам бўлиб, уларнинг масъулияти фақатгина ўзлари қўшган ҳисса микдори доирасида чегараланади.

Қатнашчилар коммандит ширкатнинг ишларини бошқаришда тўлиқ масъулият билан қатнашадилар ва ўзларига тегишли мулк асосида корхонанинг мажбуриятлари бўйича биргаликда қўшимча масъулиятга эга бўладилар. Ҳиссачиларнинг (коммандитистларнинг) масъулияти уларнинг устав капиталига қўшган ҳиссалари билан чегараланади, бунда ҳисса қўшувчиларнинг ўзлари коммандит ширкатнинг ишларини бошқаришда қатнашмайдилар.

Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият

Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) деб, бир ёки бир нечта шахслар томонидан таъсис этилган хўжалик жамияти қабул қилиниб, унинг устав фонди (устав капитали) таъсис хужжатлари асосида белгиланган микдордаги қисмларга бўлинган бўлади. МЧЖ қатнашчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва ширкат фаолияти билан боғлик зарар юзасидан фақат жамиятнинг устав капиталига ўзлари қўшган ҳисса қиймати доирасида таваккал қиласдилар.

Қўшимча масъулиятли жамият (КМЖ) деб, устав фонди таъсис хужжатлари асосида белгиланган микдордаги қисмларга бўлинган жамиятга айтилади. КМЖ каби жамиятларда қатнашчилар унинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг устав капиталига қўшган ҳиссалари бўйича жавобгар бўладилар, лекин (шу билан МЧЖ дан фарқланадилар) ушбу сумма етарлича бўлмаган ҳолда – қўшимча равиша ўзларига тегишли бўлган мулк бўйича, ўзлари қўшган ҳисса қийматига барчага teng микдорда кўпайтирилган ҳолда жавобгардирлар.

Биз Сизнинг эътиборингизни масъулияти чекланган жамият ва қўшимча масъулиятли жамиятларни рўйхатдан ўтказишнинг куйидаги хусусиятларига қаратишни истаймиз:

- **Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятларда устав фонди ташкил қилинади** ва унинг микдори қонунчилик асосида ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун такдим этилган кун ҳолатидаги минимал иш хақининг эллик баробар микдоридан кам бўлмаслиги керак (хусусан, 01.05.2003 йилдан минимал иш хақи 5440 сумни ташкил қиласди).

- Давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида қатнашчиларнинг ҳар бири таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссанинг 30% дан кам бўлмаган микдорини қўшиши шарт ва у банк муассасаси томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.
- Ҳар бир қатнашчи ўз хиссасини таъсис ҳужжатларида белгиланган муддатда (лекин жамият рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб бир йилдан кўп бўлмаган муддатда) қўшишга мажбур, шундан кейин корхона рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга устав фондининг ташкил бўлиши тугалланганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этиши шарт. Агар корхона устав фонди у рўйхатдан ўтгандан кейинги бир йил ичида тўлиқ ташкил топмаган бўлса, жамият ўз устав фондининг ҳақиқатда тўланган микдоригача камайганлиги тўғрисида эълон қилиши шарт (бу ҳолда у ўрнатилган минимал микдордан кам бўлмаслиги керак) ва бу камайтиришни ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиши ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.
- МЧЖ ва ҚМЖ қатнашчилари жавобгар бўладилар, қарор қабул қилишда қатнашадилар ва ўзларининг устав капиталига қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда даромад оладилар.

1.2.3. Акционерлик жамиятлари

Акционерлик жамияти (АЖ) - бу юридик шахс бўлиб, унинг устав капитали маълум акциялар (кимматбаҳо қозозлар) сонига бўлинган хамда корхона уларни ўз фаолиятини амалга ошириш мақсадида маблагларни жалб қилиш учун чиқаради ва бунда:

- АЖ қатнашчилари (акционерлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасидаги зарар микдорида тавакkal қиласадилар.
- АЖ ўз қатнашчиларининг мулкидан ташқари мулкка эгалик қиласадилар, ўз мажбуриятлари бўйича ўз мулки доирасида жавобгар бўлади ва ўз акционерларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.
- АЖ ҳам ёпик турда ҳам очик турда бўлиши мумкин. Акционерлик жамияти таъсисчиларининг минимал таркиби чекланмаган, ёпик турдаги жамиятда эса – учта шахсдан иборат бўлади. Жамият таъсисчиларининг ҳар бири унинг акционери бўлиши шарт.

“Акциялар” нима ва улар қандай бўлади? Акциялар – кимматбаҳо қозозлар бўлиб, ўз эгаларининг (акционерларининг) устав фондида қатнашиш хукуқини тасдиқлайди ҳамда уларга мулкий ва номулкий хукукларни тақдим этади.

Акциялар номли ва тақдим этувчига (кўрсатувчига), шунингдек имтиёзли ва оддий бўлиши мумкин. **Номланган акцияларнинг** эгаси фақат акцияда кўрсатилган ва акционерлар жамиятининг рўйхатлар китобида рўйхатдан ўтган жисмоний ва юридик шахс бўлиши мумкин. **Тақдим этувчи (кўрсатувчи) акция** эгаси бўлиб уни қўлга киритган шахс хисобланади (тақдим этувчига акцияни бериш акционерлик жамияти рўйхатлар китобида рўйхатдан ўтказмай амалга оширилади). **Оддий акциялар** овоз берувчи хисобланади ва унинг эгасига дивиденdlар олиш, акционерлар умумий мажлисида қатнашиш ва жамиятни бошқариш хукуқини беради. **Имтиёзли акциялар** ўз эгасига биринчи навбатда дивиденdlарни ва жамиятни тутатиш вактида акцияларга кўйилган маблағларни олиш хукуқини беради.

Ёпик турдаги акционерлик жамиятининг акциялари факат номли бўлиши мумкин. Ёпик турдаги акционерлик жамияти номли акциялар чиқариши ёки акционерларга акциянинг номинал қийматига мос келувчи сертификатлар бериши мумкин. Акцияларнинг турлари,

уларни таркатиш ва жойлаштириш тартиби, улар бўйича дивидендерлар тўлаш қонунчилик асосида жамият уставига кўра белгиланади. Акция бўлинмасдир. Акциянинг номинал қиймати – 100 сўм.

Акционерлик жамиятининг шакллари

1. Очиқ турдаги акционерлик жамияти (ОТАЖ) - бу АЖ бўлиб, унинг қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларни бошқа акционерларниң розилигисиз эркин тасарруф этадилар. Бунда Сизнинг эътиборингизни қуидаги холларга қаратамиз:

- ОТАЖ ўзи чиқарган акцияларни ёпиқ ва очик усуллар билан жойлаштириш ҳукуқига эга.
- ОТАЖ йиллик, чорак балансларини ва даромадаётар ҳамда заарлар тўғрисидаги ҳисоботларни маълумот учун нашр этишга мажбур.
- Очик турдаги акционерлик жамияти устав фондининг минимал миқдори - жамиятни руйхатга олиш вактида Узбекистон Республикаси Марказий Банки курси бўйича 50000 АКШ долларига тенг маблаг.

2. Ёниқ турдаги акционерлик жамияти (ЁТАЖ) – бу АЖ булиб, унинг акциялари факатгина ўз таъсисчилари ёки илгаридан белгиланган маълум шахслар доирасида тақсимланади.

- ЁТАЖ ўзи чиқарган акцияларни фақатгина ёпиқ усулда жойлаштириш ҳукуқига эга.
- Ўз акциясини сотишни истаган ЁТАЖ акционери жамиятнинг бошқа қатнашчиларига уни сотиб олишни таклиф қилишга мажбур. Агар жамият қатнашчилари акцияларни сотиб олишдан бош тортсалар, акционер акцияларини жамиятнинг ўзига сотишга ҳақли.
- ЁТАЖ устав фондининг минимал миқдори – 200 минимал иш ҳақидан иборат.

Шўъба ташкилоти ва қарам акционерлик жамияти

Юридик шахс шўъба корхонаси ҳисобланади, агар бошқа (асосий) юридик шахс шўъба корхонаси томонидан қабул қилинган қарорларни аниклаш имконига эга бўлса. Ушбу ҳукуқ шўъба корхонасининг Уставида ёки асосий жамият ва шўъба корхонаси ўртасида тузилган шартномада ёритилиши шарт.

Қуидагиларга эътибор қаратиш керак:

- Шўъба корхонаси ўзининг асосий ташкилоти қарзлари бўйича жавобгар эмас.
- Агар асосий ташкилотнинг айби билан шўъба корхонасига зарар етган бўлса, шўъба корхонасининг қатнашчилари асосий ташкилот етказган зарарни қоплашни талаоб қилишга ҳақли.

Бошқа (қатнашувчи) юридик шахс АЖ овоз берувчи акцияларининг йигирма фоизидан кўпрогига эга бўлса, акционерлик жамияти унга қарам бўлиб ҳисобланади.

1.2.4. Ишлаб чиқариш кооперативи

Ишлаб чиқариш кооперативи (ИК) мустақил хўжалик субъекти бўлиб, юридик шахс ҳукуқига эга ва ўзига жамоа мулки сифатида тегишли бўлган мулкка эгалик қиласи ва уни тасарруф этади. Кооператив фуқароларнинг хоҳиши еки юридик шахсларнинг ташаббуси асосида ташкил топади. Кооператив аъзоларининг сони (фуқаролар) уч кишидан кам бўлмайди, матлубот кооперативида (жамиятида) эса, 7 кишидан кам бўлмайди.

Ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш-матлубот кооперативининг фаолияти унинг аъзоларининг шахсий меҳнати ва шунингдек, меҳнат шартномаси (контракт, битим) билан

ишловчи шахсларнинг қатнашувига асосланади.

Кооператив мулки - аъзоларнинг пул ва моддий бадаллари, улар ишлаб чиқарган маҳсулот, шунингдек хўжалик фаолияти натижасида олган даромади ҳисобига ташкил топади. Кооператив мулкининг ташкил топишида шартнома асосида ташкилот ва корхоналар (мулк шаклидан қатъий назар), шунингдек кооператив аъзоси бўлмаган, лекин унда меҳнат шартномасига кўра ишлаётган фуқаролар қатнашиши мумкин.

Кооператив ўз мажбуриятлари юзасидан ўзининг бутун мулки билан жавобгардир. Агар кооператив мулки етарли бўлмаса, кооператорлар ўзларининг шахсий мулклари билан кўшимча равишда жавобгар бўладилар. Бундай жавобгарликнинг микдори ва тартиби амалдаги қонунчилик асосида белгиланади.

Юқорида санаб ўтилган шаклларнинг қайси бири яхшироқ? Ҳозирги кунда хўжалик ширкатларининг барча турлари ичida масъулияти чекланган жамият ва акционерлик жамиятлари энг оммавийдир.

Масъулияти чекланган жамиятнинг афзалликлари:

- *ҳар бир қатнашчининг моддий жавобгарлиги унинг устав фондидағи ҳиссаси билан чекланган;*
- *устав фондининг минимал микдори минимал иш хақининг эллик баробар микдорига teng суммани ташкил қиласди.*

Акционерлик жамияти шундай афзаллика эгаки, акционерлар юзага келиши мумкин бўлган заарни қоплаш учун факат ўз акциялари қиймати доирасидагина жавобгардирлар. Лекин шуни таъкидлаш керакки, АЖ минимал устав фонди МЧЖ дан анча кўп бўлиши керак (ОТАЖ учун -50 000 АКШ долларига тенг маблаг, ЁТАЖ учун – 200 минимал иш хақи) ва бу акционерлик жамияти ташкил қилиш учун мустаҳкам база кераклигини билдиради.

Таъсис шартномаси ва устав Сизнинг бизнесингизни аниқлаш ва юритишдаги асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Бу ҳужжатлар келгусидаги фаолиятингиз учун муҳимлигини ҳисобга олиб, уларни тайёрлашда синчковлик билан катта эътибор беришга ҳаракат қилинг, иложи борича буни яхши маслаҳатчи ёки юрист иштирокида амалга оширинг.

1.3. КОРХОНАНГИЗНИНГ НОМИ

Албатта, Сизнинг корхонангизга ном керак. Табиийки, Сиз фирманинг номи алоҳида белги сифатида бўлишини истайсиз. Масалан, “НАЙТОВ” сўзи республикада компания номини ва ўз имиджини яратди.

Компания номини танлашда қўйидагиларга эътибор беринг:

- *у ном илгари рўйхатдан ўтказилган ном билан бир хил бўлмасин;*
- *компания қатнашчиларининг исмидан бошқа атоқли номдан иборат бўлмасин, акс ҳолда атоқли шахслардан ёинки уларнинг меросхўрларидан ушибу номдан фойдаланиши учун руҳсат олиш лозим бўлади;*
- *қонунчилик талабларига ёки ижтимоий ахлоқ нормаларига зид бўлган номларни ўз ичига олмасин.*

Идентификация қилиш ва тегишли гувоҳнома асосида ном бериш туман (шаҳар) статистика ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Гувоҳнома олиш учун Сиз фирманинг қўймоқчи бўлган ном кўрсатилган аризани тақдим этишингиз кифоя. Аризани кўриб чиқиши ва фирманинг номи кўрсатилган гувоҳномани бериш муддати (ёки худди шунга ўхашаш ном борлиги тўғрисидаги ахборот) уч иш кунидан ошмаслиги керак.

1.4. КОРХОНАНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ КЕРАК?

1.4.1. Таъсис ҳужжатлари

Корхона ташкил қилиш учун таъсис ҳужжатларини, яъни устав ва таъсис шартномасини тайёрлаш керак. Таъсис ҳужжатларида асосан фирманинг номи, унинг манзили, мақсади ва вазифалари, фаолият тури, устав фонди миқдори ва таъсисчиларнинг устав фондига қўшадиган хиссалари тури, таъсисчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фирмани бошқариш тизими, дивиденdlарни тақсимлаш миқдори ва тартиби, фирмани қайта ташкил қилиш ва тугатиш шартлари, таъсисчиларнинг фамилияси ва яшаш манзили кўрсатилади. Таъсис ҳужжатларига қонунчиликка зид бўлмаган бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

1.4.2. Корхонани рўйхатдан ўтказиши

Юридик шахе давлат рўйхатидан ўтгандан кейин ташкил топган ҳисобланади. Юридик шахс бўлиб, ўз ҳўжалигини юритишида ёки бошкарувида алоҳида мулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятлари юзасидан ушибу мулк билан жавобгар бўлган, ўз номидан мулкий ва номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган, шунингдек мустақил балансига ёки сметасига эга шахс ҳисобланади.

Фақат юридик шахс ташкил бўлаётган вактда унинг ҳукукий лаёкатлиги вужудга келади (лицензия олиш зарур бўлган фаолият соҳасида эса тегишли лицензия олинган вактдан бошлаб ҳукукий лаёкат вужудга келади). Рўйхатдан ўтмаган юридик шахснинг фаолият юритиши таъқиқланади!

Юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиши учун рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга (шахсан ёки почта орқали) кўйидаги асосий ҳужжатларни тақдим этиш керак:

- рўйхатдан ўтказиши тўғрисида шаҳар (туман) хоқими номига ариза (1.2.Илова);
- таъсис ҳужжатларининг нотариал равища тасдиқланган иккита асл нусхаси (давлат корхонаси асосида ташкил топган АЖ рўйхатдан ўтказиши учун нотариал равища тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилмайди).

Маълумот учун: амалдаги қонунчиликка кўра рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга тадбиркорлик субъекти (юридик шахс) томонидан тақдим этиладиган асосий таъсис ҳужжати бўлиб, унинг Устави ҳисобланади, бунда фақат масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятили жамиятлар қўшимча равиша таъсис шартномасини ҳам тақдим этадилар. Тўлиқ ва коммандит ишфакатлар рўйхатдан ўтиши учун фақат таъсис шартномасини тақдим этадилар;

- мурожаат этувчининг яшаш манзилини тасдиқловчи ҳужжатлар (фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, шунингдек давлат корхонаси асосида ташкил қилинаётган АЖ дан ташкири) – мулк ҳукукини тасдиқловчи ордер, хонани сотиб олинганлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги шартнома ёки ижарага берувчининг ижарага берганлиги тўғрисидаги кафолат хати, яшаш жойидан маълумотнома.

Маълумот учун: юридик манзил – корхонанинг раҳбарият ташкилоти жойлашган манзил. Агар корхона хонани ижарага олмаган бўлса, ёки унга эгалик қўйласа, у ҳолда юридик манзил бўлиб ҳамкорлардан бирининг паспортида кўрсатилган доимий турар жой манзили хизмат қиласи;

- давлат рўйхатидан ўтганлик учун **йигим** тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон ҳўжаликлиридан ташкири, шунингдек давлат қорхоналари асосида ташкил топган АЖ дан ташкири).

Маълумот учун: МЧЖ ва ҚМЖ рўйхатдан ўтказилаётганда қўшимча равиша таъсисчичининг устав фондига қўшадиган ҳиссасининг ўттиз фоиздан кам бўлмаган миқдорини ўтказганлиги тўғрисидаги банк ҳужжати тақдим этилади;

- фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома, шунингдек уч нусхадаги муҳр ва тамға чизмаси.

Кўшимча равишда фикримизча, Сизга кизиқарли ва фойдали бўлган айрим ахборотни тақдим этмоқчимиз:

1. Давлат рўйхатидан ўтказишини қандай ташкилотлар амалга оширади?

Давлат рўйхатидан ўтказиш бир вақтнинг ўзида тегишли солик ва статистика ташкилотларида, йўл фондида, туман (шаҳар) меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимида ҳисобга олиш асосида амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси адлия Вазирлигига – аудиторлик ва суғурта ташкилотлари, биржалар, шунингдек Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган **хорижий сармояли корхоналар (ХСК)** ва бозорлар;

Қорақалпогистон Республикаси адлия Вазирлигига ва вилоят адлия бошқармаларида – тегишлича Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган хорижий сармояли корхоналар (ХСК) ва бозорлар;

Туман (шаҳар) ҳокимиятларида (турар жой ёки ижарага олинган офиснинг жойлашишини ҳисобга олган ҳолда) – тадбиркорликнинг барча субъектларини, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ҳам ҳисобга олган ҳолда (ушбу бандда юқорида кўрсатилган ХСК лардан ташқари).

2. “Битта дарча” тамоилиши бўйича рўйхатидан ўтказишида нимани кўзда тутилади? Ушбу тамоили бўйича давлат рўйхатидан ўтказишини амалга ошириш деганда шуни тушунилади, мурожаат этувчи рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга мурожаат этишининг ўзи кифоя ва у ташкилот факатина рўйхатдан ўтказибгина қолмай, балки солик ва статистика ташкилотларида, йўл фондида, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш фондида ҳисобга қўйиш бўйича барча зарур ишларни амалга оширади (илгари тадбиркорларнинг ўзлари амалга оширган ишларни). Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида тегишли равища бериладиган гувоҳномада - унга берилган статистик кодлар кўрсатилади (ОКОНХ – халқ хўжалиги тармокларининг умуреспублика классификатори, ОКПО – корхона ва ташкилотларнинг умуреспублика классификатори) ва солик туючининг идентификация номери (ИНН), юридик шахснинг ўзи эса корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона регистрига (ЕГРПО) киритилади.

3. Рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Корхоналар рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризадан ташқари (шахсан ёки почта орқали) куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

• **Хусусий корхоналар:**

- корхона Уставининг нотариал тасдиқланган иккита асл нусхаси;
- тадбиркорлик фаолияти субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;
- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати;
- фирма номи тўғрисида ваколатли шаҳар (туман) ҳокимияти томонидан берилган гувоҳнома;
- муҳр ва таъсиснинг уч нусхадаги чизмаси.

• **МЧЖ ва ҚМЖ:**

- Устав ва таъсис шартномасининг нотариал тасдиқланган иккита асл нусхаси (агар жамият битта шахс томонидан таъсис этилган бўлса, нотариал тасдиқланган Уставнинг иккита нусхаси етарли бўлади);
- тадбиркорлик фаолияти субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;
- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати;
- фирма номи тўғрисида ваколатли шаҳар (туман) ҳокимият ташкилоти томонидан берилган гувоҳнома;
- ҳар бир таъсисчи томонидан устав фондининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ҳиссасининг 30% дан кам бўлмаган микдорини кўшганлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси. Агар устав фонди мулк ёки интеллектуал мулк кўринишидаги ҳисса ҳисобига ташкил этилаётган бўлса (кўчмас мулк, ускуналар ва ҳ.к.) – банк маълумотномаси керак эмас, чунки устав фондининг ташкил этилиши таъсисчилар истагининг тасдиги ҳисобланади;
- муҳр ва тамға чизмасининг уч нусхаси.

- *Дехқон хўжалиги (юридик шахс):*
 - қишлоқ хўжалик кооперативининг (ширкатнинг) хўжаликни ташкил этиш тўғрисидаги умумий мажлиснинг ёки юқори бошқарув ташкилотининг ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхонасига иш берувчи (маъмурият) нинг қарори;
 - нотариал тасдиқланган Уставнинг иккита асл нусхаси;
 - фирма номи тўғрисида ваколатли шаҳар (туман) ҳокимияти ташкилоти томонидан берилган гувоҳнома;
 - муҳр ва тамга чизмасининг уч нусхаси.
- *Юридик шахс ташкил қилмаган дехқон хўжалиси:*
 - қишлоқ хўжалик кооперативининг (ширкатнинг) хўжалик ёки бошқарувнинг олий ташкилоти ташкил этилганлиги тўғрисидаги қарори ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхонасига иш берувчи (маъмурият) нинг қарори;
 - паспорт тақдим этилади.
- *Фермер хўжалиги:*
 - қишлоқ хўжалик кооперативининг (ширкатнинг) хўжалик ёки бошқарувнинг олий ташкилоти ташкил этилганлиги тўғрисидаги қарори ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхонасига иш берувчи (маъмурият) нинг қарори;
 - нотариал тасдиқланган Уставнинг иккита асл нусхаси;
 - тадбиркорлик фаолияти субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;
 - давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати;
 - фирма номи тўғрисида ваколатли шаҳар (туман) ҳокимияти ташкилоти томонидан берилган гувоҳнома;
 - ер участкаси тақдим этилганлиги тўғрисида ҳокимиятларда ташкил этилган танлов ҳайъати баённомасининг, қишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчи ташкилот бизнес-режасининг нусхаси;
 - муҳр ва тамга чизмасининг уч нусхаси.

4. ХСК нима ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун қандай қўшимча ҳужжатлар зарур бўлади?

Хорижий сармояли корхоналарда (ХСК) таъсисчилардан ҳеч бўлмаганда биттаси хорижий юридик (жисмоний) шахс бўлиб, устав фондининг 30% дан кам бўлмаган микдорида ҳисса кўшган бўлади (устав фондининг микдори 150 минг АҚШ долларига эквивалент суммадан кам бўлмаслиги шарт). ХСК ларга киради:

- қўшма корхоналар (КК);
- хорижий сармоялар устав фондининг 100% ни ташкил қилган хорижий корхоналар;
- республикадан ташқарида фаолият юритувчи шўъба корхоналари ва шохобчалар;
- Ўзбекистонда фаолият юритувчи ХСК нинг шўъба корхоналари ва шохобчалари.

ХСК ни рўйхатдан ўтказишида қўшимча равища хорижий таъсисчи тўғрисида у рўйхатдан ўтган жойдаги савдо реестридан кўчирма ва унга хизмат кўрсатувчи банкнинг тавсия хати (жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари банкнинг тавсия хати билан бирга ўз паспорти нусхасини тақдим этади) Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасида тегишли тартибда **ошкор этилган (легализация қилинган) бўлиши керак**. Агар ушбу давлатда Ўзбекистон Республикасининг консуллиги бўлмаса, кўрсатилган ҳужжатлар таъсисчи рўйхатдан ўтган давлатнинг ташки ишлар Вазирлигига, Ўзбекистоннинг ушбу давлатдаги консуллик муассасида ёки дипломатик ваколатхонасида ошкор этилиб (легализация қилиниб), кейинчалик Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар Вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланиши керак.

Бундан ташқари, ташкил этилаётган КК нинг устав фонди 20 ва ундан кўп миллион АҚШ

долларини ташкил этса, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг нусхасини тақдим этиш керак.

5. *Устав фондига дастлабки ҳисса тариқасида интеллектуал мулк қўшилаётган бўлса нима қилиши керак?* Бу ҳолда Сиз рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга ваколатли давлат ташкилотининг (илгари бу вазифани Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника бўйича давлат Кумитаси бажаар эди) мустақил консалтинг компанияси томонидан ушбу мулк баҳолангани тўғрисидаги холосасини тақдим этишингиз зарур бўлади.

6. *Давлат рўйхатидан ўтиши учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ким ёрдам берши мумкин?* Агар Сиз маълум сабабларга кўра зарур ҳужжатларни тайёрлаш билан шугуулана олмасангиз, унда Сизга (шартнома асосида) товар ишлаб чиқарувчилар Палатаси қошидаги ахборот-маслаҳат марказлари ёки бошқа консалтинг фирмалари ва муассасалари ёрдам беришлари мумкин.

7. *Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиши тўғрисида қарор қабул қилиши ва уни амалга оширишининг муддатлари қандай?* Давлат рўйхатидан ўтказиш ташкилоти томонидан давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги қарор (сабабли рад жавоби) зарур ҳужжатлар билан биргаликда бу хақдаги ариза тақдим этилган вактдан 7 кундан кечикмасдан қабул қилинади.

Бунда тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказишининг умумий муддати, муҳр ва тамға тайёрлаш учун ички ишлар ташкилотида рұксатни расмийлаштириш ва уни тегишли ташкилотларда ҳисобга қўйиш билан биргаликда, юридик шахслар учун, зарур ҳужжатлар иловага қилинган ариза топширилган кундан бошлаб 12 иш кунидан ошмаслиги зарур.

8. *Давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин мурожаат этувчига нима берилади?*

Тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар – рўйхатдан ўтказиш ташкилотида “Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома”, “рўйхатдан ўтган” деган белги қўйилган таъсис ҳужжатлари ҳамда ички ишлар ташкилотининг муҳр ва тамгани тайёрлаш учун рұксатини оладилар.

9. *Рўйхатдан ўтганлик учун тўланадиган давлат божи миқдори қандай?* Рўйхатдан ўтганлик учун тўланадиган давлат божи рўйхатдан ўтказиладиган ташкилотнинг ҳуқуқий шаклига караб ўзгаради:

- хорижий сармояли корхоналар учун 5 минимал иш хақи, шунингдек 500 АҚШ доллари;
- устав фонди тўлиқ хорижий сармоядорлар томонидан ташкил этилган корхоналар учун – 2000 АҚШ доллари;
- сугурта ва аудиторлик компаниялари, биржалар, бозорлар учун – 4 минимал иш хақи миқдорида;
- ҳокимиятларда давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган йигимлар ставкаси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра ўрнатилади (хусусан, Тошкент шаҳри бўйича ҳозирги кунда бу сумма 5 минимал иш хақи миқдорини ташкил этади).

Шунга эътиборни қаратиш керакки, хорижий валютада кўрсатилган бож суммаси, агар тўлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилаётган бўлса, Марказий Банкнинг тўлов амалга оширилаётган кундаги миллий валюта курси бўйича, хорижда амалга оширилганда эса, эркин айирбошланадиган валютада (ЭАВ) амалга оширилади.

10. *Рўйхатдан ўтказиш йигимидан ким озод этилади?* Рўйхатдан ўтказиш йигимидан давлат мулки асосида ташкил этилаётган АЖ, шунингдек дехкон ҳўжаликлари озод этилади.

11. *Таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда нима қилиши керак?* Бу ҳолда субъектлар – юридик шахслар, уларни рўйхатдан ўтказган ташкилотга куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

- ариза;
- таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганлиги тўғрисида корхонани бошқарувчи ваколатли ташкилотнинг қарори;

- корхона мухри билан тасдиқланган, икки нусхадаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни;
- корхонанинг номи ёки ҳуқуқий-ташкилий шакли ўзгарганда – рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг асли; рўйхатдан ўтганлик учун йигим тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов хужжати.

Маълумот учун: 1. Почта манзили ўзгарганда субъектлар бу ҳақда 10 кунлик муддатда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика ташкилотларини ёзма равишда огоҳлантиши шарт (бунда рўйхатдан ўтказиш йигими олинмайди!).

2. Агар таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар натижасида унга берилган кодлар ва ИНН лар ўзгармаса, бундай ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш учун тўлов миқдори ўрнатилган йигимнинг 50% дан иборат бўлади.

1.4.3. Корхонани ташкил этиш босқичлари

Агар Сиз ўз корхонангизни ташкил қилишга қарор қилган бўлсангиз, Сиз қуйидаги қадамларни амалга оширишингиз керак:



Булажак таъсисчилар йигилиб, қуйидагиларни аниқлашлари зарур:

- фирма номи;
- ким фирма шериги (ҳамкори) бўлади – жисмоний ва ёки юридик шахслар;
- корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли;
- устав фонди ва шерикларнинг ҳиссаси миқдори;
- асосий фаолият тури;
- бошқа фаолият турлари;
- корхонани бошқарув ташкилотлари;
- корхонани бошқаршига ваколатли шахслар ва уларнинг ваколатлари;
- корхонанинг жойлашган ўрни;
- корхона фаолиятининг кўзда тутмилган муддати;
- корхонани ёпиш усули.

Ҳар бир таъсисчига ва шунингдек, рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга тақдим этиш учун мажлис баённомасининг нотариал тасдиқланган бир нечта нусхасини тайёрлаб қўйинг.



Юридик шахслар ваколатли шахсларнинг имзосини мухр билан тасдиқлайдилар, жисмоний шахсларнинг имзоси эса паспорт тақдим этиш асосида нотариусда тасдиқланади. Жисмоний шахс бўлган компаньонлар паспортлари асосида ва нотариус иштироқида барча нусхаларни имзолайдилар.

Ўзингизга уставнинг 5-6 нусхасини тайёрлаб, нотариусда тасдиқлатиб қўйинг, шунингдек, фирмани ташкил этиш тўғрисидаги таъсисчилар мажлиси баённомасининг қарорини ҳам, улар Сизнинг давлат ва бошқа ташкилотлар билан келгусидаги алоқаларингизда керак бўлади.

Шунингдек, ҳар бир ҳамкор таъсис шартномасининг биттадан тасдиқланган нусхасини олиши керак.

ЭСЛАТМА: Уибу вақтдан бошлаб, кейинги барча қадамларни фақат битта компаньон, ёки учинчи шахс далолатнома асосида амалга ошириши мумкин. Бунда таъсисчилар мажлисининг баённомасида таъсисчиларнинг қайси бирига ёки қайси учинчи шахсга рўйхатдан ўтказиш мажбурияти юклатилганлиги кўрсатилиши керак

3-БОСҚИЧ

Банкда муваққат (йигма) ракам очиб, рўйхатдан ўтказиш вақтида устав фондининг бир қисми унга қўйилади (МЧЖ, КМЖ ва ХСЖ лар учун устав фондининг таъсис хужжатларида кўрсатилган микдорининг 30% дан кам бўлмаган микдорда).

4-БОСҚИЧ

Акцияларга обуна бўлишни ташкил этиш, таъсис мажлисини чақириш (АЖ учун)

5-БОСҚИЧ

Идентификация қилиш ва корхонага фирма номини бериш

Маълумот учун: Корхона томонидан фирмा номи тўғрисидаги гувоҳнома олингандан кейин, Сиз 2 ойдан кам бўлмаган муддатда ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун тайёрлаб, уларни рўйхатдан утказувчи ташкилотга тақдим этишингиз шарт (акс ҳолда гувоҳнома ўз кучини йўқотади).

6-БОСҚИЧ

Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун йигим тўлаш

7-БОСҚИЧ

Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга тақдим этиш

Шу билан корхонани рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган қадамлар тугайди. Конунчиликда белгиланган вақтда корхонани рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Корхонага рўйхатдан ўтиш номери берилади, таъсисчилар эса рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома оладилар.

ЭСЛАТМА : Шу вақтдан бошлаб корхона юридик шахс мақомини олади ва ўз хўжалик фаолиятини бошлиши мумкин бўлади.

Рўйхатдан ўтгандан кейин амалга оширилиши зарур бўлган қадамлар.

8-БОСҚИЧ

Муҳрни тайёрлаш (ХТ учун мажбурий эмас) Ўзбекистон Республикаси ИИВ нинг тегишлигашкилотларида амалга оширилади

9-БОСҚИЧ**Банк ҳисоби очиш (ХТ учун мажбурий эмас)**

Ўзбекистонда амал қилувчи конунчилликка кўра, шартномаларингиз бўйича банк тўловларини амалга ошириш учун Сиз сўраб олинадиган банк депозит ҳисобларига ҳам сўмда (республика доирасидаги тўловлар), ҳам эркин айирбошланадиган валютада (хорижий ҳамкорлар билан ҳисоб-китоблар) эга бўлишингиз мумкин. Бунда шуни назарда тутиш керакки, Сиз бир нечта сўраб олинадиган банк депозит ҳисобларига ҳам сўмда, ҳам ЭАВ да республиканинг турли банкларида эга бўлишингиз мумкин.

Бундан ташқари, корхонани рўйхатдан ўтказишдан илгари Сиз таъсисчиларнинг дастлабки бадалларини тўплаш учун 3 ой муддатгача бўлган сўраб олинадиган **муваққат** (ийғма) ҳисобни очишингиз мумкин (рўйхатдан ўтгандан қейин Сиз учун умумий тартибда асосий ҳисоб очилади). Муваққат ҳисоб очиш учун банкка ариза (махсус ариза шаклини банкдан олишингиз мумкин) ва шунингдек, таъсис шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиш керак бўлади.

Сўраб олинадиган банк депозит ҳисобини очиш учун Сизга куйидагилар зарур:

- шахсларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш түғрисида бўйрук бериш, шунингдек бош бухгалтерни ҳам. Бунда шуни эсда тутишингиз керакки, бизнинг конунчилигимизга кўра (масалан, “Ўзбекистон Республикасида бухгалтерлик ҳисоби тўғрисидаги конун”га каранг) **корхонада бухгалтерлик хизматини ташкил килиш шарт эмас**, чунки биринчидан, бухгалтерлик ҳисобини юритиш учун шартнома асосида маҳсус бухгалтерлик фирмаларини ёки мутахассисларини жалб этиш мумкин, иккинчидан эса, корхона раҳбари мустақил равишда бухгалтерлик ҳисобини олиб бориши мумкин. Лекин амалда корхона раҳбари ва бош бухгалтер лавозимига турли жисмоний шахслар тайинланади ва бу уларга ўз вазифаларини муваффакиятли бажариш имконини беради;
- банкка раҳбар шахс ва бош бухгалтернинг имзоси наъмунаси бўлган иккита варагани тўлдириб топшириш (агар бу битта шахс бўлмаса), шунингдек думалоқ муҳр изининг икки нусхасини ҳам (дехқон хўжалиги раҳбари ва хусусий тадбиркор ўз имзоси наъмунасини тақдим этади). Варақаларни Сиз ўз банкингизда оласиз, имзоларни эса нотариал идорада тасдиқлайсиз;
- ўз фаолият жойингиз манзилини ва очадиган ҳисобингиз турини кўрсатган ҳолда банкка ҳисоб очиш тўғрисида ариза тақдим этиш (махсус шаклда);
- банкка давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этиш.

Маълумот учун: банкда аризани кўриб чиқши ва ҳисоб очиши муддати юқоридағи ҳужжатлар олинганидан бошлаб 2 банк кунидан ошмаслиги керак.

10-БОСҚИЧ**Алоҳида фаолият турларини амалга ошириш учун зарур лицензия (руҳсат) олиш**

Кейинчалик, фаолиятингизни амалга ошириш учун Сизга қайсиadir хонадан фойдаланиш ва мухандислик коммуникацияларига боғланиш (газ тармоги, энергия ва сув таъминоти, канализация ва ҳ.к.) зарур бўлса, Сиз кейинги қадамни қўйишингиз шарт:

11-БОСҚИЧ**Тегишли ташкилотларда хонадан фойдаланиш ва мухандислик коммуникацияларига боғланиш учун руҳсат олиш**

Маълумот учун: Амалдаги қонунчилликка кўра фойдаланадиган хонангизнинг жойлашуви бўйича Сиз мурожаат қилишингиз керак:

- давлат ёнгинга қарши хизмат ташкилотига – агар Сизнинг фаолиятингиз ўрмон-ёғоч материалларини, тез ёнувчи, ёқилги суюқлигини ва газларни (сиқилган аэрозоллар ва ҳ.к.) ишлаб чиқариши, сақлаши ва сотишни кўзда тутса, шунингдек фойдаланиладиган обьект турар жойда жойлашган бўлса. Бунда Сиз фақат манзилингиз, фаолият жойингиз ва турингизни кўрсатган ҳолда ариза тақдим этишингиз кифоя;
- давлат санэпидназорат марказларига – агар кимёвий ва биологик моддаларни, парфюмерия-косметика маҳсулотларини, озиқ-овқатга қўшимча маҳсулотларни ишлаб чиқарishi, радиоактив материаллардан ва радиациядан фойдаланиши, озиқ-овқат хом-ашёси ва маҳсулотларини сотиш, умумий овқатланиши маҳсулотини ишлаб чиқарishi ва сотишни ҳисобга олган ҳолда, ташкил қилинган бўлса. Бу ҳолда тақдим этиладиган ҳужжатлар сони қисқа бўлади, яъни фаолият жойи манзили ва тури, шунингдек, озиқ-овқат ва умумий овқатланиши маҳсулотларини ишлаб чиқарishi, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш учун жалб қилинадиган шахсларни ишга қўйиш мумкинлиги қайд қилинган медицина китобчасининг нусхаси;
- мухандислик коммуникацияларига бодланишига руҳсат олиши учун Сиз тегишли ташкилотларга ариза билан биргаликда давлат рўйхатидан ўтганлик тўгрисидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этишингиз кифоя.

ЭСЛАТМА: Шуни унумтмангки, маҳсус фирмалар мавжуд бўлиб, улар маълум шартномавий тўловга асосан, Сизга у ёки бу масалада маслаҳат бершилари, шунингдек Сизнинг корхонангизни рўйхатдан ўтказишни тез ва юқори савияда тўлиқ равишда – таъсис шартномаларини тайёрлашдан бошлаб, муҳр тайёрлашгача (уларнинг эълонларини Сиз маҳаллий матбуотдан олишингиз мумкин) амалга оширадилар. Худди шундай хизматни, юкорида айтилганидек, Ўзбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасининг ахборот-маслаҳат марказлари ва ҳудудий бизнес-инкубаторлар амалга оширишилари мумкин.

12-БОСҚИЧ



- Молиявий-бухгалтерлик ҳужжатларини сотиб олиш ва бухгалтерлик ҳисоби китобларини очиш.
- Акция ва облигацияларни эмиссия қилиш ва сотиш (АЖ учун оммавий обуна асосида).

ЭСЛАТМА: 1. Сизни юридик шахсингизни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиши, юридик шахс ташкил этишининг қонунчилликда ўрнатилган тартиби бузилганда ёки рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар тўплами амалдаги талабларга мос келмаганда (масалан, қандайдир ҳужжат этишмаса ёки таъсис ҳужжатларида этишмовчилик аниқланса) содир бўлиши мумкин. Бунда Сизнинг розилигингиз асосида ҳужжатлар рўйхатдан ўтказиш даврида ишчи тартибда қайта ишланиши мумкин. Шунинг учун ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга тақдим этилгандан кейин, Сизга жараённинг тугашини кутмасдан, ҳокимиятларнинг тегишли бўлимлари хизматчиларига ҳужжатларни қайта ишлаши зарурлиги тўгрисида ахборотни олиши учун мурожаат этишингизни маслаҳат берамиз.

2. Давлат рўйхатидан ўтказишини рад этиши тўғрисидаги жавоб хати билан биргаликда тақдим этилган барча ҳужжатлар ва шунингдек, рўйхатдан ўтказиши учун тўланган йигим қайтарилади. Агар Сиз ҳужжатларни қайтадан топширмоқчи бўлсангиз, рўйхатдан ўтказиши йигими қайтарилемаслиги мумкин ва бу хақда Сиз рўйхатдан ўтказишини рад қилинганилиги тўғрисидаги хат нусхасида тегишли ёзувни қайд этишингиз керак.

СИЗГА МУВАФФАҚИЯТ ВА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

1.5. КОРХОНАНИ ҚАНДАЙ ТУГАТИШ КЕРАК?

Корхонани тугатиш - унинг фаолияти, ҳукуқ ва мажбуриятларини ҳукукий ворислари сифатидаги шахсларга утказмасдан тўхтатишни билдиради. Корхона қуйидаги холларда тугатилиши мумкин:

- унинг таъсисчилари (қатнашчилари) ёки таъсис ҳужжатлари асосида корхонанинг бунга ваколатли бўлган ташкилоти қарорига кўра, жумладан, корхона фаолиятининг амал қилиш муддати тамом бўлиши муносабати билан, ташкил этишда қўйилган максадга эришилганда ёки суд томонидан корхонани рўйхатдан ўтказишини ҳақиқий эмас деб топилганда, агар уни ташкил этишда қонунчилик талаблари бузилган бўлса ва бу бузилишлар бартараф этиш мумкин бўлмаган характерга эга бўлса;
- суд қарори асосида, агар рухсат (лицензия) олмасдан фаолият кўрсатган бўлса, қонун асосида таъқиқланган фаолият юритган бўлса ёки олти ой мобайнида молиявий-хужалик фаолиятини юритмаган бўлса (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари учун уч ой), шунингдек Фуқаролик Кодексида кўзда тутилган бошқа холларда.

Агар бошқа сабабларга кўра Сиз уз компаниянгизни тугатишни истасангиз, Сиз юридик шахс мулкининг эгаси ёки юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли ташкилот томонидан рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишини билишингиз зарур:

- Ягона давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги ҳариза;
- юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги (хўжалик суди, ваколатли ташкилот, юридик шахс мулкининг эгаси ва ҳ.к.) қарор нусхаси;
- корхонани тугатиш тўғрисидаги эълоннинг матбуотда нашр этилганлигининг тасдиғи (нашрнинг ўзи корхона тугатилишидан камида икки ой илгари амалга ошилиши керак);
- солиқ ташкилотининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар юзасидан қарз йўклиги тўғрисидаги хulosаси;
- ички ишлар ташкилотининг мухр ва тамғани йўқ қилинганилиги тўғрисидаги маълумотнома;
- ҳисоб ва валюта ҳисобларининг ёпилганлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси;
- тугатиш баланси.

Тугатишни рўйхатдан ўтказиш, яъни уни Ягона давлат реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва Ягона давлат реестрига тегишли ёзувни қайд этиш 3 кун ичida амалга оширилади. Юридик шахсни тугатиш түгрисида Ягона давлат реестрига тегишли ёзув қайд этилган вақтдан бошлаб у тутатилган ҳисобланади.

1.6. КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ МАСАЛАЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ АСОСИЙ ҚОНУНЛАР

Юқоридаги масалалар билан кенгроқ танишиш учун Сиз қуидаги қонунчилик ва норматив-хуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилишингиз мумкин:

№	Хужжат тури, шакли, қабул қилиш санаси	Хужжат номи
1.	Ўзбекистон Республикаси 15.02.91 й. даги № 207-ХII Қонуни	«Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»
2.	Ўзбекистон Республикаси 15.02.91й. даги № 229-ХII Қонуни	«Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»
3.	Ўзбекистон Республикаси 14.06.91 й. даги (28.12.93 й., 29.08.98 й. ўзгаришлар билан)	«Кооперация тўғрисида»
4.	Ўзбекистон Республикасининг 6 декабрь 2001 йилдаги № 310-II Қонуни	«Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»
5.	Ўзбекистон Республикасининг 26.04.96 й. даги № 223-I Қонуни (27.12.96 й., 26.12.97 й., 29.08.98 й., 20.08.99 й., 15.12.2000 й. ўзгаришлар билан)	«Акционерлик жамиятлари ва акционерлар хуқукини химоя қилиш тўғрисида»
6.	Ўзбекистон Республикасининг 30.08.96 й. даги № 279 Қонуни	«Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида»
7.	Ўзбекистон Республикасининг 30.04.98 й. даги № 600-I Қонуни	«Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати) тўғрисида»
8.	Ўзбекистон Республикасининг 25.05.2000 й. даги Қонуни	«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»
9.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.04.98 й. даги № УП-1987 Фармони	«Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рафбатлантириш чоралари тўғрисида»
10	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 26.02.92й. даги № 85 Карорига 2-Илова (11.02.97 й., 24.07.98 й. ўзгаришлар билан)	«Ўзбекистон Республикасидаги кичик корхоналар тўғрисида» ги Низом.
11	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 26.04.96 й. даги № 164 Қарорига 1-Илова	Ўзбекистон Республикасида бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисботи тўғрисида» ги Низом
12	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 17.11.94 й. даги № 555 Қарорига Илова (ўзгаришлар билан)	«Барча мулк шаклидаги корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат реестри тўғрисида» ги Низом
13	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 14.02.95 й даги № 55 Карорига 2-Илова (15.09.95й., 2.07.97й., 7.07.99й., 14.09.99й., 05.06.2000й. ўзгаришлар ва қўшимчалар билан.)	«Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида» ги Низом
14	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 03.07.99 й. даги № 327 Карори	«Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда кўзда тутилган муддатда ўз устав фондини ташкил этмаган корхоналарни тутатиш тўғрисида»

15	Вазирлар Махкамасининг 03.07.99 й. даги № 327 Қарорига Илова	«Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда кўзда тутилган муддатда ўз устав фондини
16	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 07.07.99 й. даги № 334 Қарори	«Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»
17	ЎзР Марказий Банкининг 18.11.98 й. даги № 539 Йўрикномаси	«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк рақамлари тўғрисида»
18	ЎзР ВМ нинг 22.08.2001 й. даги № 347 Қарори	«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»
19	ЎзР ВМ нинг 22.08.2001 й. даги № 347 Қарорига 1-Илова	«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тартиби
20	ЎзР ВМ нинг 28.06.2002 й. даги № 236 Қарори	Ўзбекистон Республикасининг «Айрим фаолият турларини лицензиялаш» тўғрисидаги Конунини амалга ошириш чоралари тўғрисида
21	ЎзР ВМ нинг 28.06.2002 й. даги № 236 Қарорига 1-Илова	«Айрим фаолият турларига лицензия беришни амалга оширувчи ташкилотлар рўйхати»
22	ЎзР Адлия вазирлигининг 24.09.2001 й. даги № 165- мх Буйруғи	«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи бўлимлар тўғрисидаги типик Низомни тасдиқлаш тўғрисида»
23	Молия Вазирлиги, Давлат Солик Кўмитаси ва ЎзР ТИАВ нинг 31.05.2002 й. даги № 63, 02/8-14, 2261 Қарорлари	«Ягона божхона тўловларини олиш ва унинг суммасини давлат бюджетига тулаш тартиби» тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш

ИЛОВА: Юқоридаги ахборот 2003 ийлнинг 1 январ холатига амал қилувчи ҳужжатларга асосланган. Жойлардаги реал номувофиқликлар тўғрисидаги ахборот ёки қўшимчалар учун Сиздан миннатдор бўламиз.

1.1.-ИЛОВА

(Юридик шахс ташкил этмайдиган тадбиркорлик субъектининг давлат рўйхатидан ўтиш учун тақдим этадиган ариза Шакли)

_____туман (шаҳар)
Хокимига

_____ (ф.и.о.)
дан
(мурожаат этувчининг ф.и.о.)

АРИЗА

Сиздан юридик шахс ташкил қилмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни сўрайман

_____ (дехқон хўжалиги, хусусий тадбиркор)
_____ амалга ошириш учун
(фаолият тuri)

_____ (фаолиятни амалга ошириш жойи)

муддати _____
(жисмоний шахс – хусусий тадбиркор томонидан тўлдирилади)

Тадбиркор тўғрисидаги маълумотлар (дехқон хўжалиги бошлиги):

Ф.И.О. _____

Паспорт маълумотлари _____
(серия, №, ким томонидан берилган)

Уй манзили _____

Почта индекси _____

Аризага қўшимча илова қилинадиган хужжатлар:

1. _____
2. _____
3. _____

_____ (тўлдирилган сана) _____ (мурожаат этувчининг ёки ваколатли шахснинг имзоси)

_____ (ариза қабул қилинган сана) _____ (хокимият масъул хизматчисининг имзоси)

1.2.- ИЛОВА

(Юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш учун ариза Шакли)

Кимга _____

(рўйхатдан ўтказувчи ташкилот номи)

дан

(мурожаат этувчининг ф.и.о.)

АРИЗА

Сиздан _____
(юридик шахснинг ўзбек тилидаги тўлиқ ва қисқа номи)
давлат рўйхатидан ўтказишни сурайман.
Мулк шакли _____
оммавий (давлат) хусусий _____

Ташкилий-хукукий шакли:

(акционерлик жамияти, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, тўлиқ ёки коммандит ширкат, унитар корхона, хусусий корхона, ишлаб чиқариш кооперативи, фермер хўжалиги, юридик шахс ташкил этган дехқон хўжалиги ва бошка тижорат ташкилотлари)

Кўзда тутилган ишчилар сони _____ киши.

Почта манзили _____

Почта индекси _____

Аризага қўшимча илова этилган ҳужжатлар:

1. _____
2. _____


(тўлдирилган сана) (мурожаат этувчининг таъсисчиси ёки ваколатли шахс имзоси)

(ариза қабул қилинган сана) (хокимият масъул хизматчисининг имзоси)

2 Боб

Зарур алоқалар





Сиз тушунганингиздек, факат битта масала, корхоналарни рўйхатдан ўтказиши, тугатиш, тадбиркорлик фаолияти ва уни ривожлантириш масалалари қийин ва комплекс жараён бўлиб, кўплаб ташкилот ва муассасаларнинг унда эҳтиёткорлик ва эътибор билан қатнашувини талаб қиласди.

Республика ҳукумати кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантиришининг доимий ва комплекс сиёсатини олиб боради, актив равишда тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи институтларни – турли давлат ва нодавлат ташкилотлари ва муассасаларини ташкил қиласди ва улар тадбиркорларга фаолият юритишида зарур бўлган ҳар томонлама ёрдам кўрсатади.

Хозирги кунга келиб, кучли қонунчилик ва норматив база ташкил этилган – қонунлар, Ҳукумат қарорлари, айrim масалалар бўйича турли идора йўриқномалари ва қоидалари ишлаб чиқилган. Бунда шуни таъкидлаш керакки, ушбу ахборотлар очиқ ва уларни топиш осон: Сиз ўзингизни қизиқтирувчи исталган ҳужжатни осонгина топшишингиз ва ўрганишингиз мумкин, чунки уларнинг барчаси оммавий ахборот воситаларида ёки маҳсус нашрларда нашр этилади (масалан, адлия Вазирлигининг расмий нашири бўлган “Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами” ва “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат қумиталарининг норматив ҳужжатлари бюллетени”, “Налоговые и таможенные вести”, “Шахсий мулк” газеталарида ва б.) шунингдек, компьютер маълумотлари базаси сифатида (“Право”, “Фемида” ва б.).

Шунга қарамай, хусусий бизнесни юритиши илгаригидек ташкилий жиҳатдан қийинлигича қолмоқда ва натижада тадбиркорлар доимий маслаҳатга, ёрдам, ахборот ва қўллаб-қувватлашга муҳтождирлар. Шунинг учун биз ушбу бобда Сизни шундай ташкилот ва муассасалар билан таништирамизки, улар юзага келган масалаларни ҳал этишида имкони борича Сизга ўз ёрдамларини кўрсатадилар ва Сизнинг доимий ҳамкорингиз ва ёрдамчинаиз бўлиб қоладилар.

2.1. ТАДБИРКОРИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР

Илгари айтганимиздек, мамлакатимизда тадбиркорликни қувватловчи ягона тизим ташкил этилган ва у давлатни бошқариш ташкилотларини ва бозор инфратизими институтларини (нодавлат ташкилотлари ва муассасаларини) ўз ичига олади.

Келинг, кичик ва ўрта бизнес (КЎБ) ни қўллаб-қувватлашни ривожлантиришга ким ва қандай жавоб беришини муфассал кўриб чиқамиз. Керакли учрашувларни амалга оширишни осонлаштириш учун айrim ташкилотларнинг манзили ва телефон рақамларини келтирамиз, улар Сизнинг доимий ҳамкорингиз ва маслакдошингиз бўладилар (Сизга керакли бошқа ташкилотлар тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасининг бўлинмаларидан ва шунингдек, КЎБ ни қувватловчи бошқа тизимлардан осонгина топшишингиз мумкин):

1. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши (Кенгаш таркибига Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аъзолари, тадбиркорликни қувватловчи давлат ва нодавлат ташкилоти ва муассасаларининг, йирик ҳалқаро молия ташкилотлари, ўзбек ишбилармонларининг вакиллари киради):

- Кичик ва ўрта бизнесни, шунингдек хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширади;
- Давлат бошқарув ташкилотлари ва КЎБ ни қувватловчи бозор инфратизилмаси фаолиятини мувофиқлаштиради (уларнинг кафолатлари ва

имтиёзларини кўзда тутиш, сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш учун зарур кредит ресурсларини олиш имконияти, жумладан хорижий кредит ташкилотлари ҳисобига);

- Сармоявий лойиҳалар ва таклифларни танлов натижасида танлаш механизмини ишлаб чиқишини ва мониторингини ташкил қилади;
- Сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш механизмини ишлаб чиқади, кредит билан таъминлаш бўйича муаммоларни ҳал қиласи ва бунда сансалорлик, қоғозбозлик ва бошқа салбий ходисаларни йўқотиш устидан қатъий назоратни таъминлайди;
- Молиялаштиришга қабул қилинган сармоявий лойиҳаларни ҳисобга олиш, уларни амалга ошириши таҳлил қилиш, ажратилган кредит ресурсларининг самарадорлиги ва улардан мақсадли фойдаланиш тизимини яратади.

2. Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиётлари:

- КўБ субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиши ташкил этади;
- КўБ субъектлари учун маҳаллий солик ва йигимлар бўйича имтиёзлар ўрнатади;
- КўБ ни ривожлантиришнинг худудий дастурларини ишлаб чиқади;
- КўБ корхоналари учун нотураржойларни ижарага бериш ёки сотишни ташкил этади.

**3. Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича
Давлат қўмитаси (республиканинг барча худудларида – вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига эга):**

- КўБ ни қувватловчи бозор инфратизилмалари институтларининг ишини мувофиқлаштиради;
- Кўшма корхоналар ташкил этиш учун хорижий ҳамкорларни, экспортга йўналтирилган маҳсулотни сотиш учун бозорларни қидиришга кўмаклашади;
- КўБ ни илгор технологиялар билан ва дунё бозори конъюнктураси тўғрисидаги ахборот билан таъминлашга ёрдам беради.

4. Макроэкономика ва статистика Вазирлиги (республиканинг барча худудларида – вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига эга):

- КўБ нинг янги ташкил топган корхоналарини давлат реестрига киритишга ва давлат рўйхатининг тегишли номерини беришга жавоб беради;
- КўБ субъектлари бўйича давлат статистик ҳисботини юритади;
- КўБ корхоналарини худудий ва тармоқ нуқтаи-назаридан улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини намоён қилиш асосида ташкил этиш ва тугатиши динамикасини таҳлил қилишга жавоб беради.

5. Давлат солик қўмитаси (республиканинг барча худудларида – вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига эга):

- КўБ субъектларига солиқларни тўғри ҳисоблаш ва бухгалтерлик ҳисобини юритишида ёрдам беради;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқقا тортишнинг содда тизимини киритишни таъминлайди;
- КўБ субъектларини текшириш амали ва тартибини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

6. Узбекистон Республикаси адлия Вазирлиги (республиканинг барча худудларида худудий булинмаларга эга):

- ХСК ва бозорларни, шунингдек Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган аудиторлик ва сугурта ташкилотларини, биржаларни давлат рўйхатидан ўтказишига жавоб беради;

- Оммавий ахборот воситаларида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти ташкилотларининг КЎБ масалалари бўйича норматив ҳужжатларини нашр этишни ташкил этади;
- Жойларда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш ишларини таҳлил қилади, аниқланган бузилишларни тугатиш учун тегишли чораларни кўриш юзасидан таклифлар тайёрлайди;
- Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ қонунчилик масалаларининг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди.

7. Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги (ТИАВ) (республиканинг барча худудларида худудий бўлинмаларга эга):

- КЎБ субъектларига ташки иқтисодий фафиятни амалга оширишда ёрдам беради;
- Тадбиркорларга ҳалқаро кўргазмалар ташкил қилиш, шунингдек хорижий сармояларни жалб қилиш орқали илғор технологияларни қидиришга ёрдам беради.

8. Марказий Банк :

- КЎБ субъектлари учун тижорат банкларида ҳисоб рақамлари очишнинг, шунингдек корхона накд пулларини инкасация қилишнинг умумий тартибини ўрнатади;
- КЎБ корхоналарини кредитлашнинг умумий қоидаларини ўрнатади.

9. Ташки иқтисодий алоқалар Миллий Банки, шунингдек тижорат банклари кредит берадиган ва кредит линияларига хизмат кўрсатадиган ("Асака" банки, Ўзтадбиркорбанк, "Пахта" банки, "Ипак Йўли" банки, "Ўзприватбанк", "Савдогар" банки ва бошқа банклар бўлиб, улар билан боғланиш бўйича маълумотни "Пулни қандай топиш керак" деб номланган З-Бобдан оласиз):

- КЎБ субъектларини кредит билан таъминлаш учун хорижий кредит линияларини жалб қилишни ташкил этади;
- Ўзининг ва жалб килинган кредит реесурслари, бюджетдан ташқари фонdlарнинг, ҳалқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобига кредитлар беради;
- Сармоявий лойиҳаларни комплекс экспертизасини амалга оширади;
- Кредит маблагларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади;
- Кенг қамровли банк хизматларини кўрсатади (лизинг, кредит, факторинг, кафолатлар бериш ва ҳ.к.).

10. Ўзбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси (республиканинг барча худудларида – вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига эга – 2.1. Иловага қаралсин):

- Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириши рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарорларини амалга ошириш юзасидан ишларни ташкил этади;
- КЎБ субъектлари – Палата аъзоларининг манфаатларини давлат ҳокимияти ва бошқарув ташкилотларида намоён қилади;
- Давлат регистри асосида КЎБ субъектлари реестрини юритади;
- КЎБ корхоналарини ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий сармояларни жалб қилиш фаолиятини ташкил этади, сармоявий лойиҳаларни йўлга қўйишнинг натижалари мониторингини ўтказишни, жумладан, жалб этилаётган хорижий кредит линияларининг сармоявий циклининг барча босқичларида;
- Бизнесни ташкил қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалаларда

- ёрдам беради, дастлабки ҳисоб ва ҳисботни юритиш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, сармояларни жалб қилиш имкониятлари, маҳсулотни сотиш ва экспорт қилиш, малакали кадрларни тайёрлаш, турли ваколатли ташкилотлар томонидан текширувларни амалга ошириш;
- КўБ корхоналарини Бизнес-Фонд, “Мадад” сугурта агентлиги, Ўзтадбиркорбанк томонидан қувватлаш чораларини мувофиқлаштиради;
 - Ҳалқаро кўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил этади.
11. **Бизнес-Фонд, дехқонларни ва фермер хўжаликларини қувватлаш Фонди, бандлик Фонди** (бюджетдан ташқари фондлар худудий бўлинмаларга эгадир – 2.2.-Иловага қаралсин):
- Тижорат банкларида КўБ субъектларига тақдим этиш учун кредит линиялари очадилар;
 - Кичик ва ўрга корхоналар устав фондида иштирок этадилар;
 - КўБ субъектларига маслаҳат ва ахборот шаклидаги техник ёрдам кўрсатадилар;
 - Инфратизимни ривожлантиришга ёрдам берадилар;
 - Олинадиган кредит учун кафолатлар, мажбуриятлар беради ва жавобгарликни ўз устига оладилар.
12. “Ўзбекинвест” Сугурта компанияси, “Мадад”, “Ўзагросуѓурта”, “Кафолат” ва б. (республиканинг барча худудларида худудий бўлинмаларга эга - 2.3.-Иловага қаралсин):
- КўБ субъектлари таваккалчилигини сугурта қиласидилар, шу жумладан тузилган шартномалар бўйича;
 - Кредит олиш учун, шу жумладан хорижий тижорат банкларидан ҳам, сугурта кафолатларини берадилар.
13. **Ўзбекистон Республикаси бизнес-инкубаторлари ва технопарклари Ассоциацияси – ЎзР БИТА** (республиканинг барча худудларида худудий бўлинмаларига эга - 2.4.-Иловага қаралсин):
- Дастлаб иш бошлиётган тадбиркорларга ахборот, консалтинг, техник хизматлар мажмунини кўрсатади (офис билан таъминлаш, оргтехникага йўл бериш, корхона ташкил этишда ёрдам кўрсатиш, бизнес-режани ишлаб чиқишида, кредит ва грант олишда, шунингдек янги технологияларни, ускуналарни ҳамда ҳамкорлар ва сармояларни излашда ёрдам бериш);
 - Бозор кўнималари ва касб малакаси асосларини ўргатади (қисқа муддатли курслар ва дастурлар кўринишида);
 - Корхонанинг дастлабки ривожланиш даврида (дастлабки 2-3 йилда) бизнесни такомиллаштиришга ёрдам беради (маркетинг ва менежмент соҳасидаги хизматлар, кундалик масалалар бўйича маслаҳатлар).
14. **Бозор Кўнималарини Ривожлантириш Маркази – БКРМ** (республиканинг қатор худудларида вакилларига эга – 2.5.-Иловага қаралсин):
- Бозор кўнималарига ўргатишга ихтисослашган (бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш, менежмент ва маркетингта багишлиган 30 дан ортиқ қисқа муддатли курслар ва дастурлар тайёрланган). Фақат Тошкент шаҳрида эмас, балки тўғридан-тўғри худудларда ҳам ўқитишни амалга ошириш имкони бор.
15. **“Ўзинвестложиха” Республика инжинииринг компанияси** (республиканинг қатор худудларида вакилларига эга – 2.6.-Иловага қаралсин):
- Сармояли лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш соҳасида маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатади;
 - Техник-иктисодий жиҳатдан асосланган бизнес-режалар ишлаб чиқади;

- Янги технологик ускуналарни экспертизадан ўтказади.
- 16. **Республика бизнес-мактаби – РБМ** (республиканинг қатор худудларида вакилларига эга – 2.7.-Иловага қаралсин):
 - Бозор кўниммалари иқтисодиёти – маркетинг, менежмент, бухгалтерлик ҳисоби ва бошқа соҳаларда мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини – худудий бизнес-мактабларда узок муддатли (2 йилгача) ўқитиш дастурларини амалга ошириш асосида ташкил этади.
- 17. **Декон ва фермер хўжаликлари Ассоциацияси – ДФХА** (республиканинг барча худудларида вакилларига эга – 2.8.-Иловага қаралсин):
 - Фермер ва декон хўжаликларига уларнинг фаолиятини ривожлантириш йўлида комплекс хизматлар кўрсатади (уруғлиқ материаллари ва ёқилғи-мойлаш материалларини олишда, имтиёзли кредитлар олишда, сармояли лойиҳаларни амалга оширишда, тайёр маҳсулотни сотишда, ҳамкорлар ва сармояларни излашда, кундалик ташкилий-техник саволларни ҳал этишда).
- 18. **Ишбилиармонлик Алоқалари Маркази – ИАМ** (республиканинг барча худудларида ўзининг бўлинмаларига эга – 2.9.-Иловага қаралсин):
 - Тадбиркорларга маслаҳат, ахборот ва техник хизматлар кўрсатади (ҳамкорларни, технологияларни ва сармояларни излаш; бизнес-режа ишлаб чиқиш; сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда ва маҳсулотни экспорт қилишда ёрдам кўрсатиш, маълумотларнинг ахборот базасига, электрон почтага ва Интернет тизимига киришга йўл бериш).
- 19. **Ўзбекистон Республикаси Ишбилиармон Аёллари Ассоциацияси** (республиканинг барча худудларида ўзининг бўлинмаларига эга – 2.10.-Иловага қаралсин):
 - Давлат ҳокимияти ва бошқарувида ва шунингдек, ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан муносабатларда тадбиркор аёлларнинг манфаатини намоён этади;
 - Маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатади, бизнесни ривожлантиришга, касб кўниммаларига ва бозор иқтисодиёти асосларига ўқитишга ёрдам беради.
- 20. **Республика товар-хом ашё биржаси (РТХБ), Республика Универсал Агросаноатбиржаси (РУАСБ)** (республиканинг барча худудларида ўзининг бўлинмаларига эга – 2.11 ва 2.12.-Иловага қаралсин):
 - Маҳсулотларни (ишлар ва хизматларни) сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ бўлган экспорт-импорт бўйича биржа шартномаларини тузишга ва уларни амалга оширишга ёрдам беради;
 - Божхона, омбор, юқ ташиш ва реклама хизматларини олишда ёрдам беради;
 - Кундалик масалалар бўйича маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатади;
 - Фьючерс ва форвард шартномаларини тузишни амалга оширади;
 - Маҳсулотни Интернет тармоғига қўйишга ва сўровларни жойлаштиришга ёрдам беради.

2.1.-ИЛОВА

ЎзР Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси ва унинг худудий бўлинмалари:

**Ўз ТИТП – Тошкент ш, 700047, Бухоро кўчаси, 6. тел.- (371) -133-06-99, 132-09-03,
факс – 132-09-03, E-mail (электрон почта) – root@rptp.co.uz**

№	Худуд	Телефон/факс
1.	Андижон вилояти	(3742) 221737, 22-17-39
2.	Бухоро вилояти	(3652) 23-06-82, 23-43-17
3.	Жиззах вилояти	(37222) 6-16-23, 6-36-43
4.	Қашқадарё вилояти	(37522) 3-06-93, 4-48-18, 4-53-43
5.	Навоий вилояти	(43622) 5-59-03
6.	Наманган вилояти	(36922) 6-61-00, 6-29-29
7.	Қорақалпогистон Республикаси	(36122) 2-02-96
8.	Самарқанд вилояти	(3662) 34-01-15, 34-06-38
9.	Сирдарё вилояти	(36722) 25-07-00, 25-47-87, 25-33-33
10.	Сурхандарё вилояти	(37622) 3-73-51
11.	Тошкент вилояти	(371) 67-16-31, 67-16-30, 67-60-86
12.	Тошкент шаҳри	(371) 152-64-57, 152-64-59, 152-64-53
13.	Фарғона вилояти	(3732) 247252, 244345, 244345
14.	Хоразм вилояти	(36222) 65244

2.2.-ИЛОВА

Бизнес-Фонд ва унинг худудий бўлинмалари:

**ЎзР Бизнес-Фонди – 700100, Тошкент, У.Носир кўчаси, 53 “б”-уй,
тел. – (3712) 53-79-00, 53-56-52**

№	Худуд	Худудий бўлинма манзили	Телефон/факс
1.	Андижон вилояти	Андижон ш., А.Навоий к., 129	(37422) 51-453, 59-896, 53-283
2.	Бухоро вилояти	Бухоро ш., М.Иқбол к., 7	(36522) 38-081, 32-347, 34-721
3.	Жиззах вилояти	Жиззах ш., К.Имомов к., 61	(37222) 42-250, 40-277, 63-000
4.	Қашқадарё вилояти	Қарши ш., Мустақилик ш.к., 3, Бизнес-Марказ	(37522) 33-904, 33-614, 32-765
5.	Навоий вилояти	Навоий ш., А.Навоий к., 18	(43622) 35-890, 35-955, 35-902
6.	Наманган вилояти	Наманган ш., А.Навоий к., 5	(36922) 62-701, 62-381
7.	Қорақалпогистон Республикаси	Нукус ш., Қорақалпогистон к., 6	(36122) 20-285, 20-293, 20-305
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд ш., Гагарин к., 89	(3662) 34-07-24, 34-18-25, 34-16-73
9.	Сирдарё вилояти	Гулистон ш., 3-мкр., Т.Ахмедов к., Бизнес-Марказ	(36722) 65-291, 65-295, 65-289
10.	Сурхандарё вилояти	Термиз ш., Ф.Ходжаев к., 17	(37622) 31-642, 35-096
11.	Тошкент вилояти	Тошкент ш., У.Носир к., 53 б	(3712) 53-77-67, 53-71-54
12.	Фарғона вилояти	Фарғона ш., М.Косимов к., 58	(37322) 47-913, 47-914
13.	Хоразм вилояти	Ургенч ш., Абу-Фози Баходирхон к., 185	(36222) 63-707, 60-061
14.	Тошкент ш.	У.Носир к., 53 б	(3712) 53-17-29, 53-49-73

2.3.-ИЛОВА

“Мадад” СА за уннат ҳудудий бўлинмалари:

“Мадад” СА – Тошкент ш., У.Носир к., 53 “б”, тел.- (3712) 53-40-11, факс – 53-32-26

№	Ҳудуд	Ҳудудий бўлинма манзили	Телефон/факс
1.	Андижон вилояти	Андижон ш., А.Навоий к.,126	(3742) 25-29-22, 25-32-10
2.	Бухоро вилояти	Бухоро ш., О.Эшонов к., 27	(3652) 23-72-92
3.	Жиззах вилояти	Жиззах ш., Ш.Рашидов ш.к. (вилоят касаба қўмитаси) 14	(3722) 60-983, 63-000
4.	Қашқадарё вилояти	Қарши ш., Фузор к., 5	(37522) 70-037
5.	Навоий вилояти	Навоий ш., П.Очилов к., 24	(43622) 488-01
6.	Наманган вилояти	Наманган ш., А.Навоий к., 5	(36922) 687-34, 682-43
7.	Қорақалпогистон Республикаси	Нукус ш., А.Темур к., 112 А	(3612) 22-02-91, 22-02-91
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд ш., М.Улугбек к., 4	(3662) 34-04-08
9.	Сирдарё вилояти	Гулистон ш., 3-мкр., Т.Ахмедов к., Бизнес-Марказ	(3672) 26-53-18, 26-52-94
10.	Сурхандарё вилояти	Термиз ш., К.Шарқ к.,«Навруз» мемонхонаси	(37622) 732-89/335-12
11.	Тошкент вилояти	Тошкент ш., У.Носир к., 53 «б»	(371) 53-26-84
12.	Фарғона вилояти	Фарғона ш., Ал-Хоразмий к., 30	(3732) 24-84-25
13.	Хоразм вилояти	Урганч ш., П.Махмуд к., 16	(36222) 672-22, 608-38

2.4.-ИЛОВА

ЎзР БИТА ва ҳудудий бизнес-инкубаторлар:

**ЎзР БИТА – Тошкент ш., Хонзодабегим к., 8. Тел.-факс- (3712) 54-96-29
E-mail (электрон почта) – rbiuz@online.ru**

№	Ҳудуд	Бизнес-инкубатор манзили	Телефон/факс
1.	Андижон вилояти	Андижон ш., Ш.Рашидов к., 1а	(3742) 24-87-56 24-42-94
2.	Бухоро вилояти	Бухоро ш., П.Неруда к.-2.	(36522) 39-862 (тел/факс)
3.	Жиззах вилояти	Жиззах ш., Ш.Рашидов ш.к., 3	(37222) 65-814/ 65-820
4.	Қашқадарё вилояти	Қарши ш., Хонобод к., 19	(37522) 35-823/ 37-920
5.	Қашқадарё вилояти	Шахрисабз ш., Амир Темур к., 43	(37552) 229-717 (тел./факс)
6.	Навоий вилояти	Навоий ш., Амир Темур к., 4	(43622) 51-768 (тел/факс)
7.	Наманган вилояти	Наманган ш., У.Носиров к., 7	(36922) 68-654 (тел/факс)
8.	Қорақалпогистон Республикаси	Нукус ш., Амир Темур к., 112 А	(36122) 21-902/ 20-308
9.	Самарқанд вилояти	Самарқанд ш., Лолазор к.,70, СамГАКИ	(1) 31-06-95/ 31-06-86
10.	Самарқанд вилояти	Самарқанд ш., Охунбобоев к., 93	(2) 31-11-87/ 33-52-19
11.	Сирдарё вилояти	Гулистон ш., 4-мкр., Т.Ахмедова к., Бизнес-Марказ	(36722) 63471 (тел/факс)

12.	Сурхандарё вилояти	Термиз ш., М.Кошфарий к., 36а	(37622) 37-162 (тел/факс)
13.	Тошкент вилояти	Олмалиқ ш., Амир Темур к., 55	(261) 41-082 (тел/факс)
14.	Тошкент вилояти	Чирчик ш., А.Навоий к., 139	(271) 52-895/ 63-799
15.	Тошкент ш.	Таш ДАУ	(1) 63-95-10/ 63-75-01
16.	Тошкент ш.	Ниёзов к., 80 (ТДТУ)	(371) 46-49-16 / 29-22-68
17.	Тошкент ш.	Ниёзов к., 73 (ТИИИМСХ)	(1) 137-19-38 /137-09-52
18.	Тошкент ш.	Олмазор к., 183 Тош ДИУ	(371)132-63-81 (тел/факс)
19.	Тошкент ш.	5- проезд Сайрам к., 15	(3712) 67-95-07 (тел/факс)
20.	Тошкент ш.	Х. Абдуллаев к., 77А	(1) 162-79-59/162-79-79
21.	Фарғона вилояти	Фарғона ш., Б.Усмонхўжаев к., 19	(3732) 24-61-61/ 24-3532
22.	Хоразм вилояти	Урганч ш., П.Махмуд к., 2	(36222) 62-586/ 68-329

2.5.-ИЛОВА

БКРМ (ЦРРН) ва унинг вилоятлардаги вакиллари:

**БКРМ (ЦРРН) – Тошкент ш., У.Юсупов к., 1А, тел.: (3712)- 41- 70- 47,
41-07-62, 41-23-40, факс: 120-67-60
E-mail (электрон почта) – msdc@infonet.uz**

№	Худуд	Телефон/факс
1.	Жиззах вилояти (Жиззах ш.)	(37222) 65-902
2.	Наманган вилояти (Наманган ш.)	(36922) 65-019
3.	Қоракалпогистон Республикаси (Нукус ш.)	(36122) 27-091

2.6.-ИЛОВА

“Ўзинвестлойиха” РИК ва унинг худудий бўлинмалари:

**“Ўзинвестлойиха” РИК - 7000000, Тошкент ш., Пушкин к., 88.
тел.- (371) 136-78-12, 133-63-43, факс – 120-66-41**

№	Худуд	Телефон/факс
1.	Андижон вилояти (Андижон ш.)	(3742) тел. : 22-19-37, 22-19-39, 25-76-01, факс: 25-76-02
2.	Бухоро вилояти (Бухоро ш.)	(36522) тел. :23-33-58, 23-57-48, 23-99-03, факс 23-33-58
3.	Жиззах вилояти (Жиззах ш.)	(37222) -64-567
4.	Қашқадарё вилояти (Қарши ш.)	(37522) -46-709, 45-235
5.	Навоий вилояти (Навоий ш.)	(43622)- 367-45
6.	Наманган вилояти (Наманган ш.)	(36922) тел.: 64-181, 68-684, факс:629-29
7.	Самарқанд вилояти (Самарқанд ш.)	(3662)тел.31-16-57, факс 31-01-30
8.	Сурхандарё вилояти (Термиз ш.)	(37622) - 37-417
9.	Тошкент вилояти (Тошкент ш.)	(371) 67-17-30, 67-16-30
10.	Хоразм вилояти (Урганч ш.)	(36222) тел. 41-959

2.7.-ИЛОВА

РБМ ва унинг худудий бўлинмалари:

РБМ – Тошкент ш., Университет к., 2. тел./факс- (3712) 46-80-72

№	Худуд	Худудий бўлинма манзили	Телефон/факс
1.	Бухоро вилояти	Бухоро ш., К.Муртазоев к., 9-уй, 6-хонадон	(36522) 30-705
2.	Жиззах вилояти	Жиззах ш., Ш.Рашидов к., 128А-уй	(37222) -63-814
3.	Қашқадарё вилояти	Қарши ш., Хонобод к., 19-уй	(37522) -32-429, 38-834
4.	Навоий вилояти	Навоий ш., Гусоев к., 2	(43622)- 51-269
		Зарафшон ш., 12-микрорайон, боғча, блок «Б»	(4365) - 72-06-61
5.	Наманган вилояти	Наманган ш, Дўстлик шох кўчаси, 5/ 32а	(36922) - 24-515/20-703
6.	Самарқанд вилояти	Самарқанд ш., Лолазор к., 70	(3662) -37-49-32/31-11-49
7.	Сурхандарё вилояти	Термиз ш., Соатов к., 32	(37622) - 37-164
8.	Сирдарё вилояти	Гулистан ш., 3 микрорайон, Бизнес-Марказ	(36722) 63-470
9.	Фарғона вилояти	Фарғона ш., Л.Толстой к., 58	(3732) – 23-36-77, 23-46-92
		Қўқон ш., Халқ сўзи рўзномаси, 5а-уй	(3735) -52-36-48

2.8.-ИЛОВА

Декон ва фермер хўжалиндири Ассоциацияси ва унинг худудий бўлинмалари :

ЎзР ДФХА – 700084, Тошкент ш., Муртазоев к., 40, тел. – (371) -137-57-92, 137-57-91

№	Худуд	Худудий бўлинма манзили	Телефон/факс
1.	Андижон вилояти	Андижон ш., Пушкин к., 55	(3742) тел.:24-27-30, 24-41-22, факс:24-26-85
2.	Бухоро вилояти	Бухоро ш., Газли к, 34	(365-22) 34-879, 34-880
3.	Жиззах вилояти	Жиззах ш., Ш.Рашидов ш.к. (вилоят қасаба қўмитаси)	(37222) 60-915
4.	Қашқадарё вилояти	Қарши ш., Мустакилик ш.к., 4	(37522) тел.:43-933, 46-065, факс: 46-947
5.	Навоий вилояти	Навоий ш., С.Айний к., 32	(43622) 54-570
6.	Наманган вилояти	Наманган ш., Охунбобоев к., 4	(36922) 65-708
7.	Қорақалпогистон Республикаси	Нукус ш., Ш.Рашидов к., 23	(36122) 41-694, 70-913
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд ш., «Қўксарой» майд., 5	(3662) 33-61-64, 31-15-71
9.	Сирдарё вилояти	Гулистан ш., Сайхун к., 41	(3672) 252558
10.	Сурхандарё вилояти	Термиз ш., А.Каххор к., 10	(37622) 282-37, 286-34
11.	Тошкент вилояти	Тошкент ш., Нукус к., 77	(3712) 55-29-09
12.	Фарғона вилояти	Фарғона ш., Бобур к., 85	(3732) тел.:24-51-61, 24-88-10, (3734) факс: 24-08-18
13.	Хоразм вилояти	Урганч ш., Хонқа к., 19	(36222) 71-223, 71-182

2.9.-ИЛОВА

Ишбийлармонлик Адекалари Маркази (ИАМ) **ва унинг худудий бўлинмалари:**

**ИАМ (ЦДС) – 700015, Тошкент ш., Шахрисабз к., тел. – (371) 152-66-79, 120-62-45,
факс- 152-70-88 , E-mail (электрон почта) - bccstash@bcc.com.uz**

№	Худуд	Худудий бўлинмалар манзили	Телефон/факс
1.	Андижон вилояти	Андижон ш., Шокиров к., 3-йй, 57-хона	(3742) 258588/222254
2.	Бухоро вилояти	Бухоро ш., Промишленная к., 4	(36522) 255270, 254286
3.	Жиззах вилояти	Жиззах ш., Ш.Рашидов к., 64	(37222) 638-40, 616-23, 415-93
4.	Қашқадарё вилояти	Карши ш., Хитой к., 41	(37522) 558-52
5.	Навоий вилояти	Навоий ш., Петров к., 26	(43622) 441-83, 482-54
6.	Наманган вилояти	Наманган ш., Навоий к., 5	(36922) 641-81,629-29
7.	Қорақалпогистон Республикаси	Нукус ш., Утепов к., 31	(36122) 322-80, 727-59
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд ш., Гагарин к., 89 А	(1) 340-207, 343-354
9.	Сирдарё вилояти	Гулистон ш., Навоий к., 36	(36722) 25-38-82, 25-48-05
10.	Сурхандарё вилояти	Термиз ш., Ф.Хужаев к., 15	(37622) 374-17
11.	Фарғона вилояти	Фарғона ш., М.Қосимов к., 58	(3732) 24-42-48, 24-43-45
12.	Хоразм вилояти	Хива ш., Жамоат Маркази, 1	(36222) 52455, 53794

2.10.-ИЛОВА

Ўзбекистон Ишбийларон Адеклари Ассоциацияси ва унинг худудий бўлинмалари:

**Уз Р ИАА – Тошкент ш., ул. Афросиёб, 41. тел. : (3712)- 56-73-28, 56-65-78
E-mail (электрон почта) – bwa@freenet.uz**

№	Худуд	Худудий бўлинма манзили	Телефон/факс
1.	Андижон вилояти	Андижон ш., Шокиров к., 3/57-үй	(3742) 22-22-54
2.	Бухоро вилояти	Бухоро ш., Навоий ш.к., 5/1	(36522) 23-60-21, 26-60-45
3.	Жиззах вилояти	Жиззах ш., Турсунов к., 2	(37222) 65-902
4.	Қашқадарё вилояти	Карши ш., Ўзбекистон к., 219	(1) 23-60-17, 23-50-12
5.	Навоий вилояти	Навоий ш., Толстой к., 14 а	(43622) 54-582
6.	Наманган вилояти	Наманган ш., Банковская к., 9	(36922) 65-019
7.	Қорақалпогистон Республикаси	Нукус ш., А.Темур к., 112 А	(36122) 29-454, 29-455
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд ш., Гагарин к., 54	(3662) 34-34-93
9.	Сирдарё вилояти	Гулистон ш., 3-мкр., Т.Ахмедов к., Бизнес-Марказ	(3672) 26-34-67
10.	Сурхандарё вилояти	Термиз ш., М.Қошгари к., 36а	(37622) 27-662,37-338
11.	Тошкент вилояти	Тошкент ш., Абай к., 6А	(3712) 144-84-11
12.	Фарғона вилояти	Фарғона ш., М.Қосимов к., 58	(3732) 24-56-47
13.	Хоразм вилояти	Урганч ш., Тинчлик к., 29	(36222) 42764, 54662

2.11-ИЛОВА

Агросанитбиржаси (ЎзР АСБ) ва унинг худудий бўлинмалари:

**ЎзР АСБ – Тошкент ш., Олмазор к., 67. тел.-факс – (371) 139-15-51, 144-61-17,
144-60-33, 144-33-16, E-mail (электрон почта) - гуарб@tkt.uz**

№	Худуд	Худудий бўлинмалар манзили	Телефон-факс
1.	Бухоро вилояти	Бухоро ш., Мустақиллик к., 12	(36522) 329-97, 316-13
2.	Сурхандарё вилояти	Термиз ш., М.Қошғарий к., 13	(37622) 37-959, 33-506
3.	Фарғона вилояти	Фарғона ш., М.Қосимов к., 58	(3732) 242699, 245435, 246297

2.12.-ИЛОВА

РТХБ ва унинг худудий бўлинмалари:

**РТХБ – Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 53 А, тел. – (371) 139-83-77, 139-83-92,
E-mail (электрон почта) - uzrtsb@uzpak.uz**

№	Худуд	Худудий бўлинмалар манзили	Телефон/факс
1.	Андижон вилояти	Андижон ш., А.Тимур к., 13	(3742) 24-16-32, 24-44-48, факс: 24-85-36
2.	Бухоро вилояти	Бухоро ш., С.Муратов к., 12	(36522) 34-455, 31-818
3.	Жizzах вилояти	Жizzах ш., А.Навоий к., 4 А	(37222) 60-301, 60-921
4.	Қашқадарё вилояти	Қарши ш., Мустақиллик к., 4	(37522) 33-581, 435-87
5.	Навоий вилояти	Навоий ш., М.Меъмор к.4	(43622) 43-471, 41-691
6.	Наманган вилояти	Наманган ш., Текстилчилар к., 3	(36922) 20-589, 25-261
7.	Қорақалпогистон Республикаси	Нукус ш., Хужайли ш.,15	(36122) 32-683, 37-967
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд ш., Охунбобоев к., 85	(3662) 33-70-51, 31-17-66
9.	Сирдарё вилояти	Гулистон ш., 3-мкр., Т.Ахмедов к., Бизнес-Марказ	(3672) 27-76-30, 27-76-30
10.	Сурхандарё вилояти	Термиз ш., Ф.Хужаев к., 32	(37622) 33-513, 33-512
11.	Фарғона вилояти	Фарғона ш., М.Қосимов к., 135	(3732) 24-76-91, 24-75-04
12.	Хоразм вилояти	Урганч ш., Ҳонқа к., 62	(36222) 62-379, 63-429

З Боб

Пулни қандай топиш мүмкин



p

t

t

E

t

t

t

z

t

t

t

t

t

t

t

t

t

t

t

t

t

t

t

t

t

t


t

t

t

t

t



3.1 ТҮГРИДАН-ТҮГРИ САРМОЯЛАР

Түгридан-түгри сармояларнинг Сизнинг бизнесингизга бошқа жалб этиладиган маблағлардан алоҳида ҳусусиятини қайд этиб, айтиш мумкинки, бу – ҳамкорликдир. Агар кредит олиб, лизинг ёки грант олиш түгрисидаги битимни имзолаб, Сиз қарзга олинган маблағни фоиз билан (кредит, лизинг) қайтариб ёки лойихадаги вазифани бажариб (грант), сармоядор олдирадиги мажбуриятни тўлиқ бажарган бўлсангиз ва бизнесингизни мустакил давом эттиришингиз мумкин бўлса, түгридан-түгри сармояларда Сиз ҳамкорга эга бўласиз ва бизнесни бошқариш, фойда, таваккалчилик, зарар ва ҳ.к каби ҳамма яхшилик ва ёмонликни у билан бўлишасиз.

Ҳар доим муаммоларни бўлишиш “ёқимли” дир, лекин омадни бўлишиш ҳам моддий, ҳам психологик жиҳатдан жуда қийин вазифа. Сиз ўзингиз жалб қилмоқчи бўлган пуллар Сизга қанчалик зарурлигини ва шу билан Сиз ўз гоянгиз, вазият устидан назоратингиз ва ҳ.к. лар билан бўлишишга рози эканлигингизни аниқ мулҳаза қилишингиз керак. Бироқ, шуну эсдан чиқармаслик керакки, у ёки бу вактда пулнинг йўклиги Сизнинг бизнесингизга ёмон таъсир этиши ва ҳатто, уни кучсизлантириб, ривожланишига йўл қўймаслиги бу эса, юкори рақобат даврида унинг ҳалокатига олиб келиши мумкин. Шунинг учун, ишингизнинг фойдасини кўзлаб, бизнеснинг бир қисмини бериш керак булса, бунга ачинмаслигингиз керак. Бундан ташқари, сармояларнинг Сизнинг кўлингизда қолган қисми илгаридан кўпроқ фойда бериши мумкин. Яна қайтарамизки, ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўринг!

Ҳамкорлик қилишнинг йўллари кўп ва улар ўзаро алокага ҳамкорларни тортишнинг даражаси ва характеристи билан фарқланади. Бир нечта йулларни куриб чикамиз:

- **Лицензиялаш** – бир ҳамкор иккинчисига ишлаб чиқариш жараёнидан фойдаланиш ҳуқуқини, товар белгисини, патентни, савдо сирини ёки қандайдир бошқа қимматли ахборотни корхонанинг фойдасидан олинадиган фоиз ҳисобига беради.
- **Пудрат ишлаб чиқариши** - бунда ишлаб чиқарувчи барча техник-иктисодий курсаткичларига кўра уз маҳсулотига ухашаш маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ҳамкор топиб, унга маълум хажмда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш юзасидан буюртма беради ҳамда уларни уз савдо тармоғида ва/ёки маркетинг тизимида жойлаштиради. Бу улар холда кейинчалик фойдани маълум нисбатларда бўлишишга келишиб оладилар.
- **Шартномага кўра бошқариш** – бу холда фирма умумий бизнесга ўзининг ҳиссаси сифатида бошқариш хизматини таклиф этади. Бу айниқса, йирик (корпоратив) бизнесни ташкил этиш соҳасида ва сайёхликда қимматлидир (масалан, “Хилтон” компанияси дунёнинг кўпгина давлатларида ўзи бошқарадиган меҳмонхона мажмуаларига эга) ва ҳ.к.
- **Биргаликда бошқариладиган корхоналар** – бу шакл ҳамкорларнинг ҳамкорлик жараёнига энг юқори даражада жалб этиш даражасини намоён қиласди, чунки ҳамкорлар корхона таъсисчилари сифатида бизнесни амалга оширадилар. Бу холда ҳамкорлар янги корхонани “нолдан” бошлаб ташкил этишлари мумкин, ёки улардан бири иккинчисининг амалдаги корхонадаги ҳиссасини сотиб олиши мумкин. Ўзаро эгалик қилинадиган корхона иктисодий ёки сиёсий нуқтаи - назардан зарур ёки кутилган бўлиши мумкин. Якка холда бизнесни юритиш учун фирманинг молиявий, жисмоний ёки бошқарув ресурслари етарли бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун биргаликда эгалик қилиш бизнесни амалга оширишнинг фойдали ёки мажбурий шарти бўлиши мумкин. Бунга яққол мисол килиб, Ўзбекистондаги хорижий сармояли қўшма корхоналарни (KK) кўрсатиш мумкин. Бу холда корхонага катор имтиёзлар тақдим этилади.

Ҳамкорликнинг юқорида кўрсатилган йўлларининг ҳар бирида томонларнинг бошқаришдаги ва фойдани тақсимлашдаги қатнашуви турли келишувлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Сармоядорлик фаолияти туғрисидаги” Қонунида ёритилган ва сармоялар билан боғланган асосий тушунчаларни кўриб чиқамиз:

- **Сармоялар** – иктисодий ёки бошқа фаолият объектига қўйиладиган моддий ва номоддий бойликлар ва уларга нисбатан ҳукуклардир.
- **Сармоядор** – сармоядорлик фаолияти субъекти булиб, шахсий, қарзга олинган ва жалб қилинган маблағларни, мулкий бойликларни ва уларга нисбатан ҳукуқни, шунингдек интеллектуал мулкка нисбатан ҳукуқни сармоядорлик объекти сифатида сармоялашни амалга оширади.
- **Сармоядорлик фаолияти қатнашчisi** - сармоядорнинг буюртмаларини бажарувчи сифатида сармоядорлик фаолиятини амалга оширувчи сармоядорлик фаолияти субъекти.
- **Қайта сармоялаш (реинвестиция)** – сармоядорлик фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) фаолиятга киритиш.

Сармоялар янги юридик шахсларни ташкил этиш ёки амалдаги устав фондида (капиталида) ҳисса билан қатнашиш, шу жумладан мулк ва акцияларни сотиб олиш йўли билан; қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш; моддий ва номоддий бойликларга нисбатан ҳукукларни қўлга киритиш, жумладан, ер ва бошқа табиий ресурсларни ҳисобга олган холда ва ҳ.к. амалга оширилади.

Сармоявий ресурсларга қуйидагилар киради: пул ва бошқа молиявий маблағлар, кредитлар ва пайларни, акцияларни ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни ҳисобга олган холда;

кўчар ва кўчмас мулк ва уларга нисбатан ҳукук; интеллектуал мулк объекти; ерга ва бошқа табиий ресурсларга, бинолар, иншоотлар, ускуналарга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳукуки ва ҳ.к.

3.2 КРЕДИТЛАР ВА ЛИЗИНГ

3.2.1 Кредитлар

Кредит қарзга пул олишнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютадаги кредит маблаглари манбаи булиб, тижорат банклари, шунингдек бюджетдан ташқари фонdlар (Меҳнат Вазирлиги қошидаги бандлик юзасидан ёрдам курсатиш Фонди, Бизнес Фонд ҳамда дехқон ва фермер хўжаликлари Ассоциацияси қошидаги дехқон ва фермер хўжаликларининг ривожланишига ёрдам бериш Фонди) ҳисобланади. Улар хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришга ёрдам бериш учун маҳсус ташкил этилган.

Тадбиркорликни кредит жиҳатдан хорижий валютада қувватлаш маҳаллий тижорат банкларининг валюта маблаглари томонидан, шунингдек хорижий ва халқаро молиявий институтларининг кредит линиялари ҳисобига амалга оширилади. Ҳозирги вактда бюджетдан ташқари фонdlарнинг маблағлари ваколатли банклар, яъни фонdlар билан керакли битимларга эга бўлган банклар орқали ажратилади. Шунинг учун, исталган холда тадбиркор кредит юзасидан тўғридан-тўғри тижорат банкига мурожаат этади ва ўзининг кредит дастурини тайёрлаш ҳамда амалга ошириш бўйича барча ўзаро алоқаларни у ёки бу банк тизими билан амалга оширади.

Ўзбекистон худудида хўжалик субъектларини кредитлаш тижорат банклари томонидан қайтариб бериш, тўлов, таъминланганик, муддатлилик ва ажратилган маблаглардан фойдаланишнинг мақсадли ишлатилиши шарти асосида амалга оширилади. Кредит бериш мижознинг сўраб олинадиган депозит ҳисоби мавжуд бўлган жойда амалга оширилади.

Зарар кўриб ишлайдиган, ноликвид балансига эга бўлган тадбиркорларга кредит берилмайди, бундан ташқари, узок муддатли молиявий ўпирилиш ва заарларни қоплаш учун кредит олиб бўлмайди.

Ажратилиш муддатига кўра кредитлар қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узок муддатлиларга бўлинади.

Қисқа муддатли кредит – 12 ойгача муддатга бериладиган ссуда бўлиб, унинг муддати кредитланадиган тадбирлар муддатидан, қопланиш муддатидан ва бошқа шартлардан келиб чиқади.

Ўрта муддатли кредитлар – бу 1 йилдан кўпроқ муддатдан 5 йилгача муддатга бериладиган ссуда ҳисобланади. Бундай кредитга эҳтиёж ишлаб чиқариш цикли ва битим шартларининг ўзига хос хусусиятига боғлиқ бўлади. Ўрта муддатли кредитнинг амал қилиш муддати 5 йилдан ошмаслиги керак. Ушбу кредит янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни, янги технологик жараёнларни йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва янгилаш билан боғлиқ тез қопланадиган ва юқори самарали тадбирлар учун берилади.

Узок муддатли кредит – 5 йилдан кўп муддатга, ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги объектларни қуриш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлган сармояли мақсадлар учун берилади.

Кредит олиш учун потенциал қарз олувчи ўзининг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини баҳолаши ва ўзи учун қўйидагиларни аниқ белгилаб олиши шарт:

- Ўз маҳсулотини сотиш бозорини (талаф ва таклифни ўрганиш);
- Лойиханинг ишлаши учун керак бўладиган товар-моддий бойликларни, шунингдек тайёр маҳсулотни сотиш учун зарур булган шартномаларнинг мавжудлиги;
- Кредитланаётган тадбирнинг самарадорлиги;
- Ҳисоб рақамига пул маблаглари келиб тушишининг даврийлиги;
- Кредитни ва у бўйича фоизларни сўндириш манбалари;
- Кредит учун тўланадиган тўловни ҳисоблаш ва унинг даврийлиги.

Шунингдек, ўтган йил (чорак, ой) учун ўз молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлилини тайёрлаб қўйиш ва жорий давр учун келгусини белгилаш (бизнес-режа) керак бўлади.

Юкорида кўрсатилган аналитик ва келгусини белгилаш маълумотларидан келиб чиқиб, қарз олувчи кредит олиш учун ариза ва илтимоснома тайёрлайди. Илтимосномада кредит олиш зарурлиги, унинг самарадорлиги, қайталиши, тўловлиги ва таъминланганлиги, ўз капиталининг таркиби ва бу капиталнинг кредитланаётган тадбирдаги иштироки кенг таърифланади.

Илтимосномага қўйидагилар илова қилинади:

- Кредит бўйича ариза.
- Албатта пул оқимининг таҳлили кўрсатилган бизнес-режа (кейинги бобда кенг кўриб чиқилади).
- Маҳаллий Давлат солиқ хизмати томонидан тасдиқланган ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзи ёйилмаси ва 60 кундан ортиқ вақт учун қарздорлик бўйича таққослаш акти кўрсатилган охирги ҳисобот даври учун бухгалтерлик баланси.
- Фойда ва зарар бўйича ҳисобот.
- Айланма маблаглар айланишининг ҳисоб-китоби.
- Бошқа кредиторлардан олинган қарз маблагларининг ва бошқа банкларда сакланаётган эркин маблагларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома.
- Ўз капитали билан бошқа корхоналарни ташкил этишда қатнашганлик тўғрисидаги маълумотлар.
- Пул маблаглари оқимининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

Кредитни сўндира олмаслик таваккалидан кутилиш учун қарз олувчи фойдаланиш мумкин бўлган таъминланганликка эга бўлиши керак. Таъминланганликнинг асосий турлари бўлиб, мулк ва қимматбаҳо қофзлар гарови, учинчи шахсларнинг кафиллиги, шунингдек қарз олувчи кредитни сўндириласлиги таваккалининг сугуртаси ҳисобланади.

Ўзбекистон тижорат банкларига кредитни қайтаишнинг таъминланганлиги сифатида “Мадад” ва “Ўзбекинвест” компанияларининг (иложи борича) ва Ўздавасуфтраназоратнинг лицензиясига эга бошқа компанияларнинг сугурта полисларини қабул қилиш тавсия этилган (буни ҳар бир тадбиркор кўзда тутиши керак).

Шундай тадбиркорлар кредитланадики, агар уларнинг кредит лаёкати 2 синфдан паст бўлмаса (“Бухгалтерлик ҳисоби” бобининг “Бухгалтерлик баланси” бўлимига қаралсин). Олинган кредит ҳисобидан сугурта тўловини тўлаш таъқиқланади.

Таъминланганликнинг асосий шакли бўлиб, мулк гарови ҳисобланади. Гаров предмети бўлиб, исталган мулк, шу жумладан қарз олувчининг шахсий мулки бўлган ва унинг тўлиқ хўжалик юритишида унга қарашли бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисидаги” Қонунига кўра гаров предмети бўла оладиган нарсалар ва мулкий хукуқлар (айланишдан чиқарилган нарсалардан ташқари) ҳисобланади.

Қарз олувчининг мулк ва таъминланганликнинг бошқа шакллари бўйича Банк олдидаги мажбуриятлари қўйидаги талабларни қондириши керак:

- Бошқа гаровдан озод бўлиши.
- Юқори ликвидликка эга бўлиши, бунда активларнинг пул маблағларига айланиш қобилияти тушунилади.
- Узок муддат сақланиш қобилиятига эгалик.

Берилаётган кредит микдори гаровга қўйилган ва сугуртада баҳоланган мулкнинг 80% дан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Гаровга қўйилган мулқдан қарз олувчи фойдаланади ва унинг унинг маблағи ҳисобига сугурта ташкилотларида банк-бенефициар фойдасига сугурта қилинади. Гаров баҳосининг кредит суммасидан ортиклигини йўқотиш, зарар кўриш, мулк баҳосининг ўзгаришида кредит таваккалининг бадали бўлиб ҳисобланади.

Юқори ликвидликка эга бўлган қимматбаҳо қозозлар ҳам гаров предмети бўлиши мумкин (давлат қимматбаҳо қозозлари, акциялар, облигациялар, бошқа эмитентларнинг депозит сертификатлари).

Кредитнинг таъминланганлиги сифатида товарлар, валюта бойлиги, шунингдек автотранспорт қабул қилиниши мумкин. Бу ҳолда гаровга қўйилган мулк банкка кафиллик учун берилади. Кафиллик ҳам шунингдек, гаров шартномаси билан расмийлаштирилади ва у нотариал тасдиқланиши керак бўлади.

Кредитнинг таъминланганлиги бўлиб, учинчи шахснинг қарз олувчи тўлашга лаёқатсиз бўлган пайтда унинг қарзини сўндиришга рози эканлиги тўғрисидаги мажбурияти хизмат қиласи ва у мустақил кафиллик-мажбурияти сифатида расмийлаштирилади.

Кафилликка олувчининг мажбурияти қарздорнинг қарзи суммаси ва у бўйича ҳисобланган фоизлар билан чекланади. Тўлов лаёқати субъекти сифатида бенуқсон обрўга эга бўлган ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар кафил бўлиши мумкин.

Микрокредитлар юзасидан (пастга қаралсин) таъминланганлик сифатида фуқаролар яшайдиган маҳалла, қишлоқ овул ташкилотининг кафолати кўлланилади.

Тижорат банклари мижозга таъминланганликсиз кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин (ишонч кредити). Бу банк учун катта таваккалчилик муолажаси бўлиб, бундай кредитни бериш қарз олувчининг кредит қобилияти 1 синфдан паст бўлмаслиги ва шунингдек, Банк билан қарз олувчининг доимий алоқаси бўлса ва унинг тўлов қобилияти юзасидан банкда хеч қандай шубҳа бўлмаси.

Юқорида айтилганидек, кредит ресурсларининг бошқа манбалари бўлиб, бюджетдан ташқари фонdlар – Мехнат Вазирлиги қошидаги бандлик юзасидан ёрдам кўрсатиш Фонди, Бизнес-Фонд ҳамда дехқон ва фермер хўжаликлари Ассоциацияси қошидаги дехқон ва фермер хўжаликларига ёрдам кўрсатиш Фонди ҳисобланади.

Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон иқтисодиётининг хусусий секторини ривожлантиришга ёрдам бериш мақсадида амал қиласи ва мамлакат иқтисодиётининг устивор соҳаларидаги бизнесни рағбатлантирувчи имтиёзли кредитлар беради:

- Дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини куриш.
- Ҳом ашё ва материалларни бирламчи қайта ишлаш.
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлаш.
- Кўп меҳнатни талаб қилувчи кичик ҳажмли ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
- Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

- Сервис хизматлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш.
- Сайёхлик саноатини ривожлантириш.
- Хусусий медицина ва фармацевтикани ривожлантириш.
- Маҳаллий саноатни ривожлантириш.
- Курилиш ва курилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати.
- Экспортга йуналтирилган ва импортни урнини босувчи ишлаб чиқаришларни қишлоқ жойларда кўпроқ ташкил этиш.

Бюджетдан ташқари фонdlарнинг кредит линиялари ҳисобига бериладиган кредитларнинг имтиёзли кредит ставкаси кредитланаётган сармоя лойиҳаларнинг йуналишига караб, қуйидаги микдорларда урнатилади:

- Дастлабки капитални ташкил этиш учун (бошлангич капитал) – Марказий Банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 1/6 қисмида.
- Дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтиришга, қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш учун - Марказий Банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 1/3 қисмида.
- Ҳом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлашга, маҳаллий саноатни ривожлантиришга - Марказий Банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 40% микдорида.
- Бошқа мақсадларга - Марказий Банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 45% микдорида.

Бюджетдан ташқари фонdlарнинг кредит линиялари ҳисобига кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига бериладиган кредит муддатини узайтириш (пролонгация қилиш) ҳуқуқисиз берилади. Бизнес-фонд бўйича кредитлар лойиҳани қоплаш муддатига боғлиқ равишда 10 йилгача муддатга 2 дан 5 йилгача имтиёзли муддат билан, дехқон ва фермер хўжаликларини қувватлаш Фонди маблаглари ҳисобига эса - 3 йилгача муддатда берилади. Микрокредитлар, жумладан дастлабки (бошлангич) капитални ташкил этиш учун кредитлар 3 йилгача муддатга берилади. Дехқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун бериладиган кредитлар ва жумладан микрокредитлар, қоидага кўра 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Бюджетдан ташқари фонdlар ҳисобига бериладиган кредит линияларнинг муддати, фоиз ставкаси ва бошқа шартлари ўзгариб турганлиги сабабли, биз уларни алоҳида кўриб ўтирамаймиз.

Шуни айтиш кифояки, ушбу кредитлар айниқса, эндиғина иш бошлаган тадбиркорлар учун, стандарт тижорат кредитларига нисбатан анча қулайдир. Барча шартлар тўғрисида кенгроқ билиш учун Сизга хизмат кўрсатувчи банкка мурожаат этишингиз керак.

Муддатлилик, фоиз ставкалари ва бюджетдан ташқари фонdlар кредит линиялари ҳисобидан кредит беришнинг бошқа шартлари ўзгариб бормоқда, шу сабабли биз бу шартларни батафсил кўриб чиқмаймиз. Шуни айтиш етарлики, бу кредитлар стандарт тижорат кредитларига нисбатан айниқса иш бошлаётган тадбиркорлар учун манфаатлидир.

Барча шартлар ҳақида Сизга хизмат кўрсатадиган банкка мурожаат қилиб, батафсил билиб олишингиз мумкин.

Ўзбекистонда бизнесни юритишига маблағ жалб этишнинг яна бир йўналиши микрокредитлар ҳисобланади. Унга ҳукumat томонидан тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш нуқтai назаридан катта эътибор берилмоқда. Микрокредитлар бир қатор кўрсаткичлар бўйича Сиз учун қулайдир: кредит олиш қоидаси бирмунча соддалаштирилган, гаров таъминотининг барча шакллари ҳал этилган, кредит пулларининг бир қисми нақд шаклда олинади, айланма ресурслар хариди асосида кредит бериш масалалари нисбатан осон ҳал этилади ва б.

Қонунчилликда микрокредитларни олишнинг иккита афсий тартиби белгилаб қўйилган: юридик шахс бўлган кичик бизнес субъектлари ва юридик шахс бўлмай ўз фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар, дехқон хўжаликлари.

Биз микрокредитларни олиш тартибида батафсил тўхталиб ўтирмаймиз, чунки у ўзгариб туриши мумкин, тижорат банкидаги биринчи маслаҳат эса келгусидаги ишингизнинг бутун моҳиятини Сизга очиб беради. Биз факат бутунги кунда микрокредитларни олиш билан боғлиқ бўлган асосий мавжуд тоифаларни кўрсатиб ўтамиз.

Юридик шахс сифатида ўз фаолиятини амалга ошираётган фермерлар ва кичик бизнеснинг бошқа субъектлари учун микрокредитлар деганда ссуда бериш кунида биржадан ташқари валюта бозори курси бўйича 10000 АҚШ доллари эквивалентидаги хорижий ёки миллий валюта тушунилади.

Юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликлари учун бу кўрсаткич 5000 АҚШ доллари микдорида чекланган.

Бошлангич капитални шакллантириш учун кредитлар – микрофирмалар ва дехқон хўжаликлари учун (юридик шахс мақомига эга бўлган) \$50 минимал иш ҳақигача бўлган микдорда микрокредитлашнинг бир шаклидир ва 300 гача минимал иш ҳақи – кичик корхоналар ва фермер хўжаликларига мўлжалланган.

Микрокредитлар фақат Ўзбекистон Республикаси резидентларига берилади.

Микрокредитлар қарз олувларга қўйидаги мақсадларга берилади:

- Мини-жихозларни сотиб олиш.
- Ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, жумладан, уруг, мол, ёш мол, парранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринар препаратлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғитларни сотиб олиш.
- Хом-ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш.
- Мехнат қуроллари, хом-ашё, ярим фабрикатлар ва фурнитураларни сотиб олиш.
- Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини сотиб олиш.
- Хунармандчиликни ривожлантириш, уй меҳнатини ташкил этиш.
- Сервис хизматларини ривожлантириш ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш.
- Соглиқни сақлашни ривожлантириш.
- Сайёхлик соҳасини ривожлантириш.
- Кичик ҳажмдаги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш.
- Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларни амалга ошириш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турларига.

Микрокредитлар қўйидаги мақсадларга берилиши мумкин:

- Олдин олинган кредитларни ёки исталган бошқа қарзларни қоплаш.
- Тамакиличик ва алкоголь ичимликларини ишлаб чиқариш.
- Савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошириш.
- Ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатилмайдиган шахсий мулкни харид қилиш.

Ўзбекистонда кредит капитали бозорининг алоҳида бўгини хорижий валютадаги кредитлар хисобланади. Бу валюта ишлаб чиқаришни ташкил этишга замонавий юқори технологик жиҳозларни жалб қилиш, импорт хом-ашё ва материалларни харид қилиш учун муҳимдир. Валютадаги кредит, умуман олганда маҳаллий тижорат банки томонидан ҳам берилиши мумкин. Бирок, бундай амалиёт кенг тарқалмаган ва одатда тадбиркорлар хорижий ва халқаро молиявий тузилмалар кредит линияларига мурожаат қиласидилар, жумладан, Европа Тикланиш ва Таракқиёт банки (ЕТТР), Осиё Таракқиёт банки (ОТБ), Халқаро Молиявий Корпорация (ХМК), Германия Банки KFW ва бошқалар.

Мазкур ҳолда тадбиркор бевосита хорижий кредиторга мурожаат қилмайди, балки ўз

ишини маҳаллий банк – у ёки бу кредит линиясининг ижрочиси билан биргаликда олиб боради. У Лойиҳани экспертиза қилиш ва уни хорижий шерик тасдиқлаши учун тақдим этишга бутунлай ваколатлидир.

Республикадаги бир неча банклар хорижий кредит линиялари билан ишлайдилар, жумладан: ЎР ТИФ Миллий банки, “Асака Банк”, “Ўзприватбанк” ва бошқалар. Бундай кредитларни бериш шартлари умуман олганда турличадир, лекин уларнинг асосий кўрсаткичлари айнан қайси маҳаллий банк кредитларни амалга оширишга ваколатли бўлишидан катъий назар жуда ўхшашидир. Шу муносабат билан бу ерда қўйиладиган талаблар тўғрисида ўқувчида умумий тасаввур хосил бўлиши учун ЎР ТИФ Миллий банки тасарруфида бўлган хорижий кредит линияларининг асосий мезонларида тўхталиб ўтамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, амалда бўлган барча хорижий кредит линиялари асосий кредит қарздорлиги ва унинг хорижий валютадаги фоизларини тўлашни таъминлаш учун инвестиция лойиҳасининг валютадаги қопланишини назарда тутадилар.

	ЕТТБ кредит линияси	ОПЕК Фонди кредит линияси	ХМК кредит линияси	ОТБ кредит линияси	KFW кредит линияси
Кредитлардан мақсадли фойдаланиш	Импорт жихозлар ва технологияни харид қилиш, иш капиталини шакллантириш		Жихозлар ва технологияни харид қилиш, иш капиталига қисман харажатлар	Жихозлар ва технологияни харид қилиш, айланма капиталини Лойиҳа кийматининг 25%гача шакллантириш	
Лойиҳа	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари		К/х маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати		Иқтисодиётнинг барча тармоқлари, К/х маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан ташқари
Қарз олувчи	Хусусий кичик ёки ўрта корхона (хусусий секторнинг назорат иштироки билан кўшма капитал бўлиши мумкин) ёки давлат томонидан назорат қилинадиган, лекин Банк учун аниқ ва қулий бўлган хусусий мулк ва хусусий назоратга ўтиш режасини амалга ошираётган давлат корхонаси		Давлат секторининг максимал улуши қарз олувчи капиталининг 31 % дан ошмаслиги керак		Банкларнинг максимал улуши қарз олувчи капиталининг 33% дан ошмаслиги керак
Кредитлаш даври	2 йиллик максимал имтиёзли давр билан максимал 7 йил		3 йиллик максимал имтиёзли давр билан максимал 8 йил		Имтиёзли даври 1,5 йилгacha бўлган 1 йилдан 5 йилгacha
Кредитнинг максимал миқдори	5 млн. АҚШ доллари, лекин Лойиҳа дастлабки кийматининг 75% дан кўп бўлмаган	1 млн. АҚШ доллари, лекин Лойиҳа дастлабки кийматининг 75% дан кўп бўлмаган	2 млн. АҚШ доллари, лекин Лойиҳа дастлабки кийматининг 75% дан кўп бўлмаган	5 млн. АҚШ доллари, лекин Лойиҳа дастлабки кийматининг 75% дан кўп бўлмаган	2,5 млн. Евро, лекин Лойиҳа дастлабки кийматининг 75% дан кўп бўлмаган

Кредитнинг минимал микдори	100 минг АҚШ доллари	50 минг АҚШ доллари		
Ўз маблаглари	Лойиха дастлабки қийматининг 25% дан кам бўлмаган. Қарз олувчи лойиҳани амалга ошириш учун лозим бўлган бинолар, иншоотлар, машиналар ва жиҳозлар кўринишида ўз капиталини таъминлаши мумкин, ишлаб чиқариш давридан олдин молиявий харажатларни қоплаш ва айланма қапитални шакллантириш учун бошка маблаглар.			
Гаров таъминоти	Кредит суммасининг 125% дан кам бўлмаган (хукумат кафолатлари, биринчи даражали банклар, учинчи шахслар, сугурта полислари, асосий маблаглар – бинолар, иншоотлар /бахоланиш қийматининг 70% гача/, жиҳозлар /бахоланиш %-70% гача/).			
Кредит учун фоизлар	L I B O R + ЕТТБ маржаси + маҳаллий банк маржаси	LIBOR + ОПЕК маржаси + маҳаллий банк маржаси	LIBOR + ХМК маржаси + маҳаллий банк маржаси	ОТБ фоиз ставкаси + маҳаллий банк маржаси
Кредитнинг ташкил этилганлиги учун бир марталик	ЭАВдаги кредит суммасининг 1,5 %	ЭАВдаги кредит суммаси- нинг 1 %	-----	Кредит суммасининг 0,75 %
Мажбуриятлар учун комиссия	ЭАВдаги ишлатилмаган кредит суммасининг йилига 0,5% ҳисобидан	ЭАВдаги ишлатилмаган кредит суммасининг йилига 0,75% ҳисобидан	ЭАВдаги ишлатилмаган кредит суммасининг йилига 0,25% ҳисобидан	-----
Кредитни бошқариш учун комиссия	Тўлаш кунида жорий курс бўйича маҳаллий валютадаги кредит суммасининг йилига 0,15%			
Тўлаш муддати	Хар 6 ойда			

Юқорида қайд этилган барча кредит фаолияти тижорат банклари тизими орқали амалга оширилиши муносабати билан қуйида уларнинг реквизитларини бермоқдамиз. Сиз кредит ва батафсил маслаҳат олиш учун уларга мурожаат қилишингиз мумкин:

№	Банк номи	Манзили	Телефон ракамлари
1.	ЎР Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки	700084, Тошкент шаҳри, Амир Темир кўчаси, 101	137-59-70 137-59-67 137-59-24
2.	«Пахта-банк» акциядорлик- тижорат банки	700096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43	78-12-96 78-21-77 120-88-18
3.	«Ўзсаноатқурилишбанк» акция- дорлик-тижорат саноат-қурилиш банки	700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Абдулла Тўқай кўчаси, 3	120-45-45 120-45-01 120-45-02
4.	«Ўзтадбиркорбанк» тадбиркорлик акциядорлик-тижорат банки	700047, Тошкент шаҳри, С. Азимов кўчаси, 52	133-18-75 133-83-21 133-18-75
5.	«Асака банк» давлат акциядорлик- тижорат банки	700015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67	120-81-11 120-81-12 120-81-15

6.	«Халқ банк» давлат-тижорат банки	700017, Тошкент шаҳри, Қатортол кӯchasи, 46	78-59-44 173-86-57 173-69-18
7.	«Галла банк» акциядорлик-тижорат банки	700060, Тошкент шаҳри, Лохутий кӯchasи, 36	133-42-25 136-38-29 136-11-05
8.	«Савдогар» савдо ва тижоратга кўмаклашувчи акциядорлик-тижорат банки	70060, Тошкент шаҳри, Клара Цеткин кӯchasи, 76	54-19-91 54-24-05 54-24-03
9.	«Ипак Йули» акциядорлик-инновация-тижорат банки	700135, Тошкент шаҳри, Фарход кӯchasи, 12	76-54-72 76-85-52 76-82-29
10.	«Авиабанк» акциядорлик-тижорат банки	700015, Тошкент шаҳри, Нукус кӯchasи, 73б	54-79-51 54-75-75 54-62-29
11.	«Трастбанк» акциядорлик-биржа банки	700038, Тошкент шаҳри, Навоий кӯchasи, 7	41-23-43 144-76-22 144-76-43
12.	«УТ банк» Ўзбекистон-Туркия банки	700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеи 3, 74 ўй	173-83-23 120-83-25 173-83-24
13.	«Ўзуйжойжамғармабанк» давлат-акциядорлик уй-жой-жамғарма банки	700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кӯchasи, 17	132-13-12 136-03-88 133-11-22
14.	«Турон» бирлаштирувчи акциядорлик-тижорат банки	700011, Тошкент шаҳри, А. Навоий кӯchasи, 44	144-33-94 144-32-52
15.	«Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки	700000, Тошкент шаҳри, Толстой кӯchasи, 1а	133-62-54 137-24-57 137-49-37
16.	«Хамкор Банк» акциядорлик-тижорат банки	710011, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кӯchasи, 85	(8-37422) 4-34-89 4-70-39 5-39-11
17.	«Парвина банк» тижорат банки	703005, Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кӯchasи, 82б	(8-3662) 38-45-49 37-24-41 31-05-07
18.	«ХИФ банк» хусусий очик акциядорлик-тижорат банки	700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кӯchasи, 49	132-60-30 144-36-72 45-54-67
19.	«Замин» давлат акциядорлик ипотека банки	700015, Тошкент шаҳри, Ржевский кӯchasи, 3	55-82-59 54-09-47 55-76-17

20.	«Олим банк» хусусий банк	704470 Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри, Навоий кӯчаси, 35	(8-36648) 31-09-22 33-76-48 33-16-18
21.	«АЛП Жамол банк»	700047, Тошкент шаҳри Мустафо Камол Ота Турк кӯчаси, 21	132-16-10 132-16-00 132-16-01
22.	«Узприватбанк» хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича Ўзбекистон халқаро банки	700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кӯчаси, 51	139-10-18 120-63-08
23.	«Туркистон» банки	700000, Тошкент шаҳри Амир Темир кӯчаси, 1-тор кўча, 6	132-09-34 133-58-43 133-09-33
24.	«Карвон» банк	700156, Тошкент шаҳри, Ўрикзор мавзеи, Курилиш шахарчаси	170-63-14 170-63-10 136-63-13
25.	Банк ХОАТБ «Истиқбол»	710001, Андижон шаҳри, Истиқлол кӯчаси, 21	(8-3742) 24-47-59 24-27-12 24-39-82
26.	«Ўқтамбанк» банки	730011, Карши шаҳри, Проектная кӯчаси, 10	(8-37522) 3-04-03 3-92-27 3-78-25
27.	«Адилет» банки	743400, Қорақалпогистон Республикаси, Тахтакўпир тумани, с/з Тахтакўпир	(8-361) 224-26-09 435-22-18

Ўзбекистон кредит бозорида кредит уюшмалари – кредит ташкилотлари умуман янги институт ҳисобланади. Улар кредит бериш мақсадида ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли аъзолик асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ташкил этилади. Улар мамлакатда энди яратила бошлади, бирок Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги Конуни манфаатдор тадбиркорларга бугунги кунда ресурсларни бирлаштириш ва кредит уюшмаси иштироқчиларини ўзаро кредитлашни таъминлаш учун бундай ташкилотни яратиш имконини беради.

Кредит уюшмаси фаолияти лицензия асосида амалга оширилади. Кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва уларга лицензия беришни мамлакат Марказий банки амалга оширади.

Кредит уюшмаси Устав фонди бўлиб кредит уюшмаси аъзоларининг бадал улушлари умумий суммаси ҳисобланади. Устав фонди фактат пул маблағлари ҳисобидангина ташкил этилади. Устав фондининг минимал микдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Кредит уюшмаси қонунчиликда белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда Уставда белгиланган муддатлилик, қайтаришлилик ва тўловлилик тамойиллари асосида ўз аъзоларига шартномага кўра кредит беради.

Кредит уюшмаси таъминот асосидаги кредитларни, шунингдек ишончли (бланк) кредитларни бериши мумкин.

Кредит уюшмаси аъзосига бериладиган кредит улуш бадали ёки депозит асосида кредит уюшмасининг бошқа аъзоси кафолати билан таъминланиши мумкин.

Кредит уюшмаси ўз аъзоларидан депозитларга пул маблагларини жалб этиш, ўз аъзоларига кредитлар бериш, шартномалар ва бошқа битимларни тузиш, грантлар ва бошқа беминнат бериладиган маблагларни олиш, маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатиш, белгиланган тартибда кредитларни жалб этиш ва бошқа хукукларга эгадир.

3.2.2. Лизинг

Ҳозирги кунда ҳалқаро амалиёт лизингни ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси ривожланишига кенг ҳажмдаги капитал қўйилмаларини амалга ошириш имконини берувчи асосий воситалардан бири сифатида тавсифламоқда. Мулкни сотиб олишнинг бошқа усулларига нисбатан (мол етказиб бериш учун тўловлар, тўловни кечиктирган ҳолда харид қилиш, банк кредити ва бошқалар) лизинг бир катор устунликларга эгадир:

- Лизинг ижараби корхонага ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва йирик бир вақтдаги тўловлар ҳамда қарз маблагларини жалб этиш заруратисиз жиҳозларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш имконини беради.
- Айланма, юқори ликвид ресурсларининг чекланганлиги муаммоси юмшалади, мулкни харид қилиш учун маблаглар шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида тенг тақсимланади.
- Ижара тўловлари жиҳозлар ўрнатилгани, созлангани ва ишга туширилганидан сўнг амалга оширилади, ва шу билан ижараби корхона ижарага олинган жиҳозларда ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилганидан сўнг келиб тушган маблаглар ҳисобидан тўловларни тўлаш имконига эга бўлади.
- Лизинг битими ижарага берувчининг жиҳозларни таъмирлаш ва уларга технологик хизмат кўрсатиш мажбуриятларини кўзда тутиши мумкин. Амалда лизинг шартлари бўйича объектни ишга тушириш, бунда лизинг компаниясига барча расмиятчиликларни амалга оширишни юклаш, ва шу туфайли харакатларни бошқа масалаларни ҳал этишга қаратишга жамлаш мумкин.
- Лизинг ижарабига манавий эскирган жиҳозларни вақти-вақти билан янгилаш туриш имконини беради.
- Лизинг тўловлари чекланган жадвалга кўра амалга оширилиши туфайли, ижараби корхона масалан, жиҳозларни харид қилиш-сотишга нисбатан капитал қўйилмаларини молиялашгана кетадиган харажатлар ва чиқариладиган маҳсулотни сотишдан тушадиган тушумларни мувофиқлаштириш имконига эга бўлади.
- Лизинг бўйича мулкни харид қилиш рентабель корхоналарга солик чегирмаларини оптималлаштириш йўли билан соликқа тортиладиган базани муайян равища камайтириш имконини беради.
- Корхона учун мулкни уни харид қилиш учун ссудага эмас, молиявий лизингга олиш осонроқдир, чунки лизинг мулки гаров сифатида қўйилади.

Маҳаллий қонунчиликка асосланган ҳолда лизинг нима? Лизинг – бу ижара муносабатларининг алоҳида кўринишидир. Бунда битта томон (лизинг берувчи) иккинчи томон (лизинг олувчи) топшириғига кўра учинчи шахсадан (сотувчи) лизинг шартномасида белгиланган тўлов бўйича лизинг олувчи тасарруфи ва фойдаланишига бериш мақсадида мулкни (лизинг объектини) сотиб олади.

Лизинг объекти бўлиб исталган истеъмолда бўлмаган буюмлар, жумладан корхоналар, мулкий мажмуалар, бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, транспорт воситалари ва тадбиркорлик фаолиятида ишлатиладиган бошқа кўчадиган ва кўчмас мулк ҳисобланиши мумкин.

Лизинг объекти бўлиб ер майдонлари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек, қонунчиликда эркин муносабатда бўлиш ёки алоҳида муносабатда бўлиш тартиби белгилаб қўйилган мулк ҳисобланмайди.

Ўзбекистон қонунчилигида лизингнинг асосий иккита шакли белгилаб қўйилган: молиявий ва оператив.

- Молиявий лизингда лизинг шартномаси қўйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:
 - Лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтади.
 - Лизинг шартномаси муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80% дан ошади ёки лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг дастлабки қийматининг 20% дан кам бўлади.
 - Лизинг олувчи лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг лизинг объектини чекланган нарх ёки белгилаб қўйиладиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.
 - Лизинг шартномаси даври мобайнида тўловларнинг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90% дан ошади.

Молиявий лизингни тавсифловчи асосий белгилар:

- Лизинг берувчи мулкни ўзи ишлатиши учун эмас, уни маҳсус лизингта бериш мақсадида сотиб олади.
- Мулкни ва унинг сотувчисини танлаш ҳуқуқи уни ишлатувчига берилади.
- Мулкни сотувчи у маҳсус ижарага бериш учун харид қилинаётганлигини билади.
- Мулк бевосита уни ишлатувчига берилади ва у мулкни ишга туширади.
- Мулк сифати, унинг жамланганлиги, лизинг олувчи томонидан кафолат муддатида носозликларни тўғирлаш бўйича даъволар бевосита мулк сотувчисига юборилади.
- Мулкнинг бехосдан нобуд бўлиши ёки бузилишига доир хатарлар мулкни эксплуатацияга топшириш бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланганидан сўнг лизинг олувчига ўтади.

- Агарда қонунчиликда қўйиладиган ва юқорида қайд этилган талабларнинг бирортаси ҳам лизинг шартномасида қўрсатилмаса, лизингнинг бундай тури оператив ҳисобланади.

Лизингнинг бу тури буюм хаётий циклининг давомийлиги ижаранинг битим муддатидан бирмунча кўпроқ бўлган ҳолда, жиҳоз ижараси муддати катта бўлмагандан қўлланади. Оператив лизингда жиҳоз ижара вақтида тўлиқ амортизация қилинмайди ва яна ижарага берилиши ёки ижарага берувчига қайтарилиши мумкин. Амалиётда лизинг битимлари уч йиллик даврдан ошмайди.

Ижарачи бундай битимларда ижарага берувчини олдиндан хабардор қилган ҳолда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Лизингнинг бу шакли ижарачининг ижара объекти бутлиги учун катта масъулиятини кўзда тутади. Ижарачи мулкни таъмирлаш ва унга техник хизмат қўрсатиш бўйича мулкни етказиб берувчи фирма билан мустакил равишда битимлар тузиш мажбуриятини олади.

Оператив лизинг учун қўйидаги белгилар хосдир:

- Лизинг шартномаси муддати мулкнинг норматив хизмат муддатидан бирмунча камроқдир, бунинг оқибатида лизинг берувчи биттә шартномадан тушган тушумлар ҳисобидан мулк қийматини қоплашни кўзда тутмайди.
- Мулк лизингта бир неча бор берилади.
- Лизингга лизинг олувчининг аризасига кўра маҳсус сотиб олинган мулк эмас, лизинг компаниясида мавжуд бўлган мулк берилади.
- Лизинг олувчи қутилмаган вазиятларга кўра мулк ишлатиш учун носоз ҳолга келиб қолган такдирда шартномани бекор қилиши мумкин.

- Лизинг мулки бехосдан нобуд бўлиши, йўқолиши ва бузилиши бўйича хатарлар лизинг берувчига юклатилади.
- Оператив лизингда лизинг тўловлари миқдори молиявий лизингта кўра юкорироқдир, чунки лизинг берувчи масалан, мулкни қайта топширишда мижозларнинг бўлмаслиги, мулкнинг эҳтимолий бузилиши ёки нобуд бўлиши билан боғлиқ қўшимча хатарларни ҳисобга олиши керак.
- Шартнома муддати тугаганидан сўнг мулк одатда лизинг берувчига қайтарилади. Лизинг олувчининг хоҳишига кўра шартнома янги шартлар билан узайтирилиши ёки у мулкни ҳатто сотиб олиши мумкин.

Агарда молиявий лизингни ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра капитал қўйилмаларни узок муддатли молиялаш билан солиштириш мумкин бўлса, оператив лизингда ижара тўловларини жорий оператив харажатлар билан қиёслаш мумкин.

Лизинг берувчи бўлиб банкнинг ўзи ёки унинг шўъба компанияси – банк томонидан таъсис этилган ва у назорат қиласидан махсус лизинг компанияси ҳисобланиши мумкин.

Лизинг операцияси жараёни кредит олиш сингари айнан ўша компонентлардан ташкил топади. Бу лизинг лойиҳасини амалга ошириш босқичлари, ҳужжатлар айланишига ҳам боғлиқдир.

Лизинг шартномасини расмийлаштириши жараёни қисқача қўйидаги босқичларга бўлинади:

- Лизинг аризасини тайёрлаш ва лизинг компанияси билан музокаралар.
- Лизинг олувчининг тўловга қобилияти ва унинг лойиҳасининг самарадорлиги тўғрисидаги хulosаларни тайёрлаш.
- Лизинг шартномасини тайёрлаш ва тузиш.
- Лизинг компаниясининг жиҳозларини етказиб бериш тўғрисида сотувчига буюртманарад юбориш.
- Лизинг обьектини харид қилиш-сотиш тўғрисида шартнома тузиш.
- Лизинг жиҳозларини эксплуатацияга қабул қилиш.
- Лизинг олувчи ва сугурта компанияси ўртасида лизинг обьектини сугурта қилиш тўғрисида шартномани тузиш.

Потенциал лизинг олувчи ҳамда лизинг обьектини эгаликка ва фойдаланишга олишни истаган шахслар тўловга қобилият ва унинг лойиҳасининг самаралилиги тўғрисидаги хulosани тайёрлаш учун қўйидагиларни тақдим этишлари керак (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари):

- Охирги ҳисобот санасидаги бухгалтерлик баланси.
- Ўз молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини таҳлил қилиш.
- Лизингнинг бутун даври мобайнида пул оқимининг тахмини кўрсатилган ҳолдаги бизнес-режа.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фақат пул оқими тахмини кўрсатилган бизнес-режани тақдим этадилар.

Булардан ташқари лизинг компанияси Сиздан бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилиши мумкин, жумладан:

- Таъсис хужжатлари нусхаси (Устав, Таъсис шартномаси, ҳокимиятнинг рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори).
- Лизинг обьектини ўрнатиш мўлжалланган хоналардан фойдаланиш ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (ижара шартномаси, кадастрдан маълумотнома).
- Лизинг обьектиning кўзда тутилган ишлаб чиқарувчиси (етказиб берувчиси) тўғрисидаги маълумот.

- Сотиб олинаётган лизинг объектининг техник тавсифлари.
- Раҳбар ва бош бухгалтер паспорти ва меҳнат дафтарчаси нусхаси.
- Лойиҳанинг техник-иктисодий асосланиши.
- Бошқалар.

Шуни эътиборга олиш керакки, хар бир лизинг компанияси ариза берувчи лойиҳа экспертизасини ўтказиш учун берадиган ўз лизинг аризалари ва бошқа ҳужжатлари шаклига эга бўлади. Шу сабабли юқорида келтирилган аҳборотта тадбиркор катта ва кийин ишга маънавий ва моддий жиҳатдан тайёр бўлиши лозимлигига кўрсатма сифатида караш мумкин. Лизинг битимини имзолашнинг барча нюанслари хақида Сиз лизинг компаниясининг ходими билан сұхбатлашгандан ва унинг маҳсус иш юритиш жараёни билан танишгандан сўнг батафсил билиб оласиз.

Ўзбекистонда КўБ субъектларига нисбатан лизингни қўйидаги бир неча компания амалга оширади: “БАРАКА”, “УзКейсагролизинг”, “Узбек Лизинг Интернешнл А.О.”. Қўйида ушбу компанияларнинг манзиллари ҳамда улар фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида қисқача тавсиф бериб ўтамиз:

№	Лизинг компаниясининг номи	Манзил ва телефон рақамлари	Асосий фаолият соҳаси
1.	«Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.»	Тошкент, 700003, Туроб Тўла кўчаси, 1, б қават; Тел.: 139-16-54, 45-55-56	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Машинасозлик; ▪ Енгил саноат; ▪ Озиқ-овқат саноати; ▪ Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш; ▪ Кимё саноати; ▪ Нефт газ саноати; ▪ Курилиш; ▪ Сайёхлик/меҳмонхона бизнеси; ▪ Медицина ва фармацевтика; ▪ Аҳолига турли хизматлар кўрсатиш ва б.
2.	« Б А Р А К А » Универсал лизинг компанияси	Тошкент, 700027, А.Ходжаев кўчаси, 1 Тел.: 138-69-23 138-69-33 144-52-07	Тармоқ хусусияти йўқ (компания ўзлодига мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқларига ишлаб чиқариш маблагларини етказиб бериш бўйича лизинг операцияларини бажариш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини импорт ўрнини босувчи ва импортга йўналтирилган маҳсулотлар чиқариш учун мўлжалланган жиҳозлар билан таъминлаш вазифасини қўяди)
3.	«ЎзКейсагролизинг» Ўзбекистон - Америка қўшма лизинг компанияси	Тошкент, 700000, X.Олимжон майдони, Бизнес комплекс, Рарбий томон 2-йўлак; Тел.: 132-00-60 132-00-66	Қишлоқ хўжалиги техникаси ва жиҳозларини: тракторлар, комбайнлар, механизация воситалари, жумладан, кичик механизация воситаларини етказиб бериш ва бошқалар

3.3 ГРАНТЛАР

Инвестиция бозорининг муҳим таркибий қисми грантлар хадя этувчи ёки донор томонидан аниқ ишларни бажариш учун нотижорат ташкилоти ёки хусусий шахсга беминнат бериладиган маблағлар ҳисобланади. Карзга нисбатан грантлар қайтарилимайди. Грант грантни бажарувчи томонидан инновация фаолияти, экологик, иқтисодий йўналиш, ўқув-таълим, методологик, маслаҳат характери билан боғлик бўлган бирор-бир нотижорат мақсадларга эришиш учун берилади. Яъни унинг асосий гояси беминнат асосда берилган пул маблаглари ҳисобига эришилган грант лойиҳаси бўйича иш натижалари шунингдек донорлик иштирок, кимгadir ёрдам бериш, нимагадир ёрдам беришга йўналтиришдан иборатdir.

Донорлар сифатида турли мамлакатларнинг давлат муассасалари, халқаро ташкилотлар, хусусий хайрия фондлари, тижорат тузилмалари, диний, илмий ва бошқа нотижорат жамоат ташкилотлари, шунингдек хусусий шахслар иштирок этишлари мумкин.

Давлат донорлари – ўз давлатлари бюджетидан маблағ оладиган давлат муассасалари. Масалан, инновация, илмий-техника ишланмалари ва тадқиқотларига доир лойиҳалар/дастурларни молиявий таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Фан ва Технология Маркази. Айнан шу тоифага АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID), Туркия Халқаро ҳамкорлик агентлиги (TİCA) ва бошқалар киради. Ушбу тузилмаларнинг фаолияти одатда ўз мамлакатлари ичida ёки унинг ташқарисида фуқароларга ёки ўз давлатлари ташкилотларига ёрдам бериш, шунингдек хомий давлат манфаатларига тўғридан-тўғри ёки бевосита боғлик бўлган масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Яримхусусий донорлар – давлат донорларидан маблағ оладиган ва уларни ариза берувчи ташкилотлар бўйича тақсимлайдиган жамоат ташкилотлари. Масалан, Евроосиё фонди, АЙРЕКС ва бошқалар.

Хусусий донорлар – хусусий фуқаролардан маблағлар олевучи хусусий нотижорат ташкилотлари (ёрдам пуллари), тижорат тузилмалари ёки хусусий шахслар. Хусусий фондларнинг бир неча турлари мавжуд: хусусий шахслар томонидан ташкил этиладиган мустакил фондлар (Сорос фонди), сўнгра улар қўйилган капитал дивидендлари ҳисобига яшайдилар; ассоциация қилинган ва бу компаниялар мақсадлари учун ишлайдиган, бу компаниялар маблагларидан молияланадиган ассоциацияланган фондлар (Ксерокс фонди).

Агарда давлат донорлари кўп ҳолларда ўз мамлакатларида ишласалар, яримхусусий ва хусусий донорлар эса одатда донорнинг жорий ва стратегик вазифалари нуқтаи назаридан манфаатли бўлган дунёning кўпгина мамлакатларида ўз фаолиятларини амалга оширадилар.

Амалда барча донорлик ташкилотлари реципиентлар – грант олевчилар билан аниқ муносабатлар устуворликларига эгадирлар: муайян тармок фаолият йўналишлари, иш қамраб оладиган географик минтақа, маҳсус иш юритиш билан боғлик бўлган яхши ташкил этилган бюрократик тизим, бошқариш қарорларини қабул қилиш тизими ва бошқалар. Шу муносабат билан Сиз грант ажратиш тўғрисида мурожаат қилган ҳар бир аниқ ташкилотнинг устуворликлари ва иш тартибини билиб олиш жуда муҳимдир. Жумладан, қўйидаги саволларга жавоб бериш лозим:

- Донорнинг фаолияти қайси аниқ минтақани қамраб олади?;
- Сизнинг лойиҳангиз мавзуси донор учун мумкин бўлган ва исталган фаолият соҳасига мосми?;
- Донор қўллаб-қувватлашнинг қайси турини таъминлаши мумкин (жиҳозларни сотиб олиш, ишчи гурухга гонорар тўлаш, ўқув сафарлари, давра сұхбатини ўтказиш ва бошқалар) ва бу Сизнинг талабларингиз ва сўровларингизга мос келадими?;
- Сиз грант олиши мумкин бўлганлар рўйхатига кирасизми?;
- Сиз сўраётган грант суммаси мазкур донорлик ташкилотининг маблаг ажратиш амалдаги лимитига мос келадими ва Сиз лойиҳа талбларини зарур мувофиқликка келтира олишга

қодирмисиз /лойиҳа тузилмасини ўзгартириш, уни 2 та ва бир неча таркибий қисмларга бўлиш/?;

- Грант аризасини қайси тилда (тилларда) тузиш лозим?;
- Лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш зарурати туғилган, Сиз аризада кўрсатган вазиятлар донорнинг ушбу муаммони тушунишига мос келадими ва бошқалар.

Грант олувчининг мезонларга мувофиқ келиши тўғрисидаги масала бўйича шуни ёдда тутиш керакки, гуманитар максадларни кўзда тутаётган донорлик институти ривожланишга кўмаклашишга йўналтирилган беминнат молиявий ёрдамни амалга оширап экан, грант олувчи томонидан лойиҳа фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг айнан шундай йўналишига, яъни ишланган маҳсулот (хизматлар)ни якуний истеъмолчиларнинг кенг доирасига беминнат беришни назарда тутади. Шу муносабат билан юридик мақоми жорий фаолиятнинг нотижорат характерига эга бўлган аризачиларга устуворлик берилади. Шундай қилиб, эътибор авваламбор “Ноҳукумат нотижорат ташкилот” (ННТ) туридаги тузилмаларга қаратилади.

Яна бир жиҳат жуда муҳим ҳисобланади: донорлик ташкилотлари кўп холларда мултигликация самарасига эга бўлган лойиҳа мавзуларини танлайдилар, яъни кенг тарқатишга, кўпайтиришга мўлжалланган, лойиҳа доирасида тузилмаларнинг яратилиши, тўпланган иш тажрибаси, ишлаб чиқилган ва синалган услублар ва бошқалар. Бундай турдаги наъмунали (“пилот”) лойиҳаларни яратар экан, донор бирор бир янги ёки мавжуд устувор фаолият йўналишларини рағбатлантиради ёки унинг ташаббускори бўлади. Ушбу кўрсатмадан келиб чиқиб, лойиҳа мавзусига эътибор билан ёndoшиш лозим. Бунга яхши мисол бўлиб нобанк микрокредитлаш мавзуси бўлиши мумкин. Бу мавзуни Ўзбекистонда БМТнинг Ривожланиш дастури, “Евросиё” фонди, “Шафқат корпуси” кўллаб-куватламоқдалар. Бу кўллаб-куватлаш микрокредитлашнинг биринчи амалий тажрибасини ишлаб чиқиши билан бирга, бу соҳадаги услубларни ишлаб чиқиш, ўқишишларни олиш боришига қаратилган. Шуниси муҳимки, барча ишлар Ўзбекистон учун умуман янгилик бўлди.

Кредит олиш сингари, биринчи маслаҳатни айнан донорлик ташкилотининг мутахассисидан олиш жуда муҳимdir, бу грантга тайёрланиш бўйича ишларни олиб боришидаги кейинги қўйиладиган қадамларга туртки бўлади.

Сўнгра сўров хатини тайёрлаш лозим. Агарда лойиҳа мавзуси ижобий қабул қилинса ва қўйилган муаммони ҳал қилишга биргаликда ёndoшиш таклиф этилса, кейинги қадам – грант олиш учун ариза бериш ҳисобланади.

Сўров хати қўйидаги элементларни ўз ичига олиши керак:

- Қисқалик (1-3 бет).
- Сиз нима учун айнан шу фондга мурожаат қилганлигинизни тушунтиринг (фонд тўғрисидаги ўз билимларингиздан фойдаланинг).
- Мазкур лойиҳанинг зарурлиги ва муаммо моҳиятини аниқ тушунтириб беринг.
- Лойиҳа вазифалари, кутилган натижалар, услублар ва уни бажариш қиймати тўғрисидаги маълумот.
- Нима сабабдан айнан Сизнинг ташкилотингиз бундай лойиҳани бажаришга қодирлигини ишонарли тушунтириш, ташкилотингиз фаолияти йўналиши, у эришган ютуклар ва ходимларнинг малакаси.
- Сизнинг сўровингизни кўриб чиқишидан нималарни кутаётганлигинизни тушунтириб беринг.

Қўйида кўпина донорлик муассасалари учун характерли бўлган грант олиш учун бериладиган ариза шаклини келтирамиз. Бу шакл бундай турдаги хужжатнинг асосий бўлимларини ўз ичига олади ва молиявий институт хусусиятига қараб доимо ўзгариб туради:

Грант олиш учун лойиҳа аризаси
(донор ташкилотининг номи)

ТИТУЛ ВАРАҚАСИ	
➤ Лойиҳа номи:	
➤ Лойиҳа раҳбари:	
➤ Хизмат манзили:	
➤ Лойиҳа иштирокчилари:	
➤ Хизмат манзили:	
➤ Лойиҳанинг умумий бюджети:	
➤ АҚШ долларида сўралаётган сумма:	
➤ Шерик ташкилотлар билан боғланиш маълумотлари:	
➤ Лойиҳа қамраб оладиган географик миңтака:	
➤ Лойиҳани бажариш муддати:	
➤ Бошқа донор ташкилотига грант олиш учун мурожаат қилганимисиз:	
➤ Ариза берувчида грантларни олиш ва уларни амалга ошириш тажрибаси борми:	
АРИЗАНИНГ АСОСИЙ МАТНИ	
<p>1. Муаммонинг қўйилиши (муаммонинг чекланган тарздаги шартлари баёни, ушбу муаммонинг юзага келиши сабаблари, унинг табиати, муаммонинг аниқ баёни, ижтимоий-иктисодий ва бошқа жамоат жараёнларига таъсири)</p>	
<p>2. Лойиҳанинг мақсад ва вазифалари (loyiҳa нимага йўналтирилганлигининг аниқ, изчил баёни, у нимани яратиши ёки ўзгартириши лозим, бевосита ижрочилар унда нима моҳият кўрмоқдалар, ва у жамиятга нима фойда келтиради)</p>	
<p>3. Лойиҳа натижаларидан фойдаланиши мумкин бўлган шахслар доираси (loyiҳa вазифалари амалга оширилиши натижасида яратилган маҳсулотнинг аниқ истеъмолчиси ким бўлади)</p>	
<p>4. Лойиҳани амалга оширишнинг кутилган якуний натижалари (loyiҳанинг натижаси сифатида юзага келадиган жараёнлар ва маҳсулотларнинг батафсил баёни)</p>	
<p>5. Кутилган натижаларга эришиш стратегияси (loyiҳa вазифаларига эришиш учун лозим бўлган ҳаракатларнинг мантиқий кетма-кетлиги баёни)</p>	
<p>6. Лойиҳа мониторинги (loyiҳani бажариш жараёни, унинг натижа бериши, мақсадли характеристи устидан назорат қандай усуслар ва методларда амалга оширилади)</p>	
<p>7. Лойиҳани бажариш жадвали (у ёки бу молиялаш босқичини бажариш учун лозим бўлган ишларни бажариш даври кўрсатилган ҳолда ишлар босқичларини кетма-кет баён этиш, шунингдек, ҳар бир босқичдаги ишлар натижалари акс эттирилган хужжатлар)</p>	
<p>8. Лойиҳани баҳолаш (loyiҳa ишлари муваффақиятлари мезонларини белгилаш, лойиҳанинг дастлаб қўйилган мақсадларга эришиши)</p>	

Грантни олиш учун аризани ишлаб чиқишида пухта ўйланган, режалаштирилган бюджетни шакллантириш муҳим омил ҳисобланади. Грант олувчи сўралаётган пул микдори чуқур асосланганлиги ва Лойиҳа бўйича харажатлар тўғри акс эттирилганлигини исботлаб бериши керак. Қўйида лойиҳа жамланган бюджетининг шартли шаклини келтирмокдамиз ва бюджетнинг

ҳар бир бўлими ҳар бир бюджет моддасининг мақсад тавсифи ва сарфланиш тартиби билан алоҳида асосланиши лозимлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз:

ХАРАЖАТЛАР УМУМИЙ СМЕТАСИ

(Лойиҳани амалга оширишнинг тўлик даври = фаолиятнинг молиявий йиллари сони)

Моддалар номи	Бахолангандикимати (АҚШ доллари)	
	Мавжуд	Сўралаяпти
Ходимларнинг иш ҳақи:		
Директор		
Бухгалтер		
Маслаҳатчи		
.....		
ИХФ дан чегирмалар		
Бўлим бўйича жами:	X	X
Лойиҳанинг техник таъминоти:		
Оргтехника:		
• Компьютер		
• Принтер		
• Сканер		
• Ксерокўпайтириш аппарати		
•		
INTERNETдан фойдаланиш		
Бўлим бўйича жами:	X	X
Махсус адабиётни сотиб олиш:		
Бўлим бўйича жами:	X	X
Чиқим материаллари:		
Канцтоварлар		
Картридж (тонер) принтер учун (сони)		
.....		
Бўлим бўйича жами:	X	X
Хона ижараси+ коммунал тўловлар	X	X
Сафар харажатлари ва ўқитиш:		
Авиабилетлар киймати		
Меҳмонхона хизматлари		
.....		
Бўлим бўйича жами:	X	X
ЖАМИ:	X	X

Грантни бажариш жараёнида лойиҳани амалга оширишнинг режа-жадвалига аниқ мос келиш ва тасдиқланган шаклга кўра ҳисоботларни тақдим этиш, яъни донор билан келишилган шартларга нисбатан ўта синчков бўлиш, лойиҳанинг дастлаб кўйилган вазифаларига эришиш лозим. Табиийки, бу ҳолда киритилган маблағларни қайтаришни талаб қилмаган ҳолда инвестор максимал равишда иқтисодий-ижтимоий, инновацион, гуманитар натижаларни кўришни истайди.

Кўп ҳолларда донорлик лойиҳалари кўп босқичда бажариш характерига эга бўлади ва агарда биринчи қадам (loyiҳa ёки лойиҳанинг қисми) муваффакиятли бўлса, грант бажарувчисининг қўшимча молиявий маблағ олишга яхши имкони бўлади (буни кўпгина донорлик тузилмалари амалда қўллайдилар). Одатда грант берувчи томонидан битта юридик

ёки жисмоний шахсга бир вақтда фақат битта грант берилиши мумкин эканлиги сабабли, кўшимча маблаг фақат грант бериш тўғрисида илгари имзоланган битимга доир якунлар чиқарилганидан сўнг амалга оширилиши мумкин.


Марказий Осиё мамлакатларида турли молиявий ёрдам берувчи 50 яқин Халқаро фонidlар ва ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Куйида биз Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган донорларнинг манзилларини келтирмоқдамиз:


№	Донор ташкилот номи	Манзил, боғланиш телефонлари	Фаолиятнинг асосий йўналишлари
1.	«Евроосиё» фонди	700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 4 квартал, 11 Тел.: 120-74-47 120-74-48 120-74-49 Факс: 120-74-51	1.Иқтисодий ислоҳот: менеджмент, бизнес, иқтисодий таълим соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, бозор муносабатлари ишлашига ёрдам берувчи ижтимоий ва иқтисодий институтларни ривожлантириш, хусусий сектор ва ахборотлар тизимини ривожлантириш. 2.Давлат ислоҳоти ва нотижорат секторни ривожлантириш: давлат ва жамоат бошқариши тизими ислоҳоти, нодавлат ташкилотларини жумладан уларнинг юридик базасини хартомонлама қўллаб-куватлаш ва стратегик ривожлантириш, ахборотлар тизимини такомиллаштириш. 3.Оммавий ахборот воситалари ва коммуникация: Фонднинг иқтисодий ислоҳотлар ва демократик институтларни яратиш соҳасидаги вазифаларига эришишга ёрдам берувчи босма, овоз, электрон коммуникация воситалари бўйича лойиҳалар.
2.	Каунтерпарт Консорциум	700077, г. Тошкент шаҳри, Донская кўчаси, 11 А; Тел.: 169-16-13 169-16-14 169-16-15	1.Фуқаролик жамиятлари минтақавий марказларини яратиш ва кучайтириш орқали фуқаролик жамиятларини ривожлантириш ва ННТни қўллаб-куватлаш (Қўқон, Наманган, Бухоро, Нукус, Урганч, Самарқанд, Тошкент). Вазифа: нодавлат нотижорат соҳани ривожлантириш.
3.	Шафқат корпуси	700070, Тошкент шаҳри, Жийдазор кўчаси, 41/1; Тел.: 120-50-41 120-50-42 120-50-43 54-89-19	1.Кишлоқ хўжалиги ва агробизнес, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва сонини ошириш. 2.Айниқса кишлоқ жойларида хусусий сектор ташаббусини ривожлантириш. 3.Демократик жараёнларга қўмаклашиш: конунларни хурмат қилишни рағбатлантириш, давлат қарорларини қабул қилишда фуқаролар иштирокини ривожлантириш, ғоялар билан эркин тарзда алмashiш. 4.Соглиқни сақлашни яхшилашга қўмаклашувчи фаолият.
4.	Тинчлик корпуси	Тошкент шаҳри, Кунаев кўчаси, 63/65 Тел.: 152-53-89 152-53-90 152-68-52 120-73-90	1.Кичик бизнесни ривожлантиришга маслаҳатли қўмаклашиш. 2.Методик базани ривожлантириш билан инглиз тилини ўқитиши.

5.	Сорос фонди	700031, Тошкент шаҳри, Зарбонг кӯчаси, 31; Тел.: 120-68-54 152-39-98 152-39-33 120-54-08	1.Марказий Европа Университетида аспирантура ва докторантурда дастурлари бўйича ўқишга кўмаклашиш. 2.Фуқаролик жамиятини яратиш ва мустаҳкамлашга ёрдамлашиш ижтимоий-иктисодий характердаги лойиҳалар. 3.Шахсларнинг илмий ва бошқа конференцияларда, семинарларда ва симпозиумларда иштирок этишини ташкил этишда ёрдамлашиш.
6.	Винрок Халқаро институти «Фермер фермерга» войиҳаси	Тошкент шаҳри, Кулолтупроқ кӯчаси, 29; Тел.: 152-73-78 55-43-73	1.Қишлоқ хўжалигини, қишлоқда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ жойларида бандлик муаммосини ҳал қилиш.
7.	Марказий Осиёда КўБ ривожланти- риш бўйича AMP АҚШ войиҳаси /ПРАГМА корпорацияси/	700011, г. Тошкент шаҳри, Зарқайнар кӯчаси 39, 40, 41; Тел.: 120-74-29 120-74-29 120-74-30	1.Бозор иқтисодиёти масалалари бўйича (маркетинг, менеджмент ва б.) ўқишлар ўтказиш. 2.Профессионал бухгалтерлик курсларини ташкил этиш. 3.Нодавлат ва профессионал уюшмаларини ривожлантириш. 4.Тадбиркорларга консалтинг хизматларини кўрсатиш.
8.	ПЕРДКА	Тошкент шаҳри, Абдуллаев кӯчаси, 1; Тел: 67-55-40	Ўрта Осиёда тараққиёт ва иқтисодий ислоҳотлар бўйича лойиҳа

4 Боб

**Бизнесни юритишнинг
юридик масалалари**





Тадбиркорлик фаолиятни муносабатлар, битимларни амалга ошириш ва шартномалар тузисиз тасаввур қилиш қийин. Бизнес-гояни амалга ошириш жараёнида фойда олии бўйича барча фаолият у ёки бу ҳолда ҳам зарур дастлабки ишларни бажариш, у ёки бу ишларни бажариш тўғрисида шартнома тузиш, Сизни (ёки Сизнинг харидорингизни) қизиқтирган товарни харид қилиши-сотиш, Сизга (ёки Сизнинг мижозингизга) зарур бўлган бирор бир хизматларни кўрсатишдан сўнг якунланади..

Бу дегани, Сиз тадбиркорлик фаолиятингиз жараёнидаги муҳум босқичлардан бир – шартнома тузишга иложи борича синчковлик ва эътибор билан қарашингиз керак. Сизнинг тижорат гоянгизнинг мудаффакияти кўт ҳолда бизнес бўйича шеригингиз билан ўз гояларингизни амалга оширишига доир битимни қандай расмийлаштиришингизга боғлиқдир. Иккянчи томондан, шартнома ҳужжати бирор бир низолар ёки келишимовчиликларни ҳўжалик судида муҳокама қилиш жараёнида Сизнинг ҳақлигингиши тасдиқловчи муҳум ҳужжат бўлади.

Бизнесда эътибор берилмайдиган иккичикирлар ва масалалар йўқдир. Ушбу тасдиқнинг тўғрилигига тадбиркорлик фаолияти билан шугулланган барча кишилар амин бўлганлар, шу сабабли Сиз ҳам эътиборга олиб, сўзимизга ишонинг. Шу муносабат билан мазкур бобда биз Сизга контрактациянинг асосий тушунчалари ва қоидалари билан танишиши имкониятини беригина қолмай, ўз оғисингизда иш юритишни қандай ташкил этиш, шунингдек, бизнесингизни иложи борича хавфсизроқ қилишини ўргатиш имкониятини берамиз. Бунинг нималигини ушбу бобни охиригача ўқиб бўлгач тушуниб оласиз. Умид қиласизки, мазкур бобга киритилган маълумотлар Сизда қизиқиши уйготади ва тижорат режаларини амалга ошириш жараёнида Сизга ёрдам беради.

4.1. ШАРТНОМАНИ ҚАНДАЙ ТЎҒРИ ТУЗИШ МУМКИН?

4.1.1. Шартнома ва унинг турлари.

Олдин “Шартнома” ўзи нима эканлигини аниқлаб олайлик. Биринчи навбатда номидан кўриниб турибдики, шартнома ўзаро фойда олиш мақсадида томонларнинг ўзаро розилиги натижасидир (агарда ўзаро розилик бўлмаса, ҳеч қандай шартнома ҳам бўлиши мумкин эмас, шундайми?).

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган “Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида”ги қонунда **хўжалик шартномаси** деб, бир томон белгиланган муддатда товарларни бериши, тадбиркорлик фаолияти соҳасида ишларни бажариши ёки хизматлар кўрсатиши, иккянчи томон эса, бу товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиши ва уларнинг ҳақини тўлаши тўғрисидаги битим **хўжалик шартномаси** дейилади.

Шундай қилиб, шартнома – бу икки ёки кўп томонли битим ҳисобланади. Чунки, қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фуқаролик-хуқукий битим фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик хукуклари ва мажбуриятларини белгилайди, ўзгартиради ёки тўхтатади.

Шунга мувофиқ, хўжалик шартномаларининг субъектлари ёки томонлари бўлиб, юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс бўлмай тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳисобланиши мумкин.

Битимлар ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши мумкин. Оддий ёзма шаклда (агарда нотариал тасдиқ талаб қилинмаса), яъни битим моҳияти ва уни амалга ошириш шартлари акс эттирилган, шунингдек, битимни амалга ошираётган шахслар ёки уларнинг ваколатли шахслари имзолаган ҳужжатни тузиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- Битимлар юридик шахслар ўртасида ўзаро ва фуқаролар билан тузилади;

- Битимлар фуқаролар ўртасида минимал иш ҳақининг 10 баробари ва ундан ортиқ бўлган микдорда тузилади.

Шартноманинг қўйидаги турлари ажратилади:

- *Аралаш* : шартномага ҳар хил турдаги шартномалар элементлари киритилади (масалан, шартномада бир вактнинг ўзида савдо-сотик, маркетинг хизматларини кўрсатиш, қурилиш ишлари кўзда тутилиши мумкин). Тегишли тарзда, бундай шартномани тузишида шартнома бўйича ҳар бир иш турларини бажариш шартларигина эмас, балки ҳар бир мажбурият бажарилиши учун мукофотлаш механизми ҳам аниқ белгилаб олиниши зарур. Амалда эса, турли келишмовчиликлар ва низолардан қочиш мақсадида бундай шартномаларни тузмай, балки ҳар бир иш турлари бўйича бир неча хилдаги шартномаларни тайёрлаш тавсия этилади.
- *Олдиндан* (уни яна “*ниятлар баённомаси*” деб ҳам атайдилар – тадбиркорлар ўртасида тузиладиган, жуда оммавий битим тури): унда томонлар кейинчалик асосий шартнома мазмунига киритиладиган шартларда ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки мулкни сотиш бўйича келгусида асосий шартномани тузиш мажбуриятини оладилар.
- *Учинчи шахс фойдасига шартнома* – томонлар, томонлардан бири (қарздор) мажбуриятларини бажариши мазкур шартнома бўйича контрагентга (кредиторга) эмас, қарздордан ўз фойдасига мажбуриятларни бажаришни талаб килиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсга берилишини белгилаб қўядиган шартномадир.
- *Бирлаштириш шартномаси* – шартларини томонлардан бири белгилаб қўйган ҳамда иккинчи томондан таклиф этилган шартномага тўлиқ қўшилиш йўли билангина қабул қилиниши мумкин бўлган шартномадир. Яъни, бундай шартнома уни қабул қилган томондан шартнома мазмунига янги, унинг нуқтаи назаридан оқилона бўлган бирор-бир шартларни киритишни истисно қиласди.
- *Оммавий шартнома* – тижорат ташкилоти томонидан тузилган ва унинг товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир мажбуриятларини белгиловчи шартнома. Бу ташкилот унга мурожаат қилган ҳар бир шахсга бу ишларни бажариши керак (масалан, бу чакана савдо, алоқа хизматлари, меҳмонхона ва тиббий хизматлар бўлиши мумкин). Бундай шартноманинг асосий қисмлари – барча истеъмолчилар учун товарлар, ишлар ва хизматлар, шунингдек шартноманинг бошқа шартларининг нархлари тенг бўлишидир (агарда қонунда истеъмолчиларнинг айрим тоифалари учун бирор бир имтиёзлар назарда тутилмаган бўлса).

4.1.2. Шартномани қандай “ишончли” қилиш мумкин ?

Шубҳасиз, ҳар бир битим тузётган томон шартномани ўзи учун ишончли ва фойдали қилишга ҳаракат қиласди. Шунга мувофиқ, **ШАРТНОМАНИ ҚЎЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА “ИШОНЧЛИ” ДЕЙИШ МУМКИН:**

- Бу биринчи навбатда Сизнинг манфаатларингизни кўзлаб тузилган шартнома.
- У амалдаги қонунчиликка зид келмайди.
- Унда Сизнинг манфаатларингиз юридик жиҳатдан ишончли ҳимояланган, Сизнинг контрагентингизнинг шартнома бўйича мажбуриятларини бажариши унинг жавобгарлиги билан таъминланади.
- Унда ҳеч қандай “сув ости тўсиклари” ёки “юридик миналар” деб аталувчи тўсиклар йўқ. Шартномада бундай “миналар”нинг мавжуд бўлиши Сизнинг

яхши ўйлаб чиқылған тијорат лойиҳангизни амалга оширишга доир барча саъй-харакатларингизни чиппакка чиқариши мумкин.

Биз шунингдек, Сизни юристларнинг шартномаларни тузишнинг **ТҮРТТА АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИГА** риоя қилиш бўйича тавсиялари билан таништирмоқчимиз. Улар бизнинг фикримизча, ўз ишини бошлаётган тадбиркорлар билан бир қаторда, фаолият олиб бораётган тадбиркорлар учун ҳам фойдалидир:

1 ҚОИДА

Сиз нима қилмоқчи эканлигингиз ва нима олмоқчи эканлигингизни аниқ тасаввур қилинг.

Шархлар:

Агарда Сиз шартномани имзоламоқчи экансиз, унинг таркибий қисмларидан ташқари битимнинг асосий моҳиятини охиригача тушуниб олмас экансиз, муваффақиятга эришишингизда Сизга ҳеч ким ва ҳеч качон ёрдам бермайди. Шу сабабли ҳаракатларнинг бутун занжири ва битимнинг барча алоҳида босқичларини ўйлаб чиқиш, Сиз уларнинг қандай амалга оширишингизни тушуниш ва тасаввур қилишга ҳаракат қилишингиз керак. Шундагина Сиз ўз тијорат лойиҳангизни амалга ошириш жараёнида вазиятни назорат қилишингиз мумкин.

2 ҚОИДА

Сиз имзоламоқчи бўлган шартнома лойиҳасини ўзингиз тайёрлаганингиз маъқул

Шархлар:

Албатта, бу шартномани Сиз шахсан ўзингиз тайёрлашингиз керак, дегани эмас. Негаки бу билан мутахассислар шуғулланиши керак, лекин барibir шартнома лойиҳасининг муаллифи Сизнинг томонингиз бўлгани маъқул. Сабаби? Агарда Сиз бу ташаббусни шартнома бўйича контрагентингизга берадиган бўлсангиз, шубҳа қиласангиз бўладики, у шартномани ўз фойдасига ҳал қилиб, ўз манфаатларини имкон қадар ҳисобга олади ва Сизнинг манфаатларингиз тўғрисида унча қайғурмайди. Шу сабабли Сиз шартнома лойиҳасини ўз фойдангизга тўғирлашингизга тўғри келади, яъни Сиз унга мослашиб ишлайсиз, бу эса исталмаган ҳолдир. Бундай ишни шубҳасиз, ҳатто энг яхши ва виждоноли шеригингизга ҳам раво кўриш керак эмас.
Шундай қилиб, ёдингиздан чиқмасинки, мазкур масалада ташабbus Сизнинг томонингизда бўлиши керак.

3 ҚОИДА

Шартномани юристингиз ўрганиб чиқиб, маъқулламагунча уни имзоламанг

Шархлар:

Бу Сизнинг асосий қоидаларингиздан бири бўлиши керак. Уни ўз моҳиятига кўра “бизнесменнинг олтин қоидаси” деб аташ мумкин. Ҳар қандай шартнома - бу юридик хужжат. Шу сабабли уни албатта юристингиз

билин мұхокама қилиб олишингиз керак. У Сизга шартноманинг юридик жиҳатлари ва юзага келиши мүмкін бўлган “сув ости тўсиқлари”ни тушунириб, малакали маслаҳатлар ва тавсияларни беради.

Бундан ташқари “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўгрисида”ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти соҳасида тузиладиган барча хўжалик шартномалари (яъни фойда олиш мақсадида) корхона юридик хизматининг (ёки жалб этилган адвокатларнинг) ҳуқуқий экспертизасидан ўтиши керак. Бу ҳолда, агарда шартнома суммаси 200 та минимал иш ҳаки микдоридан ошмаса, экспертизадан сўнг юрист шартномани факат имзолаши лозим (ҳар бир варакда ёки унинг орқасида). Агарда шартнома суммаси юқорида қайд этилган микдордан ошса, мазмуни қонунчилик билан белгиланадиган маҳсус юридик хулоса зарур бўлади.

ЭСЛАТМА.

1. Шуни эътиборда тутингки, томонларнинг ҳар бир алоҳада юристларда ҳуқуқий экспертиза ўтказиши керак (фақат битта юристнинг визалари ёки хулосалари етарли бўлмайди).
2. Иккита шартнома тузоётган томон маблагларни тежаши мақсадида битта адвокатга мурожаат қилиши мақсадга мувофиқ эмас.

4 ҚОИДА

Шартнома матнида ҳар хил маънолиликка ва ноаниқликларга йўл қўйманг, унинг барча моддалари аниҳ ва тушунарли бўлиши керак

Шархлар:

Шартноманинг айрим бандлари ва моддаларини тайёрлашда фикрингизни аниқ ва содда баён қилинг, аниқ бўмаган ва юзаки жумлалар ва шартларга йўл қўйманг. Шартномада ҳар бир сўз, ҳар бир тиниш белги аҳамиятга эга. Агарда бирор бир атама Сизга тушунарсиз бўлса, мутахассисларга масалани ойдинлаштириб олиш учун мурожаат қилишга уялманг. Шуни эсда тутингки, Сизнинг контрагентингиз низолар юзага келганда ҳар бир ноаниқ жумлани ўз фойдасига ҳал қилишга харакат қиласди.

4.1.3. Шартнома тузишнинг асосий босқичлари

Шундай қилиб, Сиз шартнома тузишга аҳд қилган бўлсангиз, уни тузиш учун қўйидаги асосий қадамларни қўйишингизга тўғри келади (бунда ШАРТНОМА ТУЗИШНИНГ ТЎРГТА АСОСИЙ ҚОИДАСИни ёдингиздан чиқарманг!) :

1 ҚАДАМ : Шаклларни танлаш

Битимларни амалга оширишни кўзда тутган шартнома исталган шаклда тузилиши мүмкін, қачонки қонунда маҳсус шакл кўзда тутилмаган бўлса. Агарда томонлар муайян шаклда шартнома тузишга келишган бўлсалар, қонунда бундай шартномалар учун мазкур шакл талаб қилинмаган бўлса ҳам унга айнан шу шакл берилганидан сўнг тузилган ҳисобланади.

Шартнома томонлар имзолаган битта ҳужжатни (шартномани) тайёрлаш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, факс, электрон, телефон ҳамда ҳужжат шартнома бўйича контрагент томонидан келганлигини ҳаққоний тасдиқлаш имконини берувчи бошқа алоқа воситалари

орқали ҳужжатларни алмашиш (оферта – шартнома тузиш түғрисидаги таклиф, акцепт – ушбу таклифни қабул қилиш) йўли билан тузилиши мумкин.

2 ҚАДАМ: Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш

Агарда Сиз битта ҳужжатни тузиш ва имзолаш йўли билан шартномани тузишга қарор қабул қилган бўлсангиз, Сиз шартнома **тўртта асосий қисмлардан** ташкил топишини билишингиз лозим (оферта ва акцепт асосида шартнома тузиш усулини биз 3-Қадамда кўриб чиқамиз):

1. *Кириши қисми.*
2. *Шартнома мавзуси. Томонларнинг ҳуқуқ ва маҷбуриятлари.*
3. *Шартноманинг қўшимча шартлари.*
4. *Шартноманинг бошқа шартлари.*

ЭСЛАТМА: *Шартнома лойиҳасининг айрим наъмуналари билан Сиз 4.1. Иловада танишишингиз мумкин.*

1. Шартноманинг кириш қисми.

Бу қисм кўйидаги асосий қоидаларни ўз ичига олади:

- *Шартнома номи:* савдо-сотик, ахборот хизматларини кўрсатиш, биргаликда фаолият юритиш ва бошқалар түғрисидаги шартнома.
- *Шартномани имзолаши санаси* – шартнома санасини қўйишни эсдан чиқармаслик жуда муҳимдир, чунки бу сана уни тузиш вақтини тўғри аниклашнинг бошланиши бўлиши билан бир қаторда уни яқунлашнинг охирги муддатини аниклашда хам муҳимдир. Бу муддат шартнома бўйича томонларнинг деярли барча молиявий, юридик ва тадбир масалаларига доир ўзаро муносабатлари билан боғлиқдир.
- *Шартномани имзолаши жойи.*
- *Контрагентларнинг тўлиқ фирма номлари* (Ягона давлат рўйхатида улар рўйхатга олинган).
- *Шартнома бўйича томонларнинг номлари (масалан, “Етказиб берувчи”, “Пудратчи”, “Буюртмачи”, “Ижрочи” ва бошқалар).* Бу матнда томонларнинг тўлиқ номларини ҳар сафар қайтармаслик учун зарурдир.
- *Шартномани имзоловчи шахс лавозимининг тўлиқ номи, унинг Ф.И.О., шунингдек унинг шартномани имзолаши ваколатини белгиловчи ҳужжатнинг номи:*
 - Агарда имзоловчи – контрагент қорхона директори бўлса, унинг ваколатлари ҳақиқийлигига ишонч хосил қилишга ҳаракат қилинг (буни директорни тайинлаш түғрисидаги тегишли буйруқ, хизмат гувоҳномаси, корхона муассислари йиғилиши қарори билан танишиб чиқкан холда, қилиш мумкин). Буни қилиш зарур, негаки масалан, корхона раҳбари 20 миллион сўм суммадан ошмайдиган шартномаларни мустақил равищда имзолаш ваколатига эга бўлиши мумкин, қолган шартномалар эса – факат муассисларнинг розилиги билан имзоланиши мумкин. Бу холда муассислар розилигисиз директор томонидан имзоланган, мидори 25 миллион сўм бўлган шартнома ҳақиқий бўлмайди.
 - Агарда имзоловчи – директор ўринбосари (ёки бош бухгалтер)

бўлса, шунингдек корхона бўйича чиқарилган тегишли буйруқ билан танишиб чиқиб (банк хужжатларини имзолаш ваколати бу шахс шартномаларни ҳам имзолаши мумкинлигини билдирамайди), унинг бундай хужжатларни имзолаш ваколати борлигига ишонч ҳосил қилинг.

- Агарда имзоловчи – ишончнома бўйича амал қилса, Сиз унинг шахсини текшириш билан бир қаторда, унинг ишончномасини ҳам текширишингиз керак. Бунда ишончномада ташкилот раҳбарининг (фақат биринчи шахснинг) имзоси ва муҳри мавжудлиги, ишончнома берилган сана, унинг амал қилиш муддати, шахснинг аниқ ваколатлари (масалан, фақат музокаралар олиб бориш ва ташкилотнинг манфаатларини химоя қилиш ёки бундан ташқари битимлар ҳам тузиш)ни текшириш мақсадга мувофиқдир.

2. Шартнома мавзуси. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Шартноманинг бу қисми шартноманинг муайян шартларини ўз ичига олади (жумладан, товарлар (ишлар, хизматлар) қийматини қонунчиликда белгиланган микдордан кам бўлмаган микдорда олдиндан тўлаш шартлари) (ҳозирги кунда – шартнома суммасининг 15% дан кам бўлмаган):

- Шартнома бўйича биринчи томоннинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари.
- Шартнома бўйича иккинчи томоннинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари.
- Иккала томоннинг ўз мажбуриятларини бажарии шартлари ва муддатлари.
- Ҳар бир томоннинг ўз мажбуриятларини бажарии жойи.
- Ҳар бир томоннинг ўз мажбуриятларини бажарии усуслари (уларнинг ҳаракатлари тартиби, уларнинг кетма-кетлиги ва муддатлари).

Ушбу шартларнинг аниқ мазмуни шартнома тури, томонларнинг ўзаро келишувлари ва шартнома тузилган муайян вазият билан белгиланади.

3. Шартноманинг қўшимча шартлари (бу қисм амалда шартномада кўзда тутилиши мажбурий бўлмаган шартларни белгилайди, лекин шунга қарамай, уларнинг мавжудлиги томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига, шунингдек уларни бажариш тартибига муайян равишда таъсир қиласи):

- Шартноманинг амал қилиш муддати (шартнома томонларининг ўз мажбуриятларини бажаришлари муддати кўрсатилишига қарамай, уни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу шу билан боғлиқки, Сиз шартноманинг амал қилиш муддатини аниқ билишингиз лозим ва контрагентга тегишли талаблар ва эътиrozларнингизни билдиришингиз мумкин (агар бундай эътиrozлар бўлса, масалан, ишларни топшириш муддатларининг кечиктирилиши ҳолларида).
- Томонларнинг жавобгарлиги: мазкур бўлим томонларнинг жавобгарлиги ва уларнинг шартнома шартларини бузганликлари учун тегишли тарзда жазолашни белгилайди (одатда жарима санкциялари, пеннилар кўринишида). Одатда шартномани тузишда ҳар бир томоннинг шартнома шартларини бузиш учун тегишли жавобгарлигини кўзда тутиш тавсия этилади.
- Мажбуриятларни таъминлаш усуслари (айбор томонга мулкий таъсирнинг қўшимча чора-тадбирлари): қонунчиликка мувофиқ мажбуриятларни таъминлашнинг тўртта асосий усуслари мавжуд – бурдисизлик тўлови, гаров, кафолатнома (кафолат) ва бўнак.
- Бир томонлама тартибда шартномани муддатидан олдин бекор қилиши асослари

ва шартномани бир томонлама бекор қилишида томонларнинг ҳаракатлари тартиби (масалан, олдиндан тўланадиган ҳақнинг келиб тушмаслиги ёки муайян тарзда кечиктирилиши бундай асос бўлиши мумкин, бу ўз наебатида – инфляция оқибатида ишлар қийматининг бирмунча қимматлашиши ва ишни бажарувчи учун битимнинг бефойдалигига олиб келиши мумкин.

- *Шартнома бўйича маълумотнинг маҳфийлиги* : томонлар шартноманинг қандай шартлари маҳфий ҳисобланиши ва томонлар ошкор қилмасликларини келишиб оладилар.
- *Томонларнинг низоларни ҳал қилиши тартиби*: одатда барча низолар (агарда улар томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан тартибга солиниши мумкин бўлмаса) амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар шартномада кўзда тутилганлигидан қатъий назар Хўжалик судида ҳал этилади. Бироқ томонлар бошқа қоидаларни ҳам белгилашлари мумкин, масалан, низоларни ҳакамлар судида кўриб чиқиш (томонларнинг ўзлари ташкил этадиган ёки бирор бир доимий амал қилувчи ҳакамлар судида).

4. Шартноманинг бошқа шартлари:

- Шартномада тадбиркорлар ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солишга алоқадор бўлган барча қонунчилик меъёрларини қайд этишнинг маъноси бўлмаганлиги, шунингдек, кутилмаган вазиятлар юзага келган тақдирда тушунмовчиликлардан қочиш максадида шартномада “Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолларда томонлар амалдаги қонунчиликка амал қиласидилар” шаклида ўз фикрингизни баён қилишингиз мумкин.
- *Томонлар ўртасида алоқалар усулини келишии шартлари* – ваколатли шахслар воситасида (уларнинг лавозимлари ва улар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади) ёки телефон, факс, телекс ва шунингдек барча маълумотлар кўрсатилган холда бошқа алоқа воситалари ёрдамида амалга оширилади.
- *Томонларнинг маълумотлари* – томонларнинг тўлиқ почта ва банк маълумотлари, зарур бўлган холда – юклаш маълумотлари (масалан, темир йўлда юк жўнатиш учун) кўрсатилади.

ЭСЛАТМА: 1. Кўп ҳолларда шундай вазият бўлади, тайёр шартнома лойиҳаси бир томондан имзоланади ва бошқа томон имзолаши учун контрагентга берилади. Бунда, баъзи ҳолларда контрагент бир томонлама тартибда ўзининг ва ўзганинг нусхаларида шартнома шартларига бирор бир ўзгартиришилар киритади ва бу билан қўйилган имзоси шартномадаги ўзгартиришиларни тасдиқлаганидек шерикни ноқулай аҳволга солиб қўяди. Шерик эса бунга умуман қарши бўлиши мумкин. Бундай ҳолда юристлар шартномага ундаги барча ўзгартиришилар ва тузатишлар иккала томон имзоси билан тасдиқланган ҳолдагина ҳақиқий бўлиши тўғрисидаги бандни киритишни тавсия этадилар. Бундай вазиятдан чиқшининг яна бир мумкин бўлган варианти мазкур шартнома бўйича Келишии баённомасини тайёрлаш, сўнгра Шартномани тўлдириш ва унга ўзгартиришилар киритиш тўғрисидаги Битимни имзолаши ҳисобланади (Бобнинг охирида 4.2. ва 4.4. иловаларига қаранг).

2. Шартнома лойиҳаси матни билан шунинг учун ҳам синфилаб ишлasi керакки, низолар Хўжалик судида кўриб чиқши учун берилганда, суд шартнома шартларини изоҳлашда унда баён этилган сўзлар ва ифодаларни том маънода тушуниши мумкин. Бирор бир ноаниқликлар юзага келган ҳолда шартнома шартларининг асл маъноси шартноманинг умуман олгандаги бошқа шартлари ва маънолари билан тақъаслаш йўли билан белгланади.

3 ҚАДАМ : шартномани тузиш

Қонунчиликка мувофик, шартнома, шартноманинг барча муайян шартлари бўйича томонлар ўртасида келишилганидан сўнг тузилган ҳисобланади (шартнома мавзуси, шунингдек қонунда ва мазкур турдаги шартномалар учун аниқ ва лозим бўлган бошка ҳукукий далолатномаларда кўрсатилган шартлар, булардан ташқари, томонларнинг бирининг аризасига кўра битимга келишиш лозим бўлган барча шартлар). Шартномани тузиш вақти битимга томонлар тасдиқлаган шартнома шакли берилган вақт билан белгиланади.

Биз 1-Қадамда кўриб чиққанимиздек, Сиз ёзма шаклда шартномани тузишнинг исталган икки вариантини танлашингиз мумкин – ягона ҳужжатни тузиш ёки оферта-акцепт билан алмашиш йўли билан. Вариантларнинг қайси бири мъყул?

1. Шартнома ягона ҳужжатни тузиш йўли билан тузилган ҳолда, иккала томон шартнома лойиҳаси мазмуни келишилганидан сўнг шартномани имзолайдилар ва бу билан шартнома шакли ва шартларига розиликларини тасдиқлайдилар. Шартномани тузишнинг мазкур варианти тадбиркорлар ўртасида ҳакли равишда энг оммавийси ҳисобланади, чунки унда келгусидаги битимнинг барча муайян шартлари битта ҳужжатда бирлаштирилганидан ташқари, у иккала томоннинг биргалиқда олиб борган ишлари натижаси ҳисобланади. Булардан ташқари, иккала томон имзолаган бундай ягона ҳужжатнинг мавжудлиги шартнома тузиш факти тўғрисида келгусида юзага келиши мумкин бўлган низоларга хеч қандай ўрин қолдирмайди. Бунда куйидагиларга эътибор қаратиш лозим:
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўз имзолари ўрнига факсимиль муҳрларнинг изларини туширишга рухсат беришига қарамай, бари бир юристлар корхоналарнинг ваколатли вакилларига шартномаларни ўзлари имзолашларини тавсия этадилар. Бу бирор бир низолар юзага келганида кейинчалик муҳим рол ўйнаши мумкин, чунки айнан раҳбар ёки ваколатли шахснинг шахсан имзоси унинг шартнома шартлари ва шартномани тузишга розилиги тўғрисида гувоҳлик беради.
 - Шу билан бирга шартномада муҳр ўрнини тушириш шарт эмас. Шартномадаги муҳр шартномани имзолаган шахснинг ваколатларини тасдиқлайди, лекин муҳрнинг йўқлиги шартномани автоматик равишда ноқонуний қилмайди. Ҳал қилувчи аҳамият корхонанинг ваколатли вакили имзоси мавжудлигига қаратилади, бу имзосиз шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди (ҳатто муҳр мавжуд бўлса ҳам). Бирок, келгусида келишмовчиликлар юзага келмаслиги учун юристлар, шунингдек, шахсан ваколатли вакиллар имзолаган ва тегишли муҳрлар билан тасдиқланган барча бирламчи ҳужжатларнинг асл нусхаларига эга бўлишни тавсия этадилар.
2. Шартнома оферта-акцепт билан тузилган тақдирда, шартнома офертани (шартномани тузиш тўғрисидаги ёзма таклиф) юборган шахс томонидан бошқа томоннинг акцептини (таклифни қабул қилишга розилик бериш) олинган вақтда тузилган ҳисобланади. Шартномани тузишнинг мазкур вариантида бир неча муҳим жиҳатларни белгилаб ўтамиш:
 - Акцепт оферта қилинган шахснинг ўзидангина чиқиши керак.
 - Акцепт эътироzosиз бўлиши керак (офертанинг айрим, ҳатто арзимас шартлари билан рози бўлинмаса, бундай акцептнинг ўзи шартномани тузиш тўғрисидаги янги таклиф сифатида кўриб чиқилади).
 - Агарда офертада жавоб берилиши лозим бўлган аниқ муддат кўрсатилган бўлса, шартнома айнан шу муддатда акцепт (ёки акцепт тўғрисидаги хабарнома) олинган тақдирда тузилган ҳисобланади.

4.1.3. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш

Шундай қилиб, Сиз шартномани туздингиз. Агарда Сизнинг тижорат лойиҳангизни амалга ошириш жараёнида шартномани ўзгартириш ёки умуман бекор қилиш зарурати юзага келган бўлса, Сиз нима қилишингиз керак? Келинг, шартномани амалга ошириш жараёни давомида ушбу босқичнинг хусусиятларини кўриб чиқамиз:

4 ҚАДАМ: Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш

- **Томонларнинг келишувига кўра**, шунингдек қонунчилик ёки шартномада кўзда тутилган асосларга кўра шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш мумкин.
- **Томонлардан бирининг талабига кўра** шартнома факат бошқа томон шартномани катъий равишда бузган ҳолдагина (у зарар кўрган томонга шундай оқибатлар олиб келадики, бу томон шартномани тузишда кўзда тутган манфаатларидан сезиларли равишда маҳрум бўлади), шунингдек қонунда ёки шартномада кўзда тутилган бошқа ҳолларда суд қарорига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.
- Шартнома тузилган вазиятлар муайян равишда ўзгарган ҳолларда ҳам шартнома ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин (агарда томонлар бу вазиятларни олдиндан билган ҳолларида шартнома умуман тузилмаслиги ёки умуман бошқа шартларда тузилиши мумкин бўлган даражада вазиятларнинг ўзгариши муайян равишда ўзгарган ҳисобланади).
- Агарда қонунда ёки шартномада бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги битим шартнома тузилган шаклда тузилади. Бунда, шартнома ўзгарганда томонларнинг мажбуриятлари ҳам ўзгаради, лекин ўзгарган кўринишда сакланиб қолади. Шартномани бекор қилишда томонларнинг мажбуриятлари тўхтатилади (шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги битимлар лойиҳаларининг наъмуналари мазкур бобнинг охирида 4.3.иловада кўрсатилган).

ЭСЛАТМА: Хўжалик юритувчи субъект айби билан шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур тарзда бажармаслик, у томонидан пул маблаглари ва бошқа мулкдан мақсадсиз фойдаланиш ҳоллари аниқланганда, тўлов интизоми бузилганда, хўжалик юритувчи субъектни банкротлик даражасига олиб келганда ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа тартиббузарликлар содир этганда, мазкур мансабдор шахс амалдаги қонунчиликка мувофиқ фуқаролик-хуқуқий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортимиши мумкин.

4.2. БИЗНЕС ХАВФСИЗЛИГИ

Мазкур бўлимда хали кенг муҳокама қилинмаётган масалалар юзасида фикр юритиши Сизга таклиф қиласиз. Лекин бу масалалар мамлакатимизда кичик бизнес ҳам сон жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан мунтазам равишда ўсиб ва ривожланиб келаётгандигини ҳисобга олиб, яқин келажакда ўзига алоҳида эътибор қаратилишини талаб қилувчи жиддий муаммолар қаторида бўлиши мумкин. Сўз тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳақида боради.

Агарда хавфсиз ва фойдали бизнесни юритиш ҳақида гапирад эканмиз, тадбиркор дүч келадиган хатарларни аник белгилаб олиш зарур. Биринчидан, бу ҳар қандай бизнессга хос бўлган ўринли тадбиркорлик таваккалчилигиdir. Уни тўлик бартараф этиб бўлмайди, бироқ, бозорни синчиклаб ўрганиш, потенциал шерикларни топиш, оқилона ва яхши ўйлаб чиқилган стратегия ҳисобига имкон қадар камайтириш мумкин.

Бироқ, асосий қонунчилик ҳужжатларини яхши билмаслик ва уни амалий ишда самарасиз қўллаш, шахсий тижорат манфаатларини ҳимоя қилиш чораларига бўлган бепарволик, ходимлар роли ва жамоадаги психологик мухитга эътиборнинг камлиги билан боғлиқ бўлган, кутилмаган ва сезиларли йўқотишларга олиб келишга қодир кутилмаган хатарлар ҳам мавжуд. Бу хатар шунингдек, кичик бизнеснинг технологик ва инновацион ривожланиши тамойиллари кучайиши туфайли ҳам ошади: корхоналарнинг кўпчилиги ўз бизнесларида ўз ишлаб чиқаришларига асосланган янги технологиялар ва “ноу-хау”лардан муваффакиятли фойдаланадилар, ахборотлар технологияси соҳасида рақобатчилик кучаяди. Компьютер техникаси ва Интернет тизимидан фойдаланиш имкониятлари ошган сари кўпчилик корхоналар тармоқ тартибида ишлаб, республикадагина эмас, балки хорижда ҳам шериклар билан тўғридан-тўғри алоқаларга эга бўладилар. Бу шуни билдирадики, маҳфий ахборотларнинг ошкор бўлиши мумкинлиги оқибатлари, шахсий тижорат сирларини саклаш, интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳукуки тўғрисидаги масалалар кундан кунга аҳамиятли бўлиб бормоқда. Бундай потенциал йўқотишларнинг оқибатларини ҳисоблаб чиқиши қийин, уларнинг юзага келиш вақтини олдиндан билиш мумкин эмас, лекин уларнинг амалда юзага келишини англаб, баркарор ўсиб борувчи бизнесни саклаб қолиш чораларини кўриш лозим.

Қандай қилиб? Шартли равищда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масаласини учта бир бирини тўлдирувчи қисмларга бўлиши мумкин – жисмоний хавфсизлик, ҳукукий ва ахборот хавфсизлиги.

Жисмоний ҳимоя деганда, қимматли ахборотлар ишлаб чиқиладиган ва сакланадиган офис ва биноларда ходимлар ва ташриф буюрувчиларнинг жойлашиши ва ҳаракат қилишининг тегишли тартиби, кўриқлаш сигнализациясининг техник воситаларидан фойдаланиш тушунилади. Ҳукукий ҳимоя деганда, авваламбор корхонанинг барча фаолиятини тадбиркорлик соҳасида амалдаги қонунчиликка тўлик мослаш, унинг кутилмаган муаммоларни олиб келувчи ва умуман кутилмаган заарлар етказиши мумкин бўлган ҳатто бехосдан бузилишининг олдини олиш. Булардан ташқари, ташкилотда қонунчиликка зид келмайдиган ички меъёрий ҳужжатларнинг тегишли мажмуаси ишлаб чиқилиши зарур. Уларнинг қаторида “Ички тартиб қоидлари”, “Маҳфий ахборот билан ишлаш бўйича йўриқнома”, турли тоифадаги ходимларнинг лавозим мажбуриятлари ва бошқа ҳужжатлар бўлиши лозим.

Агарда корхона Фуқаролик кодексида қайд этилганидек, компьютер техникасини қўллаган ҳолда ишлаб чиқиладиган “очилмаган маълумот”га эга бўлса (бундай маълумотлар эса етарли равища ривожланган деярли ҳар бир фирмада мавжуд), раҳбарият кутилмаган йўқотишлардан уни ҳимоя қилишнинг, шунингдек, унинг ошкор бўлмаслиги ва ундан рухсат этилмаган тарзда фойдаланишлардан ҳимоя қилишнинг тегишли чораларини кўриши, яъни маълумотларнинг етарли юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаши керак.

Тегишли тарзда, корхонада иқтисодий хавфсизлик тизимини яратишнинг қуйидаги йўллари тавсия этилади (бу бир марталик чоралар эмас, балки айнан доимий равища амалда бўлган тизим бўлиши лозимлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ):

1. Корхонада тегишли тартиб ва ички меҳнат тартибини таъминлаш (хусусан, ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномасига корхонага тегишли бўлган тижорат сири ва бошқа маҳфий маълумотларни ошкор қиласлик тўғрисидаги бандни киритиши).

2. Асосий ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солувчи ички маъмурий-хукукий ҳужжатлар мажмуни ишлаб чиқиш.
3. Ходимларнинг хукукий билимлари ва жавобгарликларини ошириш (тижорат сирларини ошкор қиласлик, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Меҳнат кодексларининг асосий талаблари масалалари бўйича семинарлар ва машгулотлар ўтказиш йўли билан).
4. Ходимларнинг техник маълумотларини ошириш мақсадида уларни ўқитиш (шахсий компьютерлар билан ишлаш ва улардан тўғри фойдаланиш асосларини ўрганиш).

Шубҳасизки, Сиз ўз бизнесингиз ривожланишининг бошида турган бўлсангиз, муҳокама қилинаётган муаммолар ҳали Сизга тегишли эмас. Бироқ, “йўл юрган муродига этиши” сабабли (биз эса Сизнинг бизнесингиз муваффакиятли ривожланишига ишонамиз), Сиз ҳам бу масалалар устида жиддий ўйлаб қоладиган кун яқин эканлигига ишончимиз комил. Ўйлаймизки, бизнинг қисқача маълумотимиз бу масалада Сизни аниқ йўналтиришига ва уни ҳал қилишга тайёр бўлишингизга ёрдам беради. Мазкур соҳадаги мутахассисларни таклиф қилиш имконияти ҳақида ҳам унутманг. Улар Сизнинг бизнесингиз иқтисодий хавфсизлигини ташкил этиш ва уни керакли даражада саклаб туришда Сизга ёрдам берадилар.

4.3. ТАДБИРКОР СИФАТИДА СИЗ ҚАНДАЙ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАРГА ЭГАСИЗ?

Сиз тадбиркор сифатида қандай ҳуқуқ ва кафолатларга эга бўлишингизни биласизми? Бу савол бекорчи савол эмас, чунки Сиз ташки дунё – бозор муносабатлари дунёси билан Сиз учун умуман янги бўлган муносабатларга ўтасиз, унинг қоидлари ва шартларига мувофиқ ҳаракат қиласиз, тегишли мажбуриятлар ва ҳуқуқларга эга бўласиз. Сиз учун умуман янги бўлган фаолият шартларига қай тарзда тайёр бўлишингиздан Сизнинг бизнесингизнинг муваффакиятли ривожланиши кўп даражада боғлиқ бўлади.

Ўзингизни текшириб кўринг, бир варак қофозда тадбиркор сифатида Сиз қандай ҳуқуқларга эга бўлишингизни тасаввур қилишингиз ҳақида баён қилинг, сўнгра бу бўлимда ўқийдиганларингиз билан солишитиринг. Шунингдек, биз Сизга Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари кафолати тўғрисида”ти қонун билан танишиб чиқиши маслаҳат берамиз (№ 69-II, 25.05.2000 й.), унда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиш кафолатлари ва шартлари, уларнинг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари батафсил баён этилган.

Қонунда тасдиқланишича, “Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинликларини, мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги ва ҳукукий ҳимоясини кафолатлайди”.

Тадбиркорларга хусусан қуидагилар кафолатланади:

- **Қонунчиликда таъқиқланмаган исталган фаолиятни амалга ошириш эркинлиги** (тегишли тарзда, таъсис ҳужжатларида фаолиятнинг фақат асосий турларини қайд этиш лозим, чунки, корхона қонунчиликда таъқиқланмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган хўжалик фаолиятининг исталган турлари билан шугулланиши мумкин);
- **Ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) ва олган даромадлари (фойдаси)ни эркин тасарруф этиши;**
- **Ўз пул маблагларини эркин тасарруф этиши** (банк муассасалари пул маблагларидан фойдаланиш йўналишларини назорат қилиш ва белгилаш

- хукукига эга эмаслар);
- **Мулкчилик ҳуқуқи ва бошқа мулкий ҳуқуқлар** (тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулки дахлсиздир);
 - **Хом-ашё, товарлар ва хизматлар бозоридан фойдаланиш эркинлиги** (мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар тадбиркорлик фаолиятининг барча субъектлари хом-ашё, товарлар ва хизматлар бозоридан эркин фойдаланиш бўйича тенг имкониятларга эгадирлар (алоҳида ҳоллар бундан мустасно);
 - **Кредит ресурсларидан фойдаланиш** (кредит ресурсларидан фойдаланишнинг тенг ҳуқуқлари);
 - **Ахборотлардан фойдаланиш** (давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари қонунчилик ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар, умум рухсат этилган статистик маълумотлар билан танишиш имкониятларини таъминлашлари шарт);
 - **Ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи (деҳқон хўжаликлари);**
 - **Тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик** (хусусан давлат органлари қонунчиликка мувофиқ амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолиятига аралиш, шунингдек тартиббузарлик фактидан бошқа қонуний тадбиркорлик фаолиятига аралашиш ёки уни чеклаш асоси сифатида фойдаланиш ҳукукига эга эмаслар).

“Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари кафолати тўғрисида”ги қонунда **тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланган, хусусан:**

- **Ишибилармонлик обрўсими ҳимоя қилиши:** масалан, оммавий ахборот воситаларида тадбиркорнинг ишибилармонлик обрўсими қораловчи маълумотларни тарқатиш учун у суд тартибида нафақат маълумотларнинг рад этилиши, балки уларни тарқатиш оқибатида етказилган заарлар ва маънавий заарларнинг қопланишини талаб қилиши мумкин.
- **Етказилган зарарни қоплаш:** тадбиркорга етказилган зарар суд тартибида уни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим, жумладан бой берилган манфаат ҳам. Бу тамойил давлат органларининг ноқонуний қарорлари, давлат органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ҳам амал қиласи.
- **Тижорат сири ва очилмаган маълумотни ҳимоя қилиши :** биз “Бизнес ҳавфсизлиги” 4.2. бўлимида муҳокама қилганимиздек, тижорат сирини ташкил этувчи ва учинчи шахсларга маълум бўлмаган тижорат сири агарда у учинчи шахслар учун тижорат аҳамиятига эга бўлса, ундан эркин тарзда фойдаланиш мумкин бўлмаса ва унинг эгаси томонидан махфийликни саклаш чоралари кўрилган бўлса, бундан маълумот ҳимоя қилинади. Бундай очилмаган маълумотни ноқонуний равишда олган ёки ошкор этган шахслар маълумот эгасига ундан ноқонуний фойдаланиш натижасида етказилган зарарни қоплашлари шарт.
- **Хўжалик фаолияти текширувларини чеклаш:** масалан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, хўжалик субъектларининг фаолияти режали тартибида йилига бир мартадан кўп бўлмаган ҳолда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгаши (Кенгаш) ёки тегишли ҳудудий комиссиялар қарори билан текширилади. Агарда Сизнинг корхонангиз аудиторлик компанияларининг ҳар йиллик ижобий хуносаларига эга бўлса, бундай текширувлар охирги текширув ўтказилганидан сўнг камида икки йилдан кейин ўтказилиши мумкин. Режадан ташқари текширувлар эса,

фақат қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда Кенгаш ёки унинг ҳудудий комиссиясининг махсус қарори асосида ўтказилиши мумкин (масалан, фавқулодда ҳоллар юзага келишининг олдини олиш мақсадида ҳукumat қарорлариға мувофиқ ва б.)

Маълумот учун 1) Сиз Кенгашиңг ишчи органи ёки унинг ҳудудий комиссияларидан Сизниңг корхонангизда режалашибилаётган текширув тўғрисида исталган маълумотни (сана, тури, назорат қилувчи орган номи ва б.) олишингиз мумкин (маълумот бепул берилади). Бундай маълумотлар оммавий ахборот воситаларида ҳам нашир қилинади (масалан, “Солиқ ва божхона хабарлари” газетасида).

2) Хўжалик юритувчи субъектининг молиявий-хўжалик фаолияти билан bogliq bўlmagan tekshiruvlar odatda bir martalik mажмуавий tekshiruvlar жараёнида тегишли назорат органлари (ёнгич, санитария, ветеринар, энергетик назорат ва б.) томонидан амалга оширилади.

3) Прокуратура, ички ишлар ва МХХ органлари жиной иш қўзгатилган ҳолдагина текширувда иштирок этишлари мумкин; бунда хўжалик юритувчи субъектининг фақат жиной иш қўзгатилиши билан bogliq bўlgan фаолиятигина текширилиши лозим, тадбиркорларнинг ўзлари эса, текшираётган органлар ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича назорат қилувчи ва ҳукуқни муҳофаза қилиши органларининг талабларини бажармаслик ва уларни текширувга алоқадор bўlmagan materiallar bilan tanishitirmaslik ҳукуқига эгадирлар.

4) Текширувлар билан хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг бевосита текширув ўтказилган йилдан олдинги учта календар иили қамраб олиниши мумкин (бу қоида қўзгатилган жиной иш доираларида текширув ўтказилган ҳолларда амал қилмайди).

5) Хўжалик юритувчи субъектлар – Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзолари унинг вакилларини текширувларда иштирок этиши учун таклиф қилишлари мумкин. Шундай қилиб, Сиз текширув жараёнида ваколатли мутахассиснинг иштироки ва зарур қўллаб-қувватлашини таъминлашингиз мумкин.

Эътиборингизни текширувларни ўтказиш билан bogliq bўlgan жуда муҳим вазиятга қаратмоқчи эдик. Текширувни ўтказишдан олдин уни ўтказувчи мансабдор шахслар Сизни текширув мақсадлари ва шартлари билан таниширишлари, қонунчиликда белгиланган ҳужжатларни тақдим этишлари, шунингдек, **Текширувларни рўйхатга олиш китобида** тегишли ёзувларни қайд этишлари лозим. Сиз мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик субъектлари томонидан юритилиши ва унга назорат ва ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган барча маълумотлар киритилиши лозим бўлган ушбу махсус ҳисоб юритиш китоби ҳақида эшитган bўlsangiz керак. Текширув ўтказишдан олдин Сиз Китобни тўлдириш учун текширувчи мансабдор шахсга беришингиз керак. Агарда мансабдор шахс Китобни тўлдиришдан бош тортса, Сиз унга текширувни ўтказишга рухсат бермаслик тўлиқ ҳукукига эгасиз. Шундай қилиб, Сиз ўз фаолиятингизни ноқонуни текширишлардан қочишингиз мумкин.

4.4. ХЎЖАЛИК СУДИДА Даъволарни кўриб чиқиш.

Бари бир судга мурожаат қилишингизга тўғри келадиган вазият билан дуч келганингизда нима қилиш керак, чунки Сиз бизнес бўйича шеригингиз билан низоли муаммони ҳал қилишининг барча мавжуд йўлларини синаб кўрдингиз ёки Сизниңг ҳукукларингиз бирон

бир тарзда бузилди?

Конунчиликка мувофиқ, тадбиркорларга уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат ташкилотларининг ноконуний қарорларини, уларнинг мансабдор шахслари харакатлари (харакатсизлеклари)ни судда кўриб чиқиши ҳукуки кафолатланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги қонуни билан тасдиқланган Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ, ҳар қандай манфаатдор шахс Хўжалик процессуал кодексида белгиланган тартибда ўзларининг бузилган ёки баҳслашилаётган ҳуқуқларини ёки қонунчилик билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиб, хўжалик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

ЭСЛАТМА: Ўзбекистон Республикасида хўжалик судлари тузилмасига қўйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди;
- Қорақалпогистон Республикасининг Хўжалик суди;
- Тошкент шаҳри Хўжалик суди;
- Вилоятлар Хўжалик судлари.

Судга мурожаат қилишнинг асосий шакли даъво қилиш шакли ҳисобланади (даъво аризасини бериш йўли билан). Уни қабул қилиш натижасида хўжалик суди суд жараёнини кўзғайди, унинг давомида суд жавобгарни ишга жалб этиб, далилларни ўрганиб чиқади ва қарор қабул қиласди – бир сўз билан айтганда суд ҳимояси амалга оширилади.

Даъво аризаси даъвогар тадбиркор манзили бўйича жойлашган хўжалик судларига берилади: Тошкент шаҳрида, вилоятларда ва Қорақалпогистон Республикасида.

Шуни ёдда тутингки, хўжалик судлари қўйидаги низоларни ҳам қиласди:

- 1) тузилиши қонунчиликда кўзда тутилган шартномалар бўйича келишмовчиликлар ёки томонлар келишган ҳолда хўжалик судида қарор қабул қилишга берилган келишмовчиликлар;
- 2) шартномалар шартларини ўзгартириш ёки уларни бекор қилиш;
- 3) мулкчилик ҳуқуқини тан олиш;
- 4) мажбуриятларни бажармаслик ёки зарурий тарзда бажармаслик;
- 5) мулк эгаси ёки мулкнинг бошқа қонуний эгасининг уни ноконуний эгаллаб олган эгасидан олишни талаб қилиш;
- 6) мулқдан маҳрум қилиш билан бўлмаган мулк эгаси ёки унинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари бузилиши;
- 7) заарларни қоплаш;
- 8) ор-номуси, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш;
- 9) қонунчиликка мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқлари ва манфаатларига зид бўлган давлат органлари ҳамда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас (тўлиқ ёки қисман) деб тан олиш;
- 10) сўзсиз (акцептсиз) тартибда ундириб олиш ҳақидаги ижрочи ва бошқа ҳужжатларни ижро қилинмаслигини тан олиш;
- 11) давлат рўйхатига олишни рад этиш ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан қочиш тўғрисидаги шикоятлар;
- 12) шубҳасиз (акцептсиз) тартибда назорат функцияларини амалга оширувчи органлар томонидан қонунчилик талабларини бузган ҳолда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш.

Хўжалик суди унинг ваколатига кирувчи бошқа низоларни ҳам ҳал қиласди.

Даъво аризасида қўйидагиларни кўрсатиши лозим:

- Даъво аризаси бериладиган хўжалик судининг номи.
- Ишда иштирок этажиган шахсларнинг номи (Ф.И.О.), уларнинг почта манзиллари

(юридик шахслар түлиқ номларини күрсатадилар, масалан, “Шарк” масъулияты чекланган жамияти”).

- Даъво нархи (агарда даъво баҳоланиши лозим бўлса).
- Даъво талблари асосланган вазиятлар (уларни белгиламасдан суд мажлисида хўжалик низоларини тўғри ҳал қилиш мумкин бўлмаган юридик фактларни аник баён қилиш).
- Даъво талблари асосланганлигини тасдиқловчи далиллар.
- Ундириб олинаётган (ёки даъволашилаётган) суммани ҳисоб-китоб қилиш (хисоб-китоб асосланган, аник ва тушунарли баён қилинган бўлиши керак).
- Даъвогарнинг қонунчиликка таяниб килган даъвоси, агарда даъво бир неча жавобгарга қўйилса - уларнинг ҳар биридан талаб қилиш (даъвогарнинг талаби муайян ҳуқуқий меъёрлардан юзага келган унинг ҳуқуқлари бузилиши характеристи билан боғлиқ бўлса, даъвогар даъво аризасида унинг талблари келиб чиқадиган қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини кўрсатиб ўтиши керак).
- Жавобгар билан судгача (даъвогача) низоларни тартибига солиш тартибига риоя қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар (мазкур низолар тоифаси учун қонунда белгиланган ҳоллардагина кўрсатилади).
- Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати.

ЭСЛАТМА: Даъво аризасига қўйидагиларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни илова қилиши лозим:

- Белгиланган тартиб ва миқдорда давлат божини тўлаш.
- Даъво аризаси нусхасини жавобгарга юбориш (аризани судга беришга қадар буюртма ёки қимматли хат билан ариза ва барча илова қилинадиган ҳужжатлар нусхаларини жавобгарга юбориш керак).
- Даъво талаби асосланган вазиятлар (аризани асословчи фактларни тасдиқлайдиган турли далолатномалар, хатлар, телеграммалар ва бошқа ёзма ҳужжатлар).
- Судгача (даъвогача) низоларни бартараф қилиши тартибига риоя қилиши тўғрисида маълумот (агарда бу мазкур низолар тоифаси учун қонун ёки шартномада кўзда тутилган бўлса).

Даъво аризасини текшириш натижалари бўйича ҳакам қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради – даъво аризасини қабул қилиш, уни қабул қилишни рад қилиш, уни қайтариш тўғрисида. Даъво аризасини рад этиш ёки қайтариш асослари қонунчиликда аник қайд этилган ва ажримда кўрсатилади. Агарда даъво аризаси Хўжалик процессуал кодексининг барча талбларига риоя килган ҳолда берилган бўлса, ҳакам уни ишлаб чиқаришга қабул қилиши шарт.

4.1 ИЛОВА*.

(1) ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ НАЪМУНАСИ

ш.

“_” 200_ й.

номидан

(лавозими, Ф.И.О.)

(устав, низом, ишончнома)

асосда фаолият юритувчи, кейинги ўринларда “Етказиб берувчи ” деб номланувчи

бир томондан ҳамда

(ташкилот, муассаса номи)

номидан _____
(лавозими, Ф.И.О.) _____ (устав, низом, ишончнома)
асосда фаолият юритувчи, кейинги ўринларда “Харидор” деб номланувчи
иккинчи томондан
(ташкилот, муассаса номи)
куйидагилар түгрисида мазкур Шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

- 1.1. Етказиб берувчи мазкур Шартномада белгиланган муддатда ўзи ишлаб чиқарган ёки сотиб олган товарларини Харидорга бериш, Харидор эса, уларни қабул қилиб олиш ва бу товарлар ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Товарнинг номи, сони, сифати ва нархи мазкур Шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-иловага мувофиқ белгиланади.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Етказиб берувчи Харидор буюртма берганидан сўнг товарни етказиб бериши мумкин. Етказиб берувчи Харидордан буюртмада кўрсатилган ҳажмда буюртма олган вақтдан бошлаб ____ кун мобайнида товарни етказиб беради.
- 2.2. Етказиб берувчи автомобиль транспорти билан Харидорнинг манзил бўйича жойлашган омборига товарни етказиб беради.
- 2.3. Харидорнинг омборига товар етказиб берилган сана етказиб бериш санаси ҳисобланади.
- 2.4. Товарга эгалик қилиш ҳукуки Харидорнинг омборига товар етказиб берилган вақтдан бошлаб Харидорга ўтади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Харидор кўзда тутилаётган етказиш санасига қадар _____ кундан кечикмаган ҳолда Етказиб берувчига буюртма юборади, унда товар сони, товар сифати ва товар ассортименти кўрсатилади.
- 3.2. Етказиб берувчи товар ортилган вақтдан бошлаб 24 соат мобайнида Харидорга юк ортилганлиги ҳақида хабар бериши шарт.

Хабарда куйидагилар бўлиши керак:

- Транспорт воситасининг номи;
- Юк ортилган сана;
- Товар номи;
- Ортилган товар ҳажми ва қиймати;
- Харидорнинг омборига келиб тушиш тахминий санаси.

Хабар Харидорга факс ёки компьютер алоқа воситаларидан фойдаланиш йўли билан юборилиши мумкин.

- 3.3. Харидор мустақил равишда етказиб беришлар даврийлиги, шунингдек товар сони ва ассортиментини белгилайди.
- 3.4. Товарларни зарур микдорда етказиб бермаган Етказиб берувчи камчилик аниқланган вақтдан бошлаб ____ кун мобайнида етказиб берилмаган товарлар сонини тўлдириши ёки Харидорнинг розилигига кўра – Шартнома амал қиласиган муддат давомида бошқа партияни етказишда уни тўлдириши шарт.
- 3.5. Харидор Етказиб берувчига хабар берган ҳолда етказиб бериш муддати ўтган товарларни қабул қилишдан бош тортиш ҳукукига эга.

4. НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

- 4.1. Мазкур Шартномага кўра товарнинг умумий қиймати сўмни ташкил этади.
(сумма ракам ва ёзувларда кўрсатилсин)
- 4.2. Нархларнинг ҳар қандай ўзгариши фақат томонларнинг келишувига кўра рухсат этилади.
- 4.3. 4.1. бандда кўрсатилган товарнинг умумий қиймати ҚҚС, Харидоргача товарни етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари, шунингдек мазкур Шартнома шартларини бажариш билан боғлик бўлган Етказиб берувчининг бошқа харажатларини ўз ичига олади.
- 4.4. Харидор товар ортилганлиги тўғрисидаги маълумотни олган вақтдан бошлаб 2 кун мобайнида Етказиб берувчининг ҳисоб-китоб рақамига ортилган товар партияси қийматининг камида 30% ни ўтказиш йўли билан унга етказиб берилган товар нархини тўлайди. Қолган маблағ Харидорнинг омборига товар етиб келган ва тегишли товар топшириш – қабул қилиш далолатномаси имзоланган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида Етказиб берувчининг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилади. ижрочи ва бошқа хужжатларни

5. ТОВАР СИФАТИ

- 5.1. Етказиб берувчи Харидорга у етказиб бераётган товар стандартлар ва талабларга мувофик келишини кафолатлайди.

6. ТОВАРНИ ТОПШИРИШ – ҚАБУЛ ҚИЛИШ

- 6.1. Харидор товарни қабул қилишда номи, сони ва сифати бўйича транспорт ва илова қилинадиган хужжатларда (жумладан, мазкур Шартнома ва буюртма) кўрсатилган маълумотларга мувофиклигини текширади.
- 6.2. Товарни топшириш – қабул қилиш тугаганидан сўнг Харидор товарни қабул қилиш далолатномасини тузади. Харидорнинг далолатномани имзолаши текширув тўлиқ ҳажмда ўтказилганлигини билдиради.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 7.1. Сифати яхши бўлмаган товарлар етказилган ҳолда Харидор Етказиб берувчига куйидаги талабларни кўйиши мумкин:
- Харид нархининг микдорига яраша пасайтирилиши;
 - Оқилона муддат давомида товарнинг камчиликларини беминнат бартараф этиш;
 - Товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун ўз харажатларини қоплаш.
- 7.2. Агарда Етказиб берувчи мазкур Шартномада кўзда тутилган товарлар сонини етказиб бермаса, ёки Харидорнинг белгиланган муддатда сифатсиз товарларни алмаштириб бериш тўғрисидаги талабларини бажармаса, Харидор бошқа шахслардан етказиб берилмаган товарларни харид қилиш, уларни харид қилиш учун лозим бўлган барча зарур ва оқилана тарзда харажатларни Етказиб берувчидан олиш ҳуқуқига эга.
- 7.3. Харидор сифати яхши бўлмаган товарлар ҳақини тўлашдан бош тортиш, агарда бу товарларга ҳақ тўланган бўлса, тўланган маблаглар қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
- 7.4. Етказиб берувчи товарларни етказиб бериш муддатларига риоя қилмаган такдирда, Етказиб берувчи Харидорга муддати ўтказилган ҳар бир кун учун товар қийматининг ___ % микдорида нарх тўлайди.
- 7.5. Бошқа ҳолларда Томонларга жавобгарлиги амалдаги қонунчиликка мувофик белгиланади.

8. НИЗОЛАРНИ КҮРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Мазкур Шартнома билан боғлиқ холда юзага келган барча низолар шаҳри Хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур Шартнома Томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва амал қиласди.
- 9.2. Мазкур Шартномадаги барча ўзгаришлар ва тўлдиришлар ёзма шаклда тузилиши ва уни Томонлар имзолашлари керак.
- 9.3. Мазкур Шартномани бекор қилиш ва тўхтатиш асослари амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.
- 9.4. Мазкур Шартнома 2 нусхада тузилган – ҳар бир Томон учун битта нусхадан.
- 9.5. Мазкур Шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуки бир Томондан иккинч Томоннинг ёзма равишдаги розилиги олинганидан сўнг учинчи шахсларга берилиши мумкин.

10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК МАЪЛУМОТЛАРИ

10.1. Етказиб берувчи _____
(номи, манзили)

х/р _____

в _____ /

р _____

CIP _____

Тел./факс _____

10.2. Харидор _____

х/р _____

в/р _____

CIP _____

Тел./факс _____

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ ВА МУХРЛАРИ

Харидор _____
(имзо)

М.Ў.

Етказиб берувчи _____
(имзо)

М.Ў.

*Мазкур бобнинг барча иловалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Хўжалик шартномаси” тўпламида берилган материаллар асосида тузилган: Методик тавсияномалар/Меъёрий-ҳуқуқий далолатномалар/Наъмунивий шакллар. Тошкент, 2000 й.

4.1.ИЛОВА

(2) ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ НАЪМУНАСИ (УМУМИЙ ШАКЛ)

шахри

“_”

200_й.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб номланувчи,

асосда фаолият юритувчи

(устав, низом ва б.)

(корхона номи ёки жисмоний шахснинг ф.и.о.)

ҳамда кейинги ўринларда “Пудратчи “ деб номланувчи,

асосда фаолият юритувчи

(устав, низом ва б.)

(корхона номи ёки жисмоний шахснинг ф.и.о.)

куйидагилар тўғрисида мазкур Шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топшириғига биноан мазкур Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижаларини Буюртмачига топшириш, Буюртмачи эса, ишлар натижаларини қабул қилиш ва унинг нархини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади: _____

(қандай иш бажарилиши кераклиги кўрсатилсин)

Кўрсатилган ишларни бажариш учун Буюртмачи “_” 200_ йилгacha бўлган муддатга зарур лойиҳа ва смета хужжатларини, техник шартларни топшириш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ўз материаллари, ўз жиҳозлари ва ўз асбоб-ускуналарида ишларни бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати “_” 200_ йилдан “_” 200_ йилгacha. Пудратчи ишларни муддатидан олдин бажариш хуқуқига эга (эга эмас).

1.4.1. Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили ишларни қабул қилиш – топшириш далолатномасини имзолаганларидан сўнг ишлар бажарилган ҳисобланади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Пудратчи қуйидагиларни қилиши шарт:

2.1.1. Ишларни сифатли бажариш.

2.1.2. Ишларни мазкур Шартноманинг 4. бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

2.1.3. Иш натижаларини Буюртмачига топшириш.

2.1.4. Агарда Пудратчи ишларни бажариш жараёнида Шартнома шартларидан чекинган ҳолда ишлар сифатининг ёмонлашишига йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг топшириғига билан аниқланган барча камчиликларни _____ кун мобайнида беминнат тўғирлаш.

2.1.5. Ишни шахсан бажариш.

2.2. Буюртмачи мазкур Шартноманинг 3. бандида кўрсатилган тўловларни амалга ошириш мажбуриятини бажармаса, Пудратчи ишлар натижаларини топширишни тўхтатиб қўйиш хуқуқига эга.

2.3 Буюртмачи қуидагиларни қилиши шарт:

- 2.3.1. Пудратчидан ишлар бажарилғанлығы түгристердеги хабарнома олинганидан ёки мазкур Шартноманинг 1.4. бандида күрсатылған муддат үтганидан сүнг ____ кун мобайнида ишлар натижаларини қабул қилиши, иш натижалари ёмон бўлиб Шартномадан чекинган ҳолларда ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, бу ҳакида Пудратчига зудлик билан хабар бериш.
- 2.3.2. Пудратчига мазкур Шартноманинг 3 бандида күрсатылған миқдор ва муддатларда ишлар қийматини тўлаш.
- 2.4. **Буюртмачи қуидаги ҳуқуқларга эга:**
- 2.4.1. Пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда, исталган вақтда ишлар жараёни ва сифатини текшириш.
- 2.4.2. Иш натижалари топширилишига қадар исталган вақтда Шартномани бекор қилиш, Буюртмачидан Шартномани бекор қилиш түгристердеги хабарнома олинишига қадар бажарилған ишларга мутаносиб тарзда белгиланган нархлар қисмини тўлаш. Буюртмачи шунингдек бажарилған ишлар учун тўланган сумманинг қисми ва барча иш учун белгиланган қиймат ўртасидаги фарқ чегараларида Шартноманинг тўхтатилиши натижасида Пудратчига етказилган зарарни қоплаши лозим.

3. ИШЛАР ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур Шартноманинг умумий қиймати қуидагилардан иборат:
- 3.1.1. Пудратчини _____ сўм миқдорида мукофотлаш
(сумма рақамларда ва ёзувларда)
- 3.1.2. Пудратчининг _____ сўм миқдоридаги чиқимлари
(сумма рақамларда ва ёзувларда)
- 3.2. Мазкур Шартноманинг умумий қиймати _____ сўмдан иборат
(сумма рақамларда ва ёзувларда)
- 3.3. Буюртмачининг Пудратчига Шартнома қийматини тўлаши икки босқичда, Пудратчининг ҳисоб рақамига мазкур Шартномада күрсатылған маблағларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади:
- Мазкур Шартнома имзоланганидан сүнг 5 кун мобайнида – Шартнома умумий қийматининг 30% миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш;
 - Шартнома умумий қийматининг 70% миқдоридаги қолган маблаглар – мазкур Шартнома бўйича ишларни қабул қилиш – топшириш далолатномаси имзоланганидан кейин 10 кун мобайнида.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1. Мазкур Шартноманинг 1.4. бандида күрсатылған ишларни бажариш муддатлари бузилған такдирда, Пудратчи Буюртмачига Шартнома суммасининг ____ % миқдорида жарима ва кечиктирилған ҳар бир кун учун Шартнома суммасининг ____ % миқдорида пеня тўлайди.
- 4.2. Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиласиган Фуқаролик кодекси меъёрларига мувофиқ қўлланади.
- 4.3. Бурдизлик тўловларини тўлаш томонларни уларга юклатылған мажбуриятлардан ёки камчиликларни бартараф этишдан озод қилмайди.

5. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган барча низолар

ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан имкон қадар ҳал қилинади.

- 5.2. Музокаралар йўли билан низоларни ҳал қилиш мумкин бўлмаса, қонунчиликда кўзда тутилган низоларни судга қадар тартибга солиш жараёни амалга оширилгач, томонлар уни кўриб чиқиш учун судга топширадилар.

(низоларни ҳал қилиш учун томонлар танлаган ҳакамлик, хўжалик ёки шаҳар судларининг номи ва манзили кўрсатилсин)

6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 6.1. Мазкур Шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва тўлдиришлар ваколат берилган шахслар томонидан амалга оширилган ва имзоланган шартдагина ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартномага қилинган иловалар унинг ажralmas қисмини ташкил этади.
- 6.2. Мазкур Шартнома 2 нусхада тузилган - ҳар бир томон учун битта нусхадан. Иккала нусха ҳам бир хил бўлиб, бир хилдаги кучга эгадир. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг битта нусхаси мавжуд.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК МАЪЛУМОТЛАРИ

Пудратчи _____

(номи, манзили)

х/р _____
в/р _____

CIP _____

Буюртмачи _____

(номи, манзили)

х/р _____
в/р _____

CIP _____

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ ВА МУХРЛАРИ

Буюртмачи _____

Пудратчи _____

(имзо)

(имзо)

М.Ў.

М.Ў.

4.1.ИЛОВА

(3) ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА ДОИР ШАРТНОМА НУСХАСИ (УМУМИЙ ШАКЛ)

_____ шахри

“___” 200_ й.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб номланувчи,

асосда фаолият юритувчи

(устав, низом ва б.)

(корхона номи ёки жисмоний шахснинг ф.и.о.)

ҳамда кейинги ўринларда “Ижрочи” деб номланувчи,

асосда фаолият юритувчи

(устав, низом ва б.)

(корхона номи ёки жисмоний шахснинг ф.и.о.)

куйидагилар тўғрисида мазкур Шартномани туздилар

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

- 1.1. Пулли хизматлар кўрсатиш шартномаси бўйича Ижрочи Буюртмачининг топширигига кўра мазкур Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган хизматларни бажариш, Буюртмачи эса, бу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Ижрочи кейинги ўринларда “Хизматлар” деб номланувчи қуйидаги хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади:

(хизматлар кўрсатилсин)

- 1.3. Ишларни бажариш муддати “___” 200_ йилдан “___” 200_ йилгача. Ижрочи ишларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга (эга эмас). 1.3.1. Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили ишларни қабул қилиш – топшириш далолатномасини имзолаганларидан сўнг хизматлар кўрсатилган ҳисобланади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1.Ижрочи қуйидагиларни бажариши шарт:

2.1.1. Сифатли хизматлар кўрсатиш.

2.1.2. Мазкур Шартноманинг 1.3. бандида кўрсатилган муддатларда тўлиқ ҳажмда хизматлар кўрсатиш.

2.1.3. Агарда Ижрочи хизматларни кўрсатиш жараёнида Шартнома шартларидан чекинган ҳолда ишлар сифатининг ёмонлашишига йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг топшириги билан аниқланган барча камчиликларни _____ кун мобайнида беминнат тўғирлаш.

2.1.4. Ишни шахсан бажариш.

2.2. Буюртмачи мазкур Шартноманинг 3 бандида кўрсатилган микдор ва муддатларда ишлар ҳақини тўлаши шарт.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда, исталган вақтда ишлар жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзолангунга қадар исталган вақтда Шартномани бекор қилиш, Буюртмачидан Шартномани бекор қилиш тўғрисида хабарнома олинишига қадар бажарилган хизматларга мутаносиб тарзда белгиланган нархлар қисмини тўлаш.

3. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур Шартноманинг умумий қиймати қўйидагилардан иборат:
- 3.1.1. Ижроини _____ сўм микдорида мукофотлаш
(сумма рақамларда ва ёзувларда)
- 3.1.2. Ижроининг _____ сўм микдоридаги чиқимлари
(сумма рақамларда ва ёзувларда)
- 3.2. Мазкур Шартноманинг умумий қиймати _____ сўмдан иборат
(сумма рақамларда ва ёзувларда)
- 3.3. Буюртмачининг Ижроига Шартнома қийматини тўлаши икки босқичда, Ижроининг хисоб рақамига мазкур Шартномада кўрсатилган маблағларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади:
- Мазкур Шартнома имзоланганидан сўнг 5 кун мобайнида – Шартнома умумий қийматининг 30% микдорида олдиндан ҳақ тўлаш;
 - Шартнома умумий қийматининг 70% микдоридаги қолган маблаглар – мазкур Шартнома бўйича ишларни қабул қилиш – топшириш далолатномаси имзоланганидан кейин 10 кун мобайнида.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1. Мазкур Шартноманинг 1.4. бандида кўрсатилган хизматларни бажариш муддатлари бузилган тақдирда, Ижрои Буюртмачига Шартнома суммасининг ____% микдорида жарима ва кечикирилган ҳар бир кун учун Шартнома суммасининг ____% микдорида пеня тўлайди.
- 4.2. Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал киладиган Фуқаролик кодекси мебўрларига мувофиқ қўлланади.
- 4.3. Бурдизлик тўловларини тўлаш Ижроини унга юклатилган мажбуриятлардан ёки камчиликларни бартараф этишдан озод қilmайди.

5. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

- 5.3. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан имкон қадар ҳал қилинади.
- 5.4. Музокаралар йўли билан низоларни ҳал қилиш мумкин бўлмаса, қонунчиликда кўзда тутилган низоларни судга қадар тартибга солиш жараёни амалга оширилгач, томонлар уни кўриб чикиш учун судга топширадилар.

(низоларни ҳал қилиш учун томонлар танлаган ҳакамлик, хўжалик ёки шаҳар судларининг номи ва манзили кўрсатилсин)

6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 6.1. Мазкур Шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва тўлдиришлар ваколат берилган шахслар томонидан амалга оширилган ва имзоланган шартдагина ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартномага қилинган иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.
- 6.2. Мазкур Шартнома 2 нусхада тузилган - ҳар бир томон учун битта нусхадан. Иккала нусха ҳам бир хил бўлиб, бир хилдаги кучга эгадир. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг битта нусхаси мавжуд.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК МАЪЛУМОТЛАРИ

Ижрочи _____
(номи, манзили)

х/р _____
в/р _____

CIP _____

Буюртмачи _____
(номи, манзили)

х/р _____
в/р _____

CIP _____

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ ВА МУХРЛАРИ

Буюртмачи _____
(имзо)
М.Ў.

Ижрочи _____
(имзо)
М.Ў.

4.2 ИЛОВА

КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР БАЁННОМАСИ НАЪМУНАСИ

“___” 200___й.
(аҳоли пункти)

“___” 200___й. нинг
(ташкилот номи)

бизнинг манзилимизга “___” 200___й. № _____ хат билан жўнатилган
шартнома лойиҳаси олинди.

(Шартнома номи ва мавзуси кўрсатилсинг)

Биз Шартномани кўриб чиқиб, Шартноманинг қуидаги бандлари бўйича ўзимизнинг
норозиликларимизни билдирамиз:

Шартнома лойиҳаси бандининг рақами	Шартнома лойиҳасида бандининг таҳрири	Таҳрирни ўзгартириш таклифи

Имзо _____

М.Ў.

4.3.ИЛОВА

(1) ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТҮГРИСИДАГИ БИТИМНИНГ НАЪМУНАСИ

“_____” 200__й.

(аҳоли пункти)

Кейинги ўринларда “1-Томон” деб аталувчи,

номидан

(Ф.И.О., лавозими)

асосида фаолият юритувчи

(устав, ишончнома ва б.)

бир томондан

(ташкилот номи)

ва кейинги ўринларда “2-Томон” деб аталувчи,

номидан

(Ф.И.О., лавозими)

асосида фаолият юритувчи

(устав, ишончнома ва б.)

иккинчи томондан

(ташкилот номи)

куйидагилар ҳақида мазкур Битимни туздилар.

1. _____ муносабати билан
(сабаблари кўрсатилсин)

Томонлар “____” 200__й. № _____ тузилган
тўгрисидаги Щартномани бекор қилишга
(Щартнома мавзуси ва номи)

қарор қилдилар.

2. Мазкур Битим уни Томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради.

3. Юқорида қайд этилган Щартнома бўйича Томонларнинг мажбуриятлари мазкур Битим кучга кирган вақтдан бошлаб тўхтатилади. Бажарилиши бошланган Томонлар мажбуриятлари қуийдаги тарзда амалга оширилади:

1) _____

2) _____

3) _____

4. Мазкур Битим икки нусхада ҳар бир Томон учун биттадан тузилган.

5. Томонларнинг манзиллари, банк маълумотлари, имзолари ва муҳрлари.

4.3.ИЛОВА

(2) ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ТҮЛДИРИШЛАР КИРИТИШ ТҮФРИСИДАГИ БИТИМ НАЪМУНАСИ

“ _____ ” 200__й.

(ахоли пункти)

Кейинги ўринларда “1-Томон” деб аталувчи,

номидан

(Ф.И.О., лавозими)

асосида фаолият юритувчи

(устав, ишончнома ва б.)

бир томондан

(ташкилот номи)

ва кейинги ўринларда “2-Томон” деб аталувчи,

номидан

(Ф.И.О., лавозими)

асосида фаолият юритувчи

(устав, ишончнома ва б.)

иккинчи томондан

(ташкилот номи)

куйидагилар ҳакида мазкур Битимни туздилар.

1. _____ муносабати била

(сабаблари кўрсатилсин)

“ _____ ” 200__й. № _____ тузилган (кейинги ўринларда-“Шартнома”)

түғрисидаги Шартномага

(Шартнома мавзуси ва номи)

ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритилиши лозим.

2. Шартноманинг _____ банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин
“ _____ ”.

3. Шартноманинг _____ бандида “ _____ ” сўзларидан сўнг қуйидаги
сўзлар билан тўлдирилсин “ _____ ”.

4. Шартноманинг _____ банди олиб ташлансин.

5. Шартнома қуйидаги бандлар билан тўлдирилсин:

6. _____ “ _____ ”.

6. _____ “ _____ ”.

6. _____ “ _____ ”.

6. Мазкур Битим Томонлар уни имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради.

7. Мазкур Битимга алоқадор бўлмаган Томонларнинг мажбуриятлари ўзгармаган ҳолда
колади. Мазкур Битим билан ўзгартирилган ва уни бажаришга киришилган
Томонларнинг мажбуриятлари қуйидаги тарзда амалга оширилади:
1) _____
2) _____
3) _____

8. Мазкур Битим икки нусхада ҳар бир Томон учун биттадан тузилган.

9. Томонларнинг манзиллари, банк маълумотлари, имзолари ва муҳрлари.


5 Боб

Маркетинг асослари



5.1 МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШ

Маркетинг концепцияси мижозни, унинг эҳтиёжларини биринчи ўринга кўяди, бозор стратегиясининг қолган таркибий қисмлари эса, шундан келиб чикқан ҳолда тузилади. Бу куйида берилган чизмада яхши кўрсатилган:



Тижорат ҳаракатларини жадаллаштириш концепцияси ва маркетинг концепциясини таққослаш

Бизнес бозор талаблари билан белгиланади. Сиз талаб бўлмаган товар билан ўз бизнесингизни юритолмайсиз.

Талаб куйидагиларга қараб вақт бўйича ўзгаради:

- ракобат;
- янги товарларнинг пайдо бўлиши;
- янги технологиялар;
- инфратузилмани ривожлантириш (масалан, товарлар, алоқа, транспортни тақсимлаш тизимини яхшилаш).


Муваффакиятли бизнес учун шунингдек, сотувлар, таъминот, ишлаб чиқариш, молиялаш, инвестицияларни ва б. мувофиқлаштириш лозим. Сизнинг ресурсларингиз шундай тарзда ташкил этилиши керакки, бозорнинг ҳақиқий ҳолати ва унинг ривожланиш тенденцияси нуқтаи назаридан максимал фойдани таъминлаши керак.

Маркетинг чукур тахлилни кўзда тутади:

- Бизнес ресурслари ва мақсадлари;
- Бозор (мижозлар ва уларнинг эҳтиёжлари);
- Рақобат.

Бу тахлил фирманинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишига ёрдам беради. Шундай қилиб, маркетинг динамик жараён бўлиб, доимий ўзгариб турадиган бозор шароитларида тезда англаш ва фаол ҳаракатларни талаб қилади.

Маркетингни бошқариш жараёни ҳаракатларнинг муайян алгоритмини ташкил этади, унинг асосий қисмлари қуйида кўрсатилган:



Маркетингни бошқариш жараёни

Маркетингни бошқариш вазифаси:



Талаб даражаси, вақти ва характеристига шундай таъсир қилиш керакки, бу ташкилотларга уларнинг олдиларида турган мақсадларга эришишларига ёрдам бериши керак.

Яъни, маркетингни бошқариш - бу талабни бошқаришидир.

5.2 МАРКЕТИНГ РЕЖАСИ НИМА

Маркетинг режаси – бу маркетинг тахлилига таянган ҳолда тўртта энг аҳамиятли саволларга жавоб бериши лозим бўлган ҳужжатdir:

- фирма **НИМАНИ** сотади?
- фирма **КИМГА** сотади?
- фирма **ҚАНЧА** сотади?
- фирма **ҚАНДАЙ НАРХ БЎЙИЧА** сотади?

Шундай қилиб, маркетинг режаси ўз хошишларига қараб эмас, амалий ахборот ва тахлилга асосланиши керак.

Маркетинг режасини ишлаб чиқишинг асосий позитив самараси қуйидагилар ҳисобланади:

- фирмандын түркесида умуми тасаввур;
- вакт ва пулдан янада самарали фойдаланиш;
- фойдаланууда оптималлаштириш;
- бозор механизмларни билиш ва тушуниш;
- бозордаги янги кулай имконияттарни билиш;
- мазкур бизнесда янги аспекттарни имкон қадар ишлаб чиқиш;
- күп сонли мижозларни жалб этиш;
- ахборот олиш.

Маркетинг режаси түзилмаси ва унинг мазмуні:

- Раҳбарият учун аннотация ёки назорат кўрсаткичларининг мажмуи
- Жорий маркетинг вазияти
- Хавфлар ва имкониятлар
- Маркетинг мақсади
- Ҳаракатлар дастури
- Маркетинг бюджети
- Назорат тартиби

Маркетинг режаси қуйидаги маълумотларни очиб берниш керак:

- | | |
|---|---|
| ➤ Бозор конъюнктураси шархи | ➤ Рақобат шартлари |
| ➤ Мижозларнинг талаблари | ➤ Нархлар стратегияси |
| ➤ Товар хусусиятлари ва сифати баёни | ➤ Товарни самарали сотиш, реклама қилиш ва юритиш |
| ➤ Бозор сегментацияси ва бозор статистикаси | ➤ Сотувлар хажми, бозор улуши ва режалаштирилаётган давр учун фойданинг ўсиши кўрсаткичлари |

5.3 МАРКЕТИНГ РЕЖАСИНИ ҚАНДАЙ ИШЛАБ ЧИҚИШ МУМКИН?

Маркетинг режаси бир неча босқичда ишлаб чиқилади:

1. Бошланғич нуқта – фирманинг маркетинг мақсадларини белгилаш.

Бошқача қилиб айтганда, қуйидагиларни ҳал қилиш лозим,

- Келгусида бизнесингиз билан нимага эришмоқчисиз ?
- Мақсадингиз қандай?

2. Иккинчи босқич – батафсил ташқи ва ички таҳлил.

Ташқи таҳлил:

- Қандай кулай имкониятлар ёки қандай түсиклар Сиз ўз мақсадингизга эришишингизга ёрдам беради ёки түсик бўлади?

Бу ерда макроиктисодиёт шароитлари, мижозлар таҳлили, бозор сегментацияси ва рақобатчилар таҳлилини қўшиш лозим.

Ички таҳлил:

- Сизнинг фирманинг кучли ва суст томонлари қандай?

Фирманинг моддий, молиявий, инсон ресурсларини баҳоланг, Сиз ўз имкониятларингиздан қандай фойдаланасиз ва мақсадингизга эришиш учун қийинчилекларни қандай бартараф этасиз.

3. Учинчи босқич фирманинг маркетинг стратегиясини белгилайди.

Кўринишича, бу энг муҳим босқич. У олдинги босқичларда йигилган маълумотларга асосланади ва қуидаги саволларга жавоб ҳисобланади:

- Сизнинг мақсадли бозорингиз нима ҳисобланади?
- Қандай килиб Сиз фирманинг маркетинг стратегиясини амалга ошироқчисиз?

4. Сиз маркетинг стратегиясида белгиланиб олганингиздан сўнг, уни амалда **амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш керак.**

Шундай килиб, кейинги босқич – **маркетинг фаолиятини белгилаш** ҳисобланади.

- “Маркетинг аралашмаси”нинг (Махсулот, Нарх, Юритиш, Тақсимлаш - “marketing mix”) умумий миқёсда ҳар бир элементининг роли қандай?

5. Маркетинг фаолиятига кетадиган харажатларни баҳолаш ва уларни Сизнинг бюджетингиз билан таққослаш.

- Фирмангиз маркетинг фаолиятига қанча маблағ сарфлаши керак?

6. Вақт жадвалларини тузиш алоҳида, лекин жуда фойдали восита ҳисобланади.

- Тегишли вақтгача Сизга керак бўлган натижага эришиш учун зарур фаолият турларини қандай тақсимлайсиз?

7. Маркетинг операциялари устидан назорат.

- Амалда режалаштирган мақсадларингизга эришдингизми?

Бу босқичларнинг ҳар бирига қайтамиз ва уларни қандай амалга ошириш мумкинлигини кўриб чиқамиз. Бунда, ҳар бир параграф охирида жадвал шакли келтирилган бўлиб, у бевосита “Маркетинг режаси” ҳужжатини шакллантиришда ишлатилиши мумкин.

5.3.1. Фирманинг маркетинг мақсадлари

Биринчи галда Сиз нимага эришмоқчи эканлигингизни аниқ тасаввур қилиш керак. Энг яхиси, мақсадларингизни қофозда баён қилинг, шунда уларни янада аниқ тасаввур қилиш мумкин.

Аниқлашга ҳаракат қилинг:

- *Мазкур бизнесда шахсан Сизнинг мақсадингиз;*
- *Фирма кўрсатадиган товарлар/хизматлар турлари;*
- *Фирма амал қиласидиган географик ҳудуд;*
- *Сизнинг мижозларингиз ким;*
- *Фирманинг таҳминий ривожланиши.*

Мақсадларни белгилаб олгач, маркетинг фаолиятини режалаштириш осонроқ бўлади. Бозорни билмаслик, фаолиятнинг тарқоқлиги фирма учун катта харажатларга олиб келиши мумкин.

Тасаввур қилинг, Сиз бозорга янги маҳсулот билан чиқдингиз. Махсулотингиз қандай талабларга жавоб берини билиш жуда муҳим – қисқа муддатлими ёки узок муддатлими.

Сиз сотувларнинг катта ҳажмига эга бўлишни истайсизми. Бу одатда кам маргинал фойда (маҳсулот бирлиги учун фойда) билан боғлиқ бўлади ёки товарингиз бирор оригинал хусусиятларга эгами? Охирги ҳолда сотувлар ҳажми муайян тарзда кам, фойда эса кўп бўлиши мумкин.

Жадвал шакли:

№	Кўрсаткичлар номи	Жами ____ й.	Режалаштирилган кўрсаткичлар	Ўсиш суръати
1.	Сотув ҳажми, жумладан			
	Маҳсулот 1			
	Маҳсулот 2			
2.	Фойда микдори, жумладан			
	Маҳсулот 1			
	Маҳсулот 2			
3.	Бозор улуси, жумладан			
	Маҳсулот 1			
	<i>Сегмент 1</i>			
	<i>Сегмент 2</i>			
	Маҳсулот 2			
	<i>Сегмент 1</i>			
	<i>Сегмент 2</i>			

✓ ЯНГИ МАҲСУЛОТНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ
 ✓ ЯНГИ БОЗОРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ } Бу қўрсаткичлар билан жадвални ҳам тўлдириш мумкин
 ✓

5.3.2. Ташқи ва ички таҳлил

Ташқи таҳлил бозор тенденциялари ҳақида маълумотлар тўплаш ва уларнинг фирма фаолиятига таъсири таҳлилидан бошланади.

Бозор тенденциялари, ўз навбатида маркетинг мұхитига, яъни қўйидаги омиллар таъсирига боғлиқдир:

- қонунчилик;
- иқтисодиёт;
- рақобат;
- қадриятлар (ижтимоий, маданий, маънавий);
- ахоли тузилмаси;
- технология.

Мижозларнинг хоҳишлари, яъни уларнинг талаблари бу омилларга боғлиқдир. Уларни билган ҳолда, қулай имкониятлардан фойдаланиб ва юзага келиши мумкин бўлган хатарни камайтириб, Сиз тезда ҳаракат қилишингиз мумкин.

Мавжуд ахборотдан яхшироқ фойдаланиш ва маркетинг мұхитини тушуниш учун бир неча саволларга жавоб бериш керак:

- Бизнесингиз қандай қонунларга бўйсунади?
- Хозирги вақтда бизнесингизга қулайлик яратувчи сиёsat мавжудми?
- Миллий иқтисодиёт ўсаётган ёки пасаяётган босқичда турибдими?
- Инфляция қандай ва у Сизнинг бизнесингизга қандай таъсир қиласи?
- Инфляция суръатлари билан қиёслаганда, банк фоизлари қандай?
- Сизнинг маҳсулотингизни ёки кўрсатаётган хизматингизни яратиш учун қандай янги технологиялардан фойдаланиш имконияти мавжуд?


Ички таҳлилни олиб бориш учун қўйидаги саволларга жавоб бериш керак:

- Фирмангизнинг кучли ва суст томонларини қандай объектив баҳолаш мумкин?
- Бу жиҳатлар Сизнинг маркетинг мақсадларингизга қандай таъсир қиласи?
- Бизнесингиз учун ички тўсиқлар ва қулай имкониятларни қандай аниклаш мумкин?

Сиз әгалик қиладиган барча ресурслар тафтишини килинг (моддий, инсон, молиявий):

- асосий маблаглар;
- таъминлаш манбалари;
- фойдаланиладиган технологиялар;
- ишилаб чиқариш құвватлари;
- бошқарыш;
- ходимлар;
- молиявий ресурслар ва б.

Халқаро маркетинг амалиёти даражасидаги барча юқорида қайд әтілғанлар SWOT тахлил деб номланувчи тахлилда акс әттирилған:




Хужжат даражасыда қуйидаги бўлимларни кўриб чиқинг:

- Сизнинг мақсадли бозорингиз характеристи қандай
- Мақсадли бозор ҳажми қандай
- Мақсадли бозорни ҳисоблаган ҳолда асосий сегментлар қандай
- Мижозларнинг қандай эҳтиёжларига Сиз йўналмоқдасиз
- Бу эҳтиёжларни қондириш учун қандай товарлар таклиф этасиз
- Бу товарлар қиймати қандай
- Бозордаги қандай улуш Сизга тегишли
- Сизнинг рақобатчиларингиз ким ва уларнинг мавқелари қандай
- Сиз қўллайдиган тарқатиш каналлари
- Сиз қўллайдиган ҳаракатлар ва реклама усуслари

Жадвал шакли:

Менинг маҳсулотим ва хизматларим	Менинг мижозларим	Мижозларимнинг талаблари ва эҳтиёжлари	Рақобатчилар
1	2	3	4

Фирманинг микромухити



Фирма фаолиятининг асосий макромухит омиллари



Ўз мижозларингизни билишингиз учун қуидаги турдаги саволларга жавоб беришингиз мумкин:

- Сизнинг ҳозирги ва потенциал мижозларингиз кимлар?
- Уларнинг даромадлари даражаси қандай? Уларнинг эҳтиёжлари қандай?
- Улар товарлар/хизматларни қандай муддатларда сотиб оладилар?

Бундай саволларга жавоб бериш учун доимий равища бозор билан алоқа килиш керак.

Бозор талабларини қийин бўлмаган таҳлил воситасида идентификациялаш мумкин, у кўп вақт ва маблағларни талаб қилмайди:

1. Бозорнинг сон тенденцияларини аниқлаш учун буюртмаларингизни доимий равища таҳлил қилиб туриңг (ҳар ойда, ҳар чорақда). Сизнинг сотувларингиз бозордаги умумий тенденциялар билан қандай боғланади? Агарда бозор кенгайиб, Сизнинг сотувларингиз кенгаймаса, бунинг сабаби нима?

2. Мижозлар билан бевосита мулоқотларда ёки сотувчилар орқали Сизнинг товарингиз мижозларнинг муайян эҳтиёжлари ва ҳошишларини (сифат, тавсифлар, нарҳ, етказиб бериш вақти, сотувлардан сўнг хизмат кўрсатиш ва б.) қониқтираётганлигига амин бўлинг.

Агарда Сиз чакана савдо қилаётган бўлсангиз, мижозлардан сўранг: Уларга маданиятли хизмат кўрсатиласптими? Уларни нималарни сотиб оляяптилар? Улар одатда қаердан харид қиласидилар?


3. Сизнинг сотувчиларингиз товарнинг тавсифлари ва устунликларини яхши билишлари ва уни мижозларга яхши тавсия этишларига амин бўлинг.

4. Мижозларга кичик сўров варақасини тўлдириш учун беринг, уларнинг фикрлари ва таклифларини сўранг.

5. Бозор тенденцияси, мавжуд ракобат, товарни бозорга олиб чиқишининг турли воситаларини билиб олиш мумкин бўладиган даврий матбуотни кузатинг.

6. Тўпланган маълумот асосида Сиз харидорларнинг эҳтиёжларини қай тарзда тўлиқ қондиришингиз ва тегишли тарзда фойдани қандай оширишингиз мумкинлигини таҳлил қилинг.

ХАРИД ИНТИЗОМИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР



САНОАТ МАҚСАДЛАРИГА МҮЛЖАЛАНГАН ТОВАРЛАР ХАРИДОРЛАРИНИНГ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР



Бозорни таҳлил қилишнинг яна бир жиҳати бозорни сегментлаштириш учун жамлама маълумотларни йигищдан иборат.

Айнан битта товар ёки хизматлар, эҳтиёжларга қараб турли гурухлар томонидан турлича баҳоланади. Бундай гурухларни аниклаш ва уларнинг хусусий эҳтиёжларини тушуниш лозим. Бозорни бундай тарзда ўрганиш *бозорни сегментлаштириш*, мижозларнинг тегишли гурухлари эса *бозор сегментлари* деб аталади.

Бозорнинг ҳар бир сегменти бошқа сегментлардан *сегментлаш мезонлари* деб аталувчи муайян тавсифлар билан фарқланади. Масалан:


a) истеъмол товарлари бозорлари учун:

- ёши, ижтимоий мавқеи, жинси, оила ҳажми;
- географик жойланиши;
- ижтимоий синфи;
- психологик эҳтиёжлари;
- истеъмол суръатлари;


b) саноат товарлари бозори учун:

- саноат тармоги ва товарлар ихтисослиги;
- харидлар ҳажми ва даврийлиги;
- даврийлик ва етказиб бериш муддатлари;
- товарларни харид қилиши усуллари – ким ошиди савдолари, воситачилар ва б.
- талаб қилинадиган сотувдан сўнг хизмат кўрсатиши даражаси.

Доимо барча товарлар учун бозорни сегментлашнинг оптимал мезонлари мавжуд эмас. Сиз уларнинг орасида мақсадларингизга энг мувофиқ келувчиларини танлаб олишингиз мумкин.



Истеъмол бозорларини сегментлашда қўлланадиган айрим ўзгарувчилар



Рақиблардан устун келишининг энг яхши усули – қўйидагиларни билишдир:

- Улар кимлар;
- Улар нималарни таклиф этмоқдалар: товар, нархлар, бозорга чиқиш, тақсимлаш;
- Уларнинг стратегиялари қандай (нархларни ошириш, сифатларни яхшилаш ва б.);
- Уларнинг кучли ва суст томонлари қандай;
- Улар Сизнинг ҳаракатларингиз билан bogланган ўзгаришларга қандай таъсир қилмоқдалар.

ЭСЛАТМА: Фирманинг рақобатчилари бозорда Сизнинг фирмангиздек айнан шундай эҳтиёжларни қондиришига ҳаракат қиласидилар. Бу улар айнан шундай товарни ишлаб чиқарадилар ёки сотадилар деган гап эмас.

Масалан: Қаламлар ва авторучкалар бозори шарикли авторучкалар пайдо бўлиши билан катта зарар кўрди.

Компьютерларнинг пайдо бўлиши ёзув машинкаларининг бозорини муайян тарзда камайтириди.

Рақобатчилар тўғрисида янада яхши тасаввурга эга бўлиш учун “Рақобатчилар профили” ни тузиш мақсаддага мувофиқ бўлар эди.

Наймуна келтирамиз:

Рақобатчилар иши	Рақобатчилар
	A B C ...
<ul style="list-style-type: none"> - Таъриф (товар, сотувлар, инвестициялар); - Стратегиялар (товар, нархлар, тақсимлаш, реклама); - Мақсадлар (молиявий, маркетинг); - Кучли ва суст томонлари; - Таъсир. 	

Бозор улуши бозор фоизини ташкил этиб, у Сизнинг харидларингиз ҳисобидан қолланади.

Сизнинг товарларингиз билан қолланувчи бозор улушкини қандай баҳоласа бўлади?

Бир неча саволларга жавоб бериш фойдали бўлар эди:

- Сиз тўлиқ ишлаб чиқариш кувватига чикдингизми?
- Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мумкинми?
- Сотувлар ўсдими ёки тушдими? Нимага?
- Рақобатчилар қандай таъсиранади?
- Рақобатчиларга нисбатан Сизнинг сотувларингиз даражаси қандай?

Бу саволларга жавоб берар экансиз, Сиз сотувларингиз бозор эҳтиёжларини қай тарзда қоллашини тасаввур қилишингиз мумкин.

Маркетинг режасини тузар экансиз, рақобат муҳитини баён қилиш ва таҳлил қилиш учун қуйидаги жадваллардан фойдаланишингиз мумкин:

Маҳсулот, хизматлар номи	Рақобатчилар	Бозор сегменти
1.		
2.		
3.		

	Кучли томонлари	Суст томонлари
Сизнинг маҳсулотингиз, хизматларингиз	1 2 3	1 2 3
Рақобатчилар маҳсулоти	1 2 3	1 2 3

5.3.3. Фирманинг маркетинг стратегияси

Агарда Сиз бозордаги талабни, Сизнинг кучли ва суст томонларингизни таҳлил қиласиган бўлсангиз, товарингиз (яъни Сизнинг мақсадли бозорингиз) мўлжалланган бозор сегментини танлашингиз мумкин.

Сўнгра мижозларингизни қандай ва қандай воситалар билан жалб этишингиз мумкинлигини ўйлаб кўринг.

Кичик ёки ўрта корхоналар “токча” стратегиясини қўллаб муваффакиятга эришиши мумкин.

Фаолиятнинг деярли ҳар бир соҳасида бозордаги муайян сегментга ихтисослаштирилган кичик фирмалар мавжуд (“токча” – бу Сизнинг товарингиз ёки хизматларингизга аниқ мувофиқ келувчи бозорнинг қисмидир).

Токча қуйидаги тарзда тавсифланади:

- харид куввати зарур фойдани таъминлаш учун етарли даражада каттадир;
- катта рақобатчилар учун қизиқиш уйғотмайди.


Токчанинг фойдалилигига эришиш учун, фирма талабни қондириш учун барча зарур ресурсларга эга бўлиши лозим.

Токча стратегиясининг қалити – бу **ихтисослашишдир**.


Бундай ихтисослаштириш қуйидагилар бўйича бўлиши мумкин:

- маҳсулот бўйича (масалан, “Казахойл” компанияси учун маҳсус кийимлар тикиш);
- мижозлар турлари ва якуний истеъмолчилар бўйича (масалан, товар буортма бўйича ёки муайян мижозлар учун тайёрланган);
- тарқатиш каналлари тури бўйича (рақобатчилар томонидан фойдаланилмаган каналлар);
- географик (масалан: сотувлар товар йўқ бўлган ҳудудларда амалга оширилади).

Фирма маркетинги стратегиясига таъсир этувчи омиллари



- 1.- Маркетинг назорати тизими
- 2.- Маркетинг ахбороти тизими
- 3.- Маркетингни режалаштириш тизими
- 4.- Маркетинг хизматини ташкил этиш тизими



5.3.4. Маркетинг фаолияти

Сиз кўйишингиз керак бўлган кейинги қадам - “marketing mix” (маркетинг тўплами)ни ишлаб чиқиш ва фирманинг маркетинг стратегиясига эришишда унинг ҳар бир элементининг роли ва аҳамиятини белгилашдир.

“Marketing mix” куйидаги элементлардан ташкил топган:

- *Товар;*
- *Нарх;*
- *Бозорга олиб чиқиш;*
- *Тақсимлаш.*

Келинг, бу элементларни батафсил кўриб чиқамиз.

Товар мижозларни ўзида бўлган хусусиятлар ҳамда унинг техник, функционал, эстетик тавсифлари, нархи, сифати, кафолатли хизмат кўрсатиши билан белгиланадиган устунликлари билан ўзига жалб этади.

Ушбу элементларда эътиборингизни жалб этиб, уларни яхшилаб Сиз товар исталган ва талабгор бўлишига эришишингиз мумкин.

Мижозларнинг хоҳишлиари янги ғоялар, маълумотлар, харид қобилияти, рақобатга қараб вакт ўтган сайин ўзгариб боради.

Айтиш мумкинки, барча товарлар куйидаги босқичларга қараб “ҳаёт цикллари”га эга бўладилар:
a) жорий этиш; b) ўсиш; c) етуклик; d) пасайиш.

Маҳсулотнинг “Ҳаётий цикли” куйидаги жадвалда аниқ кўрсатилган:

	ЖОРИЙ ЭТИШ	ЎСИШ	ЕТУКЛИК	ПАСАЙИШ
Сотувлар	Паст	Тез	Паст	Тушиш
Фойда	Салбий	Ўсиш	Пасайиш	Минимал
Пул оқими	Салбий	Яхши	Юкори	Пасаювчи
Мижозлар	Манфаатли	Кўп фойдаланади	Кўп фойдаланади	Қизиқишини йўқотадилар
Рақобат	Суст	Ўсади	Доимий	Тушмоқда

Ҳар бир босқич Сизнинг фирманинг харид қобилияти ва рақобатга бардошлилиги билан белгиланади. Сиз ўз маҳсулотингизни қай тарзда муваффакиятли сотишингиз, товарингизни тақсимлаб, ўз товарингизни юритишингиз мухимдир.

Маркетинг режасида қуйидаги жадваллардан фойдаланиш мумкин:

- *Маҳсулотнинг истеъмол қадри таҳлили*

Маҳсулот ёки хизматлар номи	Сизнинг маҳсулотингиз ёки хизматларингиз конквириувчи потенциал мижозларнинг талаб ва эҳтиёжлари	Маҳсулот ёки хизматларни харид қилишга манфаатдор бўлган потенциал мижозлар

- *Маҳсулот, хизматларни яхшилаш режаси*

1. Маҳсулот, хизматлар	Имтиёзларни яратиш, камчиликларни бартараф этиш бўйича нималар режалаштирилмоқда
2. Рақобатчилик камчиликлари тавсифи	
2.1...	
3. Маҳсулотни яхшилаш жараённада режалаштирилган қўшимча рақобат имтиёзлари	
3.1...	

Товарга белгиланадиган нарх қуидагиларга боғлиқ:

1) ички омилларга:

- бу товарга қандай харажатлар қиласиз;
- қандай фойда олмокчисиз.

2) ташқи омилларга:

- тегишли товарга бўлган талаб;
- рақобат;
- мижозлар тўлашга тайёр бўлган нарх.

Бу омилларга асосланиб, Сизнинг харажатларингизни қоплаш сифатида зарур фойдани олишни таъминловчи нархлар билан бир қаторда маҳсулотнинг сотилишини ҳам хисобланг. Агарда бирон бир сабабларга кўра мос нархларни ҳисоблай олмасангиз, қўйилган мақсадларни қайта кўриб чиқиш керак (масалан, бу бизнесда менинг ўрним қандай?).

Маркетинг режасида нархлар вазиятини таҳлил қилиш учун қуида келтирилган жадвалдан фойдаланинг:

	Маҳсулот ёки хизматлар	
	Асосий даври	Назорат даври
Таннарх		
Истеъмолчилар қанча тўлашга тайёрлар		
Рақобатчилар мақсадлари		
Менинг нархим		
Бу нархларни белгилаш сабаби		
Чегирмалар қуидаги истеъмолчилар ёки истеъмолчилар гурӯхларига берилади		
Муайян мижозлар тоифаси учун кредит		
Кредитни бериш асослари		

Сизнинг Бош мақсадларингиздан бири – имкон қадар фойда олиш. Бунда харажатларни камайтириш ёки ҳеч бўлмаганда, харажатларни доимий даражада саклаб туриш мақсадга мувофиқдир.

БИР НЕЧА МАСЛАҲАТЛАР:

- Бутун бозорни қамраб олишга ҳаракат қилманг.
- Қандай товарлар нақд пул олиб келиши, яхши фойда келтириши ва Сизнинг асосий фонdlарингиздан яхширок фойдаланишга имкон беришини тушунишга ҳаракат қилинг.
- Баъзида агарда фойда келтирмаса, муайян товарни ишлаб чиқариш ва сотишни тўхтатиб қўйиш маъқул (у катта ҳажмда сотилса ҳам). Бу товарни ишлаб чиқаришга кетган ресурсларни бошқа мақсадларга сарфлаш керак.
- Майда қисмларга, товарнинг сифат тавсифларига кўпроқ аҳамият беринг, шундагина Сиз айнан шу товардан катта фойда олишингиз мумкин.

Масалан:

Тасаввур қилайлик, Сиз товарга янги A,B,C тавсифларини қўшишингиз мумкин.

Масалан, чанг юткич янги конструктив ёки функционал элементларни қўшиш воситасида модернизацияланиши мумкин.

Ўзгаришлар қуидаги характеристерга эга:

- A. Чанг жамлагични алмаштириш.
- B. Бошқа шаклдаги даста кўзда тутилади.
- C. Янги функция жорий этилади: инсектицидларни сачратиш.

Фойдалиликка уларнинг таъсирини қандай баҳолаш мумкин?

Маркетинг тадқиқотлари бозор бу “янгиликларни” 40, 10 ва 180 пул бирликлари даражасида қабул қилишга тайёрлигини кўрсатди. Мижозлар А ва С ҳолларида муайян тарзда кўпроқ тўлайдилар ва В ҳолатга индифферент қоладилар.

Тавсиф	Харажатлар	Мижознинг баҳолаш қийматлари	Мухимлик
A	20	40	2
B	10	10	1
C	60	180	3

Ишлаб чиқарувчи учун эса С ҳолат энг маъқулидир, чунки 180/60 (натижалар/харажатлар) нисбати энг яхшисиdir. В ҳолатда харажатлар мижозларни баҳолашда қийматга тенгдир. Бу модернизация фирма фойдасига ҳеч нарса қўшмайди.

Сизнинг фирманигиз энг яхши товарни ишлаб чиқариши мумкин, бироқ мижозлар бу товарни билмасалар ва унга эгалик қилишдан улар қандай устунликларга эга бўлишларини тасаввур қиласалар, у бозорда муваффакият қозонишига умид кам.

**Фирма ва унинг товарлари бозорда сотилиши керак. Бозорга олиб чиқиш
куйидагиларни таъминлади:**

- фирманинг имиджини белгилаш;
- сотувларнинг ўсиши;
- мижозларга товарлар ва унинг сифатини яхшилаш борасида ахборот бериш.

Бозорга олиб чиқишнинг учта турини кўриб чиқамиш:

- реклама;
- кўргазма;
- сотувларни юритиш.

Реклама. Самарали реклама учун куйидаги устунликларни белгилаш керак, масалан:

- фирмани, унинг товарлари ва уларнинг устунликларини тавсия этиш;
- янги товарларнинг деталлари ва уларнинг устунликларини аниклаш;
- потенциал мижозларни идентификациялаш;
- мижозларга нархларни камайтириш ёки бошқа ўзгаришлар юзасидан маълумотлар бериш.

Фирма бозорда ўз рекламасини амалга ошираётган усул ундан фойдаланиш кулайлиги, самарадорлиги, фирманинг харажатлари ва молиявий имкониятларига боғлиқдир. Имконияти чекланган кичик бизнеслар учун рекламанинг айрим самарали шакллари куйидагилар ҳисобланади:

- бозорга олиб чиқиш учун материаллар (брошюралар, афишалар);
- маҳаллий матбуот;
- маҳаллий радио;
- рангли реклама.

Буни маркетинг режасида қуйидагича тарзда акс эттиринг:

Реклама тадбири тавсифи	Мазмуни	Асосий режалаштирилаётган максад
1.		
2.		

Күргазмалар. Күргазмалар фирма ва унинг товарларини кенг оммага олиб чиқишнинг бир усулидир. Агарда Сиз товарларни бозорга олиб чиқишнинг бу шакидан фойдаланиши истасангиз, Сиз фаолиятингизга тааллукли бўлган қандай маҳаллий кўргазмалар (миллий, халқаро) қачон ўтказилишини аниқлаб олишингиз керак.

Кўргазмаларда иштирок этиш Сизга қўйидаги имкониятларни беради:

- ўз фирмангизни юритиш;
- бозорга янги товарни олиб чиқиш;
- янги тарқатиш каналлари, янги мижозлар, янги товар етказиб берувчиларни аниқлаш;
- рақобатчиларнинг таклифларини билиш;
- мавжуд ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш.

Кўргазмаларда иштирок этиш қиммат жараён бўлишига қарамай, Сиз янги ишбилармонлик алоқаларини яратиш ва мавжуд алоқаларни мустаҳкамлашнинг яхши имкониятларига эга бўласиз.

Бозорга олиб чиқиш қўйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

- чегирмалардан фойдаланиш;
- муайян шартларда бепул товарларни бериш;
- асосий харидга илова қилинадиган бепул товарларни бериш.

Товарларни бозорга олиб чиқиш йирик фирмаларда амалга оширилади.

Реклама ва кўргазмаларда иштирок этиш узок муддатли муносабатларни ўрнатишга хизмат қиласа, сотувларни юритиш муайян маҳсулотнинг сотув ҳажмини тезда оширишга хизмат қиласи. Сиз масалан, сотувлар ҳажмини юритишдан олдин ва кейин таҳлил қилган ҳолда ўзингиз танлаган юритиш шаклининг самарадорлигини баҳолашингиз мумкин.

Бирок, юритишнинг жуда ҳам кўп усувларини кўллаган ҳолда маблагларни тарқатиб юбориш керак эмас. Аввал уларни нима беришини баҳолаб кўринг. Уларнинг орасида энг яхисини танланг.

Коммивояжерлар орқали сотиш (бевосита сотувлар шакли) фирма ва унинг товарларини юритишнинг энг самарали усулидир. Сиз сотувларнинг бу шаклини сотувлардан воситачилик ҳаки оладиган шахс орқали амалга оширишингиз мумкин. Бу шахс товарни, унинг устунликларини, нархини, етказиб бериш усулини, сифатини ва бошқаларни яхши билиши керак. Товарни яхши тавсия этишни билиб, харидорларнинг эҳтиёжларига нисбатан қайишқоқ бўлиши зарур. Коммивояжерлар сотувларни ва фирманинг фойдасини муайян тарзда кўтаришлари мумкин.

Сотиш – ҳажмига қараб нархларни пасайтириш дегани эмас. Сотиш – энг яхши таклифга энг яхши нархни олишни, устунликларни таъкидлаб, рақобатчиларга нисбатан кўпроқ фойда олишни билдиради.

Маркетинг режасида товарни ва хизматларни юритиш усувларини таҳлил қилишда бу жадвал ёрдам беради:


Маҳсулотни юритиш бўйича режалаштирилган тадбирлар	Режалаштирилган юритиш мақсадлари	Муддатлар, масъуллар
1. Хайрия фаолиятида иштирок етиш		
2. Пресс-конференцияларни ташкил етиш		
3. Фойдаланувчилар учун семинарларни ташкил этиш		
4.		

Тақсимлаш – бу товар мижозгача етиб борадиган жараёндир. Тақсимлашда Сизнинг келишувингизга мувофиқ, товарни етказиб бериш жадвалига (муддатлари ва сони) қатый риоя қилинг.

Тақсимлаш усуллари турли харажатларни кўзда тутади. Буни фойдани максимал равишида оширишда хисобга олиш керак.

- **Бевосита сотув.** Мижоз тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчидан сотиб олади. Сизнинг транспорт харажатларингиз минималдир. Тўғридан-тўғри сотув қаерда, қандай ва ким томонидан амалга оширилишини белгилаб олиш керак.
- **Чакана савдо.** Сизнинг сотувларингиз ҳажмига қараб, турли географик ҳудудларни қамраб олиш учун балки Сизга бир неча чакана тарзда сотувчилар ёки сотувлар бўйича агентлар керак бўлади. Ўйлаб кўринг, бу сотувчиларга товарлар қай тарзда етиб боради?
- **Улгуржи савдо.** Улгуржи савдода маҳсулот бирлигининг нархи одатда чакана савдога нисбатан кам бўлади. Бироқ, улгуржи савдолар ҳажми нисбатан кўпроқ ва бунинг устига транспорт харажатлари катта эмас.

Ёдингизда бўлсин, Сиз олишингиз мумкин бўлган максимал фойдалануви келиб чишиб, бир ёки бошқа сотувлар турини танлашингиз керак.



Истеъмол бозорлари ва саноат мақсадларига мўлжалланган бозорларда рағбатлантириш маблағларининг нисбий аҳамияти

Куйида келтирилган жадваллардан самарадорликни ва сотиш каналларини ривожлантириш усулларини аниклашда фойдаланинг:

Сотиш каналлари номи	Канал орқали сотиладиган товарлар сони			1998-2000 йилларда товарнинг қайтиши	Тенденциялар
	1998 й.	1999 й.	2000 й.		
1.					
2.					

- Сотиш каналларининг самарадорлиги тахлили

Режалаштирилган сотиш канали	Манзили	Режалаштирилган сотиш ҳажми	Каналдан фойдаланиш учун зарур тадбирлар
1.			
2.			

- Сотиш каналларини ривожлантиришни режалаштириш

5.3.5. Харажатларни баҳолаш ва бюджетни тузиш

Ҳаракат қилишдан олдин, барча режалаштирилган чораларни ҳаракатга келтириш учун лозим бўладиган барча харажатларни баҳоланг ва бу харажатларни мавжуд ресурслар билан таққосланг.

Агарда бу таққослаш Сизда мавжуд бўлган маблағлар етарли эмаслигини кўрсатса, бирламчи режани уни ҳақиқатдагига яқинлаштириш учун ўзгартериш ва қайтадан англаб чиқиш керак бўлади.

Сўнгра ортиқча харажатларга йўл қўймаслик учун бюджетни тузиш керак:

№	Кўрсаткичлар	Натижа
1.	Сотувлар тахмини (сони) товарлар ёки хизматларнинг ҳар бир тури бўйича	
2.	Сотув нархи (пул бирлиги) товарлар ёки хизматларнинг ҳар бир тури бўйича	
3.	Тушумларнинг ҳисоб-китоб суммаси (бўлим 1*бўлим2)	
4.	Ўзгарувчи харажатлар ҳисоб-китоб катталиги	
5.	Доимий харажатлар ҳисоб-китоб катталиги	
6.	Ялпи ҳисоб-китоб фойдаси	
7.	Режалаштирилаётган мақсадли фойда	
8.	Маркетинг ҳисоб-китоб харажатлари (бўлим 6 – бўлим7)	

- Маркетинг харажатлари ҳисоб-китоби

№	Харажатлар моддалари	Харажатлар катталиги
1.	Маркетинг тадқиқотлари харажатлари	
2.	Маҳсулотни яхшилаш харажатлари	
3.	Реклама харажатлари	
4.	Сотишни рағбатлантириш харажатлари	
5.	Ходимларни тайёрлаш харажатлари	
6.	Маркетинг ва реклама ташкилотлари хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари	
7.	Бошқа харажатлар	
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	

- Маркетингга бюджетни тақсимлаш

5.3.6. Вакт жадвали

Маркетинг фаолияти турлари аниқланганидан сўнг уларни оптимал равишда амалга ошириш учун вакт бўйича тақсимлаш керак.

**МАРКЕТИНГ РЕЖАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БҮЙИЧА ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШ
КАЛЕНДАР ЖАДВАЛИ НАЪМУНАСИ**

№	Тадбирлар номи	Ойлар												Маъсуллар
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
1.	Маркетинг режасини муҳокама қилиш ва уни раҳбарият даражасида қабул қилиш	X	X											
2.	Режа мазмунини корхона ходимларига етказиш, ҳар бир ходимнинг вазифаларини тушунтириш		X											
3.	Зарур маркетинг тадқикотларини ўтказиш	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	
4.	Ходимларни ўқитиш, сотувлар техникасини такомиллаштириш бўйича йўріклар бериш		X		X		X			X			X	
5.	Бозор конъюнктурасини ўрганиш, нархларни тўғрилаш	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	
6.	Реклама тадбирларини амалга ошириш	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	
7.	Хайрия фаолиятида иштирок этиш		X			X					X	X		
8.	Реклама компаниясининг самарадорлигини баҳолаш		X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	
9.	Тақсимлаш каналлари самарадорлигини баҳолаш		X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	
10.	Жорий маркетинг вазиятини баҳолаш			X		X		X	X		X	X		
11.	Рақобатчилик таҳлилини ўтказиш		X	X		X			X	X		X	X	
12.	Назорат кўрсаткичларини бажариш таҳлили: ✓ Сотувлар ҳажми бўйича ✓ Ялпи даромад бўйича ✓ Бозор улуши					X			X		X	X	X	
13.	Маркетинг режасини тўғрилаш				X						X			
14.	Маркетинг режаси бюджетининг таҳлили						X				X	X		

5.3.7. Назорат

Сизнинг стратегиянгиз, айниқса сотувлар, фонdlар ва фойдалилик нуқтаи назаридан қай тарзда самаралилигини аниқлаш учун мунтазам равища фирмангиз фаолиятининг оддий таҳлилини олиб боринг. Бунинг учун Сизнинг шахсий фаолиятингизнинг аниқ хисоби, шунингдек, ўтказилган операциялар юзасидан маълумотлар керак бўлади.

Бундай таҳлил фирмада вазиятни ҳар томонлама билиш, мижозлар ва рақобатчилар билан ўзаро муносабатларни тушуниш, шунингдек, истиқболни кўра билиш имконини беради.

МАРКЕТИНГ НАЗОРАТИ РЕЖАСИ НАЪМУНАСИ

Назорат тадбирлари мазмуни	Таҳлил қилинадиган материаллар	Ўтказиш муддати	Тайёрлаш санаси	Масъуллар
Махсулотни сотиш таҳлилини тайёрлаш	Ишлаб чиқариш ҳисботлари			
Бозор улуши таҳлилини ўтказиш	Статистик маълумотлар			
Сотувлар маркетингининг харажатларга нисбати таҳлилини тайёрлаш	Корхонанинг молиявий ҳисботлари			
Истеъмол талаби ва харидор муносабатларининг ўзгариши таҳлилини ўтказиш	Харидорларнинг сўров анкетаси			
Фойдалилик таҳлилини ўтказиш	Корхона фаолиятининг молиявий натижалари ҳисботи			

5.4 МАРКЕТИНГ РЕЖАСИ ЁКИ БИЗНЕС-РЕЖА?

Мазкур қўлланманинг бошқа бобида бизнес режанинг концепцияси кўриб чиқилади. Бу бобда маркетинг режаси тушунчаси киритилади. Бу режалар ўртасида мувофиқлик ва фарқ борми?

Айрим муаллифлар маркетинг бизнеснинг барча жиҳатларини қопладиган умумий менеджментнинг замонавий концепциясидан иборатлигини кўзда тутадилар. Бу нуқтаи назардан маркетинг режаси бизнесни бошқаришнинг умумий режасини ўзида акс эттиради. У айрим мақсадли бозорларни қамраб олиш учун лозим бўлган стратегиялар билан бир қаторда (яъни, товар, нарх, юритиш, тақсимлашга боғлиқ бўлган қарорлар), фирманинг фаолиятига дахлдор бўлган барча жиҳатларни – ишлаб чиқариш цикли, технологиялар, таъминот, ходимлар, бошқариш, маблағлар, фойдани ҳам қамраб олади. Бу элементларнинг барчаси мақсадли бозорни қамраб олишни таъминлаш учун режалаштирилади ва мувофиқлаштирилади.

Бошқа муаллифлар маркетинг режасини бизнес-режанинг алоҳида бўлими сифатида кўриб чиқадилар. Бу ҳолда бизнес-режа айрим бобларда фирмада барча моддий, инсоний ва молиявий оқимларни таъминлаши, бошқариши ва ташкил этиши лозим бўлган қарорларни акс эттиради.

Биз ушбу, охирги нуқтаи назар тарафдоримиз, чунки бу ёндошиш амалда янада тушунарли ва қўллаш қулайлиги билан ажralиб туради. Бошқа томондан бизнес-режа тушунчаси яхши маълум бўлиб, банклар, инвесторлар, шерикларга нисбатан ишлатилади. Кейинчалик бизнес-режа бўлимида берилган боблардан бирининг бозорга алоқаси борлиги кўрсатилади.

Құлланилған терминлардан қаттың назар, Сиз ретте ассоциацияның үз бизнесингизни бошқаришиңиз мүхимдір. Бу ретте фойдалилық оптималлаштириш учун бизнеснің барча жиһатларини ўзида акс эттириши керак. Режанинг турли тарафлари Сизнің бизнесингизнің ҳаётта қобилятлилігінің таъминлаш учун мос ва амалда қулай бўлиши керак.

Режа – бу мақсад эмас, балки вазиятлар ўзгарған шароитда ташкил этилған ва тайёрланған бўлишга ёрдам берувчи воситадир.

Маркетинг режаси динамик характерга әгадир. Маркетинг мұхитининг шароитлари түхтөвсиз ўзгаришда бўлади. Шу сабабли мунтазам равишда режаларни, фаолият турини, ресурсларни қайта кўриб чиқиши керак.

Яна бир марта таъкидлаймизки, талаб, бозор ва рақобат ўзгариб туради.

Бизнесда мұваффақият қозониш учун Сиз ўз ютуқларингиз ва мұваффақиятсизликларингизни мунтазам равишда қайта кўриб чиқишиңиз, керакли вактда янги вазиятта мувофик келувчи зарур қарорларни қабул қилишиңиз керак.

5.5 ТАШҚИ БОЗОРГА ЧИҚИШНИҢ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ


Бевосита маркетинг

- Маҳаллий савдогар-экспортер орқали
- Экспорт бўйича маҳаллий агент орқали
- Маҳаллий кооператив ташкилот орқали

ХОРИЖИЙ БОЗОРГА



ЭКСПОРТ




Бевосита экспорт

- Ўз мамлакатида бўлими орқали
- Хориждаги сотиш бўлими ёки филиали орқали
- Хорижий дистрибуторлар ёки агентлар орқали




Биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти

- Лицензиялаш
- Пудратли ишлаб чиқариш
- Битим бўйича бошқариш
- Биргаликда эгалик қилиш корхоналари




Бевосита инвестициялар

- Йиғма корхоналар
- Ишлаб чиқариш корхоналари




5.6 ҚОНУНЧИЛИКНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛУВЧИ МАРКЕТИНГ ҚАРОРЛАРИ



6 Боб

Солиқларни эсдан чиқарманг!



9

b

1


d

1

1
2
3
4
5
6
7
8
9

b

1



6.1. ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИ

6.1.1. Ўзбекистон Республикасида солиқлар тузилмаси ва турлари


Амалдаги қонунчиликка мувофик, барча юридик ва жисмоний шахслар белгиланган солиқлар ва йигимларни тўлашлари шарт, бунда манбаларидан қатъй назар барча даромадлар (агарда қонунчиликда бирор бир имтиёзлар ёки истиснолар қўзда тутилмаган бўлса) мажбурий равишда солиққа тортилади.

Бизнинг мамлакатимизда 1998 йил 1 январда амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси билан тартибга солинадиган солиққа тортиш тизими амал қиласди (кейинчалик киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олиб). Солиқ Кодексида солиқ тизимининг хукукий асослари, солиқ тўловчиларнинг хукуклари ва мажбуриятлари, солиққа тортиш тартиби ва солиқ қонунчилигини бузганилик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган. Солиқ Кодексига мувофик:

- Ўзбекистонда умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йигимлар ундирилади.
- Қонунчиликка мувофик солиқ тўлаши шарт бўлган юридик ва жисмоний шахслар солиқ тўловчилар ҳисобланадилар. Бунда солиқ тўловчилар солиқ органларида мажбурий тартибда ҳисобга олинадилар.

Солиқ тўлаш (солиққа тортиладиган) обьекти ролини нималар ўйнаши мумкинligини кўриб чиқамиз (шуни эслатиб ўтамизки, айнан битта обьект белгиланган солиқ тўлаш даврида бир турдаги солиққа факат бир марта тортилиши мумкин):

СОЛИҚҚА ТОРТИШ ОБЪЕКТЛАРИ



- Фонд (даромад);
- Муайян товарлар қиймати;
- Айрим фаолият турлари;
- Табиий ресурслардан фойдаланиш;
- Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулклари;
- Активларнинг чикиши.

ЭСЛАТМА: 1. Республика из худудида Солик Кодексида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари барча соликлар ва йигимлар Олий Мажлис томонидан белгиланади ва бекор қилинади.

2. Соликлар ва йигимларга доир имтиёзлар шунингдек, Олий Мажлис ёки у ваколат берган давлат органлари томонидан белгиланади.

3. Янги маҳаллий соликлар ва йигимларни жорий этиш фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилганидан сўнг амалга оширилади.

Умумдават соликларига қўйидагилар киради (давлат бюджетига киритилади):

1. **Юридик шахсларнинг даромад (фойда) соликлари** (соликка тортиши объекти Солик Кодексига мувофиқ белгиланган ялпи даромад ва чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида белгиланадиган даромад (фойда) ҳисобланади. Бунда ортилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун олинадиган пул ва бошқа воситалар ҳамда юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки у беминнат олган бошқа операциялар ялпи даромадга киритилади. Бундай даромадларга қўйидагилар киради:

- Товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушган тушум;
- Асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қогоzlар, интеллектуал мулк объектлари, моддий ва бошқа активларни сотишдан тушган даромад;
- Фоизлар кўрининшидаги даромад;
- Беминнат олинган мулк;
- Мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар;
- Беминнат молиявий ёрдам (давлат бюджетидан субсидиялардан ташқари);
- Валюта ҳисоб рақамлари бўйича ижобий курс фарқи;
- Бошқа даромадлар.

2. **Жисмоний шахсларнинг даромад соликлари:** ялпи ишллик даромад соликка тортиш объекти ҳисобланади. Унга солик тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки у беминнат олган пул ва бошқа маблағлар киритилади, жумладан:

- Иш ҳақини тўлаш шаклидаги даромадлар*;
- Жисмоний шахсларнинг мулк даромадлари;

- Тадбиркорлик фаолиятидан даромад (б.1. Иловага қаранг – жисмоний шахслар даромадларига солинадиган чекланган солиқнинг базавий ставкалари миқдори).

* *Маълумот учун: Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, 2002 йил 1 октябрдан мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар ва ташкилотларда иш ҳақига йўналтириладиган маблагларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилинади. Бунда, 2002 йилнинг 4 чорагидан бошлиб мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик шахслар ҳар чоракда солиқ органларига ёлланма ишловчиларга иш ҳақини тўлаш ва бошка даромадлар кўринишида ҳисоблаб ёзилган ва амалда тўланган суммалар, шунингдек бу даромадлардан олинган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни топширадилар.*

3. *Кўшилган қиймат солиги (ҚҚС);*
4. *Акциз солиги* (акциз олинадиган товарларни Ўзбекистонга ишлаб чиқарадиган ёки импорт киладиган/Ўзбекистонга экспорт киладиган юридик ва жисмоний шахслар учун;
5. *Ер ости бойликларидан фойдаланиши солиги* (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар);
6. *Экологик солиқ* (товарлар ишлаб чиқарадиган, ишлар бажарадиган ва бирор бир хизматларни кўрсатадиган юридик шахслар учун) ;
7. *Сув ресурсларидан фойдаланиши солиги* (ишлаб чиқариш фаолиятида сув ресурсларидан фойдаланадиган юридик шахслар учун).

Маҳаллий солиқлар ва йифимларга қўйидагилар киради (маҳаллий бюджетга киритилади):

1. *Мулк солиги;*
2. *Ер солиги* (мулкида, тасарруфида ёки фойдаланишида ер майдонларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар);
3. *Савдо қилиши ҳуқуқи учун йигимлар, жумладан, товарларнинг алоҳида турлари билан савдо қилиши ҳуқуқи учун лицензия йигимлари;*
4. *Юридик шахслар, шунингдек тадбиркорлик фарлияти билан шугулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатга олиш учун йигимлар;*
5. *Транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилгиси ва суюлтирилган газдан фойдаланганлик учун жисмоний шахслардан олинадиган солиқ* (*транспорт воситалари солиги ўрнига*);
6. *Инфратузилмани ривожлантириш солиги.*

ЭСЛАТМА: Солиқларнинг кўпгина турлари бўйича Қонун, ҳукумат қарорлари, Солиқ Кодексида кўзда тутилган бирор бир имтиёзлар мавжуд (солиқ ставкасини пасайтириши ёки уни тўлашдан озод қилиши).

6.1.2. Алоҳида тоифадаги корхоналарни солиқка тортиш хусусиятлари.

Корхоналарни солиқка тортишнинг қўйидаги турлари мавжуд:

1. **Солиқка тортишнинг соддалаштирилган тизими ёки ягона солиқ** – микро фирмалар ва кичик корхоналарга юкорида қайд этилган бир қатор солиқлар ўрнига кўлланиши мумкин. Бунда корхоналар қайси тизим бўйича солиқ тўлашлари тўғрисидаги карорни ўзлари қабул қилишлари мумкин (ягона солиқ тизимини биз 6.2. бўлимда янада батафсил кўриб чиқамиз).

2. **Ялпи тушумдан олинадиган ягона солик** (2002 йил 1 июлдан жорий этилган) – савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари), шунингдек, грампластинкаларни ишлаб чикиш, ёзиш, кўпайтириш, сотиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиш лицензиясини олган юридик шахслар учун – шунингдек мулк солигидан ташқари, барча соликлар ва йигимларни тўлаш ўрнига қўлланади (наъмуна учун 6.2. Иловага қаранг – савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи тушумдан олинадиган ягона солик ставкаси).
3. **Ўзгарган даромаддан олинадиган ягона солик** (2002 йил 1 июлдан жорий этилган) – чакана савдо соҳасида ишлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун қўлланилади.
4. **Ягона ер солиги – қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига барча зарур умумдавлат ва маҳаллий соликлар ва йигимларни тўлаш ўрнига қўлланади (алкогол маҳсулотларига солинадиган акциз соликдан ташқари).** Ушбу қоида қуидагиларга тааллукли эмас:
 - Ўрмон, балиқчилик ва овлаш хўжаликлари;
 - Илмий-тадқиқотчилик ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликлари;
 - Юридик шахс бўлмаган ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари;
 - Деҳқон хўжаликлари.
5. **Тадбиркорлик фаолиятининг қуидаги асосий турлари билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар учун чекланаги солик:**
 - Сартарошлик хизматларини кўрсатиш, жумладан, маникюр, педикюр и косметика хизматлари;
 - Билирд хоналари;
 - Автотранспортни қисқа муддат саклаш жойларини ташкил этиш;
 - Миллий таомларни тайёрлаш ва сотиш (жисмоний шахслар);
 - Ўйин автоматларини ишга тушириш, жумладан, ютукли автоматлар (пул ютукларидан ташқари).

Бунда *солик солиши обьектлари* бўлиб даромад олиш билан боғлиқ фаолиятнинг муайян турини тавсифловчи жисмоний кўрсаткичлар ҳисобланади: жиҳозланган жойлар сони, ходимлар сони, эгалланган майдон (масалан, агарда корхона ўйин автоматларини ишга тушириш билан шуғулланса ва 4 та жиҳозланган жой бирлигига эга бўлса, ҳар бир жиҳозланган жой солик солиши обьекти ҳисобланади). Наъмуна учун фаолиятнинг айрим турлари бўйича чекланган солик базавий ставкаларининг микдорини келтирамиз (минимал иш ҳақига марта) (шуни эътиборга олингки, корхонанинг жойлашишига қараб мазкур ставкалар масалан Тошкент шаҳрида 1,5 марта гача ошса, қишлоқ жойларида 0,3 марта гача камаяди)

№	Фаолият тури	Солик тўловчи	Фаолият турини тавсифловчи жисмоний кўрсаткичлар	Жисмоний кўрсаткич бирлигига азавий ставка
1.	Автотранспортларни қисқа вақт саклаш жойлари	Юридик шахслар	Эгалланган майдон (1кв.м)	0,05
2.	Болалар ўйин автоматлари	Юридик ва жисмоний шахслар	Жиҳозланган жойлар сони (бирлиги)	3,0
3.	Ўйин автоматлари, жумладан мукофотли ютуклар билан автоматлар, бильярдхоналар	Юридик ва жисмоний шахслар	Жиҳозланган жойлар сони (бирлиги)	14,0

6.1.3. Айрим умумдавлат ва маҳаллий соликлар (йигимлар) миқдори.

Ҳозирги вақтда қонунчиликка мувоғиқ соликлар қуйидаги миқдорларда тўланади:

Солик тuri	Солик суммаси
I. Умумдавлат солиги	
1.1. Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиги (1.2-1.5 бўлимларда қайд этилгандан ташқари)	Соликка тортиладиган даромад (фойда) суммасининг 20% миқдорида
1.2. Лоторея ютуклари, оммавий томоша тадбирлари, аукционлар ва ўйинхоналаридан даромад олувчи юридик шахслар	Соликка тортиладиган даромад (фойда) суммасининг 35% миқдорида
1.3. Устав фонди катталиги қуйидагиларга эквивалент бўлган, устав фондида хорижий капитал улуши 50% ва ундан юқори бўлган ХИК: <ul style="list-style-type: none"> • 300 минг АҚШ долларидан 1,0 млн. АҚШ долларигачан. • 1,0 млн. АҚШ доллари ва ундан юқори 	Соликка тортиладиган даромад (фойда) суммасининг 20% миқдорида Соликка тортиладиган даромад (фойда) суммасининг 16% миқдорида Соликка тортиладиган даромад (фойда) суммасининг 10% миқдорида
1.4. Болалар ассортименти товарлари, аёллар гигиенаси воситалари ва бадиий хунармандчилик буюмлари ва болалар учун ўйинчоклар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган юридик шахслар.	
1.5. Ўзлари ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг ЭАВ даги улуши қуйидагиларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун: <ul style="list-style-type: none"> • Сотувлар умумий ҳажмининг 15 дан 30 % гача ; • Сотувлар умумий ҳажмининг 30% ва ундан кўп. 	Белгиланган ставка 30%га камаяди Белгиланган ставка 2 марта камаяди
2. Жисмоний шахсларнинг даромад солиги:	
➢ Ялпи даромад миқдори минимал иш ҳақининг 5 баробаригача бўлган миқдорда;	Даромад суммасининг 13% миқдорида.
➢ Даромади минимал иш ҳақининг 5 баробаридан (+1 сўм) 10-баробаригача бўлган миқдорда;	Минимал иш ҳақининг 5 баробаридан +5 баробаридан ошган сумманинг 22% олинадиган солик.
➢ Минимал иш ҳақининг 10-баробаридан (+1 сум) ва ундан юқори бўлган миқдорда.	Минимал иш ҳақининг 10 баробаридан + 10 баробаридан ошган сумманинг 32% олинадиган солик.
3. Кўшилган қиймат солиги.	Ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) импортига кўшилган қийматнинг 20% фоизи
4. Акциз солиги.	Акциз кўшиладиган товарлар рўйхати ва солик ставкалари ЎР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.
5. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик.	Солик ставкалари ЎР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6. Экологик солик.	Солик ставкаси 1% ташкил этади. Товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарыш таннархининг (муомала харажатлари) 1% микдорида
7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик.	Солик ставкаси УР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.
II. Маҳаллий соликлар ва йигимлар*	
1. Мулк солиги	Асосий воситалар (жумладан, лизинг шартномаси бўйича сотиб олинган) ва номоддий активлар (жумладан, мулк сифатида сотиб олинган ер қийматидан ташқари)нинг ўртача йиллик қолдик қийматининг 3% микдорида.
2. Ер солиги	Солик ставкаси УР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.
3. Инфратузилмани ривожлантириш солиги	Соф фойданинг (барча соликлар тўланганидан кейин корхона тасарруфида қоладиган маблаглар) 8% микдорида.
4. Бошқа маҳаллий соликлар ва йигимлар	Соликларнинг чекланган ставкалари УР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, соликлар эса Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат органлари томонидан жорий этилади.

*Маҳаллий соликлар ва йигимларининг чекланган ставкалари наъмунаси – 6.3.иловада келтирилган.

6.2. СОДДАЛАШТИРИЛГАН СОЛИҚҚА ТОРТИШ (ЯГОНА СОЛИК)

6.2.1. Ягона солик нима?

Олдинги бўлимда қайд этиб ўтганимиздек, корхоналарни соликқа тортишнинг хусусиятларидан бири солик тўлашнинг соддалаштирилган тизими хисобланади. У 1998 йилда тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш мақсадида жорий этилган бўлиб, ҳозирги вақтда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Соликқа тортишнинг ушбу тизими нималарни беради ва нималарни соддалаштиради? Биринчи навбатда, қонунчиликка мувофиқ у **микро фирмалар ва кичик корхоналарнинг умумдавлат соликлари, шунингдек, маҳаллий соликлар ва йигимлар мажмуаси ўрнига ягона солик тўлашни** кўзда тутади (6.1.1 бўлимга қаранг), куйидагилар бундан мустасно:

- Савдо қилиш ҳуқуки учун йигим, жумладан, товарларнинг алоҳида турлари билан савдо қилиш ҳуқуки учун лицензион йигимлар;
- Юридик шахсларни рўйхатга олиш йигимлари.

Булардан ташқари, корхоналар зарур бож тўловлари, давлат божлари ва давлат мақсадли фондларига чегирмалар тўлайдилар.

Шундай қилиб, корхона турли соликлар ва йигимларни ҳисобга олиш ва тўлаш мажбуриятидан озод этилиб, ставкаси корхона фаолиятининг турига bogлиq бўлиб, аниқ

белгилаб кўйилган битта солиқнинг ўзини тўлайди. Бунда бухгалтерлик ҳисботининг дастлабки ҳужжатлари шакли ҳамда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш китоби ҳам муайян тарзда соддалаштирилади. Шубҳасиз, бу қичик корхона раҳбарияти ва бухгалтериянинг ишини бирмунча соддалаштириб, уларнинг вактини тежайди ва шу тарзда уларнинг иши самарадорлигини оширади.

Ягона солиқ, солиқ солинадиган айланма ҳамда корхона фаолияти турлари бўйича ажратилган ва хукумат қарорлари билан тасдиқланган аниқ ставкалар асосида тўловчиларнинг ўzlари томонидан ҳисбланади. Солиқка доир ҳисоб-қитоблар чораклик ва йиллик бухгалтерлик ҳисботларни топшириш учун белгилаб кўйилган муддатларда солиқ органларига топширилади. Солиқнинг ўзи ҳар чоракда тўланади, бунда тўланадиган сумма маҳаллий бюджетга тушади.

Солик тўлашнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган корхоналарнинг ягона солик ставкалари миқдори кўйидагicha:

Тўловчилар	Товарлар (шинлар, хизматлар)ни сотиш ҳажмидан фоизларда
Харид, таъминот-сотиш корхоналари, брокерлик фирмалари	30*
Хусусий амалиёт билан шуғулланаётган нотариуслар	50
Концерт-гастрол фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни, шунингдек норезидентларни жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар.	35
Кишлоқ хўжалик корхоналари (ягона ер солигини тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан ташқари**)	6
Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари	12***

*Ялпи даромадга нисбатан фоизларда

**Микрофирмалар ва кичик корхоналар – қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган ставкалар бўйича ягона ер солигини тўлайдилар. Бунда солиқка тортиш обьекти бўлиб эгалик килишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер майдони ҳисбланади, қишлоқ хўжалик ер-сув майдонлари, тупрок бонитети ва ернинг бошқа тавсифлари ер кадастри маълумотлари бўйича қабул қилинади.

***Лизинг компаниялари учун лизинг берувчининг даромадларига нисбатан фоизларда (маржа).

Бунда шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимиз истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчиларини рагбатлантириш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар белгиланганидан 25 фоизга камайтирилган ставка бўйича истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солик тўлайдилар.

6.2.2. Ягона солик тизимининг субъектлари

Ёдингиздан чиқмасинки, *солиқка тортишининг ушбу тизими фақат кичик тадбиркорлик субъектлари, яъни микрофирмалар ва кичик корхоналарга нисбатан амал қиласи* :

Микрофирмалар:

- Ишлаб чиқариш соҳаларида 10 кишигача;
- Савдо, хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида 5 кишигача

Кичик корхоналар:

- Саноат соҳасида 40 кишигача;
- Кур илишда, қишлоқ хўжалигида ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 кишигача;
- Фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида 10 кишигача.

Булардан ташқари, корхона ходимлари сонини аниқлашда пудрат шартномалари ва фуқаролик-хукукий характерга эга бўлган бошқа шартномалар бўйича ишлаётган ходимлар, шунингдек юридиқ шахс бўлмаган ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганлар сони ҳисобга олинади.

ЭСПЛАТМА: Қишилқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бўлган кичик корхоналар ўз ҳошишларига кўра кичик корхона сифатида - ягона солиқ ёки қишилқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси сифатида - ягона ер солигини тўлашлари мумкин.

6.2.3. Солиқка тортишнинг соддалаштирилган тизими хусусиятлари

Солиқка тортишнинг соддалаштирилган тизимининг қуйидаги муҳим хусусиятларини эътиборга олиш лозим. Уларни билиш солиқлар ҳисобини юритиш ва уларни тўлашга ўтиш ҳамда бу тизимда ишлашга ёрдам беради ва уни енгиллаштиради:

- Солиқка тортишнинг соддалаштирилган тизими Солиқ Кодексида кўзда тутилган амалдаги солиқка тортиш тизими билан бир қаторда қўлланади.
- Солиқка тортиш тизимини танлаш ҳуқуқи корхоналарнинг ўзларига берилади, яъни **тизим ихтиёрий асосда танланади!**
- Ягона солиқка тортиш обьекти ялпи тушум ҳисобланиб, унинг таркибига маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган тушум суммаси, шунингдек молиявий фаолиятдан олинган даромад ва Солиқ Кодексига мувофиқ белгиланадиган бошқа даромадлар киради.
- Ягона солиқни тўловчи корхоналар, сотиб олинган товар қийматига тўланган қўшилган қиймат солиги суммасини бу товар ва хом-ашё (материаллар) қийматига қўшадилар (консигнациядан ташқари, у бўйича етказиб берилган товарлар ва бажарилган ишлар учун КҚС давр харажатларига киритилади). Етказиб берувчиларга ишлар ва хизматлар учун тўланган КҚС суммаси ишлар ва хизматлар қиймати билан биргаликда харажатларга киритилади.
- Соддалаштирилган солиқка тортиш тизимини қўлладиган корхоналар учун бож тўловлари, акциз солиги, давлат божлари, лицензион йигимлар, бюджетдан ташқари фонdlарга чегирмаларни тўлашнинг амалдаги тартиби сақланади.
- Агарда Сизнинг корхонангиз бир неча фаолият турларини амалга оширса, фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида солиқка тортиш ҳисобини юритиш ҳамда аниқ фаолият турини солиқка тортиш обьекти (ялпи даромад ва ялпи тушум) ва унга мувофиқ ягона солиқ ставкасидан келиб чиқкан ҳолда солиқни ҳисоблаш керак.
- Агарда Сизнинг корхонангиз акциз олинадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришини мўлжаллаган (ёки ишлаб чиқараётган) бўлса, Сиз ҳам Солиқ Кодексида белгиланган тартибда акциз солигини тўлаш шарти билан солиқка тортишнинг соддалаштирилган тизимидан фойдаланишингиз мумкин.
- Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқни ҳисоблашда солиқка тортиладиган даромадга давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қозоглари бўйича дивиденклар ва фоизлар кўринишида олинган даромадлар киритилмайди.

6.3. КЎБ СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ АЙРИМ АСОСИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

№	Хужжат тури/шакли, қабул қилиш санаси	Хужжат номи
1.	Ўзбекистон Республикасининг Солик Кодекси (ЎР нинг 24.04.97 йилдаги № 396-1 Қонуни билан амалга киритилган, ЎР қуидаги Қонунлари билан ўзгартиришлар киритилган № 485-1 30.08.97 й., № 549-1 26-12-97 й., № 621-1 01.05.98 й., № 681-1 29.08.98 й., № 729-1 25.12.98 й., № 772-1 15.04.99 й. ва б.)	Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси
2.	Ўзбекистон Республикасининг 22.12.95 йилдаги Қонуни	«Ўз вақтида тўланмаган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисида»
3.	Ўзбекистон Республикасининг № 474-1 29.08.97 й. Қонуни	«Давлат солик хизмати тўғрисида»
4.	Ўзбекистон Республикасининг № 320-II 7.12.2001 й. Қонуни	«Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш тўлдиришлар киритиш тўғрисида»
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг № УП-1987 09.04.98 й. Фармони	«Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»
6.	ЎР Вазирлар Маҳкамасининг № 159 15.04.98 й. Қарори	«Солик солишининг соддалаштирилган тизимига ўтган кичик корхоналарни соликқа тортиш тартиби тўғрисида»
7.	ЎР Вазирлар Маҳкамасининг № 159 15.04.98 й. Қарорига илова	«Кичик корхоналар учун солик солишининг соддалаштирилган тизимини қўлаш тартиби»
8.	ЎР Вазирлар Маҳкамасининг № 493 11.11.99 й. Қарори	«ЎР ВМ нинг 15.04.98 й. № 159 «Солик солишининг соддалаштирилган тизимига ўтган кичик корхоналарни соликқа тортиш тартиби тўғрисида»ги Қарорига ўзгартришлар киритиш тўғрисида»
9.	ЎР Вазирлар Маҳкамасининг № 455 13.12.2002 й. Қарори	«Асосий макроиктисодий курсаткичлар ва Давлат бюджетининг 2003 йилга мўлжалланган параметрлари тахмини тўғрисида»
10.	ЎР Вазирлар Маҳкамасининг № 455 13.12.2002 й. Қарорига З-илова	«Юридик шахсларнинг даромад (фойда) соликлари ставкаси»
11.	ЎР Вазирлар Маҳкамасининг № 455 13.12.2002 й. Қарорига 4-илова	«Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи тушумдан олинадиган ягона солик ставкалари».

12.	ЎР Вазирлар Маҳкамасининг № 455 13.12.2002 й. Қарорига 5-илова	«Чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўзгарган даромадларига солинадиган ягона соликнинг базавий ставкаси ва унга мосланган коэффициентлар»
13.	ЎР Вазирлар Маҳкамасининг № 455 13.12.2002 й. Қарорига 6-илова	«Соддалаштирилган соликқа тортитизимини қўллайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик ставкалари»
14.	ЎР Вазирлар Маҳкамасининг № 455 13.12.2002 й. Қарорига 7-илова	«Лотереялар, тотализаторлар ва хатарга асосланган бошқа ўйинларни ташкил этишга доир фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар ялпи даромадларидан олинадиган ягона солик ставкаси».
15.	ЎР Вазирлар Маҳкамасининг № 455 13.12.2002 й. Қарорига 8-илова	«Юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган дивидендлар ва фоизлар кўринншидаги даромад солиги ставкалари».
16.	ЎР Вазирлар Маҳкамасининг № 455 13.12.2002 й. Қарорига 9-илова	«Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича чекланган соликнинг базавий ставкалари ва унга мосланган коэффициентлар»
17.	ЎР Вазирлар Маҳкамасининг № 455 13.12.2002 й. Қарорига 10-илова	«Юридик шаҳе бўлмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг чекланган солиги базавий ставкалари ва унга мосланган коэффициентлар»
18.	ЎР Молия вазирлигининг №ТД/04—01-09/7, ЎР Давлат Солик қўмитасининг №2003-1 03.01.2003 й. хати	«2003 йил 1 январдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларни соликқа тортиш тартибидаги ўзгаришлар тўғрисида»

6.1. ИЛОВА

Юридик шахе бўлмай тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган жисмоний шахслар даромадининг чекланган солиги базавий ставкалари ва уларга мосланган коэффициентлар

№	Фаолият тури	Солиққа тортиш базаси	Базавий ставка *	Чекланган соликнинг базавий ставкаларига мосланган коэффициентлар		
				Toшкент шаҳар	Вилоят- лардаги шаҳар- лар	Туманлар, жумладан, кишлек жойлари
1. Савдо фаолияти						
1.1	Стационар савдо нукталари орқали чакана савдо:					
	Озиқ-овқат товарлари	10 кв.м. гача	10	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
		10 кв.м.** ортиқ	0,3			
	Ноозиқ-овқат товарлари, жумладан:	10 кв.м. гача	10	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
		10 кв.м.** ортиқ	0,4			
	Мебел	10 кв.м. гача	10	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
		10 кв.м. ** ортиқ	1,0			
	Курилиш материаллари	10 кв.м. гача	10	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
		10 кв.м.** ортиқ	0,6			
	Аралаш савдо (озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан)	10 кв.м. гача	10	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
		10 кв.м. ** ортиқ	0,4			
1.2.	Стационар нукталарини ташкил этмаган ҳолда улгуржи савдо					
	Озиқ-овқат товарлари, жумладан:		12	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
	Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари***		10	0,7-1,5	0,4-1,2	0,3-1,0
	Ноозиқ-овқат товарлари, жумладан:		15	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
	Мебель		30	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
	Аралаш савдо (озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан)		15	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
2.	Маишӣ хизматлар, З-бандда кўрсатилганидан ташкари		7	0,6-1,8	0,4-1,7	0,2-0,7
3.	Сартарошлик хизматлари (жумладан, маникюр, педикюр, косметик ва бошқа хизматлар)		8	0,9-2,0	0,6-1,6	0,4-0,8
4.	Хусусий маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш		5	0,8-1,3	0,6-1,1	0,3-0,7

5.	Бошқа фаолият турлари (жумладан, мулкни ижарага бериш)		8	0,4-2,0	0,3-1,4	0,2-0,8
6	Автомобил транспорти билан пассажирларни ва юкларни ташиш хизматлари:					
	5 ўрингача бўлган енгил автомобиллар учун		5	0,8-1,6	0,6-1,4	0,4-0,8
	12 ўрингача бўлган енгил автомобиллар (микроавтобуслар) учун		8	0,9-1,5	0,8-1,4	0,7-1,1
	30 ўрингача бўлган автобуслар учун		11	0,8-1,4	0,7-1,3	0,6-1,1
	40 ўрингача бўлган автобуслар учун		15	0,9-1,4	0,8-1,3	0,7-1,1
	40 ўриндан ортиқ автобуслар учун		20	0,9-1,3	0,8-1,2	0,7-1,1
	Юк кўтариш куввати 3 тоннагача бўлган юк автомобиллари учун		6	0,9-1,4	0,8-1,3	0,6-1,1
	Юк кўтариш куввати 8 тоннагача бўлган юк автомобиллари учун		12	0,8-1,4	0,7-1,3	0,6-1,1
	Юк кўтариш куввати 3 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобиллари учун		18	0,9-1,3	0,8-1,2	0,7-1,1

*Минимал иш ҳақи миқдорига марта.

**Хар бир қўшимча кв.м. учун

*** Шахсий ёрдамчи хўжаликда ўстирилган, ҳам тирик ҳолдаги, ҳам қайта ишланган ҳолдаги куёнлар, нутриялар, балиқ, паррандаларни, шунингдек, табиий ва қайта ишланган ҳолдаги асаларичилик ва ўсимликшунослик (гулчилиқдан ташқари) маҳсулотларини сотиш бундан мустасно.

6.2 ИЛОВА

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи тушумдан (товар айланиши)
олинадиган ягона солиқ ставкалари**

1. Улгуржи савдо корхоналари	5	3
Республикада ишлаб чиқариладиган истеъмол товарларини сотиш кисмида	2	1
2. Чакана савдо корхоналари (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)	5	3
3. Умумий овқатланиш корхоналари, жумладан: ўрта таълим мактабларида, мактаб-интернатларда, ўрта ва олий ўқувортлари қошидаги	10 5	7 5

6.3 ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этиладиган айрим маҳаллий соликлар ва йиғимларнинг чекланган ставкалари

Маҳаллий соликлар ва йиғимлар номи	Соликлар ва йиғимлар ставкаси
Савдо килиш ҳуқуки учун йиғимлар	Бир ойлик савдо учун 3,5 минимал ҳақи
Алкогол маҳсулотлари билан савдо килиш ҳуқуки учун лицензион йиғим	Бир ойлик савдо учун 5 минимал иш ҳақи
Тамаки маҳсулотлари билан савдо килиш ҳуқуки учун лицензион йиғим	Бир ойлик савдо учун 5 минимал иш ҳақи
Жисмоний шахслардан кўйидагилар истеъмоли учун олинадиган солик*: - транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси - транспорт воситалари учун суюлтирилган газ	Бир литр учун 30 сўм 1 килограмм учун 30 сўм
Юридик шахслар, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатга олиш учун йиғим	5 баробар минимал иш ҳақи

* Кўрсатилган ставкалар микдори бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **ягона ва чекланган** ҳисобланади.

6.4. ИЛОВА

Чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўзгарган даромадларига солинадиган ягона солик базавий ставкалар ва унга мосланган коэффициентлар,

1. Корхона жойлашишига қараб

Фаолият тури	Соликка тортила-диган база	Ойлик солик ставкаси базаси (минимал иш ҳақининг марта микдорида)	Ягона соликнинг базавий ставкасига тўғирловчи коэффициентлар		
			Тошкент шаҳри	Вилоятлардаги шаҳарлар	Туманлар, жумладан, қишлоқ жойлари
Ишловчилар сони 10 тагача бўлган стационар савдо нукталари орқали амалга ошириладиган чакана савдо	Умумий фойдаланадиган майдон	Хар бир метр учун 0,5	0,7-2,0	0,5-1,5	0,2-1,0


2. Сотиладиган маҳсулот турига қараб

№	Товар номи	Коэффи-т*
1	Тамаки ва алкогол маҳсулотлари	1,5
2	Автомобиллар, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлари ва аксессуарлар	2,0
3	Тери ва мўйна маҳсулотлари, кийим-кечак ва оёқ кийим	1,2
4	Курилиш ва пардозлаш материаллари ҳамда курилиш жихозлари ва ускуналари	1,2
5	Маишӣ техника, оргтехника, ёритиш ускуналари, алоқа воситалари, кино- ва фототехника, шунингдек уларнинг қисмлари	1,5
6	Мебел, гиламлар ва гилам маҳсулотлари	1,5
7	Заргарлик буюмлари, қимматбаҳо металлардан буюмлар	1,5
8	Чинни ва хрустал идишлар	1,2
9	Бошқа товарлар, жумладан озиқ-овқат	1,0

*Аралаш маҳсулотлар билан савдо қилишда сотиладиган товарларнинг айрим турлари учун белгиланган базавий коэффициентнинг максимал микдори қўлланади.

7 Боб

Бухгалтерлик ҳисоби



1494 йилда Лука Пачолло ўзининг ҳисоблар ва ёзувлар тўғрисидаги трактатида бизнесмен ўзининг жорий фаолиятида нималарни ҳисобга олиши кераклиги баён этилган: “Унинг фикрича дунёда муҳим бўлган барча нарсалар, ҳаракатланувчи ва ҳаракатланмайдиган, жумладан унинг катта ва кичик фаолияти бошланишидан бир тартибда олиб борилиши керак”. Жуда оддий! Фирмага келадиган ва ундан чиқадиган барча буюмлар ва қимматликлар, шунингдек фирманинг ичидаги буюмлар ва қимматликлар билан юз берадиган жараёнлар зарур тарзда рўйхатга олиниши керак. Ҳисобни юритиш, назорат қилиш ва ҳисбот беришнинг бундай усули бухгалтерлик ҳисобини юритиш деб аталади.

Шундай қилиб, бухгалтерлик ҳисоб қўйидагиларни таъминлаш учун керак:

- Ички ва ташки фойдаланувчилар учун корхона фаолияти ҳақида тўлиқ ва аниқ молиявий ахборот олиш учун;
- Фирма фаолиятини назорат қилиш учун;
- Фирма тасарруфида бўлган мулкни ҳимоя қилиш учун;
- Кепгусидаги фаолиятни режалаштириш учун;
- Фирма раҳбарияти қабул киладиган қарорларнинг аниқ ва тўғри бўлиши учун;
- Фирма раҳбарияти ҳатти-ҳаракатларнинг қонунийлигини юридик жиҳатдан исботлаш учун;
- Хўжалик фаолиятидан олинган фойдани тақсимлашда тўғри қарор чиқариш учун ва б.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда бухгалтерлик ҳисобини юритиш тартибида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Уларнинг асосий вазифаси мамлакатимиз бухгалтерлик ҳисоби тизимини халқаро стандартларга мослаштиришдан иборат. Янги ҳисоб рақамлар режаси жорий этилди ва янгиликларни амалда ўзлаштириш юзасидан ҳали катта ишлар қилиниши керак. Бу мураккаб жараён бўлиб, ҳатто ўз касбининг усталаридан ҳам қўшимча назарий билимларни ва албатта, амалий тажрибани тўплашни талаб этади. Бу ишлар энди бошланмоқда, ўқув гурухлари шакллантирилмоқда ва айрим вақт мобайнида янги ҳисоб рақамларни кўллашда шубҳасиз муайян қийинчиликлар юзага келади.

Бунда қўйидагиларни таъкидлаб ўтиш керакки, киритилган янгиликлар барча асосий тамойилларни саклаб қолган ҳолда мавжуд бухгалтерлик ҳисоби тизимиға асосланади, молиявий ҳисоб юритиш элементлари эса ўзгармаган. Бу нашр кўрсатиб ўтилган ўзгаришларнинг “ўтиш” даврида чиқарилаётганлиги сабабли 7.4.- “Бухгалтерлик баланси” бўлимида биз амалдаги ва янги ҳисоб рақамларнинг принципиал фарқларини кўриб ўтамиз, тегишли меъёрий изоҳларни берамиз. Лекин бу бобнинг маълумотлари умуман олганда амалдаги ҳисоб юритиш ва ҳисбот тизимиға асосланади.

7.1 БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИННИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги Қонунда бухгалтерлик ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тамойиллари халқаро талабларга мувофикалаштирилган, уларнинг асосийлари қўйидагилардир:

- Бухгалтерлик ҳисобини иккита ёзув усулида юритиш. Ҳар қандай хўжалик операциясида иккита томон иштирок этади: берувчи томон ва олувчи томон. Иккала томон учун Сизнинг бухгалтериянгизда алоҳида рўйхатга олиш амалга оширилади. Бухгалтерлар бундай рўйхатга олишни иккита ёзув деб атайдилар. Ҳисоб рақамлар даражасидаги иккита ёзув баланс даражасида актив ва пассивларнинг тенглаштирилиши каби ролни ўйнайди.
- Бухгалтерлик ҳисобининг тўхтамаслиги. Субъект томонидан танланган ҳисоб юритиш сиёсати бир текисда битта ҳисбот давридан иккинчисига қўлланади.

- Актив ва пассив операцияларининг пулда баҳоланиши.
- Маълумотларнинг ҳаққонийлиги. Маълумот унда муайян хато ва тахминлар йўқ бўлса, ҳаққоний ҳисобланади ва фойдаланувчилар унга ишонсалар бўлади. Маълумот хўжалик фаолиятининг фактларини имкон қадар тўлиқ акс эттириши керак. Молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларда молиявий аҳвол, молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари, субъектнинг пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳаққоний ва ҳолис тасаввурни яратиши керак.
- Ҳисоблаб ёзиш. Даромадлар ва ҳаражатлар бухгалтерлик ҳисобида тан олинади ва уларнинг келиб тушиши ёки юзага келишига қараб (пул маблағларини олиш ёки уларни тўлаш асосида эмас) молиявий ҳисоботларда акс эттирилади
- Эҳтиёткорлик. Қарорларни қабул қилишда эҳтиёткорлик даражасига риоя қилиш зарур. Бунда ноаниқ шароитларда активлар ва пассивларга катта баҳо бериб юбориш, мажбуриятлар ва ҳаражатлар эса кам баҳоланишига йўл қўймаслик лозим.
- Иқтисодий мазмуннинг шаклдан устунлиги. Бухгалтерлик ҳисобининг танланган усуллари фақат хуқукий шаклдан келиб чиқиб эмас, балки иқтисодий мазмун ва улар юзага келган хўжалик вазиятларидан келиб чиқсан ҳолда хўжалик фаолиятининг фактларини акс эттиришга йўналтирилиши керак. Молиявий ахборот фойдаланувчиларнинг улар қарорларни қабул қилишлари жараёнида эҳтиёжларини қондириши учун муҳим бўлиши ва уларга хўжалик фаолияти ходисаларини баҳолашда ёрдам бериши керак.
- Корхонанинг давом этаётган фаолияти тамоили. Субъект фаолият кўрсатаётганлиги ва олдиндан кўриб бўладиган келажакда яна фаолият юритишини кўзда тутади, яъни ўз фаолиятини тутатиш ёки тўхтатиб кўйиш нияти умуман йўқлигини билдиради.
- Ҳисобот кўрсаткичларининг таққосланиши. Маълумотлар бир ҳисобот давридан иккинчисигача таққосланадиган бўлиши керак. Фойдаланувчилар субъектларнинг нисбий молиявий аҳволларини, иш натижалари ва молиявий шароитларининг ўзгаришларини баҳолаш учун уларнинг молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятига эга бўлишлари керак.
- Молиявий ҳисоботларнинг ҳолислиги. Молиявий ҳисоботларда кўрсатиладиган маълумотлар уларнинг ҳаққонийлигини таҳминлаш мақсадида ҳолис бўлиши керак. Агарда маълумотларни танлаш ва уларни тақдим этиш шакллари қарорларни қабул қилиш ва олдиндан белгиланган натижаларга эришишга имкон берадиган баҳоларга таъсир қиласа, молиявий ҳисоботлар ҳолис ҳисобланмайди.
- Ҳисобот давридаги даромад ва ҳаражатларнинг мувофиқлиги.
- Активлар ва мажбуриятларнинг амалдаги баҳоланиши.

Куйида хўжалик маблағларининг ҳаракати, уларнинг манбалари ва иқтисодий жараёнларни рўйхатга олишнинг айрим қоидалари келтирилган:

- Фирма эгалик қилган барча нарсалар (маблағлар) активлар ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади;
- Фирма бериши лозим бўлган барча нарсалар (манбалар, мажбуриятлар) пассивлар ҳисоб рақамида ҳисобга олинади;
- Мавжуд маблағлар, уларнинг келиб тушиши ёки кўпайиши актив ҳисоб рақамларининг дебетида, уларнинг камайиши, чиқиши ва ҳаражатлар бу ҳисоб рақамларнинг кредитида ёзиб қўйилади;
- Мавжуд мажбуриятлар, уларнинг юзага келиши ёки кўпайиши пассив ҳисоб рақамларининг кредитида, уларнинг бажарилиши ёки камайиши бу ҳисоб рақамларнинг дебетида ёзиб қўйилади.

Жадвалда буни қуйидаги тарзда күрсатиш мүмкін:

Узок муддатли ва жорий активлар ҳисоб рақамлари “Актив”	Дебет күпайиш	Кредит камайиш	Дебет камайиш	Кредит күпайиш
--	------------------	-------------------	------------------	-------------------

Хўжалик операцияларини рўйхатга олишда ишлатиладиган иккита ҳисоб рақам ўртасидаги алоқа бухгалтерлик формуласи (ёзуви) ёрдамида амалга оширилади.

7.2 МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

Ҳисобот – Тегишли хўжалик органлари томонидан фаолиятни таҳлил қилиш, назорат қилиш ва бошқариш мақсадида тақдим этиладиган ўтган вакт давомидаги корхона иши натижалари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуаси. Ҳисобот маълумотлари сотилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар, уларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар, хўжалик маблаглари аҳволи ва уларнинг шакланиши манбаалари, ишнинг молиявий натижалари, соликқа тортиш, дивидендлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

Ҳисобот беришнинг асосий вазифалари – фаолиятни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, маҳсулот сифати ва ассортиментини ошириш ҳисобига бозорда барқарорликка эришиш учун заҳираларни қидириб топиш. Ҳисобот маълумотларига кўра, раҳбар мулк эгалари ва муассислар, бошқа бошқариш ва назорат қилиш органлари (банклар, молиявий органлар) юқори турувчи ва давлат ҳукумати ва бошқариш органлари олдида ҳисобот беради.

Биринчи навбатда қайд этиб ўтиш керакки, корхоналар (хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналардан ташқари) мажбурий тартибда қуйидаги фойдаланувчиларга чораклик ва йиллик ҳисботларини тақдим этадилар:

- Тасъис ҳужжатларига мувофиқ мулк эгаларига (мулкни бошқариш ваколати берилган органларга, иштирокчиларга, муассисларга);
- Давлат солик нозирлигига (битта нусхада);
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ корхонанинг айrim жиҳатларини текшириш ва тегишли ҳисботларни олиш вазифаси юкланган бошқа давлат органларига.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ:

- Барча корхоналар ва муассасалар учун ҳисббот йили 1 январдан 31 декабргача (қўшилган ҳолда) бўлган давр ҳисбланади.
- Ташкил этилаётган корхоналар учун биринчи ҳисббот йили юридик шахс ҳуқуқига эга бўлинган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабригача бўлган давр ҳисбланади. 1 октябрдан сўнг янги ташкил этилган корхона учун (тутатилган ёки қайта ташкил этилган корхоналар базаси асосида бўлмаса) ҳисббот йили деб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлинган санадан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабригача бўлган даврни қабул қилиш рұксат этилган.
- Корхоналар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгилаб қўйилган муддатларда йиллик ва чораклик ҳисботларини топширадилар.
- Ҳисбботни раҳбар ва бош бухгалтер имзолайдилар, агарда корхонадаги ҳисб шартнома

асосида маҳсус ташкилот ёки мутахассис томонидан амалга оширилса, уни олиб борувчи шахснинг имзоси бўлиши шарт.

Корхонанинг хўжалик фаолияти натижалари, унинг мулкий ва молиявий аҳволи тўғрисидаги йиллик бухгалтерлик ҳисоботи манфаатдор фойдаланувчилар (биржалар, харидорлар, товар етказиб берувчилар ва б.) учун чоп этишга очик ҳисобланади. Чоп этиладиган ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги мустакил аудиторлик ташкилотлари томонидан тасдиқланади.

Бухгалтерлик ҳисоботини ишлаб чиқиш учун асос мажбурий бухгалтерлик ҳисобини юритиш ҳужжатлари ҳисобланади:

1. Бош китоб;
2. Иш ҳақини ҳисоблаш китоби;
3. Ордер-журналлар (шартномалар, юк хатлари ва б.);
4. Касса китоби;
5. Ишончномаларни рўйхатга олиш дафтари;
6. Текширувларни рўйхатга олиш китоби.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги Қонунда йиллик ҳисоботнинг қўйидаги шакллари кўзда тутилган:

- №1 Корхона баланси;
- №2 Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;
- №3 Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот, Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот, Ўз капитали тўғрисидаги ҳисобот, изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Молиявий ҳисобот, ҳисобот йилидан бошлаб ўсиб борувчи натижа билан ҳар чорақда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 22 июлдаги № 942 буйргига мувофиқ, жорий йилнинг 1 августидан бошлаб Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш мuddатлари тўғрисидаги низом амалга киритилади. Унга мувофиқ, *кичик корхоналар ва микрофирмалар* йилига 1 марта балансларини ДСН органларига топширадилар. Бунда ҳисоботлар қўйидаги тарзда шаклланади:

- Бухгалтерлик баланси (№ 1 шакл);
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (№ 2 шакл);
- Дебиторлик-кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот (№ 2А шакл).

Мазкур Кўлланмани ёзиш вактидаги охирги янгилик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-буйрги бўлиб, унда молиявий ҳисоботларнинг янги шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тасдиқланган.

Шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарга эга бўлган корхоналар жамланган молиявий ҳисоботни тузадилар. Жамланган ҳисоботга бош корхонанинг молиявий ҳисоботи илова қилинади.

Корхона тугатилганда якуний молиявий ҳисобот тузилади. Тугатиш бўйича операциялар ҳисобини юритиш, тугатиш баланси ва ҳисоботларини тузиш, активлар қийматини белгилаш юзасидан жавобгарлик тугатиш комиссиясига юклатилади.

Субъектнинг молиявий аҳволини баён этувчи элементларни активлар, мажбуриятлар, ўз капитали ва б. каби синфларга гурухлаш мумкин:

- Активлар – қиймат баҳосига эга бўлган мулк, субъектиинг мулкий ва шахсий номулкий қимматликлари ва хуқуқлари.
- Мажбуриятлар – бу бир шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳатти-ҳаракатларни бажариш мажбуриятидир, жумладан: мулкни бериш, ишни бажариш, пулни тўлаш ва б. ёки муайян ҳатти-ҳаракатлардан чекланиш, кредитор эса, қарздордан унинг мажбуриятлари бажарилишини талаб килиш хукукига эга.
- Ўз капитали - бу субъектнинг мажбуриятлари ҳисобдан чиқарилгач, қолган активлардир. Молиявий кўрсаткичларни ўлчаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементлар қуйидагилар ҳисобланади:

 - Даромадлар – бу ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайишидир;
 - Харажатлар – бу ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайишидир.

7.3 МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ. НАРХ

7.3.1 Таннархни ҳисоблаш зарурлиги.

Моддий қимматликларнинг ишлаб чиқарилиши, товарларнинг сотилиши, шунингдек хизматларнинг кўрсатилиши муайян инсон, моддий ва пул ресурсларининг харажат қилинишини талаб этади.

Якуний оқибатда турли шакл ва миқдорларда ресурслардан фойдаланиш таннархни шакллантиради.

Биз қайд этган, маҳсулот ёки хизматларга кўчган барча харажатлар уларни сотиш нархида қопланади. Шундай қилиб, таннарх деганда маҳсулотлар ёки хизматларни сотиш мақсадида корхона томонидан бажарилган барча харажатлар суммасининг пул шаклидаги кўриниши тушунилади.

Тадбиркор учун у ишлаб чиқарадиган маҳсулот ёки хизмат таннархини ўрганишнинг асосий сабаби қуйидагилар ҳисобланади:

- ◆ Ўз маҳсулотига тўғри нарх белгилаш имконияти, маҳсулотнинг ҳар бир турини сотишдан тушган фойдани олдиндан баҳолаш имконияти;
- ◆ Ўзи бошқараётган ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўлган барча харажатлар турларини, шунингдек бу харажатлар катталикларини билиб, у бу харажатларни камайтиришга йўналтирилган қарорларни малакали тарзда қабул қилиши мумкин;
- ◆ Раҳбарият томонидан ўтказилган ёки ўтказилиши мўлжалланган, таннархни ўзгартириш билан боғлик тадбирлар самарадорлигини баҳолаш имконияти;
- ◆ Фирма иши самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида муҳим маълумотларни олиш.

7.3.2 Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таснифи ва таркиби.

Ўзбекистон Республикасидаги корхоналарда бухгалтерлик ҳисобини ташкил этиш асосида 1999 йил 5 февралда тасдиқланган (кейинги ўринларда низом) “Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом” туради.

Низом бухгалтерлик ҳисоби мақсадида, солиққа тортиш мақсадида харажатларни ҳисоблашда

юзага келадиган фарқларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Бухгалтерлик ҳисобининг асосий мақсади бозор иқтисодиёти шароитида рақобат қобилиятини аниқлаш учун хўжалик субъектлари фаолиятининг харажатларини ҳисоблаш ва молиявий натижаларини аниқлаш ҳисобланади. Бироқ, соликқа тортиладиган фойда бухгалтерлик фойдасидан фарқ қиласи. Бунга сабаб, корхонанинг барча сарф қилган харажатлари мамлакат солик қонунчилигига мувофиқ соликқа тортиладиган базани камайтирмайди.

Шу сабабли, соликқа тортиладиган базани аниқлаш низоми иккита илова билан таъминланган. Уларда корхона харажатларида ҳисобга олинадиган чиқим моддалари келтирилган бўлиб, лекин амалдаги солик қонунчилигига кўра ҳисоб-китоб йўли билан соликқа тортиладиган базага киритилиши керак.

№1 иловада харажатлар моддалари келтирилган бўлиб, уларга кўра ҳисбот даврида дастлабки ҳисобга олинган харажатлар ҳисбот даврининг баланс фойдасини камайтиради. Бироқ, бу моддалар бўйича ҳисобга олинган харажатлар соликқа тортиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг соликқа тортиладиган базасига қўшилади.

№2 иловада ҳам харажатлар рўйхати берилади, улар №1 илова бўйича харажатлар моддалари каби юзага келган вақтда соликқа тортиладиган базадан чиқарилмайди, лекин кейинги ёки ундан кечрок даврларда чиқарилиши шарт.

Низомга кўра барча харажатлар қўйидагиларга гурухланади:

- Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар;
- Ишлаб чиқариш таннархига қўшилмайдиган, бироқ, давр харажатларига киритиладиган чиқимлар, 26 ҳисоб рақам дебети бўйича “Давр харажатлари”, улар ҳисбот даври тугаганидан сўнг бевосита 80 ҳисобвақнинг дебети “Фойда ва заарлар”, 80.2 илова ҳисоб рақам “Давр харажатлари”га киритилади;
- Корхона молиявий фаолиятига доир харажатлар, бевосита 80 ҳисоб рақам дебети “Фойда ва заарлар”, 80.4 илова ҳисоб рақам “Молиявий фаолият фойдалари ва заарлари” бўйича ҳисобга олинади;
- Фойдани ҳисоблашда эътиборга олинадиган фавқулодда заарлар ёки даромад ёки фойда солигини тўлашга қадар заарлар 80 ҳисоб рақам ”Фойда ва заарлар”, 80.5 илова ҳисоб рақам “Фавқулодда фойда ва заарлар”да ҳисобга олинади.

Шу сабабли, харажатлар моддаларининг гурухланиши қўйидаги тарзда кўринади:

1. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи:

- Бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- Бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- Бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, жумладан, ишлаб чиқариш мақсадлариiga доир қўшимча харажатлар.

2. Давр харажатлари:

- Сотишга доир харажатлар;
- Бошқариш харажатлари (маъмурий харажатлар);
- Бошқа операцион харажатлар ва заарлар.

3. Молиявий фаолият харажатлари:

- Фоизларга доир харажатлар;
- Хорижий валюта операциялари бўйича салбий курс фарқлари;
- Кимматли қогоzlарга қўйилган маблағларнинг хаддан ташқари баҳоланиши;
- Молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар.

4. Фавқулодда заарлар.

Корхона маҳсулоти таннархига киритиладиган харажатлар таркибига ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган, маҳсулот ишлаб чиқариш билан

бевосита боғланган харажатлар киради.

Ишлаб чиқариш таннархига киритилган харажатлар маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатиладиган табиий ресурслар, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий воситалар, меҳнат ресурсларининг қиймат баҳоланишини шунингдек ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатларни ўз ичига олади.

Уларга бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, жумладан, ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган қўшимча харажатлар киради.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил этадиган харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қўйидаги элементлар бўйича гурухланади:

- Моддий ишлаб чиқариш харажатлари (қайта чиқимлар қийматини олиб ташлаган ҳолда);
- Ишлаб чиқариш характеристига эга бўлган иш ҳақи харажатлари;
- Ишлаб чиқаришга тааллукли бўлган ижтиомий сұғуртага чегирмалар;
- Ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси;
- Ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган бошқа харажатлар.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган барча харажатлар маҳсулот таннархига киритилади, бу бухгалтерлик ҳисобининг ишлаб чиқариш харажатларига доир асосий вазифаси бажарилишини таъминлайди. Унга эса қўйидагича эришиш мумкин: ишлаб чиқаришга кетган харажатларни ўз вақтида, тўлиқ ва ҳаққоний акс эттириш, маҳсулот ва хизматларнинг айрим турлари таннархини калқуляция қилиш, шунингдек моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланиш устидан умумий назоратни олиб бориш.

Мазкур вазифаларга мувофик ҳамда ички хўжалик ҳисобини олиб бориш ва уни назорат қилишни ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- Таннархга нисбатан (бевосита ва қўшимча/білвосита/);
- Маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари бўйича;
- Харажатлар юзага келган жой бўйича (ишлаб чиқаришлар, цехлар, участкалар ва б.);
- Харажатлар турлари бўйича (элементлар ва моддалар).

7.3.3 Амортизация.

Асосий воситаларнинг қиймати амортизация чегирмалари орқали харажатларга киритилади. Асосий воситаларнинг амортизацияси БХМС №5 нинг 23, 24 бандларида таклиф этилган 4 та услубнинг бири билан амалга оширилади:

1. бир текисда (бир чизикда) ҳисобдан чиқариш усули (амортизация асосий воситалар хизмати муддатига қараб бир текисда ҳисоблаб қўшилади);
2. амортизацияни ишлар бажарилиши ҳажмига мутаносиб равищда ҳисоблаб қўшиш (ишлаб чиқариш услуби) (амортизация асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш кувватига қараб ҳисоблаб қўшилади);
3. амортизациянинг икки хисса меъёри билан камайиб борувчи қолдик усули билан (амортизация асосий воситаларнинг қолдик қийматидан ҳисоблаб қўшилади);
4. йиллар суммаси усули билан (кумулятив усул) (амортизация сонлар суммаси бўйича ҳисоблаб қўшилади).

Охири иккита усулни яна тезлаштирилган амортизация усули деб атайдилар.

Мисолларда ушбу услубларнинг таққослама тавсифларини кўриб чиқамиз:

Бир текисдаги услуб.

Ҳисоб юритишнинг мамлакатимиз амалиётидаги энг оддий ва одатий услубидир. Эскириш харажатларга бир текисда ўтказилади, ўз навбатида асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати бир текисда камайиб боради.

Мисол.

Жиҳознинг дастлабки қиймати – 120000 сўм

Тугатиш қиймати – 20000 сўм

Хизмат муддати – 8 йил

Амортизациянинг ҳар йиллик суммаси қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

Дастлабки қиймат – Тугатиш қиймати / Хизмат муддати

$(120000-20000)/8=12500$ сўм ёки йилига 12,5% .

Ишлаб чиқарии усули.

Эскириш ошиб боради, қолдиқ қиймат эса бажарилган ишлар бевосита ҳажмига қараб, яъни асосий воситалар ишлаб чиқариш қувватига мутаносиб равишда камайиб боради. Мазкур усул асосий воситаларнинг эксплуатацияси асосан техник кўрсаткичлар билан чекланган ҳолларда қўлланилади.

Мисол.

Жиҳознинг дастлабки қиймати – 120000 сўм

Тугатиш қиймати – 20000 сўм

Жиҳозлардан 8 йилда фойдаланиш захираси: 10000 маҳсулот бирлиги (1000, 2000, 1500, 1000, 1200, 1000, 1200, 1500, 1000, 800 тегишли тарзда йиллар бўйича).

Амортизациянинг ҳар йиллик суммаси қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

Дастлабки қиймат – Тугатиш қиймати / Жиҳозлардан фойдаланиш захираси

$(120000-20000) / 10000 = 10$ (сўм, 1 маҳсулот бирлиги учун)

Бунда амортизация суммаси, 1-чи йил учун: $1000 * 10 = 10000$ сўм;

2-чи йил учун: $2000 * 10 = 20000$ сўм;

ва шу тарзда...

Тезлаштирилган амортизация услублари:

1. Камайиб борувчи қолдиқ услуби;
2. Кумулятив услуб.

Эксплуатациянинг биринчи йиларида эскириш кейинги йилларга нисбатан ошиқроқ бўлади, шу сабабли кўрсатиб ўтилган услублар маънавий жиҳатдан тез эскирадиган асосий воситалар (масалан, компьютерлар) учун кўпроқ мос келади. Мазкур услублар янги турдаги жиҳозларни жорий этишни тезлаштиришга йўналтирилган.

1. Камайиб борувчи қолдиқ усулида амортизация суммаси одатда икки ҳисса ставка бўйича олинади, яъни амортизация суммаси қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

(Дастлабки қиймат – Тугатиш қиймати) * 2 / Хизмат муддати

Бизнинг мисол учун:

$(120000-20000) * 2 / 8 = 25000$ сўм ёки йилига 25%.

2. Кумулятив усулда (йиллар суммаси усули)

(Дастлабки қиймат – Тугатиш қиймати) * (Кумулятив сон)

Бизнинг мисол учун:

Хизмат муддати йиллари суммаси (кумулятив сон):

$$1+2+3+4+5+6+7+8=36$$

Йиллар бўйича коэффициентлар:

$8/36, 7/36, 6/36, 5/36$ ва б.

Бунда амортизация суммаси

1-чи йил учун: $8/36 * (120000-20000) = 22222, 22$ сўм

2-чи йил учун: $7/36 * (120000-20000) = 19444,44$ сүм.

Ва шу тарзда ...

Асосий воситаларнинг ҳар хил турларига турли амортизация усулларини қўллаш рухсат этилади. Бунда асосий воситаларнинг битта турига бирин-кетин битта ҳисобот давридан иккинчисига ўтиб, факат битта танланган усулни қўллаш лозим.

Амортизацияни ҳисоблаб ёзиш услуги ўзгарганда, бу ҳол ва унинг сабаблари, шунингдек бундай ўзгаришлар оқибатининг баҳолари корхона молиявий ҳисботига илова қилинадиган тушунтириш хатида акс этирилади.

Янги асосий воситаларга амортизацияни ҳисоблаб ёзиш улар эксплуатацияга туширилган ойдан кейинги ойнинг 1 кунидан бошланади, чиқарилған асосий воситалар бўйича эса, улар чиқарилған ойдан кейинги ойнинг 1 кунида тўхтатилади.

Корхона тасарруфида бўлган ер амортизация қилинмайди.

Асосий воситаларнинг реконструкцияси ва техник жиҳатдан қайта қуролланиши вактида ҳам амортизация ҳисоблаб ёзилмайди. Бунда уларнинг тўлиқ тўхтатилиши, шунингдек асосий воситалар консервацияга ўтказилиши (хукумат қарорига кўра) шарт қилиб қўйилади.

Номоддий активлар ҳисобини юритиш ва уларнинг амортизацияси тартиби БХМС №7 “Номоддий активлар”, амалдаги қонунчилик ва бухгалтерлик ҳисобини юритиш меъёрий хужжатлари билан тартибга солинади. Бухгалтерлик ҳисобида номоддий активлар ҳам узоқ муддатли активларга (хизмат қилиш муддати 1 йилдан кўп) киритилади. Номоддий активларга мисол қилиб лицензиялар, компьютер дастурлари, патентлар, ташкилий харажатлар, фирма нархи (гудвилл) ва б. келтириш мумкин. Шундай қилиб, номоддий активларнинг асосий хусусиятлари уларнинг ҳис қилинmasлиги ва хизмат муддати 1 йилдан кўп бўлишидир.

Номоддий активлар улар келиб тушганидан сўнг ва кейинчалик, жумладан БХМС №7нинг 11-бандида белгиланган харажатлар ҳам, улар сотиб олинган дастлабки қиймат бўйича акс этирилади. Номоддий активлар бўйича амортизация чегирмалар дастлабки қиймат ва хизмат муддатига қараб ҳисобланади ҳамда тенг тарзда корхона харажатларига киритилади.

Номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш мумкин бўлмаса, у ҳолда амортизация меъёrlари 5 йил ҳисобида белгиланади.

Ҳар қандай ҳолда номоддий активларнинг хизмат муддати хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият муддатидан ошмаслиги керак.

Амортизация корхона ҳохишига кўра турли услубларни қўллаш йўли билан ҳисоблаб қўшилади:

- Бир текисдаги услуб;
- Камайиб борувчи қолдик услуби;
- Ишлаб чиқариш услуби (ишлаб чиқилған бирликлар суммаси бўйича).

Корхона асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизацион чегирмаларни қандай усул билан амалга оширишни мустақил равишда ҳал қиласди.

7.3.4 Тұлық таннарх. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) нархи.

Таннархни ҳисоблаш учун лозим бўлган маълумотлар фирманинг бухгалтерлик маълумотлари, товар етказиб берувчиларнинг ҳисоблари, иш ҳақи ҳисоб-китоблари, материалларни жўнатиши юхатлари, харажатлар қайдномалари ва б. дан олинади.

Маҳсулот бирлигининг тұлық таннархини ҳисоб-китоб қилишдан олдин муайян вакт давомида маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган умумий харажатларни билиш керак.

Умумий харажатлар бевосита ва билвосита бўлиши мумкин.

Бевосита харажатлар деганда маҳсулотга киритилган материаллар қиймати, ишчиларнинг иш ҳақи ва ижтимоий сугуртага қилинган чегирмалар тушунилади. Бу харажатларни чиқарилган маҳсулот ёки маҳсулотлар груҳи билан тўғридан-тўғри қиёслаш мумкин.

Билвосита харажатлар – бу харажатлар фирманинг фаолият кўрсатиши учун лозим бўлган харажатлардир: жиҳозларни сақлаш ва таъмирлаш харажатлари, ижара ҳақи, коммунал хизматлар қиймати, тижорат харажатлари, маҳсулот ишлаб чиқаришда банд бўлмаган ходимларнинг иш ҳақи, кредитларга доир фоизлар ва б.

Харажатларнинг бундай бўлиниши фаолият туридан қатъий назар ҳар қандай турдаги корхоналар учун қўлланилади. Фаолият турига факат таннарх тузилмасидаги бевосита ва билвосита харажатлар ўртасидаги мутаносиблигина боғлиқ.

Корхона томонидан ишлаб чиқиладиган ҳар бир маҳсулотнинг тұлық таннархини билган ҳолда, бу маҳсулотларнинг харидорлар томонидан сотиб олинадиган қиймати ёки нархини аниклашга киришиш мумкин.

Табиийки, сотиши нархини белгилашда, кўпгина элементларни ҳисобга олиш керак, жумладан:

- Рақобатчилар томонидан айнан шундай маҳсулотга белгиланган нарх;
- Харидор мазкур маҳсулотга тўлашга рози бўлган нарх;
- Сифати бўйича яқин бўлган буюмларга белгиланган нархлар билан қиёслаш.

Сизнинг маҳсулотингиз (ишлар, хизматларингиз) нинг тұлық таннархи қандай бўлишидан қатъий назар унинг нархини бозор белгилайди. Шу ерда ва факат шу ерда маҳсулот (товар)ни яратишга кетган барча ҳаракатларнинг реал баҳоси аникланади. Сиз 100% ва ундан кўп фойда олишингиз, балки ўз харажатларингизни умуман қоплай олмаслигингиз мумкин.

Бу ҳолда маркетинг, менеджмент каби, яъни Сизнинг маҳсулотингизнинг бозор талабларига мослигини таъминлай олишга қодир бўлган барча воситалар ишлай бошлайди.

Агарда рақобатчилик кураши рентабеллик чегарасидаги "мувозанат"га олиб келса, юқорида айтилганидек, ишлаб чиқариш жараёнининг муаммоли вазиятларини аниклаш, фаолиятни оптималлаштириш, ривожлантириш режаларини мўлжаллаш имконини берувчи таннархни таҳлил қилиш айниқса муҳим бўлади.

7.4 БУХГАЛТЕРЛИК БАЛАНСИ

Баланс – бу муайян вакт даврида корхонада мавжуд бўлган активлар, ўз капитали, мажбуриятларни акс эттирадиган бухгалтерлик молиявий ҳисоботидир.

Бухгалтерлик балансида активлар ва мажбуриятлар узок муддатли ва жорий сифатида таснифланади.

Балансни қўриб чиқишида доимий равишида шуни эътиборда тутиш керакки, активлар доимо пассивларга (ўз капитали ва мажбуриятлари суммаси) teng бўлиши зарур, баланс (*bilancium* - мувозанат) атамаси ҳам шундан келиб чиқан. Бундай тенглик дастлабки балансни тузиш вактида эмас, доимо бўлиши керак.

Баланс қүйидагилардан иборат:

АКТИВЛАР <i>Фирма эгалик құладиган мулк</i>	ПАССИВЛАР <i>Фирманың қарзлари ва унинг ўз капитали</i>
<ul style="list-style-type: none"> ◆ Кассадаги накд пул ◆ Банк ҳисобрақамидаги пуллар ◆ Дебиторлар (фирмага пул бериши лозим бўлган жисмоний ва юридик шахслар) ◆ Материаллар захиралари, ярим тайёр фабрикатлар, тайёр маҳсулот, ускуналар ва б. ◆ Бино, жихозлар, транспорт ва б. 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ Кредиторлар (бажарилган операциялар натижасида фирма пул бериши лозим бўлган юридик ва жисмоний шахслар) ◆ Қарз маблаглари, кредитлар ◆ Фирма эгасининг устав капитали ◆ Тақсимланмаган ёки фирма тасарруфида қолган даромад

Баланснинг чап томонида барча *активлар* ёзиб қўйилган бўлиб, улар иккита бўлимга гурухланган:

I. *Узоқ муддатли активларга* асосий воситалар (бинолар ва иншоотлар) киради, уларни одатда қайта сотиш кўзда тутилмайди ва улар узоқ хизмат қилиш муддатига эгадирлар. Вакт ўтиши билан улар ўз қийматларини тўлик чиқарилаётган маҳсулотга ўтказадилар. Бухгалтерлик қоидалариға мувоғиқ асосий воситалар балансда уларнинг қолдиқ қиймати бўйича ҳисобга олинади, маълумотнома вариантида эса уларнинг дастлабки қиймати ва эскириши кўрсатилади.

II. *Жорий активлар* ёки тезда пулга айланниши мумкин бўлган айланма маблаглар: омборлар ва ишлаб чиқаришдаги товарларнинг қолдиқлари, материаллар захиралари. Бу маблаглар ҳам ликвид маблаглар деб аталади.

Жорий активларга шунингдек, корхона кассасидаги ва банк ҳисоб ракамларидағи накд пуллар қўшилган ҳолдаги пул маблаглари киради.

Айланма маблагларнинг умумий қиймати фирманинг хўжалик операциялари оқибатида, шунингдек ишлаб чиқариш фаолияти оқибатида доимий равишда ўзгариб туради.

Баланснинг ўнг томонида ўз *капитали*, фирманинг бошқа фирмалар, хусусий шахслар ва ташкилотларга нисбатан *узоқ муддатли ва жорий мажбуриятлари* ёзиб қўйилиб, улар учта бўлим бўйича гурухланади:

I. *Ўз маблаглари* мулк эгасининг капитали, корхона фондлари ва тақсимланмаган даромадларни ўз ичига олади.

II. *Узоқ муддатли мажбуриятлар* банк кредитлари ва бошқа корхоналардан бир йилдан ортиқ муддатга олинган қарзлар, кечикирилган соликларни ўз ичига олади. Бухгалтерлик ҳисоби стандартларига кўра тушунтириш хатида кредит шартномалари ва қарз бериш шартларидан келиб чиқадиган фоиз ставкалари, кредитни қоплаш муддатлари, тўловлар навбати ва бошқа хусусиятлар очиб берилиши керак.

III. *Жорий мажбуриятлар* кредиторнинг талаби билан тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар, ҳисбот санасидан сўнг бир йил мобайнида тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли мажбуриятларнинг қисмини: қиска муддатли кредитлар ва овердрафт, кредиторлик қарзлари (тўланиши лозим бўлган ҳисблар ва векселлар, ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар, соликларга доир қарзлар)ни ўз ичига олади.

Баланс пассивининг элементларидан бири даромад ҳисобланади. У фирма эгаси томонидан олиб қўйилиши ёки фаолиятни кенгайтириш мақсадида фирма тасарруфида қолдирилиши мумкин.

Баланснинг моҳияти:

- Баланс фирманинг активлари қандайлиги ва фирманинг бошқа шахсларга нисбатан мажбуриятлари, шунингдек уларнинг фирмага нисбатан мажбуриятлари қандайлигини кўрсатади.
- Сиз кредит олиш учун мурожаат қилган ҳар қандай банк бир қарорга келишдан олдин Сизнинг корхонангиз балансини тахлил қилишни истайди.
- Бухгалтерлик ҳисобини тўғри олиб бориш ва барча хужжатларни қонунчилик талабларига мувофиқ тузиш, молиявий ва солик органлари томонидан кўпгина ноҳушликларнинг олдини олиш мумкин.

Баланс бухгалтерлар томонидан тузилишига қарамай, улар балансдаги маълумотлар талаб этиладиган ягона одамлар эмаслар.

Фирма эгалари, раҳбарлар, банклар, турли давлат хизматлари – давлат статистика органи, солик нозирлиги, маҳаллий молиявий орган – ўз фаолиятларида мазкур молиявий хужжатлардан бевосита фойдаланувчилар ҳисобланадилар.

Ҳар қандай тадбиркорнинг асосий мақсадларидан бири фойда олиш ҳисобланганлиги сабабли, у балансни “ўқиши” билиши керак. Баъзида фирманинг молиявий аҳволи қисқа вакт давомида драматик равишда ўзгариши мумкин. Шу сабабли Сиз тузилган молиявий ҳисботларни эътибор билан ўқишинингиз ва тахлил қилишинингиз лозим.

Бухгалтерлик балансида нималарни ўқиши мумкин? Айрим мисоллар.

1 мисол. Жорий мажбуриятлар катталигидан ошувчи жорий активлар (моддий-товар захиралари, дебиторлик қарзлари ва пул маблаглари суммаси) корхонанинг ўзининг барча қарзларини зудлик билан тўлай олиш қобилиятини кўрсатади. Акс ҳолда фирмада ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан қийинчиликлар юзага келиши мумкин.

Тавсиялар:

Фирманинг жорий активлари унинг жорий мажбуриятларидан ошиши керак.

2 мисол. Харидорларнинг ортилган товарлар учун дебиторлик қарзлари суммаси етказиб берувчиларга кредиторлик қарзлари суммасидан ошади, бу фирманинг маблағлари айланишдан чиққанлигидан далолат беради.

Тавсиялар:

Дебиторлик қарзлари ҳажмининг катталиги харидорлардан тўловларни йигшига доир ишлар суст кетаётганилигидан, шунингдек умидсиз қарзлар юзага келиши мумкинлигидан далолат беради.

3 мисол. Моддий захиралар келгусидаги фойдалар манбаларини ифода этади. Моддий захираларга қўйилган маблағлар сотувлар ҳажмига нисбатан унчалик катта кўринмайди. Ҳушёр бўлинг!

Шундай бўлиши мумкинки, Сиз ўз бизнесингизни имкон қадар хавфсизлантириш мақсадида ўз омборларингизни фойдаланилмайдиган ва тез бузиладиган материаллар уюмiga айлантириб қўйгансиз ва бунинг устига янада самарали тарзда ишлатилиши мумкин бўлган капиталингизнинг бир қисмини ҳаракатсиз қолдирдингиз.

Тавсиялар:

Захиралар ҳажмининг катталиги пул маблагларидан самарасиз фойдаланилаётганилиги ёки фойдаланилмайдиган материаллар мавжудлигидан дарак беради.

2002 йил 8 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг № 930-2. буйргуга мувофиқ хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва акциядорлик жамиятлари (бюджетдаги муассасалар ва банклардан ташқари) учун Бухгалтерлик Ҳисобининг Миллий Стандарти (БХМС) № 21 жорий этилди. Шу сабабли бу корхоналар янги ҳисоб рақамлар режасига ўтказилди.

Бозорнинг бошқа субъектлари янги ҳисоб рақамлар режасига 2003 йил 1 январдан бошлаб ўтдилар. Амалдаги ва янги ҳисоб рақамлар режаси ўртасидаги асосий фарқларни келтирамиз:

Ўзгарган позиция	Янги ҳисоб рақамлар режаси	Амалдаги ҳисоб рақамлар режаси
Ҳисоб рақамлар	Актив Пассив Контрап	Актив-пассив
Илова ҳисоб рақамлар	Йўқ	Бор
Рақамлаш	Тўрт белгили	Икки белгили
Актив ва Пассивнинг акс эттирилиши	Бўлиниш: ➤ Айланма (жорий) ➤ Узоқ муддатли	Бўлиниш мавжуд эмас
Тузилма	5 қисм + 9 бўлим (1-8 баланс ҳисоб рақамлари бўйича қолдиқлар кўрсаткичлари; 9-2 ҳисобот шакли (асосий молиявий натижалар) бўйича) + 11 балансдан ташқари ҳисоб рақамлардан (4 белгили) ташкил топган	5 қисм, жумладан, 9 бўлим; балансдан ташқари ҳисоб рақамлар учта белгили кодларга эга.
Калькуляциялаш	Калькуляциялаш давр харажатларини таннархдан ажратишни кўзда тутади ва ҳисоб молиявий натижаларнинг умумий ҳисоби амалга ошириладиган харажатлар ҳисоб варагида юритилади	Калькуляцион ҳисоб вараклар бир неча турли ҳисоб вараклардан иборат

7.5 ПУЛ МАБЛАГЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

Пул маблаглари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот молиявий режалаштиришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади, бундан ташқари у субъектнинг мажбурий молиявий ҳисоботи ҳисобланади. Пул маблагларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий мақсади қуйидаги маълумотларни беришдан иборат:

- ◆ Ҳисобот даври мобайнида юридик шахснинг пул маблагларининг келиб тушиши ва чиқиши;
- ◆ Ҳисобот даврида юридик шахснинг операцион, инвестицион ва молиявий фаолияти тўғрисида.

Пул маблаглари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот фойдаланувчиларга юридик шахснинг молиявий аҳволидаги ўзгаришларни баҳолаш имкониятини бериб, уларни юкорида қайд этилган маълумотлар билан таъминлайди.

Пул маблаглари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни ишлаб чиқши устунликлари:

- Ҳисобот даврида пул маблаглари ҳаракати тўғрисида тизимланган тасаввурга эга бўлиш;
- Ҳисобот даври маълумотлари тахлили ва келгусида накд пул танқислигидан қочиши мақсадида келгусидаги тадбиркорлик фаолияти учун накд пулга бўлган эҳтиёжни аниклаш;
- Юридик шахс пул маблагларининг асосий тушиш ва чиқиш каналларини аниклаш;
- Банк кредитларини, турли молиявий ташкилотлардан ссудалар олиш мақсадида музокаралар ўтказиш жараёнида мустаҳкам таянч сифатида ишлатилиши мумкин;
- Корхонанинг ўз маблаглари ҳисобидан инвестициялаш имкониятини ҳаққоний баҳолашга ёрдам беради.

Пул маблаглари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий элементлари:

- Пул маблағлари – кассада ва банк ҳисоб рақамларида турган накд пул;
- Пул маблағлари ҳаракати – пул маблағларининг келиб тушиши ва чиқиши;
- Операцион фаолият – юридик шахснинг даромад олишга доир асосий фаолияти ҳамда инвестиция ва молиявий фаолиятга дахлдор бўлмаган бошқа фаолият;
- Инвестиция фаолияти – узок муддатли активларни харид қилиш ва сотиш;
- Молиявий фаолият – юридик шахснинг фаолияти бўлиб, унинг натижасида ўз капитали ва қарз маблаглари микдори ва таркиби ўзгаради.

7.6 МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Бу хужжат муайян вакт давомида фирманинг ютуқларини акс эттиради. Бу ютуқлар тегишли тахлил қилинаётган давр даромадлари, харажатлари билан ифода этилади.

У муайян вақт даврида якуний кўпайиш ёки камайиш, активлар ва пассивлар ичидаги ўзгаришларни акс эттирадиган Бухгалтерлик балансидан фарқ қиласди.

Молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланувчилар қўйидагилар ҳисобланади:

- Ҳисоботдан компанияни бошқариш самарадорлигини, харажатларни ва б. даврий равища баҳолаш учун фойдаланадиган мулк эгалари, шериллар, акциядорлар;
- Рўйхатга олиш жойи бўйича давлат статистика органлари;
- Уларнинг ваколатларига мувофиқ давлат назорат ва кузатиш органлари;
- Қарз олувчининг кредитга қобилиятини аниклаш учун бу хужжатни тахлил қиласидан банклар;
- Ўтган давр мобайнида ўз фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек келгуси фаолиятни яхшироқ режалаштириш мақсадида фирманинг бошқарувчи ходимлари;
- Ҳисобот маълумотлари молиявий тахминларни ишлаб чиқиш имконини беради. Улардан молиявий назорат воситалари, шунингдек бизнес-режаларни тузишда асос сифатида фойдаланиш мумкин;
- Мазкур компанияга келгусида инвестиция қилиш мақсадида фирманинг муайян вакт давомидаги даромадларини билишни хоҳлаган инвесторлар.


Молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий элементлари:


1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушган даромад – ҳисобот даврида активларни ошириш ёки мажбуриятларни камайтириш. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушган даромад ККС, акцизлар ва бошқа солиқлар, мажбурий тўловлар, шунингдек қайтарилиган товарлар киймати, харидорга берилган сотувлардан чегирмалар ва нархлардан чегирмаларни чиқариб ташлаган ҳолда акс эттирилади. Даромад қўйидагилардан олиниши мумкин:

- Моддий-товар захираларини (товарларни) сотиш;
- Хизматлар кўрсатиш;
- Субъектга тегишли бўлган ва фоизлар, роялти ва дивиденdlарни келтирувчи активларни фойдаланишга бериш.

2. Махсулотлар (ишилар, хизматлар)ни сотиш таннархи – бу моддада махсулот (ишилар, хизматлар)ни ишилаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган амалдаги харажатлар акс эттирилади. Улар қўйидаги элементлар бўйича уларнинг иқтисодий моҳиятларига мувофиқ гурухланади: моддий харажатлар, иш ҳақини тўлаш харажатлари, сугурта чегирмалари, асосий воситаларнинг эскириши, бошқа харажатлар.
3. Ялпи даромад – бу модда бўйича махсулот (ишилар, хизматлар)ни сотишдан тушган даромад ҳамда асосий фаолият натижасида махсулот (ишилар, хизматлар)ни сотиш таннархи ўртасидаги фарқ сифатида олинган сумма акс эттирилади.
4. Давр харажатлари – бу модда бўйича ишилаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳамда доимий харажатлар сифатида белгиланган харажатлар акс эттирилади. Улар одатда қўйидагилардан иборат бўлади:
- Умумий ва маъмурий харажатлар;
 - Моддий-товар захираларини сотишга доир харажатлар;
 - Фоизлар бўйича харажатлар.
5. Асосий фаолиятдан тушадиган даромад (зарар) – бу модда сальдолангандан молиявий натижа бўлиб, ялпи даромад ва давр харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.
6. Асосий бўлмаган фаолиятдан тушадиган даромад (зарар) – бу модда бўйича асосий бўлмаган фаолиятнинг сальдолангандан молиявий натижаси кўрсатилади (айланмайдиган активларни бериш, биржада мумалада бўлган кимматли қоғозларнинг қайта баҳоланиши).
7. Соликқа тортишга қадар умумий фаолиятдан тушган даромад (зарар) – 5 ва 6 бандлар кўрсаткичлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади.
8. Даромад солиги – солик конунчилигига мувофиқ соликқа тортиладиган даромадга фоизли нисбат сифатида аниқланади.
9. Соф даромад (зарар) – мазкур кўрсаткич юридик шахс томонидан ҳисбот даври давомида олинган якуний сальдолангандан натижани (соф даромад, зарар)ни акс эттиради.

Бу ерда бизнинг фикримизча, корхонанинг соф даромади ҳисоб-китоби алгоритмини кўриб чиқиш қизиқарли бўлади:





7.7 ДЕБИТОРЛАР ВА КРЕДИТОРЛАР

Фирмани бошқаришда мұхым воситалардан бири унинг кредиторлари ва дебиторларини таҳлил қилишдір. Кредиторлик ва дебиторлик қарzlари фәқат фирма әгаларини әмас, балки банк нозирлари, потенциал инвесторлар ва солиқ нозирларини ҳам қызметтерди.

Дебет суммаларининг ҳажми ва сифати (бу билан уларнинг қопланиши күзда тутилади) фирманинг “соғлиғи” ахволи учун бириңчи навбатдаги күрсаткичлар ҳисобланади. Фирма сотувларни кредитга амалға оширган ҳолда, яъни етказиб берилған товарлар ёки күрсатилған хизматлар учун ҳақ нақд пулда олинмаганда, қарzlарни олмаслик хатари мавжуд бўлади. Учта омил дебиторлик қарzlари ҳажмига нисбатан белгиловчи ҳисобланади:

- Кредитга сотиш ҳажми (тўлов муддатига);
- Дебиторлик суммаларини йигишга нисбатан фирма томонидан олиб бориладиган сиёsat;
- Ўз мажбуриятларига риоя қилишда мижозларнинг жиддийлиги.

Дебиторлик қарzlари ҳажми ўсишининг бошқа сабаби фирма ўз фаолиятини амалға ошираётган иқтисодий мұхит, тегишли тарзда миллий иқтисодиётнинг умумий ахволи бўлиши мумкин. Иқтисодиёт инқирозда бўлган ҳолда тижорат тузилмалари камроқ фойда олади ва ўз навбатида уларнинг ликвидлиги ҳам пасаяди. Мазкур ҳолда занжир реакцияси содир бўлиб, у тўловларнинг тўхташига олиб келади. Дебиторлик қарzlарини секин тўлаш натижаси сифатида фирмаларда нақд пул маблаглари сонининг камайиши оқибатида фирмалар ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб қўядилар.

Тўланмаган қарzdорлик ўсишини таҳлил қилишда сотувлар ҳажмидаги ўзгаришларни ҳам эътиборга олиш керак. Агарда дебиторлик қарzlари сотувлар ҳажмидан тезроқ ўssa, бу ҳолда мазкур вазият сабабларини синчилаб таҳлил қилиб чиқиш керак.

Одатда қарzdорликнинг муайян фоизи умидсиз ҳисобланади. Шу сабабли корхонанинг молиявий ахволи тўғрисида янада тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун энди йигилмайдиган бу маблагларни ҳам эътиборга олиш керак. Бунинг учун олдинги давларнинг маълумотларидан фойдаланилади. Дебиторлар ҳажмини таҳлил қилиш ва фирманинг молиявий айланмасида муайян тартибузарларнинг олдини олиш мақсадида қарzlарни тўлашни кечиктириш даврини ҳисобга олувчи назорат тизимини жорий қилиш тавсия этилади.

Кредитлар ҳакида гапирганимизда одатда фирма муайян пул маблагларини бериши лозим бўлган барча шахслар ҳакида ўйтаймиз: етказиб берувчилар, банклар, давлат бюджети, фирма ходимлари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар.

Хом ашё ва материаллар, ёқилғи ва электр энергияси билан таъминлаш натижасида, шунингдек бошқа ташкилотларнинг фирманинг күрсатган хизматлари натижасида юзага келган қарzlар, амалда Сизга берилған кредитлар ҳисобланади.

Бу ҳисоб рақамларга нисбатан асосий омил шундан иборатки, улар фоиз тўланиши керак бўлмаган маблагларнинг доимий манбаи ҳисобланади, чунки етказиб берувчилар олдида мажбуриятларни қоплаш даражасига қараб бошқа товар етказишларни амалға ошириш мумкин бўлади. Агарда мисол учун, фирма кредиторлик қарzlарини тўламаса, товар етказиб берувчилар кейинги етказишлардан бош тортадилар. Бу нақд пулга захираларни сотиб олиш ёки бошқа молиялаш манбаларини излаш заруратига олиб келади.

Кредиторларни тахлил қилиш жараёнида қарзлар ҳажмлари ва мавжуд ресурсларнинг нисбати катта аҳамиятга эга бўлади. Бунда Сизнинг вазиятингизни айнан шу тармоқнинг бошқа корхоналаридағи вазиятга солиштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

7.8 МОЛИЯВИЙ КОЭФФИЦИЕНТЛАР

Молиявий коэффициентлар – фирманинг фаолияти натижалари ва молиявий аҳволини яхшироқ тушунишга ёрдам берадиган тахлил воситалари. Коэффициентлар Бухгалтерлик балансининг турли моддалари ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ўртасидаги нисбат сифатида ҳисобланади.

Масалан:

“Баҳор” фирмасининг баланси фойда 30%га ошганини кўрсатди. Бошқа вазиятларни ҳисобга олмаган ҳолда бу коэффициентнинг ўзи ишлар яхши кетаётганлигини кўрсатмоқда. Агарда айнан шундай вақт давомида инфляция даражаси 50%ташкил қилган бўлса, ёки шу фойдани олиш учун доимий капитал 40% га ошган бўлса, нима дейиш мумкин?

Мазкур вазиятлардаги натижани агарда фирмага қилинган инвестицияларни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, қониқарли деб бўлмайди.

Шу сабабли фирманинг фаолияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун молиявий коэффициентларнинг бутун бир жиҳатларини тахлил қилиб чиқиш лозим.

Молиявий коэффициентлар жуда муҳимдир, чунки:

- Улар раҳбариятга қўйидагиларни баҳолаш имкониятини беради: фирманинг молиявий аҳволи ва унинг фаолияти натижалари, келгусидаги имкониятлар ва муаммолар, фирманинг маблағларидан фойдаланиш.
- Улар раҳбариятга фирманинг фаолиятини тахлил қилиш ва уни рақобатчилар натижалари билан таққослашга имкон беради.
- Улар акциядорлар, инвесторлар, кредиторлар, банкларга фирма ўз активларини қай даражада самарали бошқаришини текширишга ёрдам беради.

ЭСЛАТМА: *Молиявий коэффициентларнинг муҳимлиги корхона фаолияти тўғрисида имкон қадар тўлиқ тасаввурга эга бўлиши мақсадида уларни ҳисоблаш эмас, уларни интерпретация қилишидадир.*

Энг муҳим молиявий коэффициентларни қўйидаги учта тоифага гурухлаштириш мумкин:

- **ЛИКВИДЛИК;**
- **ФОЙДАЛИЛИК;**
- **АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ.**

7.8.1 Ликвидлик

Компания тузилган битимлар бўйича жавоб бериши керак, яъни ўз муддатида унга қўйилган ҳисоб рақамни тўлашга қодир бўлиши лозим. Акс ҳолда у банкротликка учраши мумкин. Ликвидлик деганда корхонанинг ўзининг кисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш қобилияти тушунилadi.

Учта босқичдаги ликвидлик кўрсаткичлари фарқланади:

1. Пул билан қоплаш (ПҚҚ) ёки абсолют ликвидлик коэффициенти, пул маблағлари ва кисқа муддатли қимматли қоғозларнинг корхонанинг кисқа муддатли мажбуриятларига (кредитлар, қарзлар ва бошқа қарздорликлар) teng.

ПКК = Пул маблағлари (хр. 50, 51, 52, 55, 56, 57) + Қисқа муддатли қимматли қоғозлар (58) / Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар (90, 94) + Қисқа муддатли мажбуриятлар (хр. 60, 64, 68, 69, 70 ва б.)

Күрсаткичнинг энг яхши белгиси бирликка яқинлаштирилган бўлиб, у солик хизматлари, корхона ходимлари ва бошқа кредиторларни қизиқтириди.

2. Молиявий қоплаш ёки муддатли ликвидлик коэффициенти (МКК).

Суратда пул маблағлари ва қисқа муддатли қимматли қоғозлардан ташқари буюртмачига топширилган ишлар ва хизматлар, юборилган товарлар қиймати ва ҳисоблаб ўтказилган бўнаклар кўринишида дебиторлик қарзлари бўлади.

Бу кўрсаткич етказиб берувчиларни қизиқтириди, чунки у қарзларни ўз вақтида қоплаш имконияти ҳақида дарак бериб, бу дебиторлар томонидан дебиторлик қарзларини ўз вақтида қоплаш ва уларни пул маблагларига айлантиришга боғлиқдир. Унинг белгиси бирликка тенг ёки кўп бўлган катталиқда етарли деб ҳисобланади.

3. Умумий қоплаш ёки жорий ликвидлик коэффициенти (УКК) – суратда қўшимча равишда ишлаб чиқариш заҳиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот кўринишида корхонада мавжуд бўлган айланма маблагларнинг амалдаги қиймати тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Коэффициентларни ҳисоблашдаги барча ҳолларда суратнинг факат белгиси ўзгаради, маҳраж (қисқа муддатли мажбуриятлар, кредитлар ва қарзлар) эса ўзгармай қолади. Дебиторлик қарзларини кўшганда ҳисобга факат соф дебиторлик қарзлари, яъни шубҳали қарзлар бўйича яратилган заҳираларни чиқариб ташлаган ҳолдаги дебиторлик қарзлари (82 хр. “Шубҳали қарзлар бўйича заҳиралар”) киритилади.

Коэффициентларнинг ушбу турига автономлик ёки таъминлаш коэффициентлари (АК) ҳам киради:

$$AK = \frac{\text{Ўз манбалари}}{\text{Баланс пассиви}} = \frac{320 \text{ стр.}+340+350+360}{\text{Баланснинг } 550 \text{ бети}}$$

Автономлик коэффициенти корхонанинг қарз маблағлари манбаларидан мустақиллигини акс эттиради.

7.8.2 Фойдалилик

Бу коэффициентлар фирманинг ўсиш имкониятларини билиш мақсадида ҳисобланади. Тадбиркорлар активларни харид қиласидар, фойда олиш мақсадида сотувларни амалга оширадилар. Улар таваккалчилик даражаси айнан шундай бўлган бирор-бир бошқа фирмада кўйилган капиталдан олинадиган фойда каттароқ бўлишига умид қиласидар.

1. Рентабеллик коэффициенти. Иккита нұқтаи назардан ҳисобланиши мумкин:

A)

$$\text{Сотувлар рентабеллиги} = \frac{\text{Соф даромад} \times 100\%}{\text{Сотиш}}$$

- ҳар бир сотилган 100 сўмда соф даромад қандай улушни ташкил қилишини кўрсатади. Соф даромадни нетто-сотишга бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Б)

Активлар даромадлиги = <u>Соф фойда</u> x 100%
Умумий активлар

- умумий (жами) активлар ҳар бир 100 сўмида даромадлар улушини ёки жами активлардан фойдаланиш натижасида олинган даромадлик даражасини кўрсатади.

7.8.3 Активлардан фойдаланиш самарадорлиги

1. Ишчи (айланма) капиталнинг даромадлиги – ишчи капиталдан фойдаланиш самарадорлигига баҳо беради:

Ишчи капиталининг даромадлиги = <u>Соф фойда</u> x 100%
Ишчи капитал

Ишчи ва айланма капитал жорий активлар (ликвид активлар) ва жорий пассивлар (жорий мажбуриятлар – қисқа муддатли кредиторлик қарзлари) ўртасидаги фарқни ташкил этади. Бу кўрсаткич компания фаолияти тури ва унинг мижозларига боғлиқ. Меъёрдаги тижорат фаоллигига эга фирмада сотувлар ишчи капитал ҳисобига адекват тарзда молияланиши мумкин.

2. Капиталнинг умумий айланниш рентабеллиги (КУАР):

Сотишдан тушган ялпи тушум	2 шакл 10 бет
КУАР = ----- = -----	
Баланс якуни	1 шакл 550 ёки 310 бет

3. Накд айланма маблаглар:

Айланма маблағларнинг мавжудлиги = Жорий активлар – ўз капитали - Якун 7 гр.
2А шакл = 300 – 540 бетлар – 7 гр. 2А шакл

7.9 БЮДЖЕТ НИМА ВА УНИ ҚАНДАЙ ТУЗИШ КЕРАК?

Бюджет фирма муайян вакт давомида, одатда бир йил шуғулланишни мўлжаллаган фаолиятнинг сон ва пул кўринишидаги ифодаси сифатида кўриб чиқиши мумкин.

Бюджетларни тузиш тадбиркорга бир қатор устунликларни беради:

- Фирма раҳбарияти барча вазифаларни мувофиқлаштириш имкониятига эга бўлади – таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш, маъмурий бошқариш ва б.;
- Бюджетлар кўзда тутилаётган даражага мувофиқ келиш учун муайян вактда фирма эришиши лозим бўлган кўрсаткичларни кўрсатади (масалан, фирма чорак охирида кўзда тутилган фойдани олиш учун чорак давомида қандай сотувлар ҳажмига эга бўлиши керак?);
- Бюджетларда келгусидаги йирик операцияларни таъминлаш тўғрисида зарур маълумотлар бўлади (масалан, келгуси йилдаги сотувлар ҳажми зарур жиҳозларни сотиб олиш учун етарли бўлган фойдани таъминлай оладими?);
- Бюджетлар фирманинг амалдаги ютукларини режалаштирилгани билан таққослаш имконини беради;
- Рақамли шаклда ифодаланган келгуси режалар юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни олдиндан аниклаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ўз вақтида қабул қилишга ёрдам беради.

Бюджетдан фойдаланишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар қуидагича:

- Фирма фаолиятининг битта, олдин қабул қилинган фаолият режасида "тўхтаб қолиш" хатари;
- Агарда режалаштирилган фаолият амалга тўғри келмаса, ходимларнинг салбий таъсири;
- Ишчилар ва бригадирларнинг агарда улар жорий йилда олдинги йилга нисбатан камрок ресурслардан фойдалансалар, кейинги йилда уларнинг тасарруфларида ресурсларнинг сони янада кам бўлиши хавфи оқибатида харажатлар устидан назорат йўқолиши хатари.

Бюджетлар одатда бир йилга, чораклар ва ойларга бўлинган ҳолда тузилади.

Бюджетларни тузишнинг иккита модели мавжуд:

- *Марказлаштирилган ишлаб чиқиши* – фирманинг умумий сотиш ҳажми асос хисобланади. Сўнgra ҳар бир цех, бўлим ва бригада учун бюджет тузилиб, ҳар бир босқичда бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар белгиланади.
- *Марказлаштирилмаган ишлаб чиқиши* – у ҳар бир бўлимнинг ўз бюджетини ишлаб чиқищдан бошланади ва фирманинг битта умумий бюджетига жамланади.

Корхонанинг аниқ шароитларида марказлаштирилган усулни қўллаш тавсия этилади, лекин ҳар қандай ҳолда бюджетни фирманинг барча бўлинмалари раҳбарлари билан маслаҳатлашган ҳолда тузиш лозим.

Бюджетни фаолият тури ва операциялар ҳажмидан қатъий назар барча фирмалар тузиши керак.

Бюджетлар одатда мантиқий тартибда ишлаб чиқилади:

Сотувлар бюджети

- ➔ Ишлаб чиқариш бюджети
 - ➔ Хом ашё ва материаллар билан таъминлаш бюджети
 - ➔ Хом ашё ва материаллардан фойдаланиш бюджети
 - ➔ Бевосита меҳнат бюджети
 - ➔ Умумий ишлаб чиқариш харажатлари бюджети
 - ➔ Сотилган тайёр маҳсулот таннархи бюджети
 - ➔ Тижорат харажатлари бюджети
 - ➔ Маъмурий харажатлар бюджети

Сотувлар бюджети ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, тижорат ва маъмурий харажатлар бюджетларига асосланади.

Ўз навбатида ишлаб чиқариш бюджети материаллар билан таъминлаш ва фойдаланиш, бевосита меҳнат харажатлари ва умумишлиб чиқариш харажатлари бюджетларини тузиш асосида тузилади.

Ушбу барча қайд этилган бюджетлар корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисидаги учта асосий режа ҳужжатларини тузища ишлатилади:

- Пул маблаглари бюджети (накд пул);
- Фойда ва зааралар бюджети;
- Дастробки баланс.

1) СОТУВЛАР БЮДЖЕТИ

Сотувлар бюджети фирманинг сотилган маҳсулотларининг амалда бўлиши мумкин бўлган сони ва нархининг тахмини асосида тузилади.

Хисоб-китоб оддий формула бўйича қилинади:

сотувлар	=	сотилған бирликлар	х	бирлик
		сони		нархи

2) ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЮДЖЕТИ

Ишлаб чиқариш бюджети Сотувлар бюджети ва зарур товарлар захиралари тўғрисидаги маълумотлар ёрдамида тузилади. Ушбу ҳолда кўлланиладиган формула кўйидагичадир:

Зарур	=	сотувлар (бир.)	+ давр охиридаги	- давр бошидаги
ишлаб чиқариш			зарур захира (бир.)	захира (бир.)

3) ХОМ АШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЮДЖЕТИ

Зарур таъминлаш ҳажмлари, ҳар бир давр ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда кўзда тутилаётган бошлангич ва якуний хом ашё захираларига боғлик. Ушбу ҳолда кўлланиладиган формулалар:

зарур	=	ишлаб чиқариш (бир.)	+ якуний	- бошлангич
таъминот			захира	захира

материаллар билан	=	зарур	х	бирлик
таъминлаш қиймати		таъминот		харажатлари

4) АСОСИЙ МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЮДЖЕТИ

Бевосита материаллар харажатларини аниқлаш учун кўлланиладиган формула кўйидагича:

Асосий материаллар	=	зарур асосий	х	асосий материаллар
қиймати		материаллар(бир.)		бирлиги қиймати

5) БЕВОСИТА МЕҲНАТДАН ФОЙДАЛАНИШ БЮДЖЕТИ

Бевосита меҳнат харажатлари одатда мухандислар ва меъёрловчилар томонидан ҳисобланади. Билвосита меҳнат харажатлари эса, фирманинг умумхўжалик харажатлари бюджетига киритилади.

Бевосита меҳнатни ҳисоблаш учун қўйидаги формула кўлланади:

Бевосита меҳнат	=	зарур	х	маҳсулот бирлигига	х	бевосита
харажатлари		ишлаб чиқариш		бевосита меҳнат		меҳнат соати
		(бир.)		вақти (соат)		қиймати

6) УМУМХЎЖАЛИК ХАРАЖАТЛАРИ БЮДЖЕТИ

Фирманинг умумхўжалик харажатлари доимий ва ўзгарувчангага бўлинади. Доимий харажатлар - уларнинг амалдаги катталиги бўйича, ўзгарувчан харажатлар эса – бевосита меҳнат харажатлари фоизи сифатида ҳисобланади.

Хисоблаш учун қуидаги формуладан фойдаланилади:

Умумхўжалик	=	турлар бўйича	+	бевосита	x	ўзгарувчи
харажатлари		доимий		мехнат		харажатлар
		харажатлар		вакти		% ҳисобланган

Одатда, умумий харажатлар маҳсулот чиқарилишига қараб кўпгина вариантларда ҳисобланади.

7) ТАЙЁР МАҲСУЛОТ БЮДЖЕТИ

Тайёр маҳсулот бюджети қуидаги тарзда ҳисобланади:

тайёр	=	маҳсулот	x	бирликнинг
маҳсулот		колдиги (бир.)		стандарт таннархи
бюджети				

Тайёр маҳсулотнинг стандарт таннархи (ТМСТ) маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш харажатларининг ўртача катталиги бўлиб, қуидагича ҳисобланади:

$$\text{ТМСТ} = \frac{\text{бевосита материаллар} + \text{бевосита мехнат} + \text{умумхўжалик харажатлари}}{\text{Чиқариш ҳажми (бир.)}}$$

8) СОТИЛГАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТ БЮДЖЕТИ (ТМ)

Ушбу бюджет қисмлари олдинги бюджетлар маълумотлари ҳисобланади.

Хисоблаш учун қуидаги формула кўлланади:

Сотилган тайёр	=	бошланишдаги	x	тайёр маҳсулот
маҳсулот		колдик		бирлигининг
бюджети				стандарт таннархи

9) ТИЖОРАТ ХАРАЖАТЛАРИ БЮДЖЕТИ

Бу бюджет қуидаги формулани кўллаган ҳолда доимий ва ўзгарувчан қисмларни ажратиб тузилади:

Тижорат	=	турлар бўйича	+	сотувлар x ўзгарувчи
харажатлари		доимий харажатлар		харажатлар
бюджети				турлар бўйича % ҳисобланган

10) МАЪМУРИЙ ХАРАЖАТЛАР БЮДЖЕТИ

Маъмурӣ харажатлар умуман доимий ҳисобланади, шу сабабли бир марта тузилган бюджетдан ҳар ойда фойдаланса бўлади. Унинг асосий қисмлари бошқарувчи ходимлар иш ҳақи ва бошқа маъмурӣ харажатлар ҳисобланади.

11) МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР (ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ҲИСОБИ)

Бюджетлашда кўзда тутилган операцияларнинг якуний натижалари фирманинг фойда ва заарлар ҳисобида акс эттирилади ҳамда ҳар бир режалаштирилган давр охирида кўрсатилади:

	январ	феврал	март	I чорак
Сотиш				
Сотилған маҳсулот қиймати				
ЯЛПИ ДАРОМАД				
Тижорат харажатлари				
Маъмурий харажатлар				
Жами операцион харажатлар (*)				
СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН ДАРОМАД				
Даромад солиги				
СОФ ДАРОМАД				

(*) Операцион харажатлар деганда, маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар тушунилади.

12) ПУЛ МАБЛАГЛАРИ БЮДЖЕТИ

Пул маблағлари бюджети фирманинг пул балансини тушуниш ҳамда бу балансни пулга бўлган доимий эҳтиёж ҳавфисиз хўжалик операцияларини бажариш имконини берувчи мувозанатда сақлаб туриш учун фойдалидир.

Пул маблағлари бюджетини тузиш учун қуйидаги маълумотларни тушуниш лозим: режалаштирилган даврдаги пул маблағларининг бошлангич сальдоси, пул маблағларининг тушиши ва сарфланиши.

Товарларни сотишдан тушган маблағларни баҳолаш фирманинг олдинги тажрибаси асосида қилинади.

Пул маблағлари бюджетини тузиш учун уларнинг бошлангич қолдиги, пулларнинг харажатлари ва тушуми керак бўлади. Уни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$\text{якуний сальдо} = \text{бошлангич сальдо} + \text{тушумлар} - \text{харажатлар}$$

Дастлабки баланс тенгликка риоя қилган ҳолда тузилади:

$$\text{актив} = \text{пассив}$$

Бюджетларни тузиш ишчи восита сифатида қўйилган мақсад эмас. Ишлаб чиқилган бюджетларни фирма эришган амалдаги кўрсаткичлар билан таққослаш зарур.

Бундай таққослаш икки босқичда олиб борилади:

- фаолиятига дахлдор даражада бригада, цех ва б. даражасида;
- фирма раҳбарияти ва эгалари даражасида, бунда даромадлар ва заарлар ҳисоб рақамида фирма томонидан олинган режали ва амалдаги натижалар таққосланади ҳамда бу чекланишлар сабаблари ва оқибатлари тахлил қилинади.

Бюджетларни таққослаш кетма-кетлиги наъмунасини кўриб чиқамиз:

Харажатлар номи	Жорий ой (сўм)			Давр бошидан (сўм)		
	Бюджет	Амалда	Чекла-нишлар	Бюджет	Амалда	Чекла-нишлар
1. Бевосита материаллар	880	840	-40	4000	3600	-400
2. Бевосита меҳнат	5940	6100	+160	36000	39500	+3500
3. Маъмурий харажатлар	3500	3100	-400	21000	17000	-4000

Қайд этилган ҳар бир позиция ўз навбатида яна бўлимларга бўлиниши ва деталлаштирилиши мумкин.

Бюджетларни бажариш таҳлили натижасида олинган хулосалар асосида реал бюджетларни тузиш мумкин бўлиб, улар тижорат мақсадларига эришишда тадбиркорлар томонидан самарали ишлатилиши мумкин.

7.10 БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан бухгалтерлик ҳисоби ўз тасарруфида бўлган маблағларни яхшироқ инвестиция қилиш тўғрисида асосланган қарорларни қабул қилиш учун манфаатдор томонларга хўжалик юритувчи субъект фаолияти тўғрисида маълумот йиғиш, ишлаб чиқиш ва уни бериш воситасига айланиб бормоқда.

Корхонадаги ҳисоб маълумотлари бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беришига ҳамда у ҳам бошқарувчи, ҳам ташки фойдаланувчилар учун объектив, ҳаққоний, ҳимояланган ва ундан фойдаланиш имконияти бўлишига эришиш учун унга ижодий ёндошиш ва асосий меъёрий ҳужжатларни билиш лозим.

Шу сабабли таъкидлаб ўтамизки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисботининг ташкилий-методик асослари куйидаги асос бўлувчи ҳужжатлар билан тартибга солинади:

- “Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, 1996 йил 30 август;
- Корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерлик ҳисобининг ҳисоб рақамлар режаси (2001 йил 1 январда амалга киритилган);
- Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом, 1999 йил 5 февралда тасдиқланган;
- Бухгалтерлик ҳисботининг миллий стандартлари (БҲМС) ва бошқа ҳужжатлар.

Мазкур меъёрий ҳужжатлар бухгалтерлик ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг умумий қоидаларини белгилаб, барча корхоналар ва ташкилотларга тааллуклидир. Айни вактда қайд этилган ҳужжатлар корхонанинг ушбу меъёrlар асосида хўжалик юритишнинг ташкилий-хуқуқий шакли, тармок хусусиятлари, фаолияти хусусияти ва тавсифи, ходимлар малакаси ва бошқа омиллардан келиб чиқсан ҳолда, ҳисоб юритиш ва назоратнинг муайян шакллари ва услубларини мустақил равишда белгилаш хуқукини истисно этмайди.

Бундай мустақиллик амалда келгуси ҳисбот йилига корхонанинг ўз ҳисоб сиёсатини мажбурий равишда ишлаб чиқишида амалга оширилади. Бунда моддий қимматликларни тайёрлар ва харид қилиш ва уларнинг баҳоланиши қоидалари ва тартиби, предметларни асосий воситалар, кам қийматли ва тезда эскирувчи буюмларга (КТБ) киритиш мезонлари, КТБнинг эскириши, тайёр маҳсулотни баҳолаш, бухгалтерлик ҳисобининг ишчи ҳисоб рақамлар режасини ишлаб чиқиш белгилаб қўйилиши керак. Навбатдаги ҳисбот йилига ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати корхона раҳбари томонидан тасдиқланиши лозим, шундан сўнг у юридик ҳужжат мақомига эга бўлади.

Қонун раҳбарнинг қонунчиликка риоя қилиши масъулиятига эътиборни қаратар экан, корхонада ички бухгалтерлик ҳисобини юритишнинг асосий талабларини белгилайди. Раҳбариятга бухгалтерлик бўлинмаси тузилмасини танлаш хуқуки берилган: штатда бош

бухгалтер ва тегишли аппаратни саклаш ёки хусусий бухгалтер ёки бухгалтерлик фирмаси билан бухгалтерлик ҳисобини юритишни бериш тўғрисидаги шартномани тузиш. У шунингдек, бухгалтерлик ҳисобини мустақил тарзда юритиши ҳам мумкин.

Ушбу қонунга мувофиқ бухгалтерлик ҳисобини юритишни ташкил этишга доир барча хуқуқлар ва мажбуриятлар раҳбар зиммасига юклатилади. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, раҳбар қўйидагиларни таъминлаши керак:

- Ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш;
- Хўжалик операцияларини назорат қилиш тартиби;
- Тўлиқ ва ҳаққоний бухгалтерлик ҳисоби;
- Ҳисоб хужжатларининг бутлиги;
- Ташки фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш;
- Солик ҳисоботлари ва бошқа молиявий хужжатларни тайёрлаш;
- Ўз вақтидаги ҳисоботлар.

Молиявий ҳисобот бухгалтерлик ҳисоби тизимининг якуний натижаси ҳисобланиб, молиявий фаолиятнинг бошқа турлари учун асосни таъминлайди. Қонуннинг 16 моддасига мувофиқ, молиявий ҳисобот қўйидаги шаклларни ўз ичига олади:

- Бухгалтерлик баланси;
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- Асосий маблаглар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот;
- Ўз капитали тўғрисидаги ҳисобот;
- Молиявий ҳисоботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Низомлар ва “Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги Қонун моддалари Бухгалтерлик ҳисобининг миллий стандартларида (БХМС) ўзининг келгуси ривожини топди:

- № 1 – Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот;
- № 2 – Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар;
- № 3 – Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- № 4 – Моддий-товар захиралар;
- № 5 – Асосий маблаглар;
- № 6 – Лизингни ҳисоблаш;
- № 7 – Номоддий активлар;
- № 8 – Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар ҳисобини юритиш;
- № 9 – Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- № 10 – Давлат субсидиялари ҳисобини юритиш ва давлат ёрдамини очиш;
- № 11 – Илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишланмалари учун харажатлар;
- № 12 – Молиявий инвестициялар ҳисобини юритиш;
- № 13 – Акцияга ҳисобланган фойда;
- № 14 – Молиявий ҳисоботда қўшма фаолиятда иштирок этиш улушини акс эттириш;
- № 15 – Бухгалтерлик баланси;
- № 16 – Бухгалтерлик балансини тузиш санасидан сўнг кутилмаган вазиятлар ва хўжалик фаолиятидаги юз берган ходисалар;
- № 17 – Капитал қурилишга доир пудрат шартномалари.



Яна бир бор қайтариб ўтамизки, “Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги Қонун Янги ҳисоб рақамлар режаси, “Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”,

янгиланаётган аудиторлик фаолияти түғрисидаги Қонун ва БХМС билан бир қаторда барча хұжалик юритувчи субъектлар учун ҳисоб юритиш сиёсати меъёрларининг ҳуқуқий таъминлаш асослари ҳисобланади.

Шуниси мұхимки, бухгалтерлик ҳисоби ўзича чекланган ҳолда яратилмайды ва ишламайды, у бозор иқтисодиётининг бутун инфратузилмасининг мұхим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳеч қандай иқтисодий ислоҳот, жумладан, банк тизими, соликқа тортиш, статистика ва б. бу ислоҳотларга мувофиқ келувчи, хұжалик юритищининг ҳалқаро стандартлари ва тамойиллари асосида қурилған бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи тизимисиз муваффакиятга эриша олмайды.

8 Боб

Бизнес-режа




1
2
3
4

1
2
3

1
2
3
4

1
2



8.1 БИЗНЕС-РЕЖАЛАШТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Бизнес-режани тузищдан олдин ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган товарлар (ишлар, хизматлар)га бўлган талабни баҳолаш лозим. Нима ва кимга сотилишини тушуниб олиш керак. Шундан сўнг лойиҳани ишлаб чиқишиш мумкин. Лойиҳалар одатда бир бирини тўлдирувчи муносабатлар ва шерикларнинг имкониятларига асосланган. Баъзи ҳолларда бундай лойиҳаларга доир масалаларни ҳал қилиш учун қўшма корхоналар (ишлаб чиқаришлар) яратилиб, муайян қўшма назорат асосида айрим тижорат мақсадларига эришиш учун икки ёки бир неча иштирокчиларни бирлаштиради.

Лойиҳа устида ишлаш тайёрлаш, ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш, амалга ошириш ва лойиҳа натижаларини баҳолашнинг бир неча босқичларини ўз ичига олади. Бунда лойиҳани амалга ошириш натижаларини объектив баҳолаш мумкин бўлган турли нуқтаи назарлар ва мезонлар мажмуи зарур бўлади. Юзага келган амалиётга мувофиқ лойиҳа амалга ошириладиган вазиятлар босқичлар деб аталади:

□ Инвестициядан олдинги босқич

- Инвестиция имкониятларини тахлил қилиш;
- Дастребки ТИА ни шакллантириш;
- Инвестиция имкониятлари тўғрисида маъруза


□ Инвестиция босқичи

- Битимларни тузиш тўғрисида музокаралар;
- Техник-иктисодий лойиҳалаштириш;
- Курилиш ва /ёки қайта тиклаш;
- Маркетинг;
- Ўқитиш.

□ Ишга тушириш босқичи

- Қабул қилиш ва ишга тушириш

Босқичлар ўзгаришининг принципиал чизмаси қуйидаги тарзда ифода этилади:



8.2 БИЗНЕС-РЕЖАНИНГ АСОСИЙ БЎЛИМЛАРИ

8.2.1 Бизнес-режага кириш

Сиз бизнес-режа устида ишлашда ўз фикрларингиз, ёзувларингиз ва рақамларингизни қандай жамлайсиз, биринчи навбатда кўйидагиларни белгилашга ҳаракат қилинг:

- Амалда қанча суммани қарз олишингиз лозим?
- Сизга нимага пул керак?
- Қандай муддатга?
- Уларни қаердан олмоқчисиз?
- Агарда кутинган ниятларингиз ўзини оқламаса, Сизнинг эҳтиёт режангиз.
- Сиз қарзни қоплаш сифатида таклиф этмоқчи бўлган мулкнинг жорий қийматининг ҳаққоний баҳоси.
- Сиз таъминот сифатида таклиф этаётган мулкни тезда пулга айлантириш имконияти.

Сиз бевосита бизнес-режа устида ишлашни бошлишингиздан аввал айрим дастлабки операцияларни бажаришингизга тўғри келади.

Илова хат

Бу хатни ёзиш учун Сизга яхши қоғоз керак бўлади. Унинг сифати ҳосил бўладиган биринчи тасаввурга таъсир қилади. У кетган меҳнат ва моҳирлигингизни акс эттириб, Сизнинг қиёфангизни яратсин. Харажатлар эришилган натижалар билан ўзини тўлик оклади.

Айтадиларки: “Милионердек кийиниш учун миллионер бўлиш шарт эмас”. Шундай бўлса ҳам одамлар Сизнинг ташки қиёфангизга караб Сизга баҳо берадилар. Айнан шунинг учун ташки ўрамга катта аҳамият берадилар. Иш ёки ссуда сўраб мурожаат қилганларни ҳам шундай кутиб оладилар. Сизнинг бизнес-режангизни ҳам айнан шундай баҳолай бошлайдилар.

Агарда бизнес-режангиз ссуда олишга мўлжалланган бўлса ва потенциал кредитор ёки молиявий ташкилот эътиборига ҳавола этилса, сифатли қоғозда ёзилган ҳамда Сиз ва Сизнинг мурожаат қилиш мақсадингиз билан таништирувчи илова хати қатъий равиша муҳимдир. У қуйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин:

Хурматли (исми)!

Сизга _____ (қандай лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилганлиги кўрсатилсин) учун _____ минг сўм (АҚШ доллари) микдорида ссуда беришингизни сўраб мурожаат қилаяпмиз. Биз ссудани _____ вақт давомида (бизнес-режада асосланган қопланиш муддати) қайтаришни кўзлаяпмиз.

Қарзни қоплаш учун бизнинг маблағларимиз манбаи _____ (фойда, дивидендлар, фоизлар – яни Сизнинг лойиҳангиз оқибатида юзага келувчи маблағлар) хисобланади.

Қарзни қоплаш сифатида рўйхатда келтирилган мулкни таклиф этамиз. У бажарилган таҳлилга кўра камида _____ (баҳолаш қиймати) га баҳоланиши мумкин.

Бизнинг ссудага доир илтимосимизга нисбатан Сизнинг эътиборли муносабатингиз биз учун катта аҳамиятга эга. Негаки, бу ссуда бизнинг илова қилинаётган бизнес-режамизнинг муваффақиятли ва фойдали тарзда амалга оширилишида жуда зарурдир. Агарда Сизга қўшимча маълумотлар зарур бўлса, илтимос биз билан боғланинг _____ (алоқа телефонлари, алоқачи шахснинг номи).

Чин дилдан (имзолар, исмлари, лавозимлари ва даражалари).

Илова: бизнес-режа (бизнесингиз номи)

Титул ва рақаси

Бизнес-режа

Бизнесингиз номи

_____ (ссуда берувчи ташкилот номи)га тақдим этиш учун тузилди

8.2.2 Бизнесни идентификациялаш

Бу босқичда Сиз ўз бизнесингизга ном танлайсиз, сўнгра у Сизнинг барча хужжатларингизда ва исталган жойда кўрсатилади: ташки ўлонларда, кутичалар ва ўрамларда, транспорт ва рекламада. Бу бизнесингизнинг рамзий асоси бўлиб, у Сиз ҳозир берадиган ном билан умрбод қолиши мумкиндири.

Бериладиган ном Сизнинг бизнесингизни белгилаб қолмай, мижозларга Сиз кимлигингиз ва нима билан шуғулланишингизни тушунишга имкон яратиши керак. Номланишнинг бундай ҳаётий зарурлигига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Яхши ном Сизнинг бизнесингиз ва шуғулланаётган машгулот турингизга мос келиши керак; Сизга ёки бизнесингизга ёки у жойлашган манзилга эътиборни қартиши; телефон маълумотномаси, эълонлар, ташриф варақаси ва у Сизнинг ишларингиз тақдирига ўз таъсирини кўрсата оладиган шахслар учратиши мумкин бўлган исталган жойда кўзга тушганда ижобий туйгулар уйготиши лозим.

БИЗНЕСНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ:

1. Бизнес номи.
2. Бизнес манзили.
3. Унга қандай етиб бориш мумкин.
4. Телефон.
5. Бизнесда иштирок этувчи асосий шериклар, уларнинг манзиллари ва телефонлари.
6. Корхона раҳбари, бош бухгалтери, манзили ва телефонлари.
7. Банк, манзил ва телефон.
8. Бошқа шериклар, маслаҳатчилар, уларнинг манзиллари ва телефонлари.

8.2.3 Мақсад

Бизнесингиз мақсади бундай ёрқин ишбилиармонлик гояси биринчи бор фикрингизга келган вақтдан бошлиб амалга оширилиши мумкиндек кўриниши мумкин. Лекин у бир йил ўтганидан сўнг ҳам шундай кўриниши мумкинми? Сизнинг бизнес-режангизни ўқиган молиячи ҳам бу мақсад амалга ошиши ва ривожланиш йўлига йўналтираётганига ишончи комил бўлиши мумкинми?

Бизнес-режанинг бу бўлими биринчи назарда қаралганидан кўра янада чукурроқ фикрлашларни талаб этади. Азалдан қолган “Етти ўлчаб бир кес” ибораси бу ерда жуда ўринлидир. Албатта, Сизнинг ўз шахсий мақсадларингиз бор - пул топиш ва ҳаёт даражасини яхшилаш. Мазкур бойлик орттириш билан боғлиқ бўлган мақсадлар Сизнинг фаоллигингизнинг ташқи сабаблари бўлиши мумкин. Бошқа сабаблар баъзида билвосита жамият эҳтиёжлари билан боғланиши мумкин, масалан, атроф-мухитни муҳофаза қилишга ўз ҳиссасини қўшиш, Сизнинг бизнесингизга ўхшаш бизнесларнинг этик стандартларини ошириш, одамларни иш билан таъминлаш. Агарда Сиз корхонани яратишнинг мазкур қўшимча мақсадларини аниқ баён этсангиз, Сизда ўзингизни хурмат қилиш учун кўпроқ сабаблар бўлади ҳамда Сиз ўз бизнес-режангиздан Сизнинг инвесторларингиз ёки кредиторларингиз сингари кўпроқ қониқиши хосил қиласиз.

МАҚСАД БАЁНИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ:

1. Бизнесингиз мақсадини кўрсатинг.
2. Агарда бизнес мавжуд бўлса, уни сотиб олиш ёки кенгайтириш мақсади.
3. Юқорида қайд этилган корхонага муваффақиятли раҳбарлик қилишга имкон берадиган тажрибангизни баён этинг.
4. Қанча шахсий маблағлар, бошқа шахсларнинг шахсий маблағлари, қарзлар кўринишида олинган маблагларни қўйиш талаб этилади.
5. Бу маблаглардан қанча муддатда фойдаланмоқчисиз.
6. Бу маблаглар таклиф этилаётган бизнеснинг гуллаб-яшнашига қандай ёрдам беради.
7. Сиз қандай муддатда ссудани қопламоқчисиз.
8. Ссудани қоплаш учун пул каердан пайдо бўлади.
9. Ссуданинг қопланиш имконияти ва унинг бозор қиймати.
10. Сиздан ташқари бошқа шахслар ҳам 9-бандда кўрсатилган таъминотга эгами ёки тасарруфида борми.

8.2.4 Бизнесингиз баёні.

Бизнесингиз мазмуні түғрисида, у түлік Сизнинг тасарруфингизда ёки ширкат, у ёки бу турдаги корпорация эканлиги түғрисида гапириб бериш осондек туюлади. Амалда эса, күпроқ ишлар қилингиз лозим бўлиб, бизнесингизни баён этишда ёритиш керак бўлган бир қатор рўйхатлар мавжуд.

Бир неча юз йил илгари инглиз шоири Джон Донн: “Одамларнинг ҳеч бири орол эмас” -деб ёзган эди. Сизнинг корхонангиз ҳам янада кенгрок ижтимоий муҳитда ишлайди. Сиз алоқа қиласидиган одамлар ҳам Сиз ва Сизнинг бизнесингиз ҳақида бир неча томлаб ҳикоялар ёзишлари мумкин.

БИЗНЕС БАЁНИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ:

1. Қандай маҳсулот (ишлар, хизматлар) турларини ишлаб чиқарасиз.
2. Ишлаб чиқариш ҳажми ва тавсифи қандай.
3. Фирма ичи бошқариш тизимини ташкил этиш, маркетинг, ишлаб чиқариш ва бошқа хизматлар даражаси ва тавсифи.
4. Истеъмол талабининг амалдаги ва потенциал микдори қандай.
5. Мазкур бозорда рақобатчиликнинг асосий хусусиятлари.
6. Сизнинг асосий шерикларингиз, мумкин бўлган стратегик иттифоқчиларингиз.
7. Сизнинг маҳсулот бозорингизда қонун асосида тартибга солишинг асосий жиҳатлари ва уларнинг Сизнинг бизнесингизга таъсири.
8. Бозорнинг технологик қуролланишга бўлган талаби қандай, лицензион кўллаб-куватлаш хусусиятлари қандай ва б.
9. Иктисадиётнинг мазкур соҳасида бозор инфратузилмаси ривожланишининг даражаси ва тавсифи.

8.2.5 Бозор ва маркетинг концепцияси

Бизнесингиз мақсади ўз интилишларингизга асосланган пайтда Сизнинг бозорингиз объектив мавжуд бўлади. Бизнес-режага тааллукли бўлган барча нарсалар айтилган ва қилиб бўлинганда айнан ким ва қандай тарзда Сизнинг товарингизни ёки хизматларингизни сотиб олишига ҳеч қандай шубҳангиз қолмаслиги керак. Энг яхши илмоқ ҳам агарда унга элтувчи йўл бўлмаса, потенциал истеъмолчиларни ўзига жалб этмайди.

Сиз чиқмоқчи бўлган ёки Сиз ишлаб чиқарсан бозорнинг ҳажми ва имкониятларини баҳолаш учун Сиз мавжуд тенденциялар ва имкониятларни ўргашиб чиқишингиз лозим. Бу накд пуллар ҳаракати, фойдалилик ва бизнесингизнинг ривожланиши имкониятларини белгилаб беради.

Демография, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, асосий макроиктисодий тенденциялар түғрисидаги маълумотлар ва бошқа ахборотларни Сиз хукумат, тижорат ва бошқа шу соҳадаги манбалардан, шунингдек кутубхоналарда билиб оласиз. Сизга ихтисослаштирилган ва савдога оид журналларни муроала қилиш, ҳамкасларингиз билан мулоқотда бўлиш ҳамда ахборот тармоқларидан фойдаланишга тайёрлигингиз ёрдам беради.

Реклама орқали яхши ўйлаб чиқилган маркетинг ва жамоатчилик билан алоқалар – мазкур сценарийнинг таркибий қисмидир. Бу мақсадларга бюджетнинг 0,5—10% ажратиб, мазкур воситалардан самарали фойдаланиш юзасидан доимий кузатув ўюштириш лозим. Ниҳоят,

энг асосийси: агарда Сизнинг синчилаб ўрганилган асосий режангиз кўзда тутилганидек ишламаса, у ҳолда муқобил ва эҳтиёт вариантларини ишлаб чиқинг.

БОЗОР БАЁНИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ:

1. Асосий бозор: этник таркиб, ёш гурухлари, йироқлик, турмуш даражаси, ижтимоий мавқеи, жинси ва б.
2. Бозор ҳажми, ҳудуд ва аҳоли.
3. Бозорнинг қандай улушини қамраб олмоқчисиз.
4. Сиз бозорнинг ўсиш имкониятларини қандай баҳолайсиз.
5. Сиз бозорни кенгайтиришда қатнаша оласизми ва қандай тарзда.
6. Кўзда тутилаётган ўсишни қандай баҳолайсиз?
7. Товар ёки хизматларга нархни қандай белгилайсиз. Қандай фойдани мўлжалляяпсиз (ички бозор ва экспортга сотиш учун маҳсулотларга қандай нархни белгилашни режалаштираяпсиз, нархларни белгилашда қандай мезонларга асосланасиз).
8. Ўз рақобатчиларингиз ва уларнинг нархлари ҳакида сўзлаб беринг. Мисоллар келтиринг.
9. Маҳсулотингиз ва хизматларингизни қандай реклама қиласиз ва бозорга олиб чиқасиз. Қайси оммавий ахборот воситалари ва қандай нархларда.
10. Реклама компаниясининг бюджети.
11. Мижозларга қандай қўшимча хизматларни кўрсатишингиз керак ва уларни кўрсатишга кодир бўлиш учун нималар қилаяпсиз?
12. Сиз кредит тавсия этасизми ва қандай шартларда.
13. Кредитнинг қайтарилишини қандай таъминлайсиз.
14. Агарда Сиз товарни сотиш учун бирор бир шиорлар, рамзлар, реклама ва бошқа воситаларни ишлаб чиқсангиз, нусхалар ёки наъмуналарни илова қилинг.
15. Сотувни ташкил этиш (улгуржи ташкилотлар, ўз савдо тармоғи, сотувнинг бошқа турлари)
16. Фойдаланилган савдо маркалари (ҚҚ ташкил этилган ҳолда) ва маҳсулотнинг патент соғлиги (агарда уни ишлаб чиқариш учун патентга эга бўлиш лозим бўлса).
17. Сизнинг маҳсулотингизнинг потенциал истеъмолчилари ҳамда хом ашё ва материаллар етказиб берувчилар билан дастлабки савдо-сотиқ шартномаларини ишлаб чиқиш тўғрисида гувоҳлик берувчи хужжатларни кўрсатинг.

8.2.6 Рақобат.

Рақобат ҳар қандай ҳолда бўлади. Агарда Сиз бозордаги у ёки бу вазиятни якка ҳолда эгаллаган бўлсангиз, бу ҳолдан зудлик билан фойдаланинг. Бироқ, одатда айнан шу улушни бевосита ёки билвосита кўзлаётган рақобатчилар етарли бўлади. Бизнесга Сиздан олдин кириб келган янада йирикроқ рақобатчилардан кўпгина нарсаларни ўрганиб олиш мумкин.

Агарда Сиз тезроқ ўрганиб олишни истасангиз, рақобатчилар нимани тўғри, нимани нотўғри қилганиларини англаб олинг. Кўп ҳолларда Сиз айнан шу бизнес билан шуғулланаётган, лекин бошқа бозорда фаолият кўрсатаётгани ёки бошқа шаҳарда жойлашганлиги сабабли Сизнинг рақибингиз бўлмаган шахслардан кўп нарсаларни ўрганишингиз мумкин. Бундай тадқиқотлар малакали маслаҳатчига мурожаат қилишдан фойдали ва арzonроқдир, ва бунинг устига Сизнинг бизнес-режангизда яхши кўринади!

РАҚОБАТЧИЛАР БАЁНИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ:

1. Энг яқин рақобатчиларнинг номи ва манзили.
2. Уларнинг мақомлари тўғрисида қандай ҳакконий маълумотларга эгасиз. Бу маълумотларни нима билан тасдиқлайсиз.

3. Рақобатга қандай дош бермоқчисиз.
4. Рақобатчиларингиздан нима билан фарқ қиласиз? Ўз устунликларингизни батафсил ва аниқ баён қилинг ва зарур ҳолларда ўз рақобатчиларингиздан қандай устун келмоқчисиз.
5. Бозордаги ўз улушингизни қандай баҳолайсиз?
6. Бозорнинг муайян улушкини қамраб олишга доир қандай режаларингиз бор, бунга қанча вакт кетади ва бу неча пул туради?

8.2.7 Менеджмент

Менеджмент, ҳар қандай бизнеснинг биринчи ва асосий таркибий қисмидир. Инсондан ёки ишларни бошқарувчи одамлардан биринчи навбатда ишларнинг юришиб кетиши ёки биринчи тўсикқа учраши билан инқирозга келиши боғлиқ бўлади. Якка тартибда эгалик қилинаётган бизнесни баён қилиш жуда осон, айни вақтда кўпгина одамлар бошқарувида бўлган бизнес эса муайян қийинчиликларни туғдиради.

Бошқарувчилар командасининг барча аъзоларини катталаштирувчи ойна орқали имкон қадар объектив равишда кўриб чиқиш керак. Айниқса бу шерикларга ва Сиз ўз зиммангизга ололмайдиган вазифаларни бажариши лозим бўлган, ёлланма ишчиларга тегишлидир. Бундай тобелик Сизни заиф қилиб кўяди, шу сабабли бизнес-режани тузища юзга келиши мумкин бўлган барча мураккабликларни эътиборга олиш керак, шундагина у прагматик ва ишга қобилиятли бўлади.

Биз ҳеч қачон шуни қайтаришдан чарчамаймизки, менеджмент — корхона гуллаб-яшнаши ёки инқирозга учрашини белгиловчи биринчи рақамли омилдир. Албатта, пул ҳам муҳим, ҳатто ўз ишини бошлаётган кўпгина тадбиркорлар уни биринчи ўринга қўядилар. Лекин тажрибали тадбиркорлар ва молия ташкилотларининг ходимлари айнан Сиз янги иш ривожланиб кета олишини белгилайдиган омил эканлигинизни биладилар.

Бизнес-режани яратиш босқичи эмоционал сабабларга қўра ҳам қийиндир. Мана Сизни олайлик, тайёр тадбиркор – саботли ва истеъодли. Сизда заиф томонлар борлигини тасаввур қилиш ҳам қийин. Бироқ, сухбат Сизнинг пулларингиз ва Сизнинг тақдирингиз ҳақида борајпти. Агарда Сизга маслаҳат, тажриба, билим етишмаётган бўлса, буларни вақтингизни ва шундай қийинчиликлар билан ишлаб топган пулингизни кетказишдан олдин олинг.

МЕНЕДЖМЕНТ БАЁНИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ:

1. Бизнесдаги ҳар бир муҳим шахснинг хизматлари рўйхатининг батафсил баёни.
2. Барча асосий раҳбарлар тажрибасини янги бизнес эҳтиёжлари билан солиширинг.
3. Юқорида қайд этилган шахсларнинг хизмат мажбуриятлари қандай, уларнинг иш ҳақлари ва бошқа тўловлар.
4. Менеджментда қандай ёрдамни зарур бўлган ҳолда олишингиз мумкин.
5. Сиз фойдаланадиган менеджмент тизими қандай: бошқариш қарорларини қабул қилиш жараёни, корхонанинг алоҳида бўлинмалари (функционал хизматлар) ўртасидаги алоқалар ва б.
6. Юзага келган бошқариш тизими Лойиха талабларига қай даражада мувофик келади.
7. Мавжуд менеджмент тизимини янги шароитларга мослаштирилишини таъминлашни қандай режалаштирајпсиз, шунингдек доимий равишда ўзгариб турган бозор шароитларида унинг мосланувчанлиги.

8.2.8 Ходимлар

Ходимларни танлаш яна бир масъул қарор хисобланиб, унинг асосланиши бизнес-режада ўз ўрнини топиши лозим. Кўпгина кичик корхоналар ривожланишининг бошланғич босқичида

унинг эгалари, баъзи ҳолларда оиласи билан икки сменада ишлаб, ташки ёрдамсиз ўз ишларини уddyалайтилар. Ҳеч бўлмаганда, ёрдамчилар одатда хафтасига 20 соатдан кам бўлган ҳолда қўшимча ёки бирор бир бошқа асосда ишлайдилар. Лекин ишбай ёки вақтбай тўлиқ иш кунида ишламайдилар.

Режалаштириш билан шуғулланаётганингизда ёрдамчилар тўғрисидаги масалани иложи борича батафсилоқ қўриб чиқиши керак, чунки бу қарорга Сизнинг накд пулларга бўлган эҳтиёжингиз боғлиқ бўлади. Одатда ходимларга тўланадиган ҳақни улар даромад келтирунга қадар бошлаш керак. Сизнинг бизнес-режангизни ўқийдиган молиячи Сизнинг ёлланма ходимлар олдидағи мажбуриятларингиз ва уларнинг Сизнинг накд маблағларингиз динамикасига бўлган таъсирига катта аҳамият беради. Ёдингизда бўлсинки, тегишли ҳужжатда баён этилган, яхши ўйлаб чиқилган ишчи кучидан фойдаланиш сиёсатига эга бўлиш доимо фойдалидир.

ХОДИМЛАРНИ ТАНЛАШ БАЁНИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ:

1. Одамларни ёллаш керакми? Агарда керак бўлса, уларнинг лавозимлари, мажбуриятлари доираси ва иш ҳақлари қандай бўлади.
2. Уларни ўқитиш ва қандай қўшимча тўловларни уларга беришингиз лозим.
3. Факат тўлиқ бўлмаган иш кунида ишловчилар билан қоникишингиз мумкинми.
4. Оилангиз аъзоларидан ходимлар сифатида фойдаланишни кўзда тутганмисиз.
5. Агарда Сиз бизнесга раҳбарлик килишни давом эттира олмасангиз, бу ҳолда кўзда тутилган ишларни топшириш жараёнини қисқача баён этинг.

8.2.9 Жойлашиш

Сизнинг бизнесингиз жойлашган манзил банкдаги ёки бошқа молия ташкилотидаги сухбатдошингизни жуда қизиктиради. Бизнес соҳасидаги эксперталрга яхши маълумки, масалан улгуржи савдо корхоналарининг муваффақиятли иши учта омил билан белгиланади: жойлашиш, жойлашиш ва жойлашиш.

Ижара шартномасини тузиш муаммосига эътибор билан қаранг. Бизнес-режадаги бу масалани у Сизнинг ишингиз ишончлилигига ёрдам бериши ва амал қилишингизга асос бўлиши, шунингдек молиявий ходимни тўлиқ қондириши учун эҳтиётлик билан акс эттириш керак. У билади ва Сиз ҳам шуни тушунишингиз керакки, бу ерда йўл қўйилган хато Сизни бизнесингиздан маҳрум қилиши ва бир неча йилга муваффақиятсизликларни олиб келиши мумкин.

Сизнинг жойлашишингиз хусусиятлари билан боғлиқ бўлган солиқ имтиёzlари ва қўшимча харажатларни, инфратузилма билан таъминланганлик ва кўпгина бошқа жиҳатларни эътиборга олиш керак.

Буларга коммунал хизматлар, бинони таъминлаш чегирмалари, ахлатни тозалаш, бинонинг Сизнинг эҳтиёжларингизга мослашиши ва бошқа шу каби “майда-чуйдаларни” қўшинг.

МАНЗИЛНИ ТАНЛАШНИ АСОСЛАШНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ:

1. Бизнесингизни жойлаштириш учун танлаган жойингиз сабабларини келтиринг.
2. Унинг атрофлари қандай?
3. Ушбу худудда фаолиятга доир қандай чеклашлар бор?
4. Қандай корхоналар ёнингизда ишлайти ва улар Сизнинг рақибларингиз бўлиши мумкинми?
5. Нимага Сиз айнан шу жойни танладингиз?

6. Бошқа варианtlарни ҳам күрдингизми?
7. Ижара ёки харид қиймати қандай?
8. Бу ерда доимий қолишни мүлжаллаяпсизми? Йўқ бўлса, бошқа жойга кўчиши қачон режалаштираяпсиз?
9. Сиз жойлашган ёки жойлашмоқчи бўлган бино Сизнинг мулкингизга кирадими ёки уни ижарага олганимисиз?
10. Ижара, солик шартлари, ижарани чўзиш муддатининг шартлари ва ижара ҳақининг ошиши шартларини баён этинг.
11. Сиз жойлашмоқчи бўлган бино чизмасини келтириңг.
12. Агарда Сиз бинони қайта қурмоқчи ёки янгилаштироқчи бўлсангиз, бинонинг қайта қуришдан сўнгти чизмасини ва талаб этиладиган харажатлар баҳосини келтириңг.

Кейинги жараён бизнес учун энг яхши жойни белгилашга ёрдам беради. Ҳар бир вариант учун пастда келтирилган омилларни беш балли чегарада баҳфланг, беш балл энг қулай шарт-шароитларга мос келади. Сизнинг бизнесингизга алоқаси бўлмаган омилларни ҳисобга олманг.

Омиллар	1	2	3	4	5
---------	---	---	---	---	---

1. Бу ҳудуддаги харид фаоллиги.
2. Кириш қулайлиги.
3. Транспорт воситаларининг серҳаракатлиги.
4. Пиёдаларнинг серҳаракатлиги.
5. Тўхташ жойларининг мавжудлиги.
6. Жамоат транспорти билан алоқалар.
7. Кўчанинг жойлашиши.
8. Энг яқин рақобатчилар.
9. Кўргазмалар учун жой.
10. Кириш ва чиқиш қулайлиги.
11. Юкларни етказиб бериш учун бинонинг ён томонидағи кириш.
12. Зарур коммунал хизматлар.
13. Бинонинг аҳволи.
14. Ижара тўғрисидаги битимни ўзgartириш зарурлиги.
15. Ижара қиймати.
16. Ижара муддати.
17. Хона бўшатилиши мумкин бўлган давр.
18. Ҳудудда фаолиятни чеклаш.
19. Ҳудуднинг тарихи.

Жами

Энг катта суммани тўплаган бизнеснинг жойлашиш варианти устун ҳисобланади.

8.2.10 Молиявий маълумотлар

Агарда Сиз бу бўлимни яхши тайёрлаб чиқмасангиз, олдиндан айтиш мумкинки, ҳеч нарсага эришмайсиз. Бизнес-режанинг айнан шу қисмини потенциал кредитор барчасидан яхши тушуниши ва айнан уни тўлиқлик, аниқлик ва ҳаққонийлик жиҳатидан синчиклаб тадқиқ

қилиши мумкин. Агарда Сиз ташқаридан капитал жалб этмасангиз ҳам рақамларни ҳақиқатдан йироқлаштиримай, пишиқ-пухта тайёрлашингиз керак. Ўта оптимист бўлгандан кўра, хатога йўл қўйиб, кутилаётган фойдани камайтирган маъкул, чунки биринчиси балансни чиқаришда зарарлар келтириб, жиддий жазолайди.

Ушбу қўлланма огоҳлантирадиган бошқа хавфларни ҳам эсдан чиқармаслик фойдадан ҳоли эмас. Ўз режаларингизни ҳаёлий фикрларда қурманг, тажрибаларингиздан фойдаланинг ва билган одамлар билан алоқада бўлинг. Бизнесда шундай аксиома борки, ҳар қандай синчиклаб ишлаб чиқилган режа ҳам инқирозга юз тутиши мумкин.

Сизга тобе бўлмаган иқтисодий омиллар, табиий оғатлар (сугурта компанияларининг севган мавзуси), мижозларнинг манфаатлари тезда ўзгариши билан боғлиқ бўлган кутилмаган мураккабликлар, йўл тармоқлари ёки маҳаллий қонунларнинг ўзгариши, сотувлар ва тушумларни камайтириб юборувчи иқтисодий тушкунлик – буларнинг бари Сиз ҳозирча кутилмаган вазиятлар, деб тавсифловчи шароитларга қарши курашиш учун етарли даражада захираларга эга бўлишга Сизни ишонтириши керак.

A. Маблағларга бўлган эҳтиёж

Бизнесни юритиш учун капитал талаб этилади. Агарда Сиз уйда ишловчи маслаҳатчи бўлиб, Сизнинг харажатларингиз нолга тенг бўлса ҳам, бизнесингиз Сизнинг фаолиятингизни таъминлаш учун етарли бўлган даромадларни келтиргунча, Сиз харажатларнинг мухим моддаси – кундалик эҳтиёжларингиз учун жорий харажатларни қоплашингиз керак.

Бирок, қуйидаги вазиятларни ёдингиздан чиқарманг: а) жамғармаларингиз улардан айланма маблағ сифатида фойдаланиш учун етарли бўлиши мумкин; б) оиласигиз аъзолари ўз молиявий захираларини бирлаштиришлари мумкин; в) Сизнинг тадбиркорлик гояларингиз маъкул бўлган дўстларингиз Сизни кўллаб-қувватлаши мумкин; г) пул биринчи қарашда туюлгандан кўра камроқ керак бўлиши мумкин; д) Сиз жиҳозларни сотиб олмай, уларни ижарага ёки лизингта олишингиз мумкин; е) Сиз ходимларни бундан келиб чиқувчи маъсулият ва харажатлар билан тўлиқ иш кунига эмас, балки қўшимча тарзда ишга ёллаш ёки муайян ишларни бажариш учун битимлар тузишингиз мумкин; ж) Сиз капиталини берадиган ва даромадларда иштирок этадиган таъминланган шерикни жалб этишингиз мумкин; з) Сиз тадбиркорларни кўллаб-қувватловчи бирор бир институт ёки товар етказиб берувчиларингиздан грант орқали молияланишингиз мумкин; и) қарзга олган пувларингизни бизнесингиз орқали оладиган фойдалар ҳисобидан, одатда фоизлари билан қайтаришингиз керак.

Агарда Сиз бу ҳолларни ҳам инобатга олиб, ташқаридан капитал жалб этишни кўзлаган бўлсангиз, олдиндан Сиз сўрамоқчи бўлган суммани кредитни таъминлаш сифатида таклиф этадиган мулкнинг жорий қиймати ва унинг қимматлиги билан албатта солиштиринг.

Охир натижада маблағларга бўлган эҳтиёжларнинг умумий ҳажми қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

1. Маркетинг харажатлари. Омиллар:

- Ўз таъминлаш ва сотиш каналларининг мавжудлиги;
- Маҳсулотни бозорга олиб чиқиш учун қўллаш режалаштирилаётган реклама тури.

2. Моддий захиралар. Омиллар:

- Хом ашё базасининг мавжудлиги, маҳаллий ва хорижий хом ашё манбаларининг мавжудлиги, маҳаллий хом ашёнинг мувофиқлиги;
- Технология талаблари;
- Хом ашёга бўлган лойиҳавий эҳтиёж, етказиб бериш дастурлари;

- Энергия ресурсларига (электр энергияси, иссиклик энергияси ва б.) бўлган лойиҳавий эҳтиёж;
- Энергия ресурслари манбаларининг мавжудлиги;
- Манбалардан фойдаланиш рухсатномасининг мавжудлиги.

3. Объектнинг жойлашиши. Омиллар:

- Хом ашё ва тайёр маҳсулотни сотиш бозорларидан йироқлик;
- Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг мавжудлиги;
- Атроф-мухит экологиясига таъсир даражаси.

4. Лойиҳалаштириш ва технология. Омиллар:

- Жихозларнинг ишончлилиги ва етказиб берувчининг кафолатлари, технологик жараённи синаш даражаси;
- Жихозларнинг қиймати ва жойлаштирилиши: ишлаб чиқариш жихозлари, ёрдамчи жихозлар, сервис жихозлари, куч жихозлари ва б.
- Корхона худудида бинолар ва корпушларнинг жойлаштириш бош режасини ишлаб чиқиш, янги қурилиш ва мавжуд иншоатларнинг мослаштирилиши: янги мұхандислик коммуникацияларининг йўлга қўйилиши ва мавжудларини мослаштириш.

5. Юклама харажатлари. Омиллар.

- МБХни таъминлаш;
- Умумзавод харажатлари ва б.

6. Солиқлар ва тўловлар. Омиллар:

- Солиққа тортишнинг амалдаги тизими;
- Солиқ имтиёзларининг мавжудлиги, у ёки бу тўловлардан озод этиш.

7. Мехнат захиралари. Омиллар:

- Мехнат захираларига бўлган талаб ва уларнинг мавжудлиги;
- Кадрларга бўлган талаб, ўқишини ташкил этиш зарурлиги;
- Режалаштирилган иш ҳақи.

8. Қарз капиталини жалб этиши тизими. Омиллар:

- Кредит (лизинг) учун фоиз ставкаси;
- Кредит қарздорлигини қоплаш жадвали;
- Кредитлаш муддатлари;
- Кредит линиясини очиш учун банкнинг воситачилик ва маъмурий чиқимлари даражаси;
- Қарзни сугурталаш ёки кафолат берувчини жалб этиш зарурлиги ва б.

Б. Лойиҳани молиявий баҳолаш

Лойиҳани молиявий баҳолаш бир қатор кўрсаткичлар бўйича бажарилади:

- Тўлиқ инвестиция харажатлари (асосий капиталга инвестиция, ишлаб чиқариш олди харажатлари, молиявий харажатлар ва б.);
- Лойиҳани молиялаш: лойиҳалаш механизми;
- Капитал қўйилмаларининг қопланиши ва қарз маблағларининг (агарда улардан фойдаланилган бўлса) ўз вақтида қайтарилишини ҳисобга олиб иқтисодий самарадорликни баҳолаш;
- Соф жорий қиймат кўрсаткичлари ва қўйилмаларни ички қайтариш меъёрлари;
- Лойиҳанинг асосий хатарларга бўлган таъсири;
- Бошқалар.

Ҳар қандай янги лойиҳа ўз йўлида уни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи муайян қийинчиликларга дуч келади. Тадбиркор учун бундай қийинчиликларни олдиндан кўриб

билиш ва уларни бартараф этишга доир тадбирларни илгаридан ишлаб чиқиш жуда мухимдир. Ҳар бир омилнинг таъсиридан хатар даражасини баҳолаш лозим. Юзага келиши мумкин бўлган хатоликлар оқибатида йўқотишлар ҳажмини камайтириш ва умуман лойиҳанинг инқизорзга юз тутишининг олдини олиш учун лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичларида барча омилларни, ноаниқликлар ва хатарларни таҳлил қилиб чиқиш зарур. Бу ишларни хатарлар таҳлили деб атайдилар. Бизнесни ривожлантириш сценарийларининг турли варианtlарини билиш учун лойиҳани оптимистик, пессимистик ва реал варианtlарда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки баланс

Бундай баланс дастлабки деб шу маънода айтиладики, у таҳминлар ва баҳолар асосида тузилади ва албатта, муайян иш даври тугаганидан сўнг тузиладиган якуний ва амалдаги баланс ҳисоботидан фарқ қиласди. Бу ҳужжат бизнеснинг активлари, қарзлари ва ресурсларини акс эттириб, бизнес қандай капитал қўйилмаларини талаб этиши ва уларнинг қандай улуши айланма маблагларни ташкил этишини белгилаш имконини беради (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги нисбатни акс эттирувчи ҳамда фойдани белгилаш учун хизмат қилувчи баланс билан адаштирманг).

Зарар кўрмаслик таҳлили

Бу жамланган тушумлар қўйилма маблағлар билан таққосланадиган вақтни олдиндан кўра билишдир. Сиз бизнесингиз қачон бу маррага етишини ҳаққоний баҳолашингиз ва келгуси ҳаракатларингизни режалаштириб олишингиз керак, чунки айнан шу вақтдан бошлаб Сиз фойда ола бошлайсиз. Сиз бу вақтни пул кўринишида ёки товар бирлигига аниқлашингиз мумкин. Масалан: Сиз зарар кўрмаслик маррасига сотувларнинг жамланган ҳажми 1000000 сўм бўлганида ёки 10 000 та маҳсулотнинг ҳар бири 100 сўмдан сотилганидан сўнг етишингиз мумкин.

Даромаднинг дастлабки ҳисоб-китоби

Даромаднинг дастлабки ҳисоб-китоби муайян вақт оралигига, одатда гап янги бизнес ҳақида борса, ойларга бўлинган йилга, агарда бизнес йўлга қўйилган бўлса, чоракларга бўлинган уч йилга тузилади. Агарда Сизда тажрибангиз ёки бизнесингиз тарихига асосланган муайян ва аниқ рақамлар бўлмаса, у ҳолда савдо ва тармоқ нашрлари рақамларидан ёки маҳаллий шароитларга мослаштирилган равишда ҳукumat манбаларидан фойдаланиш мумкин. Ҳар ҳолда бундай таҳмин амалдагига таҳминан мувофиқ келади, чунки у фақат қўзланган мақсадларгагина асосланади. Қўзланган мақсадлар асосланган сари натижалар ҳам аниқлашиб боради. Ортиқча оптимизм йирик нохушликларга олиб келиши мумкин.

Накд пул таҳмини ва унинг ҳаракати таҳлили

Ҳаётда амалдаги соф даромад мұхим (“узоқдаги қўйрукдан яқиндаги ўпка яхши”). Сиз келгусида Сизга тўланиши лозим бўлган пулга реал умид боғлай олмайсиз, чунки у фақат бухгалтерлик дафтарларидағина қайд этилиб, Сизнинг хамёningизга келиб тушмаган. Кўпгина фирмалар, айниқса корпорациялар арzonлаштириш, эскириш ва захиралар учун тўловларни ҳам ҳисобга оладилар. Ўзингизни ҳавфсиз сезиш учун “жўжани кузда санайдилар” тамойилига амал қилинг.

8.2.11 Ҳисобдорлик

Бизнесни тўғри, аниқ ва самарали тарзда бошқариш учун Сизнинг бизнес-режангизда ўз аксини топиши лозим бўлган қўйидаги позициялар бўйича ҳисоботларга эга бўлиш керак:

- Хафталик, ойлик, чораклик ва йиллик суммали кунлик сотувлар;

- Товарларнинг мавжудлиги ва қийматини белгилаш ҳамда харидлар жадвалини түғирлаш учун ишлатиладиган товар захираларининг жорий рўйхати;
- Сотувлардан олинадиган солик.;
- Накд пулга сотувлар;
- Кредитга сотувлар;
- Мижозлар рўйхати (исми, манзили, нима сотилган, қанча пул олинган, одатда нима харид килади ва нимага);
- Товарни юритиш чоралари ва уларнинг самараси;
- Харажатларнинг батафсил баёни, жумладан:
 - Соликлар, чегирмалар ва б. ҳисобга олган ҳолда ишчи кучи қиймати;
 - Транспортни ҳисобга олган ҳолда жиҳозларни харид қилиш ва ижарага олиш харажатлари;
 - Ижара ҳақи ва ижара шартлари;
 - Кредит учун фоизлар тўлаш.

Режалаштирилаётган ёки янги бизнесда бу маълумотларнинг кўпчилиги зарур ҳолларда баҳоланади. Ишлаётган бизнесда улар жорий вақтга мос бўлган амалдаги белги бўлиши керак. Агарда Сиз мавжуд бизнесни сотиб олмоқчи бўлсангиз, у ҳолда сотувчи ушбу барча маълумотларни Сизга тақдим этиши, Сиз эса уларни бухгалтерингиз ва юристингиз билан биргаликда таҳлил қилиб чиқишингиз керак. Ҳисобот учун ёзувларни олиб бориш, ҳақиқатдан ҳам вақт ва интизомни талб этади, лекин уларга бўлган эҳтиёж ўзидан-ўзи ўтмайди. Шу сабабли Сиз ёзувларни ортга суриб, ҳисоботларни ноаниқ ва кўп меҳнат талб этувчи қилиб қўясиз.

8.2.12 Қисқача баён (резюме)

Биз бу қисмни охирига сақлаб қўйдик, вахоланки Сизнинг бизнес-режангизда у биринчи бўлади. Бизнинг нуқтаи назаримизча, бизнес-режа резюмедан бошланиши керак ва бу фикрни кўпгина таҳлилчилар ҳам билдирадилар. Албатта, резюмени тегишли тарзда мундарижага жойлаштириш керак. Сизнинг резюмеингиз – бу бизнес тўгрисидаги умумий тасавурлардир. Унда Сиз нимага эришмоқчи эканлигингиз, бизнеснинг имкониятлари қандайлиги, у қанча пул талаб этиши ва қанча даромад келтириши қайд этилган. Резюменда мақсадларга эришиш қандай капитал қўйилмаларини талаб этиши ва бу қўйилмаларнинг қандай таркиби қарз олиниши, ишлаб топилиши ва қайтарилиши лозим бўлган пулларни ташкил этиши, капитал қўйилмаларини қайтариш ҳажми ва инвесторлар, жумладан тадбиркорларнинг ўзлари маблағларини қайтарадиган муддат муҳокама этилади.

Бешта қисқача абзацлар бир бетдан кам бўлиши керак ва агарда Сиз уларни имкон қадар тўлиқ ва ишонарли кила олсангиз, улар Сизга ҳар қандай эшикларни очиб беради. Сизнинг резюмеингиз бизнес-режангизнинг моҳиятини очиб бериши керак.

8.2.13 Бошқа маълумотлар (иловалар)

Яна энг камида бизнес-режада акс эттириш мумкин бўлган расмана саволлар ҳамда кредит олиш учун мурожаат қилишда берилиши мумкин бўлган саволлар қолди. Улар кўйида келтирилган ва бу рўйхатни Сиз яна кенгайтиришингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бизнес-режага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини иложи борича тўлиқрок қилиш сабаблари: I) Сиз имкон қадар ўз аҳволингизни аниқроқ ғасаввур қилишингиз лозим ва 2) Сиз ссуда сўраб мурожаат киладиган молиявий ходим ўз қасбининг устаси билан иш олиб бораётганлигини ҳис қилиши керак.

МУМКИН БҮЛГАН ИЛОВАЛАР:

- Хуқукий ҳужжатлар (устав, таъсис шартномаси, рухсатномалар, сертификатлар ва б.)
- Молиявий ҳужжатлар (бухгалтерлик баланслари, фойда ва заарлар түғрисидаги ҳисобот ва б.)
- Жиҳозларни, хом ашё, материалларни етказиб бериш, тайёр маҳсулотни сотишга доир битимлар, мұлжалланган баённомалар нусхалари ёки шартномалар лойиҳалари.
- Аналоглар ёки йириклаштирилган күрсаткичлар асосида курилиш ёки қайта тиклаш кийматини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки ҳисоб-китоблар.
- Технологик жараённинг принципиал чизмаси.
- Агарда бизнес франчайзинг (савдо маркаси ижараси) бўлса, тегишли битимларни илова қилинг.
- Йиллик сотувлар ҳажми ва уларнинг шартларини кўрсатган ҳолда асосий мижозларнинг рўйхати.
- Харидлар ҳажмлари ва уларнинг шартларини кўрсатган ҳолда асосий етказиб берувчилар рўйхати.
- Сизнинг сугурталарингиз нусхалари.
- Сиз эга бўлган ҳар қандай патентлар ва муаллифлик ҳуқуклари.
- Ишга тааллуқли бўлган ҳар қандай расмий ҳужжатлар.

8.3 ИНВЕСТИЦИЯ ҲИСОБ-КИТОБИНИ ҚАНДАЙ ОЛИБ БОРИШ КЕРАК

Инвестиция ҳисоб-китоблари таркиби 9.4 бўлимда белгиланган талабларга жавоб бериши керак. Бироқ, уларнинг тузилмаси эркин шаклда бўлиши ҳам мумкин. Бунда улар миллий ва хорижий валюта ҳаракатлари бўлинган ҳолда акс эттирилган молиялаш чизмаларини ва иқтисодий кўрсаткичларни ўз ичига олиши керак, жумладан:

- ✓ Лойиҳани амалга оширишга инвестициялар;
- ✓ Молиялаштириш манбалари ва режаси;
- ✓ Сотилган маҳсулот ҳаражатлари;
- ✓ Соғ айланма капиталга бўлган эҳтиёж;
- ✓ Қарз маблағлари манбалари ва уларни қоплаш;
- ✓ Соликқа тортишнинг амалдаги тизими ва мажбурий тўловларни ҳисобга олган ҳолда накд пул (реал пуллар) оқими;
- ✓ Накд пулларнинг дисконтланган оқими;
- ✓ Фойда ва заарлар тахмини;
- ✓ Дисконтланган фойда;
- ✓ Тахмин қилинган баланс.

Тавсия этилаётган ҳисоб-китоблар шакли қуйида илова қилинади. Бу шакллар маҳсус дастурий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда компьютерларда ҳисоб-китобларни олиб борища куладир. ЮНИДО мазкур муаммога катта аҳамият бермоқда ва шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ЮНИДО электрон инвестиция ҳисоб-китоблар тизимидан (“КОМФАР” дастурий таъминоти) фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг Архитектура ва курилиш бўйича давлат қўмитасининг мажбурий йўрикномалари (АҚДҚнинг №73 СМваТ 1-иловаси “ТИА таркиби ва мазмун/экспертизаларни ўтказиш учун”) даражасида тан олинган.

Шуни ҳам айтиш шартки, бундай фаолият тури (ТИА, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш) – ўз касбининг усталарининг ишидир, агарда Сиз ўзингизга керак бўлган ҳужжатларни мустақил равиша тайёрлашга аҳд қилган бўлсангиз, уларга энг камида маслаҳат учун мурожаат қилишингиз керак. Қуйида келтирилган жадвалларга келсак, бу ишлар Сиз қандай ҳажм ва мураккабликда бажаришингиз лозим бўлган ишларни аниқ кўрсатиш учун қилинган.

1 жадвал. Лойиха қиймати

	Махаллий валюта	ЭАВ	Жами (ЭАВ)
Ишлаб чиқариш олди ва тайёрлов харажатлари Бинолар ва иншоотлар Мұхандислик коммуникациялари Машиналар ва жиҳозлар Шефмонтаж Үқитиш Транспорт харажатлари			
Жами белгиланған активлар			
Инвестиция давридаги фоизлар Кредитни ташкил этиш учун воситачилик ҳақи Гаровни расмийлаштириш Хом ашёни ишлаб чиқаришдан олдин етказиш			
Жами молиявий харажатлар			
ЖАМИ ДАСТЛАБКИ ЛОЙИХА ҚИЙМАТИ			
ЭАВ махаллий валюта курси:			

2 жадвал. Молиявий режа

	Махаллий валюта	ЭАВ	Жами	Молиялаш манбалари		
				Махаллий шерик	Хорижий шерик	Қарз
Капитал харажатлар:						
<ul style="list-style-type: none"> ■ Ишлаб чиқариш олди ва тайёрлов харажатлари ■ Бинолар ва иншоотлар қиймати ■ Мұхандислик коммуникациялари ■ Мавжуд технологик жиҳозлар ■ Сотиб олинған жиҳозлар ■ Транспорт харажатлари ■ Монтаж ва жиҳозларни созлаш ■ Ходимларни үқитиш 						
ЖАМИ:						
Инвестиция даврида молиявий харажатлар:						
<ul style="list-style-type: none"> ■ Курилиш давридаги фоизлар ■ Кредитни ташкил этиш учун воситачилик ҳақи ■ Кредитни бошқариш учун воситачилик ҳақи ■ Гаровни расмийлаштириш 						
ЖАМИ:						

Лойиха фаолияти бошланишидаги айланма капитал:					
▪ Ишлаб чиқаришдан олдин хом ашёни етказиш					
▪ Пул маблағлари					
ЖАМИ:					
БАРЧА:					

3 жадвал. Ишлаб чиқарии режаси.

Ишлаб чиқариш	Түлік қувватдаги сони	Йил охирдаги захиралар даражаси	Умумий сотувлардан % даги экспорт
«А» маҳсулот			
«Б» маҳсулот			
Кувватларни ўзлаштириш коэффициенти			
	1 йил	2 йил	3 йил
Ишлаб чиқариш ҳажми			
Йил охирдаги захиралар			
Сотувлар ҳажми			
Экспортта сотувлар			
Ички сотувлар			

4 жадвал. Сотувлар режаси.

	1 йил	2 йил	3 йил
ЭКСПОРТ			
ИЧКИ СОТУВЛАР			
ЖАМИ СОТУВЛАР			

5 жадвал. Түлік қувватда хом ашё ва материаллар қийматы

Номи	Үлчов бирлиги	Йиллик әхтиёж	Бирлик нархи	Умумий қийматы
ЖАМИ:				

6 жадвал. Ишчи кучи қийматы

	Сони	Үртача ойлик и/х	И/х йиллик фонди
Ишлаб чиқариш: Малакали ишчилар Ёрдамчи ишчилар МТХ			
ЖАМИ:			
Ижтимоий сұгурта өчигрмалари:			
ЖАМИ:			
Маъмурият: Бошқариш Клерклар Техник ходимлар			
ЖАМИ:			
Ижтимоий сұгурта өчигрмалари:			
ЖАМИ:			
БАРЧА:			

7 жадвал. Амортизация

Амортизация объекти	Қиймат	Эскириш фоизи	1 йил	2 йил	3 йил
ЖАМИ:					

8 жадвал. Кредитни тұлаш чизмаси

БАНК КРЕДИТИ			
▪ Имтиёзли давр			
▪ Фоиз ставкасы			
▪ Кредит суммаси			
▪ Капиталлашган фоизларни ҳисобға олған холда кредит суммаси			
Кайтариш даври	Асосий қарзни тұлаш	Фоизларни тұлаш	Жами түловлар
ЖАМИ:			

9 жадвал. Соғ ишчи капиталына доир таклифлар

	Инвестициялар	1 йил	2 йил	3 йил
Дебиторлик қарzlари				
Хом ашё захиралари				
Тайёр махсулот захиралари				
Эҳтиёт қисмлари захиралари				
ЖАМИ:				
Кредиторлик қарzlари				
Соф ишчи капиталы				
Ишчи капиталидаги үзгаришлар				

10 жадвал. Сотилған маҳсулоттың йиллик қийматы

	1 йил	2 йил	3 йил
Хом ашё ва материаллар			
Коммунал хизматлар			
Жиһозларни таъмирлаш ва таъминлаш			
Ишлаб чиқарувчи ходимларнинг иш ҳақи			
Ижтимоий сұғурта чегирмалари			
Транспорт харажатлари			
Мемлекетни мухофаза қилиш			
Амортизация			
ФАБРИКАДАГИ ҚИЙМАТИ			
Маъмурияттнинг иш ҳақи			
Ижтимоий сұғурта чегирмалари			
Мұлк сұғуртаси			
Сотишига доир харажатлар			
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚИЙМАТИ			
Фоизлар			
Сотишига доир харажатлар			
Бошқа молиявий харажатлар			
ЖАМИ СОТИЛГАН МАҲСУЛОТТЫҢ ТҮЛИК ҚИЙМАТИ			

11 жадвал. Фойда ва заарларнинг таҳминий ҳисоблари

	1 йил	2 йил	3 йил
Жами сотувлар			
Сотилған маҳсулотнинг фабрикадаги қиймати			
Ялпи фойда			
Бошқариш харажатлари			
Мулк сұғартаси			
Сотишга доир харажатлар			
Оператив фойда			
Молиявий харажатлар			
Мулк солиги			
Экология солиги			
Йўл фондига чегирмалар			
Нафака фондига чегирмалар			
Ер солиги			
Солик тўлашга қадар фойда			
Соликқа тортиладиган фойда			
Даромад солиги ставкаси (%)			
Фойда солиги			
Соликларни тўлашдан сўнг фойда			
Худудни тозалаш чегирмалари			
Бошқа чегирмалар			
Маҳсулотга ҚҚС			
ҚҚСиз фойда			
Дисконтланган фойда			
Фойдалилик коэффициенти (%)			

12 жадвал. Лойиҳага доир нақд пул оқими

	Инвестициялар	1 йил	2 йил	3 йил
Жами сотувлар				
Ишчи капиталидаги ўзгаришлар				
Сотувлардан тушган нақд пул				
Сотилған маҳсулотнинг фабрикадаги қиймати				
Мулк сұғартаси				
Оператив нақд пуллар				
Даромад				
Ўз капитали				
Фоизларни тўлаш				
Бошқа молиявий харажатлар				
Соликларни тўлаш				
Соф нақд пул тушумлари				
Асосий қарз тўловлари				
Асосий қарз тўланганидан сўнг нақд пуллар				
Нақд пулларнинг кумулятив оқими				
Нақд пулларнинг дисконтланган оқими				
Соф дисконтланган даромад				

13 жадвал. Балансга доир таҳминлар

	Инвестициялар	1 йил	2 йил	3 йил
Нақд пуллар				
Дебиторлик қарзлари				
Хом ашё захиралари				
Тайёр маҳсулот захиралари				
Бошқа захиралар				
Жорий активлар				
Белгиланган активлар				
Бошқа активлар				
Жамланган амортизация				
Соф белгиланган активлар				
Жами активлар				
Кредиторлик қарзлари				
Жорий пассивлар				
Узок муддатли кредитлар				
Ўз капитали				
Жами пассивлар				

8.4 ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА БЎЛГАН МЕЪЁРИЙ ТАЛАБЛАР

Техник-иктисодий ҳужжатларга бўлган талаблар янада тўлиқ шаклда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган инвестиция лойиҳаларига нисбатан техник-иктисодий асосланишининг ягона талаблари”да берилган.

Ягона талаблар инвестиция лойиҳалари техник-иктисодий асосланишининг (ТИА) асосий мазмуни ва тузилмасини белгилаб беради. Мазкур ҳужжатга кўра ТИА инвестиция лойиҳаларини амалга оширишининг мақсадга мувофиқлиги ва имкониятлари, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ёки амалдагиларни қайта тиклаш ва янгилаш учун энг самарали ташкилий, техник ва иқтисодий қарорларни танлашни асословчи маркетинг ва техник-иктисодий тадқиқотларнинг расмий ҳужжатлаштирилган натижаларидир.

8.4.1 ТИА асосий мазмуни

ТИА да қуийдагилар кўзда тутимиши лозим:

- Техник дараҷа ва асосий техник-иктисодий кўрсаткичларни, жумладан рақобатга бардошлиқ ва хорижий бозорда сотиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш мўлжалланган маҳсулотларни мамлакат ва хорижий аналоглар билан қиёслаш йўли билан вариантили ишлаб чиқиши асосида инвестициялардан фойдаланишининг самарадорлигини таъминлаш;
- замонавий технологияларни, илғор хорижий ва мамлакат тажрибаларининг янги ютуқларини қўллаш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший мақсадларга мўлжалланган обьектларни қуриш масалаларини мажмуавий ҳал қилишни кўзда тутувчи тармоқ ва худудларни ривожлантириш дастурларида қабул қилинган қарорлар;
- хом-ашё, ёқилғи-энергетика, бошқа материаллар, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланишини таъминлаш;
- зилзилабардошлиқни, портлаш ва ёнғин ҳавфсизлигини, санитария-гигиена ва курилиш меъёrlари ва қоидаларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш.

8.4.2 ТИА тузилмаси

1. Лойиҳа мақсади (резюме)

2. Лойиҳа буюртмачиси

- Реквизитлар, мақом, тузилма
- Бозордаги аҳвол, мавжуд ишбилиармөнлик алоқалари ва ишбилиармөнлик мавқеи
- Мавжуд ва тахмин қилинаётган потенциал
- Иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар

3. Лойиҳа стратегияси (loyiҳани яратиш тарихи ва шарт-шароитлари)

4. Бозор ва маркетинг концепцияси

- Талаб ва таклиф
- Бозор тузилмаси ва тавсифи. Маҳсулот тавсифи, унинг бозорда рақобатга бардошлилиги
- Тармоқнинг мавжуд потенциали, рақобатчи корхоналар, тармоқ истиқболлари ва ривожланиш муаммолари баҳоси, худудий жойланиш, маҳсулот сифати
- Тармоқнинг миллий иқтисодиётдаги роли, унинг устунликлари ва мақсадлари
- Мавжуд талаб, асосий омиллар ва кўрсаткичлар, унинг ўсиш тахминлари
- Импорт ва унинг келгусидаги тенденциялари, ҳажм ва нархлар
- Маркетинг концепцияси, сотувлар тахмини
- Бозорлар манзили, бозор сегментлари
- Мавжуд потенциал маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан кутилаётган рақобат
- Сотувлар дастури, сотишни ташкил этиш
- Фойдаланилдиган савдо маркалари ва маҳсулотнинг патент соғлиги
- Маркетинг харажатларини баҳолаш

5. Моддий захиралар

- Хом ашё, материаллар, таркибий қисмлар таснифи
- Хом ашё базаси, текширилган хом ашё захираларининг мавжудлиги
- Хом ашё сифати ва уни тайёрлаш усуулларига бўлган талаб, маҳаллий хом ашёнинг технология талабларига мувофиқлиги
- Лойиҳавий талаб, материаллар ва таркибий қисмларнинг мавжудлиги ва улар билан таъминлаш, уларнинг таснифлари, етказиб бериш дастури
- Энергия ресурслари билан таъминлаш
- Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш

6. Объект манзили

- Танланган жой тавсифи
- Хом ашё ва тайёр маҳсулотларни сотиш бозорларидан узоклик, транспорт воситалари
- Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани баҳолаш
- Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш хусусиятлари, устунликлари ва чекланишларни ҳисобга олиш
- Экология, атроф-муҳитга таъсир (умумий маълумот)
- Асосий позициялар бўйича жойни танлашнинг асосланганлиги
- Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш

7. Лойиҳалаштириш ва технология

- Йиллар бўйича ўзлаштирилган ишлаб чиқариш куввати
- Технология ва жиҳозлар
- Технологиялар тавсифи, технологик жараён чизмаси, шунингдек жиҳозларнинг

- мустаҳкамлиги ва етказиб берувчининг кафолатлари (агарда етказиб берувчи аниқ бўлса)
- Технологиялар ва жиҳозларни танлашнинг асосланганлиги, устунликлар ва камчиликлар
- Технологиянинг атроф-муҳитга таъсири
- Жиҳозларни жойлаштириш чизмаси:
 - Ишлаб чиқариш жиҳозлари
 - Ёрдамчи жиҳозлар
 - Сервис жиҳозлари
 - Эҳтиёт қисмлари, воситалар
- Ноу-хауни бериш шартлари, ходимларни ўқитиш
- Маҳсулотнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ИСО 9000 серияси талабларига мувофиқлигини таъминлаш тадбирлари ва уларни амалга ошириш харажатлари
- Локаллаштириш истиқболлари (республика худудида жамловчи ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятлари)
- Курилиш:
 - Вазият режаси
 - Бош режа чизмаси, бинолар ва иншоотларнинг жойлашиши
 - Принципial ҳажм-режалаштириш ва конструктив қарорлар, уларнинг кўрсаткичлари, алоҳида талаблар
 - Жойни тайёрлаш ва ўзлаштириш
 - Муҳандислик коммуникациялари
 - Пул кўринишидаги курилиш-монтаж ишлари ҳажмлари (базис нархларида)
 - Туталланмаган курилишни ҳисобга олган ҳолда харажатларни баҳолаш

8. Ишлаб чиқаришини ташкил этиши ва қўшимча харажатлар

- Корхонанинг ташкилий тузилмаси
- Қўшимча харажатлар (умумзавод, маъмурий)
- Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш

9. Меҳнат ресурслари

- Мавжуд меҳнат ресурслари ва уларга бўлган эҳтиёж
- Ходимларга бўлган талаб, уларни ўқитиш зарурлиги ва ташкил этиши
- Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш

10. Лойиҳани амалга ошириш чизмаси

- Лойиҳани амалга ошириш босқичлари
- Лойиҳани амалга ошириш жадвали
- Лойиҳани амалга ошириш бюджети

11. Молиявий баҳо

- Тўлиқ инвестиция харажатлари
- Лойиҳани молиялаштириш: молиялаш механизmlари ва манбалари
- Сотилган маҳсулотга тўлиқ харажатлар
- Қарз маблагларининг (улардан фойдаланганда) қопланиши ва ўз вактида қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий самарадорликни баҳолаш, валютанинг қопланиши
- Лойиҳанинг асосий хатарларга бўлган таъсири
- Соғ жорий қиймат кўрсаткичлари ва капитал қўйилмаларининг ички қайтарилиш меъёрлари
- Молиявий натижаларнинг мамлакат иқтисодиётига бўлган таъсирини баҳолаш

12. Хуносалар

- Лойиҳанинг асосий ютуқ ва камчиликлари

- Қабул қилинган вариантнинг муқобиллардан устунылиги
- Ноаниклик хатарлари ва жиҳатлари
- Лойиҳани амалга ошириш имкониятларини баҳолаш

13. “А”илова

“А” илова эркин шаклда молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар чизмасини ўз ичига олиши керак. Кўрсаткичлар миллий ва хорижий валюталар бўлинган ҳолда акс эттирилади, жумладан:

- ✓ Асосий капиталга инвестициялар
- ✓ Ишлаб чиқариш олди харажатлари
- ✓ Сотилган маҳсулотлар харажатлари
- ✓ Соф айланма капиталга бўлган эҳтиёж
- ✓ Молиялаш манбалари ва режаси
- ✓ Қарз маблагларидан фойдаланиш ва уларни қоплаш
- ✓ Солиқса тортишнинг амалдаги тизими ва мажбурий тўловларни ҳисобга олган ҳолдаги накд пуллар (реал пуллар) оқими
- ✓ Накд пулларнинг дисконтланган оқими
- ✓ Дисконтланган фойда
- ✓ Фойда ва заарлар тахмини
- ✓ Тахминий баланс

14. “Б”илова

“Б” илова тасдиқловчи хужжатларнинг мажмуасини жамлаши керак, жумладан:

- ✓ Тегишли тарзда тасдиқланган ҳуқукий (устав, рухсатномалар, сертификатлар, гувоҳномалар ва б.) ва молиявий (баланслар, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисботлар ва б.) хужжатларнинг нусхалари;
- ✓ Жиҳозларни, хом ашё, материалларни етказиб бериш ва тайёр маҳсулотларни сотишга доир баённомалар, битимлар ёки шартнома лойиҳаларининг нусхалари;
- ✓ Аналоглар ёки йириклиштирилган кўрсаткичлар асосида қурилиш (қайта тиклаш) қийматининг ҳисоб-китоби;
- ✓ Технологик жараённинг принципиал чизмаси.

Ишлаб чиқариш мавжуд биноларда жойлаштирилган ҳолда:

- вазият режаси (масштаб 1:5000, 1:10000);
- бош режа чизмаси (масштаб 1:5000, 1:10000);
- Асосий технологик жиҳозлар жойлашган асосий ишлаб чиқариш биноларининг режа-чизмаси.

8.4.3 Техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар

Айрим ҳолларда ТИА ўрнига техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар (ТИХ) ишлаб чиқилиши мумкин. ТИА одатда технологик жиҳатдан сустрок бўлган амалдаги корхоналар, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуришнинг (қайта тиклаш, янгилаш) хўжалиқда зарурлиги ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаш учун, жойлашиши бошқа хужжатлар билан белгиланган, мавжуд ташки коммуникациялари бўлган жиҳозларнинг қисмларини ўзгартиришда ишлаб чиқиласди.

ТИА таркиби ва мазмунини корхона, бинолар ва иншоотлар хусусиятларига қараб, шунингдек уларга доир дастлабки маълумотлар ёки айнан шундай обьектлар маълумотлари тўлиқлигидан келиб чиқсан ҳолда ТИА учун белгиланган таркиб ва мазмунга нисбатан қискартирадилар. Одатда ТИА таркиби ва мазмуни лойиҳа ташаббусчилари томонидан уни тузиш учун бериладиган вазифада белгиланади.

“Eastern Trading House” компанияси томонидан нашр қилинди

Тиражи: 600 нусха - рус тилида
1400 нусха - ўзбек тилида

